

# КИЛИЧ ТУТГАН ҚИЗЛАР

Ўз хочингни қаҳрамонларча  
олиб юриш

ЛИЗА БИВЕР



Азиз дугонам!

Ҳозир ваҳимада ортга чекиниш вақти эмас, ҳозир Масиҳнинг Танаси сифатида туриб, севгида гуллаб-яшнаш вақти. Ўзингизнинг руҳий қиличингизни олиб ундан фойдаланиш, самони ер билан боғлаш, ерлик ниятларни самовий мақсадлардан ажратадиган Худонинг Сўзи бўлмиш қилични кўтариш пайти келди. Худо учун бугунги ва келажақдаги авлодни қуриш ва ўзгартириш, аёллар Худо уларни яратганидек, қаҳрамон бўлиш, жасорат, мардлик билан туриш, фарқлашнинг ўддасидан чиқиш, кечириш ва доноликни намоён қилиш вақти етиб келди.

Сиз ва бутун дунё бўйлаб, бошқа етакчилар билан бўлишишим учун Раббий ушбу мактубни юрагимга жойлади. Илтимос, буни менинг чин юрагимдан чиқаётган севги ва далда билан биргалиқда қабул қилинг. У сизни ва сиз ғамхўрлик қилаётган одамларни ёндиришига ишонаман, у сизни мақсад, ҳокимият ва илоҳий даъватга олиб боради.

Бу мактуб Худонинг қизлари (ўғиллари) авлодини уларда жорий манбалардан фойдаланиши учун кўтариш ва руҳлантириш йўлида мени илҳомлантирди ва Масиҳ учун янада кўпроқ меҳнат қилишга чорлади, токи улар ўз таъсир доирасида ва атрофдаги дунёда ўзгаришларни амалга ошира олсинлар.

Умид билан кутаётганлар учун, хоч ҳадя этганларини олиб юрганингизда

Муқаддас Рұхга қулоқ солинг.

Масиҳдаги синглингиз,



Лиза Бивер  
LisaBevere@ymail.com



**MESSENGER**  
INTERNATIONAL  
[MessengerInternational.org](http://MessengerInternational.org)



## ***“Қилич тутган қизлар” китоби ҳақида билдирилган фикрлар***

Аёллар ўз қиличларингизни олинглар! “Қилич тутган қизлар” китоби сизни кучда янгилайди, сиз Худонинг ҳақиқати билан қуролланганингизда, ўз жангларингизга тайёр бўласиз. Сизни олдинда осон бўлмаган синовлар кутмоқда, бу китобдаги саҳифалардан руҳланишни қабул қилинг.

— Чўпонлар Крейг ва Эми Грешель, LifeChurch.tv,  
Оклахома штати, Эдмонд

Лиза Бивер – тарихдаги энг баланд замонавий овозлардан бири. Унинг юраги Шоҳ ва Унинг Шоҳлиги деб урмоқда. У Худонинг қизларини, кўтарилиш ва ўз даъвати бўйича яшашга ўргатади.

— Шейла Уолш, китобининг муаллифи ва “Имон аёли” ҳаракатининг бош нотиқи

Лиза Бивер бутун дунё бўйлаб, аёлларни Масиҳга хизмат қилишга жон-жаҳди билан руҳлантиради ва Худонинг Шоҳлиги ёйилиши учун курашади. “Қилич тутган қизлар” китобида, имонда аллақачон, илдамлаб бораётган масиҳийлар мартабасига қўшилишга чорлов оласиз. Жангни ташлаб кетманг! Қатъий туриб, ғалабани қўлга киритинг.

— Чўпонлар Стивен и Холли Фертиқ, “Elevation Church”, Шимолий Каролина штати, Шарлотта

“Қилич тутган қизлар” – бу бугунги кундаги пайғамбарчилик нидоси ҳамда, Худонинг қизларига нисбатан, Унинг Сўзи қиличини усталик билан қинидан чиқаришга даъват. Лиза Бивер дунёга шифоланиш, ҳақлик ва тикланиш олиб келиш учун биздаги кучни юзага чиқаришда Худодан ваколатга эга. Ушбу китобни қўйидаги адолатли огоҳлантиришни эшишиб, ўқинг деб қоламан: сиз тўлиқ құдрат ва шижаат билан ҳаёт оқимиға тушиш қаршисидасаниз!

— Кристин Кейн, “Довюрак” (“Undaunted”) китобининг муаллифи ва A21 Ширкатининг асосчиларидан бири

“Қилич тұтған қызлар” китобини ўқиб, сиз қийинчиликларни жасорат билан енгиб, ҳаётда қаҳрамонларча яшашни үрганиш учун зарур бўладиган кучни қўлга киритасиз.

- Роберт ва Дебби Моррис, “Getway Church” нинг чўпонлари ва “Баракали никоҳ” китобининг муаллифларидан бири, Техас штати, Даллас/Форт Уорт

Биз тарихдаги ҳайратли даврда яшамоқдамиз; бугун сайёрамизда, қайғы, азоблар ва юрак жағолари нақадар кўп, бироқ бизда ўзгаришларни амалга ошириш ва муаммолар ечимининг бир қисмига айланиш учун ажойиб имкониятлар мавжуд. Лиза Бивер ўзига хос үслубда, биз Шоҳнинг қизи, эпик жангнинг бир қисми эканимизни ва биз тайёр бўлишимиз зарурлигини англатмоқда. Ҳозир ортга чекиниш вақти эмас! Ушбу “Қилич тұтған қызлар” китобини ўқиб чиқинг ва сони ортиб бораётган, жангга мардонавор тарзда кираётган аёллар қаторига қўшилинг!

- Холли Вагнер, “GodChicks” ташкилотининг асосчиси ва “Warrior Chicks” китобининг муаллифи

“Қилич тұтған қызлар” китобида Лиза Бивер бизда ғалабакорларни кашф этади ва бизни Худо яратган аёлга муносиб бўлишга руҳлантиради. Ундаги Жамоатни бир бутунликда ва Худонинг Сўзига эга бўлган ҳолда кўриш иштиёқи юқумли ва жонли. Сиз қаерда бўлишингиздан қатъий назар, бу мактуб ўз қиличингизни “чархлашга” ва кундалик курашларингизда оғзингиздаги ҳақиқат билан жанг қилишга куч беради.

- Стовалл ва Керри Уимс, “Celebration Church” нинг чўпонлари, Флорида штати, Жексонвиль

Лиза Бивер ғоят ажойиб инсон, мақтовга лойиқ муаллиф ва бутун дунё бўйлаб аёлларнинг кучли ҳимоячиси. Лиза бу дунёда аёллар ақл-бовар қилмас синовлар билан тўқнашишини чиндан ҳам тушунади, бироқ у учун, аёллар Худонинг режасида маҳсус ўринга эга эканини тушуниши, бундан ҳам мухимроқ. “Қилич тұтған қызлар” китобида Лиза аёлларга, Худо уларни Ўз Сўзи билан қуроллантиргани, уларни қаҳрамон қилгани ва донолик, ибодат ва Исо Масиҳдаги куч орқали улар бу хавфли дунёда ғалаба қозона олиши ҳамда, ҳар қандай адолатсизлик устидан зафар қозонишини тан олишга ёрдам беради. Бу ёши, миллати

ва эътиқодидан қатъий назар, ҳар битта аёл ўқиб чиқиши зарур бўлган мұхим китоб.

— Жоэл ва Виктория Остин, “Lakewood Church» нинг чўпонлари, Техас штати, Хьюстон

“Худонинг Сўзи – Худонинг қиличи”дир, бу сўзлар менга жуда ёқди. Катта ҳажмли мазмундан мисоллар ва ўҳшатишлар ёрдамида, Лиза душманимизнинг кейинги ҳаракатини сезиш билимига эга бўлиш ҳақида, юқори даражадаги иштиёқни етказиб берган.

— Каролина Лиф, олим, патолог, “Менинг онгимни ким ўчириб қўйди?” китобининг муаллифи

Лиза Бивер жон-жаҳд ва ихтирочилик билан, ҳар биримизни имон қиличини олишга ва Худонинг Шоҳлиги учун жасорат кўрсатишга тақлиф қилмоқда. Бу янги китобнинг ҳар битта саҳифаси, Лизанинг ўқитувчи сифатида кучли хизматкорлигидан дарак беради ва жанг, охир-оқибат Раббийга тегишли эканини эслатади.

— Бет ва Мэт Рэдман, ҳамду-сано қўшиқларининг муаллиф-ижрочилари ва сажда хизмати етакчилари, Буюк Британия

“Қилич кўтарган қизлар” – бу Лиза Биверга Худодан аёлларни руҳлантириш ва аслаҳалаш учун берилган қобилиятнинг мислсиз намунаси, токи улар тикланиш ва зарур воситаларга эга бўлсин, эпик жангда ўзининг тўғри ўрнини эгалласин ҳамда, бутун тарих давомида, атайин аёлларни нишонга олаётган душманнинг устидан ғалаба қозонсин.

— Крис ва Жой Хилл, “Potter’s House” жамоатининг чўпонлари, Колорадо штати, Денвер

Биз Лиза Биверни LIFE Today каналида тез-тез ташриф буюрадиган меҳмон сифатида кўриш шарафига эгамиз. У талай йиллар ичида, бизнинг Осиёни ҳам ўз ичига оладиган, халқаро миссия гурухимиз билан биргаликда, қулликка сотилиш қурбонлари бўлган аёлларга ёрдам бериб келди. У ёлғиз Худонинг Сўзи бўлган қилич билан енга олиш мүмкинлигини яхши ўзлаштириб олди. Унинг мактуби аёлларни руҳлантириш ва тайёрлашда кўмаклашади, шу жумладан, руҳий жанг учун ҳам фойдали.

— Иаков Бетти Робисон, “LIFE Outreach International”



# ҚИЛИЧ ТУТГАН ҚИЗЛАР

Үз хочингни қаҳрамонларча  
олиб юриш

**ЛИЗА БИВЕР**

**Girls with Swords** by Lisa Bevere, Uzbek

© 2022 Messenger International

MessengerInternational.org

Originally published in English as Girls with Swords

Additional resources in Uzbek by John and Lisa Bevere are available for free download and video streaming at

**MessengerX.com** and on the **MessengerX** App

To contact the Author: LisaBevere@ymail.com

This book is a gift from Messenger International and is  
NOT FOR SALE

**«Қилич тутган қызлар»**, Lisa Бивер, Ўзбек тилида

© 2022 Messenger International

MessengerInternational.org

Илк бора инглиз тилида, «Girls with Swords»

номи остида чоп этилган

Жон ва Лиза Биверлар томонидан қўшимча манбаларни,  
Ўзбек тилида

**MessengerX.com** ва **MessengerX** иловаси орқали  
бепул кўчириб олиш мумкин.

Муаллифнинг электрон манзили: LisaBevere@ymail.com

Бу китоб – “Мессенжер Интернэшил”нинг ҳадяси  
ва СОТИШ МАН ЭТИЛАДИ.



App Store АҚШда ва бошқа мамлакатларда рўйхатта олинган Apple Inc.  
нинг товар белгисидир. Google Play логотипи Google LLC нинг товар белгиси  
хисобланади.

• • •

*Барча опа-сингилларга қиличлар тарқатылсın, овозимизни күтәрамыз өт қиличларымызни қинидан чиқарамыз.*

*Сиз шавкатли әзгу фазилаттарга бой Жангчынинг қизларисиз. Худо абадий ва У бизнинг оғзимиз орқали яратишга қодир. Сўз қўлингиздаги тирик ва енгилмас қилични акс эттиради. Сизга тенгги йўқ қурол ва бунгача ҳеч қачон бўлмаган давр ишониб топширилган.*

*Моҳирона усталик, чаққонлик, синчковлик ва тантанавий севги билан унга эгалик қилинг ва хатога йўл қўйманг.*

*“Сени паҳлавоннинг қиличи каби қиласман”.*  
– Закарияҳ 9:13



## **МУНДАРИЖА**

Муқаддима ..... XI

### **БИРИНЧИ ҚИСМ. ТАНЛАНГАН**

|   |    |
|---|----|
| 1. Сиз – нишонсиз .....                 | 3  |
| 2. Қиличнинг туғилиши .....             | 17 |
| 3. Сиз қаҳрамон бўлишингиз мумкин ..... | 35 |
| 4. Жанг майдони .....                   | 53 |
| 5. Хоч бу қилич .....                   | 65 |

### **ИККИНЧИ ҚИСМ. АНЖОМЛАНГАН**

|                          |     |
|--------------------------|-----|
| 6. Жангчи бўлиш .....    | 85  |
| 7. Қилични чархлаш ..... | 111 |

## УЧИНЧИ ҚИСМ. ҚУРОЛЛАНГАН

|  |     |
|--|-----|
| 8. Сұз қиличи . . . . .                  | 127 |
| 9. Ҳосил қиличи . . . . .                | 145 |
| 10. Нұр қиличи . . . . .                 | 159 |
| 11. Құшиқ қиличи . . . . .               | 173 |
| 12. Сүкут сақлаш қиличи . . . . .        | 181 |
| 13. Кечирим ва тикланиш қиличи . . . . . | 199 |

## ТҮРТИНЧИ ҚИСМ. ЮБОРИЛГАН

|                               |     |
|-------------------------------|-----|
| 14. Хочни олиб юриш . . . . . | 219 |
|-------------------------------|-----|

# МУҚАДДИМА

Қиличга эга бўлиш бир масала, ундан фойдалана олиш эса – умуман бошқа масала.

Худонинг ҳар битта ўғил ва қизига – Рұхнинг қиличи ишониб топширилган. Биз дунёдаги энг құдратли қуролдан фойдаланиш топшириғига эга жангилармиз. Бизнинг Раббимиз ва намунашимиз, Исо Масих – танага айланган Рұхнинг Қиличидир. У икки минг йил аввал бу қиличдан фойдаланди ва дунёни ўзgartирди. Ўша қилич билан У бир куни барча халқларни Ўзига бўйсундиради. Ҳозирча эса У ҳар биримизга шундай демоқда: “Отам мени юборганидек, Мен ҳам сизларни юбораяпман” (Юҳанно 20:21).


Бугунги кунда Шоҳимизнинг құдратини намоён қиласынан қызылар (ўғиллар) авлоди күтарилимоқда. Бу ҳарбийлар, уларга тақдим этилган қиличга әгалик қилиш қобилияти билан атрофига ўзгаришлар олиб келадилар. Худо менинг рафиқам Лизага, Ўзининг қызларини (ўғилларини) ўзида бор бўлган нарсадан, ўз таъсир доирасига ўзгаришлар келтиришда фойдаланишга ўргатиш учун, кучли мактуб берди.

Мен Худонинг бу буюк қизи билан, қарийб ўттиз йил турмушда бирга бўлиш бахтига эгаман. Мен унинг жамоатга эндигина келганида, ҳар қандай сиқувдан қочадиган, қўрқоқ ва журъатсиз қиздан, Шоҳимизнинг ажойиб довюрак жангчи-қизига айланганининг гувоҳиман. Бу аёлни билиш ва у билан ҳамкорлик қилиш – мен учун катта шараф. Мен Худо унга очган ҳақиқатлардан, кўп нарсаларни ўрганаман.

Бу китоб сизда бор бўлган нарсадан, қандай фойдаланишни ўргатишига ишонаман. Фақат қиличи бор киши бўлманг. Атрофига ўзгаришлар олиб келадиган тажрибали жангчи бўлинг.

– Оммабоп китоблар муаллифи ва нотиқ, Жон Бивер





### Қиличбозликдаги атамалар

**Круазе:** битта охиста ҳаракат билан амалга ошириладиган ҳимоя ёки жавобан қарши чиқиш. У рақибнинг диққатини чалғитиб, ҳужумни қайтаради ва тифни қўлдан чиқармаган ҳолда уради.

**“Жангга” ростланиш:** рақибда ҳимояга ўтишга ундейдиган, қурол билан ҳамла қилувчи ҳаракат.

**Алдаб ўтиш:** рақибда ҳимояга ўтиш истагини чақирадиган, қурол билан ҳамла ҳаракати

**Ҳамла:** санчиш мақсадида олдинга қараб ҳаракат.

**Ҳимоя:** ҳужум ёки қарши ҳужумни амалга ошираётган рақибнинг қуролини қурол билан қайтариш.

**Жавобан ташланиш:** ҳимоядан сўнг бевосита амалга ошириладиган қарши ҳужум.



**БИРИНЧИ ҚИСМ**  
**ТАНЛАНГАН**



# 1

## Сиз – НИШОНСИЗ

*Масиҳийлик – бу туш эмас, балки жанг  
ҳисобланади.*

– Уэндел Филлипс



Бизнинг дунёмиз, аллақачон зўравонлик билан тўлган ва сиз барча ёшдаги аёлларни қуролланиб, жангга киришишга таклиф қилаётганимни эшитиб, ҳайратланаётгандирсиз. Сиз қўйидаги саҳифаларни ўқиб, бетараф ҳудуд йўқлиги ҳақидаги фикрга доир кўплаб далилларни билиб оласиз деб умид қиласман. Биз қилич таъқибида яшамаймиз, бироқ унинг кучи билан яшаши бошлаш вақти келди.

Авваломбор, сизга қилич зарурлигининг сабаби, (буни англайпизми ёки йўқми) сиз эпик жанг майдонидасиз ва Ҳудо бу майдонда Унинг қизлари қуролсиз бўлишини ёки ғафлатда қолишини истамайди.

Ушбу мавзуни қўтаришнинг нақадар мұхимлиги, менга бутунлай кутилмагандар очилди. Бу 2010-йил июнь ойининг эрта тонгида содир бўлди. Мен бу пайти сафардан уйга қайтаётган эдим: мен бешта турли хил давлатларда тўрт ҳафта давомида воизлик қиласган эдим. Юқоридаги давлатлар бир-бири билан қўшни бўлмагани, аксинча бир-биридан узоқ масофада

жойлашганини таъкидлаб ўтаман. Шу боис, сафарда ўзаро 10 соат фарқ қиласиган вақтга ўрганишга ҳамда, ернинг шимолий ва жанубий ярим шаридаги давлатлараро учишга тўғри келди.

Мен ҳали вақт ўзгаришидан охиригача ўзимга келмагандим ва икки кундан бери ярим уйқу ҳолатида уйнинг у еридан, бу ерига ўтиб юрганимда, уйда ёлғиз мен ва кенжа ўғлим борлигини пайқадим. Мен унинг ёнига борганимда, у диванга унинг ёнига ўтиришимни қўли билан ишора қилиб, бирга фильм кўришни таклиф қилди. Ўғлим билан бироз завқланиб ўтириш имконияти туғилганидан шодланиб, ёнига ўтиридим ва ундан сўрадим: “Нима кўрамиз?”

“Терминатор”, - деб жавоб берди.

Шошманг, китобни ёпманг. Мен бу фильмни умуман кўз-кўз қилаётганим йўқ ва уни кўришни ҳам тавсия этмаяпман. Шунчаки мен унда бир муҳим жиҳатни топдим ва шу ҳақида китобимнинг саҳифаларида сиз билан бўлишмоқчиман. Ўша муҳим нарса, қўлингиздаги китоб “нима учун” ёзилган деган саволнинг жавобига узукка кўз қўйгандек мос келади.

Агарда сиз “Терминатор” фильмининг мазмунини билмасангиз, мен уни қисқача айтиб ўтаман. Бу Сара Коннор ҳақидаги воқеа. У зерикарли ва ўрта-миёна ҳаёт кечирадиган, кўримсиз официант аёл эди. Сара бир куни ўз баҳтимни учратаман деган умид билан яшарди. Унинг ҳар бир йигирма тўрт соати кундан-кунга бир хил тарзда такрорланаверарди. У кундузи мижозларга пишириқ ва кофе ташир, кечки пайтдаги кўр-кўронга учрашувларда эса, унга афсункор шахзодани ҳадя этишини кутарди. У кундузи ишлар, кеч тушгач, кутар эди.

Саксонинчи йилларнинг бу содда сюjetи, келажакдан келган қотил-роботнинг пайдо бўлиши натижасида кескин ўзгариб кетади. Бизнинг қаҳрамонимиз Сара, дам олиш куни олиб, унинг исмидаги бир неча аёллар ўлик ҳолда топилганини билганида, афтидан хавф остида эканини англаб етади.

Шубҳасиз, терминатор ролини Арнольд Шварценеггер исмли – Калифорниянинг ҳокими лавозимида иш юритган ҳамда, Мария Шривернинг собиқ эри бўлган актёр ўйнаган. У бошқа дунёдан келиб, ҳар битта Сара Коннор исмли қизларни

нишонга олган эди. Бу киборгга (электронлаштирилган ва техник йўл билан бошқариладиган одам) ҳеч нарса бас кела олмайдигандек туюларди. У нафақат роботлардаги ахборот устида ишлаш қобилияти ва имкониятларига эга, боз устига, у яна тишларигача энг янги автоматик қуролларга эга эди. Бундан ташқари, саксонинчи йилларнинг энг замонавий базаси ҳисобланган – телефон маълумотномасидан юлиб олинган саҳифа унинг тасарруфида бўлиб, бу варақда унинг мўлжалидаги ҳудудда яшайдиган барча Сара Коннор исмли аёлларнинг телефон рақами ва манзили ёзилган эди. Келажакдан ташриф буюрган терминатор рўйхатидаги барча аёлларни кетма-кет ва шафқатсизларча қириб ташлагани сари, бизнинг қаҳрамонимиз ваҳимага тушишни бошлайди.

У ишдан сўнг дугонаси билан бирга ижарага олган уйига қайтганида, телефонда ёзиб қолдирилган овозли хабардан, навбатдаги учрашув бекор бўлганини билиб, клубга кетади. Агарда чиндан ҳам хатар мавжуд бўлса, у ҳеч, бўлмаса оломонни ичига кириб, яширина олади. Тез орада терминатор унинг изидан тушади, кейин Арнольд қизнинг уйига қисқа ташрифидан сўнг, клубда пайдо бўлади. У ерда қурол ялтирайди ва яксон қилиш учун отишма бошланади. Тартибсизлик, қон, бақир-чақир, тиқилинчнинг орасида ҳамма омон қолиш ниятида, жон ҳолатда клубдан чиқиб кетишига уринади. Аммо бир дақиқа шошманг, ушбу мудҳиш воқеанинг ўртасида яна бир иштирокчи пайдо бўлади.

Саранинг келажакдан ташриф буюрган қотили билан бир қаторда, ўша дунёдан унинг ҳимоячиси ҳам келади ва уни ўзига тортадиган таклифни айтади: “Агарда яшашни истасанг, мен билан юр”.

Сара яшашни исташи ҳаммага равшан, шу боис, у шунга мос қарорни қабул қиласди. У бардан югуриб чиқиб, бутунлай бегона одамнинг машинасига сакрайди, сўнг улар иккови яширинишга уринишади. Бироқ қотил-терминатор ўз йўлидан қайтмас эди. Тўлиқ тезликтаги пойга бошланади. Ўқлардан машинанинг ойналари синишини бошлайди, Саранинг асаби эса ниҳоятда тараанг эди. Улар қаерга бормасин ва нима қилмасин, унинг келажакдан келган қотилини доғда қолдириб бўлмайдигандек туюлади.

Нозиккина официант қиз, эндиликда таъқиб этилаётган құрбон, нега бу эпик воқеалар (бирга жамланған иирик воқеалар дегани) унинг атрофида содир бўлишни бошлаганига заррача ҳам ақли етмас эди. Атрофида ўқлар учайдан ва машиналар бир-бирига урилаётган бир пайтда, унинг ҳимоячиси, қиз аслида ким эканини айтиб беришни бошлайди. У келажакда қизнинг тақдирода, у афсонага айланиши, ўғли орқали ёзиб қолдирган стратегиялари шарофати билан, бутун бошли қўшинлар душманга қарши жангларга отланиши кераклиги ҳақида айтади. Келажакда у бутун инсониятга қарши қаҳрамонона жангнинг бир қисмига айланиши кутилмоқда экан.

Сара бундай беўхшов воқеага аралашиб қолганига ишонгиси келмас ва қандайдир англашувмовчилик юз берганига амин эди. Ҳозирда ҳам, келажакда ҳам, у қандайдир хавф олиб келиши мүмкун деб ўйлашнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ! Вазиятга аниқлик киритиш мақсадида, Сара ўзга дунёдан келган ҳимоячисининг сўзларига эътиroz билдиради. У ҳеч қандай қаҳрамон эмас... у бор-йўғи оддий официант қиз! Унинг ҳатто, ўғли у ёқда турсин, қайлиғи ҳам йўқ! Бу барча даҳшатлар – қалтис хато, уни ким биландир адаштиришайти!

Аммо унинг ҳимоячиси, айнан у, Сара Коннор ҳақиқий қаҳрамон экани ва унинг вазифаси қизни қуроллантириш ва уни ҳимоя қилиш эканини айтади. Қиз ҳаяжондан қалтираб, ниҳоят гап нимадалигини тушунади ва беихтиёр бақириб юборади:

“Мен ҳеч нарса қилмадим-ку, ахир!”

Бунга келажакдан келган ҳимоячи жавоб беради: “Ҳозирча йўқ, энди қиласан!” Мен ўша пайт ўғлим билан диванда ўтириб, ҳеч муболағасиз, қотиб қолдим. Ушбу узоқ ўтмишдан келган “Ҳозирча йўқ, энди қиласан!” ибораси менинг ҳозирги кунимга шундай тушунча билан ёриб кирди: душман кўпинча биз ўзимиз кимлигимизни билишимиздан олдин, у бизни кимлигимизни билади. Энди ҳар биримизга, Сара ўша тунда англаган иккита ҳақиқатни ўзлаштириш вақти келди.

Севиклиларим,

1. Сиз – нишонсиз.
2. Сиз қаҳрамонга айланишингиз мумкин.

Мен мумкин дейишимнинг сабаби, танлов сизнинг қўлингизда.

## Нишон

Биринчидан, келинг, нишон бўлишнинг маъносини кўриб чиқамиз. Биз масиҳийлар сифатида, ҳаммамиз, жонимизнинг душмани ва зулмат ҳокими бўлмиш, шайтоннинг мўлжалида турамиз. Ерда Худонинг нури ва ҳаётини кўрсатувчиларга қарши курашадиган, юқори тизимга эга зулмат кучлари бор ва улар чиндан ҳам мавжуд.

Шу боис, сиз нишонда бўлишнинг аҳамиятини билишингиз муҳим.

Биз гап юритаётган “нишон” тушунчасининг синонимлари: мақсад, мўлжал, вазифа, белгиланган нуқта, якун ва ният деган сўзларни ўз ичига олади. Шайтон сизни, аслида кимлигингиздан ва ҳаётингиздаги ҳаққоний мақсадларингиздан чалғитиши ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг энг муҳим вазифаси, сизнинг диққатингизни мукаммал куч ва ҳокимиятга эга ҳаётдан олиб, сизни атайлаб вайрон бўлиш йўлига қўйишdir.

Сиз қаҳрамон эканингиз ҳақидаги ғояни ёритишда давом этиш учун, сиз ўзингизга янги ва эҳтимол, қандайдир даражада бегона манзарани жойлашингиз зарур. Бу юқоридаги фильм сюжетидан анча жиҳдийроқ манзара бўлиши керак. Ахир, зулмат шоҳлигидан келган қотил-душман, аллақачон сиз кимлигингизни тушунди. У сиздаги имкониятларни билади ва вақти-вақти билан келажагингизни барбод қилишга уринади. Мен ҳаётингизга келадиган ҳужумлар, сизнинг ўтмишда ким бўлганингиздан кўра, кўпроқ келажакда ким бўлишнингиз билан боғлиқ деб ҳисоблайман.

“Терминатор” фильмидаги бошқа дунёдан келган қотил сингари, сизнинг душманингиз ҳам, исмингизни билишини англаяпсизми? Бу сизни ҷўчитмасиз. Чуқур нафас олинг ва сиз белгиланган мақсад учун тириклигингизни ёдда сақланг. Паранойяга йўлиқманг (одамни миясига ҳар хил фиклар келадиган рӯйй касаллик) ва ҳамма нарсани ўзингизга олманг, негаки гап умуман сизнинг шахсиятингизда эмас. Ҳужум ҳар

биirimизга қарата йўналтирилган. Чунки жонимизнинг душмани учун бу кимнингдир шахсияти масаласи эмас, шунчаки бу унинг касби.

Ҳеч бир киши таҳдид солмайдиган одамларга нисбатан, мунтазам равишда кенг доирадаги қотилликни ўштирмайди. Сизнинг исмингиз ҳам худди меникига ўхшайди: масиҳий. Бу ном шунчаки бирорта диний гуруҳга тегишли бўлишдан кўра анча чуқурроқ маънони, “мойланган” маъносини билдиради. Севикли синглим, сиз Құдратли Худонинг шоҳона қизисиз. Душман ҳаммамизга ўзгача тарзда ҳамла қилаётгандек туюлса ҳам, бироқ у сизга қаршилик кўрсатиш, сизни ўсишдан тўхтатиш ва самовий даъватингиздан нигоҳингизни олиб қўйиш учун бор кучини ишлатиб, қўлидан келадиган ҳамма ишни қиласди. Бизнинг орамизда душманинг ҳужумларидан яширина оладиган ёки четда қоладиган аёл йўқ. Ҳозирги молиявий аҳволингиз, ёки оилавий ҳолатингиз, ёки ёшингиз сизни бундан сақлаб қолади деб ўйламанг.

Гап сизда ҳам, менда ҳам эмас. Агар мутлақ самимий бўлсақ, бу жанг ҳам бизники эмас. Бу Раббийнинг жанги. Биз зулмат дунёсида Унинг нур қуролларимиз.

*Жаҳон тарихининг жамики йўналиши,  
ёлғиз битта камтар инсоннинг ўзгарган  
юрагига боғлиқ бўлиши мумкин... Чунки  
айнан инсоннинг онгида ва жонида эзгулик  
ва ёвузлик ўртасида жанг рўй беради, бу  
жанг охир-оқибат ғалаба ёки мағлубият  
билин якунланади.*

– М. Скотт Пек

## Аёллар жангчи сифатида

Сиз аёл сифатида шайтоннинг ёв қўшини учун янада аниқроқ мўлжалга ва муносиб нишонга айланасиз.

“Сен билан хотин орасига, сенинг уруғинг билан унинг уруғи орасига душманлик соламан. У сенинг бошингни

шикастлайди, сен эса унинг товонини чақасан”  
(Ибтидо 3:15).

Душманлик – бу чүкүр томир отган нафрат ва муросасиз жанг ҳисобланади. Ўртадаги жар шу қадар чүкүрки, ҳар бир янги авлод дунёга келиши билан шайтоннинг нафрати ва душманлиги зўрайиб бормоқда, негаки унинг вақти тугаб бормоқда ва кун ўтган сайин, унинг жазаваси кучаймоқда. Унинг аёлларга ва болаларга нисбатан ҳужуми ҳали ҳеч қачон бунчалик разил, равшан ва кенг миқёсда бўлмаган эди.

Бу инкор этиб бўлмайдиган далил бўлиб, энг оддий баҳолаганда ҳам, ҳозирги кунда эллик миллион аёл этишмайди. “Етишмайди” деганда мен нимани назарда тутаяпман? Мен уларнинг йўқлиги ва энди уларни қайтариш имконсизлиги ҳақида айтаяпман.

Уларнинг йўқлигининг энг катта сабаби – бу гендерцид тушунчасини амалиётда қўллашни қатъий мақсад қилиб қўйишдир. Геноцид – жамиятдаги маълум бир ирқий, миллий, сиёсий ёки маданий групхни йўқ қилишни билдиради; гендерцид эса маълум бир жинсга мансуб одамларни қириб ташлашга киради.

Мара Хвистендель ўзининг “Нотабиий танлов” номли яқинда чоп этилган китобида, фожиали аҳволни юзага чиқарадиган статистикани келтирган: афтидан Осиё мамлакатларидағи 160 миллиондан ортиқ қизлар туғилиш баҳтига эга бўлмадилар, чунки бола она қорнидалиги даврида, уларни олиб ташлаб, ўлдиридилар.

Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Африка қитъасидаги давлатларда қизларнинг ҳаёти хавф остида. Бу уларни зўрлаш, сотиш, улардан қутилиш ва ҳатто, ўлдириш яхши иш ҳисобланишини кўзда тутади.

Севиклиларим, сиз ривожланган давлатда яшаётганингиз учунгина, ўзингизни хавфсизликдаман деб ўйламанг. Рақамлар алдамайди. Сизнинг туғилган жойингиз, сиз бошқа турдаги нишон эканингизни англатади. Душман-қотил бошқа томондан сизга яқинлашади ва ишончим комилки, у аллақачон, сизни

чалғитиш ва Ҳудонинг ердаги режасига киришингизга йўл қўймаслик учун жон-жаҳди билан меҳнат қилмоқда.

Мен буларнинг барини сизни қўрқитиш учун ёзмаяпман. Мен тарихдаги бугунги куннинг салмоғи ҳақида билишингизни истайман. Ҳозирги асрнинг қизи сифатида, сиз ҳужумларга дуч келаяпсиз. Қаҳрамонлик омили – сизнинг танловингиз.

Борди-ю, атрофингизда содир бўлаётганларнинг мағзини чақмасангиз, сиз бу ҳужумларни аёл жинсига ёки сизнинг шахсий имонингизга қарши деб тушунасиз ва бундан келиб чиқиб, шахсий даражада муносабат билдирасиз. Бироқ бу жанг, сиз тасаввур қилгандан-да каттароқdir. Бу жангда ўз кучингиз билан курашиб, енгишнинг имкони йўқ. Бу жанжал самовий усуllар ва қўмакни талаб этади. Ҳатто, ҳаммаси бизнинг шахсий розилигимиздан бошланса ҳам, ёлғиз ўзимиз бунинг уддасидан чиқа олмаймиз. Ҳар биримиз алоҳида абадий аслаҳалар билан қуролланган ва бошқалар билан биргалиқда меҳнат қилиш учун машғулотлардан ўтган бўлишимиз зарур.

Рақамлар қанчалик ваҳимали бўлмасин, улар бор-йўғи қуюқ туманга ишора қиласди, холос. Қўзларимизни очиб, само манашу бўшлиққа айтишни истаётган мактубларни, ўз овозимиз билан эълон қилиш вақти келди. Сюжет чизиғи, аллақачон тортилган. Бир томондан қароридан қайтмас душман қасддан сизни қириб ташлашга уринмоқда, бошқа томондан эса улуғвор Шахзода, сиз ким қилиб яратилганингизни билдириш учун, ўчмас севги билан мақсадга қараб, сиз томонга интилмоқда. Бизнинг Самовий Шахзодамиз бўлмиш, Исо Масиҳ сизни доимо севади. Унинг сизга бўлган севгиси, душманнинг нафратидан кўра, ақл бовар этмас даражада, чексиз ва турғун. Масала шундаки, сиз бу жангда қайси ролни танлайсиз. Сиз қуролсиз фуқаро, қурбон, асрга олинган бўласизми ёки қаҳрамонми?

Ушбу саволга жавоб беришдан аввал, бетараф ҳудуд йўқлигини тушуниб олишингиз жоиз. Эртами-кечми, у ёки бу томонга ўтишингиз зарур. Сустлик билан, кимдир сиз учун танлаган томонда бўлиб қолгандан кўра, доим ўз ҳолатингизни шахсан ўзингиз танласангиз, яхши бўлади. Ҳудо сизни дунё яралишидан аввал танлаганини унутманг.

“Масиҳда биз меросхўрлар ҳам бўлдик. Ҳамма нарсани йўз иродасининг нияти бўйича амалга оширган Худо йўзининг мақсадларига биноан бизни азалдан ана шу учун тайинлаган, токи Масиҳга умид боғлаган бизлар Худонинг шуҳрати мақтовига сабаб бўлайлик. Сиз ҳам ҳақиқат сўзини, нажотингизнинг Хушхабарини эшлиб, Масиҳга имон келтириб, ваъда қилинган Муқаддас Рух билан Масиҳда муҳрландингизлар. Худонинг мулки қайта сотиб олинмагунича, Худонинг шуҳрати мақтovi учун Муқаддас Рух бизларнинг меросимизнинг гаровидир” (Эфесликларга 1:11-14).

Менинг фикримча, воқеанинг якунида ҳаммаси етарли даражада оддий бўлиб қолади. Қора ва оқ, кучли ва заиф, фаол ва сусткаш, аскар ва хоин, қаҳрамон ва қурбон бор. Ҳа, бу мисоллар ғоят кескин бўлишиб мумкин, мен буларни, биз аёлларнинг бугунги кундаги ҳолатимиз ҳаддан ортиқ фожиали эканини кўрсатиш ниятида келтирдим. Бу гендерцид тўғридан-тўғри сизга хавф солаяпти дегани эмас. Тиклайдиган проактив жавоб билдиришингизга бўлган эҳтиёж, фарёд чекаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳозир ғафлатда ва қуролсиз қолиш вақти эмас ва китобимнинг мақсади айнан мана шунда ўз аксини топган.

Мен бунгача К.С. Льюиснинг “Баламутнинг хати” номли китобини тилга олиб ўтган эдим. У ерда ёш йигитни власвасага солишига уринаётган пайтдаги, кичик ёвуз руҳ ва унинг устози ўртасидаги, ўйлаб топилган ёзишмани ҳавола қилади. Бу китобнинг аҳамиятли томони шундаки, душман бизни Худога тескари қилиш учун, у қай тарзда ҳақиқатни бўзиши ва уни чаппа томонга айлантириши манзарасига бироз ойна очади.

Жинлар бир хатида, ўзларининг аёл ролини ёмон томонга ўзгартириб юбориш қобилияти билан мақтанадилар: “Бир ҳурматли аёл, яқиндагина ибодатда айтган сўзларида ҳаммаси ўз аксини топган: “Художон, мен йигирманчи асрнинг оддий қизи бўлай!” Бизнинг ишларимиз шарофати билан, бу ибодат кўпроқ шундай эшистилади: “Мени танноз, овсар ва текинхўр қилгин”.

Ушбу нашрнинг 1942-йилдаги башоратли киноясини ўқиб, йиғлагим келади, чунки унда бизнинг замонамиздаги қизларнинг чинакам ҳолати ёритилган. Матнда, хусусан тўртта сўз кучли тарзда ажратиб кўрсатилгани сезилади: “оддий”, “тенноз”, “овсар” ва “текинхўр”.

Келинг, аввал “оддий” сўзини таҳлил қиласиз. Сиз юқоридан туғилганингизда, ўзингизнинг оддийлигингиизни ортда қолдирдингиз. Бу сиз энди ғалати ёки ақли норасо бўлиб қолдингиз дегани эмас, бу сизни Худонинг ҳақлиги қоплагандা, сиз энди ўрта миёналик, одатийликдан маҳрум бўлганингизни англатади, холос. Сиз ҳали ерда яшаётган бўлсангиз ҳам, барибир сиз абадийлик қизисиз.

Кейинги сўз “тенноз”, бу бугунги кунда кам учрайдиган сўз бўлиб, васваса қилувчи ёки ҳирсли аёл бўлишни билдиради. Мана бу сўзнинг бир нечта синонимлари: эси паст, бўмбўш, ўзидан кетган аёл, енгилтак ва фоҳиша кабилардир. Минг афсуски, бу сўзларнинг бари йигирма биринчи асрнинг қўшиқларига ва маданиятига теран кириб олган.

“Овсар” сўзи илк бор ўн тўққизинчи асрда, ақл даражаси саккиз ёшли ёки ўн икки ёшли болага хос бўлган одамни таърифлаш учун пайдо бўлди. Льюиснинг гапларидағи мазмунда бу улғайишни ва қизалоқнинг тантиқлигидан, доно аёлга ўтишдан бош тортадиган аёллар наслини билдиради.

Ва ниҳоят, охирги сўз “текинхўр”, бошқаларнинг ёрдами эвазига ёки бироннинг ҳисобига яшаб, ўрнига ҳеч нарса бермайдиган инсонни таърифлайди. Бундай ҳаёт тарзи Худонинг қизи намоён этиши зарур бўлган суратнинг, тўғридан-тўғри тескариси ҳисобланади! Биз бирорларнинг ҳисобига яшамасдан, бошқалар учун қайғуришимиз, ҳаётда омади чопмаган кишиларга ғамхўрлик кўрсатишимиш зарур.

Бизнинг шахобчаларимизнинг кассаси ёнидаги журналларнинг муқовасидаги аёлларнинг суратларига кўз югуртириб кўринг. Бугун кексаликни иллат, ҳавойи ёшликтини ва очиқча ғўрликни меъёр деб атайдилар. Шахвонийлик ҳаққоний яқин мунносабатлардан юқори қўйилади, бизни ахлоқсиз тарзда яшаш-

га ва тўғри келган нарсага ёпишиб олишга чақирмоқда. Биз нақадар пастга қуладик.

Оддийлик бизга ёмон хизмат қилди, афтидан, душман биз бошқа нарса учун яратилганимизни яхши билади. Биз ибодатларимизни шакллантиришни, кимга қўйиб берамиз? Бизнинг ибодатларимиз вазиятларнинг босимиға боғлиқ бўлишига йўл қўймаслигимиз лозим. Ибодатларимиз самонинг тъсири остида янграши зарур. Ер-у осмоннинг Яратувчиси ҳаётимизнинг меъмори ва муаллифи дидир. Йигирма биринчи асрнинг қизлари самовий сўзларни, акс-садо бўлиб эътироф этиши учун вақти келди. Эҳтимол, қалбингиздаги истаклар, шу қадар буюкки, уларни ифодалаш учун сўзлар тополмаётгандирсиз, шунинг учун сизга қилич зарур.

Сиз ҳар ҳолда, эзгулик билан йўл тутадиган, етук ва бошқа одамларнинг ҳаётини бойитишга тўла ниятлик, абадий Құдратли Худода атоқли мардонавор аёл бўлишга чанқоқсиз деб тахмин қиласман.

Ушбу китобнинг мақсадларидан бири, инсон тарихининг ҳозирги вақтига йўналтирилган, жасоратли, имонга тўла ибодатлар (қиличлар) турини яратишга ёрдам беришдир.

## Эски услублар

Ҳозир қўрқиб, ортга чекиниш вақти эмас. Биз ўрнимиздан туриб, севгida гуллаб-яшнашимизнинг кези келди.

Мен Масихни қабул қилганимда, Худода мен учун режа борлигини билиб олдим. Гап фақатгина, менинг ердаги ҳаётим тугаганидан сўнгги манзилим ўзгарганида эмас. Мен энди ҳаётимда маъно пайдо бўлганини ҳис этдим. Мен қимматли нарх билан сотиб олинганман, энди менинг ҳаётим ўзимга тегишли эмас, мен уни беҳудага сарфлаб юбора олмайман. Худо мени ким қилиб яратган бўлса, буларнинг барига эришишимни У истайди.

Худо сизни яратган инсон бўлиш – бу душманнинг режаларига қарши

**Ҳозир қўрқиб,  
ортга чекиниш  
вақти эмас. Биз  
ўрнимиздан  
туриб,  
севгida гуллаб-  
яшнашимизнинг  
кези келди.**

ҳимоянгиз ва унинг ўзига қарши энг кучли ҳужумингиздир. Очиқ кўриниб турибдики, у сизнинг бу дунёга келишингизни олдини олишга эриша олмади. Худо сизнинг ичингизга жойлаган руҳий уруғни ҳимоя қилиш вақти келди. Душман сизнинг келажагингиздан қўрқанида, у сизни йўққа чиқаришни бошлайди. Ёдингизда бўлсин, душманлар зийрак бўлади, аммо улар ҳам кўпинча қўрқадилар. Улар кимга босим ўтказаётган бўлса, ўшалардан қўрқадилар. Улар сиздаги куч, уларни хатарли ҳолатга олиб келишидан хавотирланадилар.

“Қани, бир йўлини топиб уларни кўпайиб кетишдан тўхтатайлик. Аксхолда, урушбўлибқолса, улар душманларимизга қўшилиб, бизга қарши уруш қиладилар ва еримиздан чиқиб кетадилар”. Шундай қилиб, Исроил халқини оғир меҳнат билан эзиш учун уларнинг устиларидан иш бошқарувчиларни қўйдилар. Исроил халқи фиръавн учун Питом ва Рамсес деган омбор шаҳарларни қуриб берди. Лекин мисрликлар Исроил ўғилларини нақадар эзсалар, улар шу қадар кўпайиб, юрт бўйлаб ёйилиб борар эдики, Исроил ўғилларидан қўрқиб қолдилар” (Чиқиш 1:10-12, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Фиръавн унинг тазиқли услублари кўзда тутилган натижаларни бермагани ва исроилликларнинг кучини сўндира олмаганини кўриб, янада қақшатқич чораларни ўйлаб топди: гендерцид ва гўдакларни ўлдириш. Бу душманнинг янги услуби эмас; бу услубларнинг тарихи узун ва қаҳрли. Муқаддас Китобда гўдакларни қириш ҳақидаги иккита воқеани биламиз. Биринчиси Чиқиш китобида ёзилган. Миср шоҳи доя хотинларга яхудий болалари ҳақида шундай деб фармон чиқарди:

“Яхудий аёллари кўзи ёриётган пайтда доялик  
қилаётганингизда, яхшилаб эътибор беринглар:  
чақалоқ ўғил бўлса, ўлдиринглар, қиз бўлса,  
яшайверсин” (Чиқиш 1:16).

Фиръавн барча ўғил болаларни йўқ қилишни, шундоққина Мусо дунёга келиши арафасида буюрганига эътибор қаратиш мухим аҳамият касб этади. Бу қаҳрамон туғилиш вақти келгани сабабли эмасмикан? Душман юзага келиши кутилаётган

құзғалондан қүрқдимикан? Фиръавн муттасил қирғин услубини құллади, бу мавжуд бўлган иккала имкониятга ҳам барҳам берарди. Шунга қарамай, ушбу кенг кўламдаги қотиллик, Мусо исмли бола дунёга келишининг олдини ооломмади. Тақдирнинг мушкулотлари орасида, у Фиръавннинг уйида, ўғил сифатида хавфсизликда қўним топди.

Мусонинг кимлиги ва қандай юмуш учун туғилганлиги аён бўлгач, уни исроил ҳалқини тўрт юз йиллик Мисрдаги қўлликдан сўнг озодликка олиб чиқадиган ҳалоскорга айлантириш мақсадида, Худо чўлдан фойдаланди. Фиръавн бутун бошли эркак авлодни (қўшинни) йўқ қилганига қарамай, Худо ўз ҳалқини қутқарадиган ва улар учун мардонавор тарзда курашадиган сардорни кўтарди ва шу йўсинда ўз ҳалқининг ноласига жавоб берди.

Ёзувда душман гендерцидни ўғил болалар орасида қўллагани ҳақидаги иккинчи воқеа, Исо Масих туғилиши пайти содир бўлганини кўрамиз. Донишмандлар Ҳиродга кўрганларини айтмаслик учун, унинг олдига қайтмаганларида, у икки ёшгacha бўлган ўғил болаларни ўлдиришни буюрди.

“Ҳирод эса мунажжимлар томонидан мазах қилинганини кўргач, ўта дарғазаб бўлди. Шунда улардан билиб олган вақтга кўра, у Бетлеҳем ҳамда унинг атрофидаги икки ёш ва ундан кичик бўлган ҳамма гўдакларни қириш учун одамларни юборди. Ўшанда Йермияҳ пайғамбарнинг айтган сўзлари бажо бўлди: “Рамахда йиғи, нола овози ва буюк фарёд эшитилмоқда. Роҳила болалари учун йиғламоқда ва у юпанишни истамайди, чунки улар йўқ” (Матто 2:16-18, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Нақадар аччиқ сўзлар: “чунки улар йўқ”. Ёзувдаги бу иккита воқеада, ғазаб отига минган ерлик шоҳлар, ўғил болаларнинг даъватидаги кучдан қўрққани туфайли, уларни ваҳшиёна равишда қириб ташлашди. Биз навбатдаги гал ситамлардан ва қўлликдан ҳалос бўлиш бўсағасида турганимизга ишончим комил, аммо бу сафар ўғиллар эмас, балки қизлар нишонда.

Қизлар душманнинг инсониятга қарши ҳужумларига дучор бўлмоқда.

“Шунда аждар аёлдан ғазабланди. У аёлнинг уруғининг қолдиғи билан, яъни Худонинг амрини сақлаётган ҳамда Исо Масиҳнинг гувоҳлигига эга бўлганлар билан жанг қилгани чиқди” (Ваҳий 12:17).

Ўтакаси ёрилган ерлик шоҳларнинг ва шайтоннинг, яъни аждарнинг ниятларидаги сифатлар ўхшашлигига эътибор беринг. Олдингилари ҳам, ҳозиргиси ҳам ҳокимиятдан маҳрум бўлишдан қўрқадилар, улар одамлар ва уларнинг болаларига қарши қутурган ҳолда жанг олиб боради.

Ҳар битта аср олинмаган кишида қаҳрамон бўлиш йўлини танлаш имконияти бор. Ушбу китобнинг мақсади сизни қуроллантириш ва куч билан таъминлаш, зеро биз кучга тўлган сари, Қудратли Раббимиз душманга қарши кўтарилишини бошлайди.

## ҚИЛИЧНИНГ ТҮҒИЛИШИ

*Ҳар бир киши туребди; унинг юзи  
ғилофидан чиққан қиличнинг нуридан  
ярқирайди, у қаҳрамоннинг ишини  
қилишга тайёр.*

– Элизабет Барретт Браунинг



Эҳтимол сиз, нега қилич, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз? Ўз-үзини ҳимоялаш учун четга ўтиш ва аниқроқ кўзлаб, қуролдан отиш яхшироқ эмасми? Борди-ю, душманнинг ҳужуми шу қадар узоққа ёйилган экан, оммавий нобуд қилиш қуроли билан жавоб қайтариш айни муддао бўлмайдими? Қилич эски замоннинг қуроли-ку?

Кўп минг йиллар давомида қилич тарихда салмоқли ўринни эгаллаб келди, унинг романтик тимсоли инсонларнинг онгларида абадийга ўрнашиб қолган. Бизга маълум бўлишича, қиличлар илк бор, Масих туғилишидан, тахмиман уч минг йил аввал, бронза асрода пайдо бўлган. Бу аслаҳа темир-тақа билан ишлайдиган кишилар, бронза ва мисдан биргаликда фойдаланишни бошлаганларида, оддий найза ва пичоқдан юзага келди. Бироқ қиличнинг вужудга келишининг тарихи шундан иборат деб бўлмайди, чунки бунда бизга маълум бўлган асрларда пайдо бўлган қиличлар тўғрисида айтилади. Қиличлар эса бизга маълум вақтлардан кўра, анча қадимиЙроқ аслаҳа, аслида.

Ёзувдан билишимизча, инсоният давридан анча олдин, қилич самода яратилган ва құдратли фаришталар томонидан биз күрмаган шаклларда ерга олиб келинганд. Дастреки қилични биз Мұқаддас Китобда үқиймиз, у олов алангасидан ясалған ва у савлатдор қанотли каруб фаришталарнинг құлларида үзи айланиб турған.

“У одамни ҳайдаб юборғач, ҳаёт дарахтига борадиган йүлни қўриқлаш учун Адан боғининг шарқ томонига карубни ва айланадиган алангали қилични қўйди”  
(Ибитдо 3:24, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бу алангали қилич айланиб туришини тасаввур этиб кўринг. У Одам ва Ҳаво ҳаёт дарахтига яқин келмаслиги ва үнинг ҳосилларидан емаслиги учун, бу дарахтга олиб борувчи йүлни тўсиб турған.

Кейинчалик Мұқаддас Китобдаги воқеаларда алоҳида одамлар ва қўшинларнинг құлларидаги қиличлар тўғрисида үқиймиз, улар ундан яхшилик ва ёмонлик мақсадида фойдаланишган. Ёзувда охирги марта, Ваҳий китобидаги ҳокимият ва суднинг охирги намоёндаси – құдратли қилич тилга олинган:

“Халқларни қириб ташлаш учун Унинг оғзидан ўткир қилич чиқар эди. У темир таёқ билан уларга чўпонлик қиласи. У Құдратли Ҳудонинг қаҳр-ғазаби шаробининг исканжасини топтайди. Унинг кийимига ва Унинг сонига бир исм ёзилган: “Подшоҳларнинг Подшоҳи ва Ҳокимларнинг Ҳокими” (Ваҳий 19:15-16, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Шу тариқа, бизга маълумки, бутун инсоният тарихи вужудга келгандан бери, то Ваҳий китобининг охирги бобигача қилич тилга олинади. Биз сиз билан вақт билан чекланған дунёга тобе ерда саёҳатимизни амалга оширмоқдамиз, бу вақт ачинарли бошланишидан кўра, ғалабали якунга қараб яқинлашиб бораяпмиз. Бизнинг вақт мавсумимиз ҳомиладор аёлнинг тезлашиб келаётган тўлғоқ азоби ва гўдак дунёга келишидан

олдинги, кучайиб бораётган дардга ўхшайди. Ҳозирги пайтда биз қиличга эга бўлишимиз зарурлиги кундек равшан. Биз қўриқловчи фаришта эмасмиз ва қўлида қилични ўйнатиб турган ёки Худо иноятининг боғига кириш йўлини бекитиб турган инсонни ўзимизда кўрсатишнимиз шарт эмас. Қолаверса, биз ҳакамнинг ролини ҳам эгаллашга даъват этилмаганмиз, зоро бу ҳуқуқ ёлғиз Шоҳан-Шоҳимизга тегишли. Худонинг қизларининг қўлидаги қилич, ҳойнаҳой, ҳаёт ва нурнинг тимсоли десак, муболаға бўлмайди.

### Худонинг қиличи

Мен бу китобни ёзиш жараёнида билиб олган нарсалар билан бўлишмоқчиман. Инглиз тилида “Худонинг сўзи” ва “Худонинг қиличи” жумлалари бир хил ҳарфлар билан ёзилади. Агарда бу жумлаларни бир хил ҳарфлар билан ёзиб, фақат уларнинг орасидаги масофани ўзгартирсангиз, “Худонинг сўзи” жумласи, “Худонинг қиличи”га айланади (God’s word – Худонинг сўзи, God sword – эса Худонинг қиличи).

Бу Повулнинг эфесликларга ёзган Мактубининг нақадар ақл бовар қилмас ва кутилмаган тасдифи: “...Худонинг сўзи бўлган Руҳнинг қиличини олинглар” (Эфес. 6:17).

Биз учун барча жоиз ва зарур нарсалар Худонинг Сўзида жойланган ва биз уни яшириб қўйилган хазинадек, қидириб топамиз!

Мен яқинда ибодатда, Худонинг ҳозирги замондаги қизларининг ҳаддан ташқари кўпчилиги аслаҳасиз юргани ҳақидаги лол қолдирадиган ҳақиқатни билиб олдим. Бу улар нафақаттайёргарлик ва яхши анжомланишдан маҳрумлигини, қолаверса улар хавфли ҳолатда экани ва ақл бовар этмас даражада ёлғонга мойиллигини билдиради. Охирги кунларда жонларимизнинг душмани, сохта пайғамбарлар ва йўлдан озган биродарлар орқали икки томонлама ўткир қилич билан уришни кучайтиради. Янги Аҳд ёлғонга учраганлар ва сохта пайғамбарлар ҳақидаги огоҳлантиришларга тўла. Матто Хушхабари ва Юҳаннонинг биринчи Мактуби бизни шундай деб огоҳлантиради: “Кўплаб сохта пайғамбарлар

пайдо бўлиб, кўпларни йўлдан оздирадилар” (Матто 24:11).

“Севганларим! Ҳар қандай руҳга ҳам ишонаверманглар, лекин бу руҳлар Ҳудоданми ёки йўқми, синааб кўринглар, чунки дунёда кўп сохта пайғамбарлар пайдо бўлган” (1-Юҳанно 4:1).

Ёлғонга қандай қарши туриш мумкин? Одамларнинг сўзларини Ҳудонинг Сўзидаги ҳақиқат элагидан ўтказган ҳолда. Ҳудо Сўзининг темири ҳаётимизни чархлаганда, биз ҳақиқатга томон янада кўпроқ тӯғриланамиз. Биз қанча билимларга эга бўлмайлик, борди-ю ҳақиқат бўйича йўл тутмасак, қайта хатарга йўлиқамиз.

“Ўз-ўзини алдайдиган Сўзнинг фақат тингловчилари эмас, балки бажарувчилари бўлинглар” (Ёқуб 1:22).

Қилични жанг учун жойидан қўзғатади. Бизнинг вазиятимизда, Ҳудонинг Сўзи бўлмиш, қилични кўтаришни ва уни реал ҳаётимизга олиб келишни англатади.

*Яхшиликни билиб туриб, уни бажармаслик,  
аксарият ҳолларда, ёвузликка айланади.*

– С Мартелли, “Қиличбозлик бўйича устоз”

Қиличдан фойдаланишни билиш ёки қиличбозлик санъати, жанг қизиганида кўринади. Инсоннинг машғулотларда ўзлаштирган маҳорати жангларда юзага чиқади. Тайёргарлик давридаги чиниқтирилган хулқ-атворни келишмовчилик намоён қиласди.

Мавзуни давом эттиришим учун, мен нега бу китобни ёзаяпман деган саволга жавобни яққол тасвирлайдиган мисолни келтиришга ижозат беринг.

2009-йил ажойиб давлат бўлмиш, Янги Зеландияга бордим, у ерда бир нечта анжуманларда воизлик қилдим. Бир сафар мен эрталаб тўйиб ухлаш имконига эга бўлишим кўзда тутилган эди ва бундан бошиб осмонга етган эди. Вақт алла-маҳал эди, шу

боис ёстиқларни атрофимга териб қўйиб, кўрпа билан яхшилаб ўраниб олдим.

Кўзимни юмишдан олдин, электрон соатнинг экранини ўзимдан бошқа томонга ўгириб қўйдим. Бирорта қўнғироқни ҳам, на соатимда, на қўл телефонимдаги уйғотадиган мусикани ҳам эшитишни истамадим. Мен яхшилаб ухлаб олишни хоҳлаган эдим! Мен қора пардаларни ёпдим, берушларни қулоғимга сукдим (шовқинни эшитмаслик учун қулоққа сукиласди) ва битта уйқу дорисини ичдим. Мен ҳолдан тойган қадрли танамни яхши уйқу билан таъминлаш учун пухталик билан барча чораларни кўрдим.

Афсуски, менинг режам амалга ошмади. Тахминан соат уч ва тўртлар орасида уйғониб кетдим, миямга битта жумла ўрнашиб олиб, тинмай жаранглар эди:

“Ўз қиличингни чархла”.

Мен ювиниш хонасига бориб келдимда, яна жойимга ётдим. Мен тушлар дунёсига қайта шўнғишига мұяссар бўлдим, бироқ бу бошқача кечди. Уйқум нотинч ва юзаки эди, калламда ўша жумла қайтарилаверарди:

“Ўз қиличингни чархла”.

Мен уйғондим ва соатимга қараб, тонгги тўртлардан бироз ўтганини кўрдим. Мен миямни тинчлантирумасам, ухлай олмаслигимни тушундим. Кўзимни юмиб, бу гапни олдин қаерда эшитган бўлишим мумкинлигини эслай бошладим, нега бу нарса калламдан кетмаётганини англашимга ёрдам беришига умид қилардим. Эҳтимол, буни мен яқинда ўқиган китобимда ёки бирорта фильмда эшитгандирман? Онгимга келган варианtlарни бирма-бир кўриб чиққунимча, сафарга кетишим олдидан ўғлим билан бўлган сұхбатимиз ёдимга тушди. Мен ундан: “Янги Зеландиядан сенга нима олиб келишимни хоҳлайсан?”- деб сўрадим. У ҳеч тутилмай: “Ойи, менга “Узуклар ҳукмдори” билан боғлиқ бирор нарса олиб келинг” - деди.

Мен унинг илтимосини амалга ошира олишимга шубҳаландим ва айнан нимани исташини аниқроқ айтишини сўрадим. У бир неча варианtlарни айтди, шу боис Оклендга

қўнган заҳотим, мени кутиб олган ажойиб қиздан, “Узуклар ҳукмдори”га оид нарсаларни, қаердан топсам бўлади, деб сўрадим. У бундай хазинани, қандайдир интернет-магазинда ёки АҚШда топиш осонроқлигини тушунтириди. Шундан сўнг ўғлимнинг илтимосига унчалик аҳамият бериб ўтирумадим. Энди ярим тунда, тўсатдан келган “Қиличингни чархла” жумласи “Узуклар ҳукмдори”дан олинган эмасми, бу хусусан Ж. Р.Р. Толкиеннинг “Узуклар ҳукмдори” трилогияси сюжети бўйича суратга туширилган “Қиролнинг қайтиши” фильмидан олинган.

Мен жойимдан турдим, светни ёқдим ва бир нечта ғояларни ёзиб қўйиш учун ўтирудим, шундан сўнг ухлай олишимга умид қиласдим. Мен ёзишни бошлашим заҳоти, менга фикрлар оқими ёғилиб келди, мен уларни пала-партиш ҳарфлар билан ёзиб улгура олмас эдим. Мен энди манашу китобда бўлишаётганларимни, ўша пайти ёзишни бошлашим учун, Худонинг Руҳи менга Ёзувдан ояtlар ва жумлалар берарди.

Руҳ менга шивирлаб гапирганини эшилдим, У Масих Танасидаги кўплаб шохлар, Унинг Сўзидағи алоҳида парчаларни ва қисмларни олиши ҳамда, уни тўлиқлигича қабул қилиш кераклигини унугтанини айтди. Руҳ яна, ерга иқтисодий, табиат ҳодисаларига оид, сиёсий, маданий ва ижтимоий турдаги ларзага келишлар икки ҳисса куч ва тезлик билан келишини айтди. Бу синовлар, охир-оқибатда Унинг халқи бирлашишига хизмат қиласди, улар аниқ мақсад атрофида бирлашадилар. Худо Сўзининг обрўси ва вазни ортиб борган сари, мавжуд саволларга жавоблар очилишни бошлайди.

Бу ғояларни эшишиб, мен қурол ва жанговар байроқларнинг синган қисмларини кўтараётган одамларни тасаввур этдим. Қиличларнинг дасталари юқорига кўтарилар, бироқ ўткир тифи йўқлиги туфайли, улар фойдасиз эди. Қурбонгоҳга ўхшаган тепаликларда эса қилич учларининг синиқлари ётарди, улар бир пайлар ўткир тифининг якуни бўлиб, ўз мақсадини тешиб ўтарди. Ҳар томонда сочилиб ётган қилич синиқлари, бир уюм темир-терсақдан бўлак, ҳеч нарсага ярамас эди.

Бошқа жангчиларнинг қўлларида эса дастага эга бўлмаган қилич тифининг бир бўлаги бор эди. Бу аскарлар ҳам чорасиз

бўлиб, улар фақат ўзларини яралар, шунинг учун тиғларни шунчаки ташлаб кетар эдилар. Учинчи гуруҳдаги жангчилар харисиз қилич ушлаб турар эдилар, шу тариқа уларнинг қўллари осонликча тиғ томонга тойиб кетарди. Борди-ю улар қуролнинг барча қисмларини бир бутун қилиб йиққанларида эди, улар куч ва зарур самарани қўлга киритар эдилар. Уларда ўткир учларидан ажралган синиқ тиғлардан иборат фойдасиз темир-терсак бор эди.

Аслаҳаларнинг барча қисмлари катта ҳудудда сочилиб ётарди; улар аслида, бир бутун бўлганидагина фойда келтиради. Биз қуролнинг бир қисмигагина эга бўлган ҳолда курашар эканмиз, душман бостириб келади ва у тишигача қуролланган. Биз матндан юлиб олинган сўзларни эълон қилганимизда, у бизнинг устимиздан кулиб ўтиради деб ўйлайман, чунки сўзларнинг кучи, улар бирга бўлганида кўринади.

Нисбатан тинчлик ва хотиржамлик даркор пайти, Хушхабарлардан олинган алоҳида матнлар, қандайдир қисқа пайтга бизни қўллаб туриши мумкин. Бироқ бўлинган жамоат барқарор бўлмаганидек, бу қисман оятлар ҳам, мушкул даврларда тура олиш учун жасорат топишга етарли эмас.

Ушбу фасл учун аслаҳаларимизни қайта тиклашимиз йўлида, биздан талаб қилинадиган ягона нарса, Худонинг Сўзида мужассамлашган. Ҳар битта катта ва кичик бўлакча, бизнинг бир бутун жонли эътирофимизни, аллақачон кутиб туриби. Агарда бизни яқдиллик ҳолатидаги ибодатга олиб келиш учун, бўлинишларга дучор бўлган нарсаларни бирлаштириш учун синовлардан ўтиш керак бўлса, шундай бўла қолсин.

Илтимос, мени нотўғри тушунманг. Мен Худонинг Сўзига қарши боришни ёки уни ўзгариришни таклиф қилмаяпман. Мен атиги, Сўзни ўрганиш, ибодатда бўлиш ва Уни соғ кўринишида эътироф этиш ва У бизга таъсир этишига изн беришга чақирайпман. Худонинг Сўзи тирик, ҳаракатчан, комил ва пок.

Мен кўрганларим ва эшитганларим, Муқаддас Сўзни Унинг бор маслаҳатидаги донолик ва кучидаги құдрат билан эълон қилишимиз жоизлигини билдиради. Бу Худонинг Сўзини Унинг

илоҳийлигидан маҳрум этиб, Уни инсоний қилишнинг ўрнига, инсоннинг тилини илоҳий тимсолга ўзгартириш таклифи.

Шайтон Худонинг құдратли Сўзини қисмларга бўлиб ташлаган тарқоқ жамоатдан қўрқмайди, лекин у чархланган ва инсонларнинг ҳаётида ҳаракатланаётган Худонинг Сўзи қиличи билан кўтарилиган Жамоатнинг қаршисида даҳшатда титрайди. Биз Худонинг Сўзидағи алоҳида қисмларни, айниқса, ўзимизга ёқадиган жойларнинг олмай, Уни тўлиқлигича ўқисак ва қўлласак, аслида қўлимизга нима берилганини билиб оламиз. Биз ўз кучимизни ишга солиб, бир-биrimизни ўткирласак ва далда берсак, Масихнинг Танаси яқдилликда бош кўтаради. Жамоат Худонинг поклашини ва тузатишими қабул қилганида, қилични бир-бирига қарши эмас, балки душманга қарши қўллаш зарурлиги ёдига келади.

### Чархланган қилич

Янги Зеландиядан қайтиб, бу жумла ҳақиқатдан ҳам “Узуклар ҳукмдори” фильмининг қисмларида айтилганми, агар шундай бўлса, қайси вазиятда қўлланилганини билиш учун уни яна бир бора томоша қилдим. “Қиролнинг қайтиши” – бу узоқ давом этадиган фильм бўлгани учун, мен уни қисқача маъносини ёритиб ўтаман.

Фильм яхшилик ва ёвузлик, инсон ва ёвуз рух, нур ва зулмат ўртасидаги эпик жангдан олдинги даврни ҳикоя қиласи. Иттифоқчи қўшинлар бирга йиғиладилар, бироқ бу уларга қарши кўтарилиган ёвуз қўшиннинг олдида ўта кичик гурӯҳ эди. Баҳодирларнинг енгишига ҳеч қандай умид йўқдек туюлади. Шунда шахзода Эовин келажақдаги ваъда ҳақида ғира-шира очиқлик кўради. У отаси қиролнинг ҳузурига қайтиб келиб, уни қадимий қилични ўткирлашга кўндиради. Мана унинг сўзлари:

“...кулдан олов алангаланади.

Зулмат орасидан нур отилиб чиқади.

Синиқ тиғлар худди янгидек ярқирай бошлайди.

Бир вақтлар тожини йўқотганлар, қайта шоҳликка тикланадилар.

...Қилични ўткирланг”.

Толкиенning шеърий кўндиrmасидан олинган бу экки сўз, фильмнинг мавзусидаги мазмундан-да кенг миқёсда, қиздирилган қайроқ, болға ва қилич чархлаш қўлидан келадиган моҳир темирчининг тирик тимсоллари билан чатишиб кетди. Тарқоқ парчалар бир бутун бўлиб тўқилди, олов, босим ва сувни тўхтовсиз равишда етказиб туришга қўшилди, натижада, бирдамлиқдаги кучи қайта тикланди. Қилич янги ҳаётга эриши.

Қачонлардир ҳаракатга эга бўлган, ўтмишдан қолган ёдгорлик, содир бўлиши мумкин бўлган нарсаларнинг ёрқин тимсолига айланди! Ушбу ғолиб ўтмишнинг чархланган тиғлари ҳозирги чорасизликка тегди ва келажакка бўлган умид қайта порлади.

Бизнинг бугунги вазиятимиз юқоридаги китобда ўйлаб топилган мазмундан қандай фарқقا эга? Биз ҳозирда ғалабаларни қозонишга жон куйдирмай, ҳали ҳам ўтиб кетган гувоҳликлар билан мақтаниб юрибмизми?

Мен чархланган қиличнинг рамзи ҳақида ўйлаганимда, ҳиссиётларга тўламан. Бизга ишониб топширилган қилич қадимгисидан афзалроқ. Бизга мангу қилич берилган, у фақат баъзи бир ғалабаларгагина белгиланмаган. Тирик Худоимизнинг Сўзлари ўзининг ҳақиқатлигини қайта-қайта исботламоқда. “Узуклар ҳукумдори”даги қилич янгича тартиб ўрнатди; биздаги Худонинг қиличи эса Осмон ва Ерни яратган. Уларнинг қиличлари ер қаридан қазиб олинган темирдан ясалган эди; бизнинг қиличимиз ҳамма нарсани ютадиган самовий алангадан ташкил топган. Тарихни ўзгартириш учун Худонинг Сўзи бўлмиш, қилични шунчаки унда из қолдириш эмас, балки уни қўлга олиш вақти келди.

Ўзининг қироллик унвонидан маҳрум бўлган, қирол Арагорндан фарқли ўлароқ, бизнинг Раббимиз абадийга тожланган. Лекин биз Унинг ҳуқмронлигига яшаяпмизми? Эҳтимол, биз икки қўлларимиз билан Худонинг Сўзи бўлган қилични олиб, унга охирги сўзни айтиш ҳуқуқини беришни тасаввур қилишдан чўчиётгандирмиз? Агарда Ёзувни синчиклаб ўрганишни тўхтатиб, бўнинг ўрнига шу Сўзга биноан яшаши бошласак нима бўлади? Ёзувни тўғридан-тўғри эълон этиб, Муқаддас Рух уни таърифлашига изн беришни бошласак

нималар ўзгаради? Жамоат қиличдан фойдалана олиш маҳорати билан донг таратиш вақти келганига ишончим комил. Қилич билан яралашдан кўра, у билан шифолаш учун кўпроқ маҳорат ва санъат талаб этилади.

“Улар: “Тинчлик, тинчлик”, – деб Менинг халқимнинг яраларини енгилтаклик билан шифоламоқдалар, лекин тинчлик йўқдир!” (Йермиёҳ 6:14; шунингдек, Йер. 8:11 га қаранг).

Юракни алмаштириш талаб этилганида, пардозлаш жарроҳлиги ва вақтинча оғриқни тўхташишдан фойда кам. Ердаги одамларнинг ҳаётига боқиб, қай аснода, тинчлик йўқ жойда, тинчликни кўриш мумкин. Биз тинчликка эга бўлишимиз ва тинчлик Подшоҳининг ҳукмронлигига яашимиз даркор, бироқ Худо ҳукмни эълон қилган жойда, биз “тинчлик” деб айта олмаймиз. Мана, қуйидаги ҳолат учун Худонинг малҳами:

“Раббий шундай дейди: «Йўлларингда тўхтанглар ва назар ташланглар! “Яхши йўл қани?” – деб қадимги йўллар ҳақида сўраб билинглар ва ундан юринглар, шунда жонларингга ором топасизлар. Улар эса: “Бормаймиз”, – дедилар” (Йер. 6:16).

**Худонинг Сўзи  
қиличи самовий  
даъватдан ерлик  
мақсадларни  
ажратади.**

Асосий йўл бор ва қадимий йўл бор. Биринчиси кенг бўлганлиги сабабли, у транспорт воситалари билан қалашиб кетган. Иккинчи йўл тор экани учун, унда ҳаракат суст. Худонинг Сўзи бизнинг йўлимизни ёритиш ва биз ўта олишимиз учун йўлни ҳар-хил уюмлардан тозалаш құдратига эга. Худонинг Сўзи қиличи самовий даъватдан ерлик мақсадларни ажратади.

Биз йигирма биринчи асрда яшаяпмиз, шу боис юқорида айтилган кўринмас қиличлардан фойдаланиш таклифларининг бари, бизга шошилинч, нўноқ ва ғаройиб туюлиши турган гап. Охир-оқибат, Исонинг Ўзи Петъорга, қилич кўтарған, қиличдан ҳалок бўлади демаганми? (Матто 26:52 га қаранг).

Сұхбатимизни давом эттиришдан аввал, ушбу саволга жавоб бериш зарур. Бунинг учун Сирли кечага қайтамиз, Исо у жойда Ўз шогирдларининг орасида ўтириб, уларга ўтмишдан таниш бўлган воқеаларни келажак билан таққослашни бошлади.

“Бундан сўнг Исо шогирдларидан: – Мен сизларни ҳамёnsиз, тўрвасиз, чориқсиз юборганимда, сизлар бирон нарсага муҳтоj бўлдингизларми? – деб сўради. Улар: – Ҳеч нарсага! – деб жавоб бердилар” (Луқо 22:35).

Уларнинг табассум қилганини ва Исонинг сўзларидан бўлак, бошқа ҳечвақосиз қишлоқларда юриб, барча зарур бўлган таъминотни нотабиий тарзда олган пайтлардаги ўзларининг саргўзаштларини эсалаб, бошларини тебратганини кўз олдингизга келтириб кўринг. Шунда Исо Масих уларга янги давр ҳақида гапирди:

“...Бироқ энди кимнинг ҳамёни бўлса, шунингдек, кимнинг тўрваси ҳам бўлса, ўзи билан олсин. Кимда бўлмаса, кийимини сотиб, қилич сотиб олсин” (Луқо 22:36, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Манашу оятни Муқаддас Китобнинг бошқа таржимасидан келтираман (ишонинг, буни мен ўзим тўқимади):

“Ҳозирнинг ўзида, сизнинг ҳамёningиз бўлса, уни олинг, пулларингиз бўлса, уларни ҳам олинг, агарда қиличингиз бўлмаса, устки кийимингизни сотиб, қилич сотиб олинг” (замонавий таржима).

Исо Масих уларга нафақат пул ва тўрваларини олишни, шунингдек, уларга қилич, кийимдан ҳам муҳимроқ эканини айтди! Исо “Эзгу Устоз” сифатида машҳур бўлган кезлар ўтиб кетди, зеро у қонундан ташқаридаги инсон деб эълон қилинган эди. Шогирдлар, ҳар битта башорат амалга ошиши жоиз бўлган кун арафасида йиғилиб ўтирган эдилар. Уларда бўлган барча нарсаларни кўздан кечиргач, уларда ўн икки нафар киши учун атиги иккита қилич борлигини кўрдилар.

“Улар: – Ҳазрат, мана бу ерда иккита қилич бор! – дедилар. – Етарли! – деди Исо” (Луқо 22:38).

Сүнг Исо Зайтун төғига ибодат қилиш учун кетди, бу жойда У ҳаёт учун эмас, ўлим учун курашди ва фаришталар келиб, Уни тетиклаштирилар, шогирдлари эса бу пайт ухлаб ётардилар. Шу вақт Исо уларни ўйғотиб, ибодат қилишга уринаётганда, боққа Яхудо бошчилигига тумонат одам бостириб келди.

Ухлаётган пайтим, мендан ўткир пичноқ чиқмаслигини биринчи бўлиб тан оламан. Борди-ю, мен энг фаол ҳолатда бўлганимда ҳам, шогирдларнинг вазиятига тушганимда, бўлаётган воқеалардан, камида саросимага тушган бўлардим. Шогирдлар ўйғониб, нима содир бўлаётганини анлагач, Раббийни ҳимоя қилиш учун қиличларига ёпишишди.

“Исо билан бирга бўлганлар воқеа қаёққа йўналаётганини кўриб: “Ҳазрат, қилич билан үрайликми?” – дедилар. Шунда улардан бири олий руҳонийнинг қулини бир уриб, ўнг қулоғини кесиб ташлади. Аммо Исо: “Қўйинглар, бас!” – деб айтиб, қулнинг қулоғига қўл тегизиб уни шифолади” (Луқо 22:49-51, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Қиличдан фойдаланишга тайёр бўлмасангиз, уни олишнинг нима кераги бор? Менинг тахминимча, қилич билан үрайликми деб, Юҳанно сўраган, Петъор эса қилични олиб, урган. Афтидан, Луқо Петъор томонда бўлган, чунки айнан унинг баёнидан, олийруҳоний қулининг қулоғини Петъор кесиб ташлаганини кўрамиз. Ҳушхабарчи Матто эса қилич кўтарилигандан сўнгги, Петъор ва Исонинг ўртасида нима бўлгани ҳақидаги манзарани келтирган.

“Шунда Исо унга деди: “Қиличингни қинига солгин, чунки қилич кўтаргандарнинг ҳаммаси қиличдан ўлади. Ёки ўйлайсанки, Мен Отамга илтижо қила олмайманми ва У Менга ўн икки легиондан ортиқ фаришталарни юбормайдими? У ҳолда, буларнинг содир бўлмоғи кераклиги ҳақидаги Ёзув қандай бажо бўлади?” (Матто 26:52-54).

Бу матн мен учун доим жумбоқ бўлиб келган эди. Петъор ўзини қандай ҳис қилганини тасаввур қилишга тўғри келади. Балки у Исо уларга олдиндан, ўзларинг билан қилич олинглар дегани учун, бу қиличдан фойдаланиш вақти келди деб тахмин қилгандир.

Нима бўлганда ҳам, бу сўзлар Исони ҳимоя қилиш учун айтилмаганини дадил таъкидлаш мумкин. Бу сўзлар ўша онда шогирдларининг ҳимояси учун хизмат қилди ҳам дея олмаймиз. Очифини айтганда, тасарруфида бутун бошли легион фаришталарга эга бўлган шахс ҳимояга муҳтожмикан?

Боз устига Исо Петъорга қиличингни йўқот демади; У шунчаки қиличини ўз жойига солиб қўйишини айтди. Бу ҳам мен учун бироз ғалати туюлади, чунки У давом этиб, деди: “Қилич кўтарган, қиличдан ўлади”. Сизни билмадим-у, мен буни шундай тушунаман: “Қиличингни қинига сол, у сени ўлдиради!” Барча бу қарама-қаршиликлар мени, эҳтимол Исо тўғридан-тўғри эмас, балки ҳикмат билан гапирган деб ўйлашга мажбур этади. Шундан олдинги сухбатда, Юҳанно Хушхабарида баён этилган воқеаларнинг бурилишига нисбатан, Исо уларни тайёрлашга уринди деган таассурот уйғонади. У самога қайтиши арафасида Ўз шогирдларига, нега ерда юрган пайтида айтган сўзларидан бошқача янги сўзларни айтганини тушунтириди.

“Мен сизларга буларни айтдим, токи ўша вақт-соат келганида, сизлар Менинг буларни айтганимни ёдга олинглар. Сизлар билан бирга бўлганим учун Мен буларни сизларга илгари айтмаган эдим. Энди Мени Юборганинг олдига кетяпман ва сизлардан хеч бирингиз Мендан: “Қаерга кетаяпсан?” — деб сўрамайди” (Юҳанно 16:4, 5).

Биз у ёки бу сўзларнинг вақти келмагунича, уларни тушунмаймиз. Биз уларга нисбатан кар бўлиб қоламиз, чунки уларни эшитишни истамаймиз ёки бизга ҳозир уларни эшитишнинг ҳожати йўқ бўлади. Аммо бир куни ойдинлик келади ёки ногаҳон очиқлик олиб, олдин тушунарсиз бўлган нарсалар равшан кўринишни бошлайди. Сиз бир инсон билан

бирга бўлганингизда, қандайдир фикрлар айтилмай қолади, зеро улар шундоқ ҳам аёндек туюлади. Бироқ сиз хайрлашиб, кетганингиздан кейин, ўша яққол нарсалар туман билан қоплангандек бўлади.



Қилич тўғрисидаги зиддиятлар ҳақида гапиришни давом этишдан аввал, яна бир матнни ўрганиб чиқамиз. Исо кетишидан олдин йўз шогирдларига шундай ваъдани берди: “Мана, то дунёнинг охиригача ҳар куни Мен сизлар билан биргаман” (Матто 28:20).

Ушбу ваъдалар ўша лаҳзадан кўра, келажақдаги вазиятлар учун кенгроқ маънога эга. Исо шогирдлари билан энди танада яшамас эди ва бу ваъдалар уларнинг келажакда ерда ҳаёт кечирганида ҳамда синовларга тўқнашганида ва ғалабаларга эришганида катта жилдли китоб сифатида гапиравди. Бу ваъдалар нафақат уларни, қолаверса, бизни ҳам руҳлантириб келмоқда! Бу ваъдалардаги яширинган умид, биз билан сизга ҳам тегишли.

Мен эримнинг ёнида ўтириб, унга: “Азизим, мен сиз билан биргаман” деб айтиш бошқа, бу сўзларни бизни вақт ва масофалар ажратиб турганида эшитиш – умуман бошқа. Биринчиси, равshan нарсани тасдиқлаш, бошқаси – кўринмас нарсага аминлик.

Шу аснода, Исо нега баъзида, қўлланишда зид маънога эга сўзларни гапиргани, бизга тушунарлироқ бўлади. У аввал қилич сотиб олишни сўрайди, бироқ тез ўтмай, Петъор қиличдан фойдалангани учун, Исо уни койийди. Исо тутиб берилган тунда, Зайтун тоғи қилич кўтариш учун унчалик ҳам мувофиқ бўлмаган жой эди (вақт ҳам ўнг келмас эди). Бу ибодат ва бағишланиш вақти ва жойи эди.

Борди-ю, шогирдлар мудрамаганларида эди, Исо шу онда йўз ҳаётини асрраб қолишга уринмаётганини, балки ҳаётини

бераётганини англаган бўлар эдилар.

Матто Исонинг қилич ҳақида гапирган яна бир воқеани маълум қиласди.

**Қиличлар пайдо бўлиши билан, ниятлар юзага чиқади.**

“Сизлар Мени ерга тинчлик олиб келгани келган, деб ўйламанглар. Мен тинчлик эмас, балки қилич олиб келгани келганман” (Матто 10:34).

Қиличлар пайдо бўлиши билан, ниятлар юзага чиқади. Ушбу қуролда, бизни даҳшатда қочишга ёки жасорат ва дадилликда бирлашишга мажбур этиш қобилияти бор. Сирли кечада бўлиб ўтган барча гап-сўзларга таянган ҳолда, шогирдлар бирор марта ўзларини ҳимоялаш ёки уларни таъқиб қилаётган одамларни қўрқитиши мақсадида қилич кўтартгани ҳақида бирорта ҳам воқеа ёзиб қолдирилмаган. Бу Исо ҳимоя мақсадида ёки ҳамма нарсани ўз қўлларимизга олиб, шахсий қучимиз билан ҳаракат қилишимиз ҳақида гапирмаган, деган фикрга унрайди.

Исо хизматининг бошида, чўлдаги қирқ кунлик рўзасидан сўнгги синовларидан ёлғизлиқда ўтди ва байрамдан сўнг ҳам боғда, дўстларининг орасида қайта синалди. Аммо биринчи синов иккинчисидан кам фарқ қилди. Биринчисида, шайтон оч қолган Исодан тошни нонга айлантиришини сўради. Унинг гапини ҳатто, Ёзувга мос равишда ифодалаш мумкин, ахир исроил фарзандлари чўлда юрганларида, Мусо улар учун нон топиб берган эди.

Лекин Исо жавоб бериб деди:

“Ёзилганки: «Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиқаётган ҳар бир Сўз билан яшайди»,— деди” (Матто 4:4).

Биринчи ҳолатда бошқаларни тўйдириш учун, иккинчи ҳолатда эса – Ўзини тўйдириш учун мўъжиза талаб этилди. Кейинроқ, Исо Ўзини нон деб атаганида, бу фарқни жуда яхши тушунганини, ердаги хизматида очиб берди.

“Исо эса уларга деди: – Мен ҳаёт нониман. Менинг олдимга келадиган ҳеч қачон оч қолмайди, Менга ишонадиган ҳеч қачон чанқамайди” (Юханно 6:35).

Исо манашу ҳолатда түғридан-түғри, айнан шу нарсани назардатудими? Йўқ. Жумладан, мен Исобиланучрашувлардан сўнг жисмоний очлик ва чанқоқликни ҳис этганиман. Чўлдаги рўза Исони ўзгартирди. У рўзагача нон билан яшар эди, рўзадан сўнг ҳаёт нонини берувчига айланди, ҳаёт нони эса - Унинг Ўзи, яъни танага айланган Сўз эди.

Шунингдек, шайтон Исони – У маъбаднинг тепасидан ўзини ташласа, Худо қутқариш учун шу вазиятга аралашишига ундади.

“Унга деди: – Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, Ўзингни пастга ташла. Зеро ёзилган: «У Ўз фаришталарига Сен ҳақингда амр беради. Улар Сени қўлларида кўтариб юрадилар, оёғинг билан тошга ҳам қоқинмайсан». Исо эса унга: – Худди шунингдек: «Раббий Худойингни васваса қилма», – деб ҳам ёзилган, – деди” (Матто 4:6, 7).

Исо бу дунёга ва дин арбобларига Ўзининг Худонинг Ўғли эканини исботлаш мақсадида, аҳмоқона уриниш мақсадида ўзини пастга ташлаш учун келмаганини билар эди. У бунинг ўрнида, бизнинг ҳаммамизни хочга кўтариш учун келди. Шайтон Исони ер-юзидаги бор шоҳликлар ва ундаги шуҳрат билан васвасага солишга тушганида, Исо яна Сўзнинг қиличидан фойдаланди:

“Шунда Исо унга: – Йўқол Менинг олдимдан, шайтон, чунки ёзилганки: “Раббий Худойингга сажда қил, биргина Унга хизмат қил!” – деди. Шундан сўнг иблис уни тарк этди ва фаришталар келиб, Унга хизмат қилдилар” (Матто 4:10, 11).

Афтидан, фаришталар, биз “ёзилган” деган тестдан ўтганимиздан сўнг келадилар. Шайтон Исолар нималар деган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай бизнинг қаршимизда Худо Сўзининг аҳамиятини, шунга монанд, унинг қўлланилишини

бузишга уринмоқда. У биз Худонинг ваъдаларини нотўғри талқин қиласизда ва унинг ўрнида, ўзимизни сақлаб қолиш, бошқаларни кўкларга кўтариш ва улардан лол қолиш, ёки ўз фойдамизни худбинларча излашни бошлашимиз илинжида. Келинг, унинг ҳақиқатни бузадиган зарбаларига, ҳақиқатни эътироф қилиш билан жавоб берайлик.

Қилич билан курашишнинг бутун тарихи давомида ва орномус ҳаққи дуэллари вақтида, ҳар сафар: “Қилич – бу ҳақиқат” деган ибора янграйди.

Биз ҳақиқат қиличи бўлган Худонинг Сўзи билан яшашни бошлашнинг вақти келди. Унумли натижага эришиш учун, ушбу китобда қиличнинг тимсоллари ва қиличбозликка оид иборалар келтирилган, токи биз Худонинг қурол-аслаҳаларини танлашни яқиндан билиб олайлик.

“Қилич жангি” ва “қиличбозлик” тушунчалари бир-  
бирининг ўрнида келтирилиши мумкин. Қиличбозлик  
– “ҳимоя” сўзидан келиб чиққан бўлиб, биз учун  
Худонинг Сўзидан-да кучлироқ ҳимоя йўқ.

Қиличбозликнинг услубларини ўрганиш билан шуғулланиб, бу спортнинг кам учрайдиган турларидан бири эканини билиб олдим. Бунда аёллар эркаклар билан рақобатлашадилар, негаки қиличбозлиқда жисмоний кўч устидан ақлий ҳаракатларнинг устун келиши талаб эътилади. Маҳоратли қиличбозлик йирик ва кучли зарбалардан кўра, кичик ва аниқ ҳаракатлар билан амалга ошади. Жангда ўзининг шахсий маҳоратига ўта даражада аминликдан эмас, балки рақибнинг кейинги қадамини ҳис қилишни билиш орқали ғалаба қозонилади.



# 3

## Сиз қаҳрамон бўлишингиз мумкин

*Югуршига қарор қилмай туриб, мусобақани ютиши имконсиз, жангга тушишга ботинмай туриб, ғалабани қўлга киритиш имконсиз.*

– Ричард М. Девоз



Биз нега нишонга айланганимизни аниқлаб олдик. Сўнг, қилич – бизга ато этилган қурол экани ҳақида гапирдик. Энди, келинг, қаҳрамон бўлишнинг маъносини кўриб чиқамиз.

Қаҳрамон аёл – бу супер аёл, чемпион, забт этувчи, ўлдуз, бош қаҳрамон, раҳнамо, жасоратли аёл.

Эҳтимол, сиз қаҳрамон бўлишингиз мумкинлиги учунгина нишонга айланганингиз, сизни ранжитар. Чиндан ҳам, сизнинг ҳаётингизга кимдир хавф солаётганини билиш, кимга ҳам ёқарди? Аммо, биз ахир, сиз оддий аёл эмаслигингизни биламиз. Сиз осмон ва ернинг, барча фоний ва боқийликнинг Яратувчиси, Қудратли Худонинг мойланган қизисиз, шу сабабли, сиз душманга хавф коласиз.

Сиз, жанг ҳақиқий ва соврин юқорилигини яхши тушинасиз деб умид қиласман, бироқ, эҳтимол, Сара Коннорга ўхшаб, сиз ҳам ҳали ҳеч нарсага қўл урмаган бўлишингиз мумкин. Шу билан бир қаторда, бир кун келиб, қандайдир нарсани амалга оширишингизга чин юрақдан ишонасиз. Сизнинг қаҳрамон бўлиш

йўлидаги саёҳатингиз, Ҳудога Ўзининг йўллари билан ҳаракат қилишга ижозат беришингиздан бошланишини билиш муҳим.

Мен замонамизнинг қаҳрамонларидан деб ҳисоблайдиган бир танишим (у дунёни ўзгартириб, минглаб одамларга таъсир кўрсатмоқда), яқинда мендан сўраб қолди: “Сен мен бу хизматга даъват этилганман деб ўйлайсанми?”

Мен баланд овозда кулиб юбордим. Албатта, даъват этилгансан. У эса самимий тарзда ўз шубҳалари ва ҳижолатини билдириди. Нима учун? Баъзида бу дунёнинг тумани, абадийлик манзарасини биздан тўсиб қўяди. Сиз замонавий тарихнинг бир қисми эканингизга, ҳеч қачон шубҳа қилманг.

*Ўтган кунларнинг қаҳрамонлари сингари,  
биз ҳам ўз замонамизнинг қаҳрамонларимиз  
– бироқ ёдингизда бўлсин, улар ҳам, ўз  
кунларида қаҳрамон эканликларини  
билмаганлар.  
– А. У. Тозер*

Афтидан, бу имон қаҳрамонлари, ўз замонининг қаҳрамони бўлганларини билмаган бўлсалар, эҳтимол, биз ҳам ўзимизнинг қаҳрамонлигимизни билмаслигимиз мумкин. Биз улардекмиз, негаки улар ҳам ўzlари англамаган ҳолда, қаҳрамон бўлдилар.

### Ҳудо ўрта-миёна одамлардан қаҳрамонларни кўтаради

Бизнинг ҳаётимиз – бу совға, шу аснода бизнинг тарихимиз ҳам – бу совғадир, биз уни имон билан очамиз. Ўзимизда қаҳрамоннинг фазилатларини топишга уриниш, шундан сўнг, шунга мувофиқ бўлишга уринишнинг ҳожати йўқ. Ҳудо аллақачон, исмингизни имон қаҳрамонларининг қаторига, мўъжизалар, аломатлар, жанглар ва нотабиий воқеалар билан зафарона эпопеяга ёзиб қўйди.

“Бизга ҳадя этилган тарих – бу Иброҳимнинг эмас,  
Ҳудонинг тарихи” (Рим 4:2, инглиз тилидаги MSG  
таржимасидан).

Келинг, бизнинг воқеамиз бошланадиган жойдан – илк қаҳрамон бўлмиш, Иброҳимдан бошлаймиз. У тарихдаги ўз саёҳатини, ҳамма нарсани ўзи мустақил равишда ечишга уринишини бас қилганидан сўнг бошлади.

Кўпчилигимиизга ўхшаб, Иброҳим ҳам бутпараст наслдан эди (Йешуа Бин Нун 24:2 га қаранг). Бутпарастлик инсон қўли билан яратилган тимсоллар ва буюмларга сифиниш демакдир. Худо биз ўйлаб топишга қодир бўлгандан-да буюкроқ нарсани режа қилиб қўйганида, У ўзимиз ўйлаб топган нарсаларни дуо қилмайди, балки Ўз режаси томон йўналтиради.

“Ёзувда дейилган: “Иброҳим Худо у учун тайёрлаб қўйган нарсага кирди ва бу унинг ҳаётида бурилиш ясади. Унинг ўзи ҳақ инсон бўлишга ҳаракат қилишнинг ўрнига, Худо уни ҳақ киши қилиши учун, буни Унга топширди” (Римликлага 4:3, инглиз тилидаги MSG таржимасидан).

Қаршимизда савол туғилади: биз ҳам шунга тайёрмизми? Агарда ҳа бўлса, унда Худо аллақачон, биз учун тайёрлаб қўйган тақдирга кириш вақти келди. Шу тариқа, Унинг Руҳига бизнинг ичимиизда Ўз ишини бошлишига изн берамиз. Бу ҳаракат биз Унда ғолибдан ҳам устун эканимизга ишонишимизнинг кўрсатгичидир. Олдинга силжишимиз ва юрагимизни тўғри томонга йўналтирганимиз сайин, У бизни шундай ҳолатга қўядики, натижада, қандайдир кўзга кўринмас, лекин ақл бовар қилмас дараҷада аҳамиятли нарса содир бўлади. Биз У билан биргаликда юрганимизда, биз нафақат Унинг нигоҳи билан қарашни ўрганамиз, қолаверса, Унинг ҳокимиятини ҳам қўлга киритамиз.

“Бунга Исо жавоб бериб деди: “Ростини, сизларга ростини айтаман, агар Ўғил Отасининг нима қилаётганини кўрмаса, Ўз Ўзидан ҳеч нарса қила олмайди. Чунки Ота нима қилса, Ўғил ҳам шуни қиласди” (Юҳанно 5:19, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Розилик тушунчаси “бирор қиши билан бирлик ва

ҳамоҳанглик”ни англатади. Борди-ю, Ҳудонинг ягона Ўғли, Исо Отасининг розилигисиз ҳеч нарса қилмаган бўлса, боз устига, Унинг қаҳрамон-қизлари бўлмиш, биз ҳам Унинг бошқарувига эргашмасак, абадийликда аҳамиятга эга бирор ютуқقا эриша олмаймиз!

Ёзув бизга Иброҳим каби, қадимда яшаган қаҳрамонлар таърифланган, уларнинг “хавф-хатар остида ва имон билан Ҳудонинг йўлларидан юришга ва яшашга” тайёр бўлгани айтилган (Рим 4:12, инглиз тилидаги MSG таржимасидан). Шу аснода, Масихда Ҳудо бизни олдинги гуноҳларимиздан халос қилганига ишонганимиздек, Масихда У аллақачон, бизнинг номимиз билан келажагимизни ҳам қураётганига ишонамиз.

“Биз Иброҳимни “имон отаси” деб аташимизнинг сабаби, у ўзининг муқаддас ҳаёти билан Ҳудонинг эътиборини тортганлиги эмас, балки у ҳали ҳеч кимлиги пайтида, Ҳудо уни кимдирга айлантирганидир” (Римликларга 4:17, инглиз тилидаги MSG таржимасидан).

Биз ҳақ ҳаёт кечириб, ўзимизни қутқара олмаймиз. Ўғил, Исодан бўлак, бирорта ҳақиши мавжудэмас. Шу боис ўзимизни Ҳудога топширамиз ва имонимиз бўйича, Ҳудо Иброҳимнинг ҳаётида амалга оширганини, бизнинг ҳаётимизда ҳам амалга оширишига, ҳеч ким бўлганни, кимдирга айлантиришига умид қиласиз. Бу аҳамиятсиз инсон, қачонлардир ерга топталган ва синган қиздан ясалган, жасур қаҳрамон сифатида гавдаланиши мумкин. Ҳудонинг ишларини ўзимизнинг номимиздан амалга оширгандек бўлиб, биз ҳаракатдаги қаҳрамонларга айланамиз. Биздан олдин ўтганлар ўзларининг имон қадамлари ва қаҳрамонларча ишлари билан бошқалардан ажралиб турганлар.

“Имон умид қилинган нарсаларнинг моҳиятидир ва кўринмайдиган нарсаларга амин бўлишдир. Зеро имон орқали қадимдагилар яхши гувоҳликлар олдилар” (Ибр. 11:1, 2).

## Қаҳрамонлар – негизга эга бўлган инсонлардир

Биз бу имон ишларини, Ибронийларга Мактубнинг ҳар битта оятида “имон” сўзи акс-садодек эшитилаётганини кўрамиз. Қўйида ушбу қаҳрамонлар имон билан амалга оширган ишларнинг рўйхати келтирилган:

- Маъқул қурбонниклар келтирдилар;
- Ўлим улардан четлаб ўтди;
- Худони мамнун этдилар;
- Чўлда баҳайбат кема қурдилар;
- Яхшилик ва ёвузлик ўртасида чизик чиздилар;
- Ўзлари билмаган юртларга кетдилар;
- Ерда худди мусоғирдек яшадилар;
- Ўз нигоҳини мангаликка қаратдилар;
- Худо улар учун эга бўлганларини имон билан қабул қилдилар;
- Кекса ёшида ҳомиладор бўлиб, бутун бошли халқни дунёга келтирдилар;
- Синов пайтлари Худога мурожаат этиб, Унинг ваъдаларини эслатдилар;
- Улар келажакка бўй чўздилар ва ўз авлодини дуо қилдилар;
- Даъват ва қулликдан Чиқиш ҳақида башорат этдилар;
- Шоҳнинг буйруғидан бош тортиб, ўғлини яширдилар;
- Эзувчилар билан имтиёзли шоҳона ҳаётдан воз кечиб, азоблар ўртасида яшаётган Худонинг халқи билан қийинчиликлардан ўтишни танладилар;
- Кўринмас мангу Худога бўйсуниш учун, ерлик ёвуз шоҳдан юз ўгиридилар;
- Песахни нишонладилар;
- Қизил денгизни қуруқ тубидан юриб ўтдилар;
- Иерихон деворларини етти марта айландилар;

- Жосусларни қабул қилиб, ўлимдан қутилиб қолдилар;
- Шоҳликларни енгдилар;
- Ҳақиқатни яратдилар;
- Ваъдаларни ўзлари учун қабул қилдилар;
- Шерларнинг оғзидан, олов ва қиличдан қутулиб қолдилар;
- Камчиликларни лойиқликка айлантиридилар;
- Жангларда ғолиб бўлдилар;
- Душманларни қувиб юбордилар;
- Ўз яқинлари ва қондошларини ўлиқдан тирилган ҳолда қўлга киритдилар.

Ушбу үзундан-узоқ рўйхатдан тўртта бандни ажратиб кўрсатмоқчиман. Сиз буларни имон билан ўз ҳаётингиз учун қабул қилишингиз мумкин ва шу тарзда, қаҳрамонлик муносабатини ҳаракатларда намоён қиласиз.

### **1. Худо аллақачон сизга берган нарсаларни имон билан қабул қилинг ва шунда юринг!**

Иброҳим қабул қилган нарсаси билан яшаб юрди. У ортига бурилиб, шундай демади: “Худо бу режани якунлади, шу боис энди нуқул дарбадар бўлиб, чодирларда яшаш учун имон билан юришни бас қилса ҳам бўлади”. У умрининг охиригача, Худо унга очган ҳақиқатда юришни тўхтатмади.

**2. Худога маъқул бўлиш.** Унинг фарзандлари, Худо уларнинг ҳаётида ясаган таянчга суюнганида ва У очган ваҳийда юришни бошлаганида Отамиз мамнун бўлади. Ибронийларга мактубда ёзилган: “Имонга эга бўлмасдан эса Худога маъқул бўлишнинг имкони йўқ. Чунки Худонинг олдига келадиган одам Унинг борлигига ва Уни изловчиларни У тақдирлашига ишониши керак” (Ибр. 11:6). Имон бўйича яшаш Худога маъқулдир. Устига-устак, имон “кутилган нарсаларни амалга ошиши”ни олиб келади (Ибр. 11:1), шунингдек, аминлик, умид қилиш, ишониш, доимиilikва содикликни ўзида мужассамлаштиради. Имон бўйича яшаш тебранмас аминликка тўла ва Шоҳимиз билан чамбарчас боғлиқ демакдир. Бунинг тескариси, имонсизликдаги ва содикликдан йироқдаги ҳаёт ҳисобланади.

Худога маъқул йўлни танлаб, сиз кейинги мақсадга эришасиз.

**3. Ўз авлодларингизни дуо қилинг.** Биз атайлаб, марҳаматдаги ва итоаткорлиқдаги ҳаётни танлаганимизда, минглаб авлодларга барака бўламиз! Қуйидаги Санода бизга қандай ваъдалар берилганини ўқинг: “Худо – бизнинг Раббий Худойимиздир! Унинг ҳукмлари бутун ер узрадир. У минг авлодларга амр қилган аҳдини, Иброҳимга амр қилган ва Ёқубга қасам билан амр қилган” (Сано 104:7, 9).

**4. Бу ерда ўзингизга мусофирилик ҳаётини танланг.** Биз бу дунёда, атиги мусофири сифатида яшаб ўтишимизни тушунишимиз ўта муҳим. Биз Масихда томир отганмиз. Ҳаётимизнинг манбаи Худо, шу боис бу дунёга чуқур ўрнашиб олишгай ўлқўймаслигимизжоиз. Ўсимлик ўзининг илдизтизими орқали сув ва озуқага тўйинади. Биз барча даркор нарсаларни Худодан оламиз ва бу дунёга берамиз. Мусофири бўлиб яшаш дегани, бизнинг юриш-туришимиз бошқаларнидан ғалати тарзда ажralиб туришини билдирумайди. Энг муҳими тўғри мақсадни кўздан қочирмаслик, ерлик эмас, балки юқоридаги нарсалар тўғрисида фикр юритишдир. “Ер юзидағи нарсалар эмас, балки юқоридаги нарсалар ҳақида фикр юритинглар. Чунки сизлар ўлгансизлар, ҳаётингиз эса Масих билан бирга Худода яширинган” (Колосникларга 3:2, 3).

### Қаҳрамонларда муносабат бор

Ибронийларга мактубнинг 11-бобида таърифланган барча атоқли фаолиятлар, бизга ўта даражада ўхшайдиган инсонлар томонидан амалга оширилган. Бизнинг ўртамиздаги ягона фарқ шундаки, улар ўзлари учун самовий манзарани танладилар ва ерга оид чегара ва доираларда яшашдан воз кечдилар. Биз уларнинг авлодимиз. Улар бизнинг меъросимиздир!

Оқорида келтирилганларга қўшимча равишда, улар барча машақкат ва синовлардан жасорат билан ўтишди. Уларнинг айримлари азоб-үқубатлардан ўтдилар, бироқ таслим бўлмадилар. Улар ҳақорат, дўйпосланиш, қамоқлар ва зинданларни бошидан кечирдилар. Баъзилари тошбўрон бўлдилар, арраландилар, ўлдирилдилар, бошқалари ерда

ҳайвон терисида юрдилар – улар уйига, дүстига ва ўз замонининг ҳақ-хуқуқларига эга эмас эдилар. Бироқ бугун уларнинг ҳаёти буюк кучдан далолат беради. Ёзув бу қаҳрамонларнинг фаолиятини қуйидаги сўзлар билан якунлайди: “Дунё муносиб бўлмаган бу одамлар саҳроларда, тоғларда, ғорларда, ернинг дараларида дарбадар юрар эдилар” (Ибр. 11:38).

Бу сўзлар юрагимга ўт ёқади. Мен кўпроқ ернинг эмас, самонинг фуқароси каби яшашни истайман! Бундай очиқлик билан ёниш учун, азобларга бориш ёки арраланиш шарт эмас, балки ўзингиз кутаётган нарсаларнинг бирини бутунлай ўзгартиришингиз лозим.

### Қаҳрамонлар имкониятни қўлдан бой бермайдилар

Мен бу бобнинг сатрларини ёзар эканман, биз яшаб турган шаҳар, олов ичидаги қолди ва биз Худонинг халоскорлиги ҳақида гувоҳлик бердик.

Чорсанба куни эрталаб, уйимизнинг ертўласида катта иштиёқ билан ишлаётган пайтим, турмуш ўртоғим, Жон уйга келиб, мен у билан оғисга боришим кераклигини айтди. Сешанба куни у барча ишчиларимиз билан Уолдо дараларида ёнғинлар тўхташи учун ибодат қилди ва афсуски, ўша кеча кечки пайт, уйимизнинг томидан, шамол оловни, қай тарзда тоғ ёнбағридан олиб тушиб, йўлидаги юзлаб уйларни еб-битирганини кўрдик. Шаҳримиздаги ўттиз икки минг киши кўчирилишга мажбур бўлди. Шунинг учун чорсанба куни эрталаб Жон хизматимиздаги ишчилар билан, кўчирилиш хавфи остида турган оғисимизда, қайта ибодат қилди.

Вазият янада ёмонлашиб кетди. Аксарият ишчиларимиз саросимада бўлгани ҳайрон қоларли эмас эди, негаки ёнғин уларнинг уйи ва мулкига ҳам таҳдид солар эди. Биз етакчилар сифатида, бинони тарк этишимиз зарурлигини таъкидладик, шунда Жон менинг ёнимга келди ва жаҳл билан: “Лиза, биз оғисга яна қайтиб келамиз ва учинчи марта ибодат қиласмиз” – деди.

*Жангда енгиг чиқиш учун, баъзан кўп  
марта курашишга тўғри келади.*

– Маргарет Тэтчер

Бошида мен бунга қарши чиқдим, чунки китобимни ёзишда давом этишимиз зарур эди. Сўнг Ибронийларга Мактубдаги қаҳрамонлардан ўрганган имонни намоён қилиш вақти келганини англадим, улар ҳақида шундай деб ёзилган:

“...оловнинг кучини ўчирар, қилич тифидан қутулар,  
заифликдан куч-қудратга кирав, жангда бақувват  
бўлар, бегоналарнинг қўшинларини қувиб юборар  
эдилар” (Ибр. 11:34, ёзма ҳарфлар муаллифга  
тегишли).

Биз Жон билан оғисга кетдик ва йўлда мен бир дугонамга қўнғироқ қилдим. У ўзининг тебранмас имони билан машҳур, тиришқоқ масиҳий эди. баъзида, ўзимиз олов қуршовида бўлганимизда, хавфсизликдаги инсонни эшитишмиз зарур, чунки у тутундан чиқиш учун бизга йўл кўрсатиши мумкин. Биз унга нималар содир бўлаётганини қисқача сўзлаб бердик ва Жон унга, Худо унинг юрагига ибодат учун йиғилиш кераклигини солганини айтди. У аёлнинг юраги ҳам буни шу заҳоти маъқуллади, у биз билан Худонинг буюк мўъжизаси учун розилик ибодатига киришди ҳамда, хотирада қолган ўтган воқеалар ҳақида ҳам эслатди. Ахир, биз олов таҳдидига илк бора дуч келаётганимиз йўқ-ку. Бизга бугунги жангда, кеча нималарни ўрганганимиз ҳақида эслатиш лозим эди.

Эҳтимол, сиз менда ўтган воқеаларни эслатиб турадиган, тошдан ясалган қўрғон йўқ, дерсиз. Унда менда сиз учун ажойиб янгилик бор: Ибронийларга Мактубдаги санаб ўтилган барча ишлар – бу сиз қўрғон қуришингиз учун келтирилган қурилиш ашёлари ҳисобланади.

Биз ўша опамиз билан яна бироз сухбатлашдик ва у бизнинг ишчиларимиз ва биз билан биргаликда ибодат қилиши учун қайта қўнғироқ қилишга келишдик. Биз уччаламиз ҳам, Қудратли Худо қай тарзда бизга жавоб беришини қўриш учун,

ибодатнинг бошланишини муштоқлик билан кутардик. Ва ниҳоят, барча ишчилар йиғилганида, Жон қўлига маркерни олиб, доскага нима учун ибодат қилишга йиғилганимиз ҳақида ёзиши бошлади. Биз олов тарқалишда давом этишдан тўхташи ва ўчиши, шу ондан бошлаб, бирорта бино ёнмаслиги, бирорта одам ҳалок бўлмаслиги ҳамда кўчирилишга тайёр бўлиш буйруғи бекор қилиниши учун Худодан сўрашимиз керак эди. Хонада йиғилган одамларнинг юзларида, қўрқув, имон, хавотир, саволлар ва ҳатто, ҳайрат борлигини кўрдим. Шундан сўнг, биз ташқарига чиқдик ва ибодат қилишни бошладик.

Хуллас, биз учинчи маротаба бутун ишчилар билан ибодат қилиш учун йиғилдик. Баъзилар, аллақачон “яхши жанг билан жанг қилиш” дан чарчаган эдилар. Бироқ биз доира бўлиб туриб, қўл ушлашиб, овозимизни юқорига кўтарган заҳоти, ибодатимиз кучайишни бошлади. Биз қанча вақт ибодат қилганимизни билмайман, бироқ узоқ масофадан, қандайдир яққол нарсани кўрмагунимизча, ибодатда турдик... Биз жавобни олдик. Биздан уч киши Худо бизга олов билан жавоб берганини кўрдик... самовий олов, ердаги оловни ютиб юборганининг гувоҳи бўлдик. Бу қандай содир бўлганини тушунтириб беришни сўраманг, чунки буни тушунтириб бера олмайман.

Ибодат чоғи биз тўғридан-тўғри паст босимли янги ҳаво атрофни қоплаганини ҳис қилдик, ҳаво ҳарорати сезиларли даражада пасайди. Биз Жон билан оғисдан кетганимизга бир соат ҳам ўтмай, сел кетди ва кучли шамол эсишни бошлади. Кечга бориб, бундан олдинги кунлари томимиздан қараганимизда кўриниб турган барча ёнғинлар ўчди. Шундан сўнг бирорта ҳам уй ёнмади. Ахборотда, оловнинг ўзи ортга қайтгани ҳақида хабар бердилар.

**Қиличбозлик  
санъатидан факт**

Ўз ҳужумингизни  
давом эттиrmай,  
рақибнинг таъқибиغا  
тушиб қолсангиз,  
сиз мағлубиятга  
маҳкумсиз.

Бизнинг гуруҳимиз билан бир қаторда, бошқа кўплаб

кишилар ҳам ибодатда бўлганини биламан. Биз атайлаб, бошқалар билан кучда ва имонда фарёд қилганимизда нималар содир бўлишини кўрдик. Жасур ўт ўчирувчилар, полициячилар, миллий гвардиячилар ва бошқа ички ишлар қўшинлари тинмай олов билан курашдилар. Биз ҳам, улар баҳодирларча меҳнат қилганидек, кучли ибодат қилишимиз вақти келди, ахир улар ёнғин ҳадида туришга тайёр бўлсалар, бизнинг ҳам шу кичик ишни қилиш – самога ёрдам сўраб ёлвориш қўнимиздан келади.

Бизнинг ишчиларимиз, ибодатдан ташқари, кўчирилган одамларга турар жой топиш учун жонбозлик билан меҳнат қилдилар. Қаҳрамонлар ибодатни ишлар билан мужассамлаштириш зарурлигини тушунадилар!

### Қаҳрамонлар – ягона меъроснинг бир қисмидир

Ибронийларга Мактуб 11-бобда шундай дейилган:

“Бу имон одамларининг ҳар бири ваъдаларни қўлга киритмай ўтиб кетдилар, бироқ олишига ишонишда давом этдилар. Қандай қилиб бунинг уддасидан чиқдилар? Улар ваъдаларни узоқдан кўрардилар, уларни қарши олиб, уларга қўл билан ишора қилдилар ва бу дунёда мусоғир эканини тан олардилар” (Ибр. 11:13, инглизчадан MSG таржимаси).

Бу имон қаҳрамонлари узоқдан нимани кўрдилар? Қимматбаҳо үйлар ва машиналарними? Бундай дебўйламайман! Одатда моддий нарсаларга қўл билан ишора қилмайдилар ва моддий нарсалар билан саломлашмайдилар, одамлар билан саломлашишади ва уларга қўл билан ишора қиласидилар!

Борди-ю, биз улардан намуна олишни истасак, биз ҳам узоққа қарашимиз лозим. Бу қаҳрамонлар қўлларидағи нарсаларга қарамадилар, чунки улар олдидағи манзарада узоққа қарашиб билан, ўта банд эдилар. Қаҳрамонлар – бу самога нисбатан мустаҳкам умид ва аминликка эга бўлган одамлардир, негаки имон – бу “умид қилинган нарсаларнинг моҳияти ва кўринмайдиган нарсаларга амин бўлишдир” (Ибр. 11:1).

Кейинги оятни ўқинг ва ҳайрат ҳамда, камтарликни ҳис этинг, чунки Құдратли Худо биз билан сизни қаҳрамонлар қаторида бўлишга лойиқ санамоқда.

“Уларнинг ҳаммаси имон орқали яхши гувоҳликка эга бўлиб, ваъда қилинган нарсани олмадилар. Чунки Худо бизларни аълороқ нарса билан таъминлади, токи улар бизларсиз баркамолликка эришмасинлар” (Ибр. 11:39, 40).

Биз ҳам уларнинг ҳаётларидан иборат узун навбатда турибмиз. Биз давом этаётган тарихдаги якуний ҳаракатнинг бир қисмимиз. Уларнинг барча қаҳрамонона ишлари ўз якунини кутмоқда, бу уларнинг ишлари, бизларники билан қўшилганда содир бўлади.

Ушбу афсонавий имон одамларининг ҳаётини ўрганиб чиқаётib, мен нега улар кичик доғ каби, фақат узоқдан кўрган нарсаларни, бизга яқиндан кўриш тақдир этилганини тушуна олмайман. Улар Худо бизга ҳосил йиғиб олишни берган далааларда, мевасини татимай, меҳнат қилдилар.

- Улар бешафқат шароитларда саргардон юрдилар; биз эса салқинлаштирадиган мосламалар ўрнатилган биноларда йиғиламиз.
- Уларнинг уйи йўқ эди; биз Худонинг уйида ўз масканимизга эгамиз.
- Улар Худони чўлларда улуғладилар; биз эса минглаб биродар, опа-сингиллар билан бирга олқишлаймиз.
- Уларнинг қўллари бўм-бўш эди; бизнинг қўлларимиз эса тўла.

Уларнинг имон меъросига, биз имон моҳиятининг қандай қисмини муҳрламоқдамиз?

Ҳосилнинг Эгаси кўзларимизни очиши ва уфқларимизни кенгайтиришини сўраб, ибодат қилиш вақти келди, токи биз одатий меъёрларимиздан чиқиб, ўз ҳаётимизда, биздан олдинги қаҳрамонлар амалга оширган ишларни, амалга оширишни бошлайлик. Уларнинг сўзларини, ишларимиз билан асослай оламизми? Улар учун атиги тимсол бўлган нарсаларга қўл уриш имконига эгамизми?

“Шунинг учун бизлар атрофимизда гувоҳларнинг шундай буюк булутига эга бўлиб, ҳар бир оғирликни ҳамда бизларни осон қуршаб олаётган гуноҳни ағдариб ташлайлик ва тайинланган мусобақада сабр-тоқат билан югуртайлик. Имоннинг асосчиси ҳамда тугатувчиси бўлган Исога кўз тикайлик. У шармандалийкни менсимай, Ўзига тайинланган қувончнинг ўрнига хоч азоб-уқубатига чидади ва Худо тахтининг ўнг томонида ўтириди” (Ибр. 12:1, 2).

Исонинг қархисида нима қувончли бўлганини биламиз. Мен кўпинча ўйлаб қоламан, бизни руҳлантириб турганлар, ўтмишдаги қаҳрамонлар эмасмикан. Ахир бу гувоҳлар булути, бизни ўраб тургани ва олдинга йўналтираётгани, тумонат фаришталарни ўраб тургани ва олдинга йўналтирганига тенг эмасми?

Биз Худода қаҳрамон эканимизни, кўпроқ ва кўпроқ англаб етмоқдаман, У эса бизнинг ўртамиздаги қаҳрамондир. Буни англаш, биз душман учун нишон эканимиз ҳақидаги фикрдан юзага келадиган қўрқувни енгади. Биз қоматимизни ростлаб: мен ғалабада тантана қилиш учун қўйилганман, чунки “Мен Худоданман ва уларни енгдим; зеро менинг ичимдаги Зот, бу дунёдагидан устундир” деб эълон қиласмиз (1-Юҳ. 4:4).

Ҳатто, ҳозир ҳам сизнинг юрагингизга экилган имон сўзлари тирилиши ва қаҳрамонларга хосумид, сизга илҳом бағишлишини сўраб қоламан. Кўзгуга боқиб, бизнинг ички инсонимиз, одамлар бизга қараганида кўрадиган ташқи инсонимиздан анча устунроқ эканини билиш нақадар бахт. Кўринмас соҳа сизнинг унвонингиз ва қаҳрамонлик имкониятларингизни сир сақлаб туради. Қаҳрамонлик – бу сажда ҳаракатидир.

## Қаҳрамонлар – нотабиий шахслардир

“Менинг бор кўнгил истагим – ердаги муқаддас одамларда, Сенинг ажойиб одамларингдадир”  
(Сано 15:3).

Бу оятни ёқтираман, бинобарин, бу ерда муқаддаслик қаҳрамонликка тенглаштирилган. Муқаддас “ажратиб олинган, самовий, устувор, ноадатий” маъноларига эга. Шунингдек, биз қўйидагича ҳаракат қиласиз: “Құдрат билан эмас ва куч билан эмас, аммо Рұхим билан”, – дейди Қўшинлар Ҳудованди” (Зак. 4:6).

Бизнинг қаҳрамонлик мақомимиз инсонинг қобилият, куч, ҳатто, инсоний рұхга ҳам боғлиқ эмас, балки Ҳудо Рұхининг құдратига боғлиқ. Биз устувор ва нотабиий бўлишга даъват этилган эканмиз, шунга монанд ғайрат қилиш вақти келди. Рұхда яшаш, бу энди бизни шахсий кучимиз ва билимимизга умид қилишга оғдирадиган, оддий ҳаракат ва ҳис-түйғуларга берилмаслигимизни билдиради. Қолаверса, душман бизнинг ҳатти-ҳаракатларимиз орқали ишлашига ҳам йўл қўймаслик лозим.

“Сизлар ҳали ҳам тана изми бўйича юрган одамлар-сизлар. Чунки орангизда ҳасад, баҳс ва низо бўлса, унда сизлар тана изми бўйича юрган одамлар эмасмисизлар? Сизлар инсоний одат бўйича ҳаракат қилмаяпсизларми?” (1-Кор. 3:3).

Эшитаяпсизми? Бизнинг ичимиздаги құдратни бошқариш учун, инсоний куч ва қобилиялар камлик қиласи. Ҳаётимиздан ҳасад ва баҳсларни бартараф этиб, биз шу тариқа инсонларга хос бўлган ҳатти-ҳаракатлардан устун бўламиз. Яқдилликда ҳаракатда бўлишга қарор қилганимизда, биз танавий табиатни енгамиз.

Супер қаҳрамонлар, хавфда ёки қўрқувда бўлган одамларга далда бўлишга қодир, модомики улар энг юқори ҳокимият олдида жавобгарликларини биладилар. Борди-ю, биз ҳар биримиз, шахсий кучимиз билан қаҳрамон бўламиз деб ўйласак, узоқча боролмаймиз. Кучимизнинг манбаи – Ҳудо, биз Унга ҳисобот берамиз, У бизга құдрат ато этади ва Исонинг исмини бошқаларга очиш имтиёзи билан улашади.

## Қаҳрамонлар жасур бўладилар

*Хавф-хатар чоғидаги жасорат – ярим ғалабадир.*

– Платон

Қаҳрамонлар доимо жасурдирлар, аммо жасур бўлиш бу ҳеч қачон қўрқмаслик дегани эмас. Ральф Уолдо Эмерсоннинг ушбу оддий сўзлари, менинг назаримда, қаҳрамонга хос жасурликни аниқ-тиник ифодалайди: “Қаҳрамон оддий инсонга қараганда жасоратлироқ эмас, у бор-йўғи беш дақиқа кўпроқ жасорат кўрсата олади”. Баъзан бу беш дақиқалик жасорат, ҳужум чоғи тўлиқ жимжитлик билан юз беради, бу эса охирги сўзни Худо айтишига замин яратади. Ёки бу шунчаки бир жойда мустаҳкам туришни англатади. Қўшимча беш дақиқа жасорат, оқизларга ҳужум бўлаётганини кўрганда, қичқиришни бошлишни билдирамайди. Кўпинча жанг майдонида охирги бўлиб сиз қолганингиз учунгина, ғалаба қозонасиз ва ёлғон фош бўлади, душман эса мағлубиятда тумтарақай бўлади. Жасорат сизни ушлаб қолади ва сизга мустаҳкам туришни беради.

Ҳаёт даҳшатли лаҳзаларга тўла, қўрқув ҳуружидан сақланиш, бор-йўғи шамол эсганда йиқил-масликка уринишга ўхшайди. Бироқ доим, қандай муносабат билдиришни биз ҳал қиласиз. Бургутлар парвоз пайти фойдаланадиган шамоллар, полопон бўлганларида уларни чўчитган. Қўрқув сизни Хўдога жалб қилсин.

### Қиличбозлик санъатидан факт

Чинакам қиличбозларнинг аломати – эркин овоз ҳуқуқига эга бўлиш, муаммонинг ечимини ўзи танлашдир.

## Қаҳрамонлар, қандайдир нооддий эканлиги билан бошқаларга ўхшамайдилар

Барча қаҳрамонлар, бирорта нооддий томони билан ажralиб туришини, айтиб ўтиш жоиз, модомики уларнинг ҳаёти, қандайдир буюк нарсага боғлиқдир.

*Қаҳрамон – ўз ҳаётини ўзидан кўра, улуғроқ нарсага бағишилаган кишидир.*

– Жозеф Кемпбелл

Қаҳрамонлар ғолиб бўлишдан кўра, ғолибларга хос мақсадларга интиладилар. Ташқи рағбат омиллари уларни хавфга боришга, бошқалардан кўра дадилроқ бўлишга, ачинишга, ҳаракат қилишга тайёрликка, масъулиятли ва жасур бўлишга ундаиди. Қаҳрамонлар қаршисидаги деворнинг ортида, доим нимадир яширганини биладилар. Қаҳрамонлар туришдан ва турган жойидан жилмасликдан қўрқмайдилар. Реал ҳаётдан юқори бўлишга тайёрлик, уларни мисли кўрилмаган ишларни амалга оширишга мажбур этади.

Ушбу китобни ёзар эканман, давлатимизнинг барча кинотеатрларидаги учта етакчи фильмларнинг орасида “Қасоскорлар” фильмим ҳам бор. Қасоскор – жабр кўрганларнинг ҳимоячиси эканини айтиб ўтиш жоиз. Бу тасвир муваффақияти сабабларидан бири, ҳар битта қасоскор – ноёб якка-қаҳрамон, жамоада ҳаракат қилишни ўрганадилар. Уларнинг ҳар бири алоҳида кучли, бироқ бирлашгандарида, уларни енгиб бўлмайди.

Американинг капитани юқори куч ва шарафда тенгсиз сифатларга эга, лекин у бироз гўл одам. Жаноб Тор ёқимли ва кўнгли очиқ киши, у мустаҳкам болта, аммо жоиз бўлмаган пайтда, укасига ишониб қўяди. Темир одам дохий. Унинг табиатидаги имиллаш одамни кулгусини келтиради, шу билан бир қаторда у бироз истехзоли ўшшайган. Халк ақл бовар этмас кучга эга, лекин кучини қарийб назорат қила олмайди. Қора бева босим остига тушиб қолганида, у ўта маҳоратли ва ўддабурон, бироқ ўзида қора ўтмишини сақлаб юради. Бу рўйхатни бошқа супер қаҳрамонлар билан тўлдириш мумкин, аммо маъноси шундаки, уларнинг бари ноёб кучли ва заиф томонларга эга.

Муқаддас Китобда Исодан бошқа ҳамма қаҳрамонлар, кучли томонларга ва камчиликларга эга бўлганлар! Супер қаҳрамонлар, мен билан сизга ўхшаган, турли шаклдаги ва ўлчамдаги эркаклардан ҳам, аёллардан ҳам чиқиши мумкин.

Масиҳий тушунчаси “Масиҳнинг издоши ва мойланган”

маъносини билдиради. Биз ўз қаҳрамонимиз, Исо Масиҳга сажда қиласиз, шу аснода, Худонинг таъминоти ва инояти бизни қаҳрамонга айлантиришига имкон яратамиз. Повул Эфес шаҳридаги жамоатга ёзганларига қулоқ тутиб кўринг:

“Худо құдратли ва У сизлар кучга тўлишларингизни истайди. Шундай экан, Худо сиз учун тайёрлаб қўйган ҳамма нарсани олинглар, энг аъло хомашёдан ясалган мустаҳкам қуролларни олинглар ва шайтоннинг кирдикорларига қарши туриш учун улардан фойдаланинглар. Бизнинг жангимиз, яrim кунлик спорт мусобақалари эмас, улар тугагач, икки соатдан сўнг унутиб юборадилар. Бизнинг тўқнашувимиз ҳаётга эмас, балки ўлимгадир, бу жангда биз шайтонга ва осмон остидаги барча ёвуз руҳларга қарши охиригача таслим бўлмаслигимиз зарур. Ҳозирланинглар. Олдингиздаги урушда шахсий кучингиз етарли бўлмайди. Ҳатто, уруш тугаб, биргина шовқин қолган чоғда ҳам, оёқда туриш учун Худонинг қурол-аслаҳаларини ва ҳар қандай ёрдамни қабул қилинглар. Ҳақиқат, ҳақлик, тинчлик, имон ва нажот, гап-сўзлардан муҳимроқ. Уларни қўллашни ўрганинг. Улар сизнинг ҳаётингиз давомида зарур бўлади. Худонинг Сўзи – бу тенги йўқ қуролдир, қолаверса, ушбу доимий жангда ибодат ҳам муҳим аҳамият қасб этади. Жон-жаҳд билан ва узоқ ибодат қилинглар. Ўз биродар ва опа-сингилларингиз учун илтижо қилинглар. Мижжа қоқманглар. Бир-бирингизни ўзаро руҳда қўллаб-қувватланглар, токи ҳеч ким йиқилмасин ва ортда қолмасин” (Эфес. 6:10-18, инглиз тилидаги MSG таржимасидан).

Ушбу матнда аҳамиятга эга ахборот мавжуд. Келинг, буни бандларга бўлиб, ўрганамиз, негаки Эфесликларга Мактубнинг бу оятларида, манашу китобнинг асосий мақсад ва вазифалари кўзга ташланмоқда.

1. Худо құдратли ва Худо Унинг қизлари кучли бўлишини истайди!

2. Унинг қуролларининг тенги йўқ.
3. Бўндан қуроллар қўлимиизда бўлса, душманинг бирорта ҳийласи бизни йўлдан ура олмайди.
4. Сиз руҳий жангга, ҳаётга эмас, ўлимга жалб қилингансиз.
5. Агарда сиз ҳозиртайёргарлик кўрсангиз, душман келганида, бу сиз учун томдан тараша тушгандек бўлмайди.
6. Бу урушда ўз шахсий кучингиз билан жанг қилишнинг имкони йўқ.
7. Ҳақиқат, ҳақлиқ, тинчлик, имон ва нажот ҳаётимизнинг асосида туриши зарур.
8. Ҳудонинг Сўзи – мажбурий қурол.
9. Ибодатга эътиборсиз бўлмаслигимиз керак.

Самовий Отамиз бизнинг барча муҳтожликларимизни билади ва биз уларни енгиб ўтишимиз учун, У бизни куч ва ҳокимият билан тақдирлаган. Бизни энг аъло шахсий енгиб бўлмас қурол кутмоқда. Бу мангу үнсурлар ҳозирги ва келажақдаги жангда енгисх хусусиятига эга. Биз нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим аро тўқнашувнинг ичидамиз. Биз ортга қараб, ваҳимада қочиб кета олмаймиз.

### **Қиличбозлик санъатидан факт**

Душман ҳар сафар ҳамлага ҳозирланиб, жуда яқин келганида, унга ҳужум қилиб, унинг тажовузкорлигини тўхтатинг.

Биз ҳали ерда эканмиз, душман бизни мағлуб этиш умидида, бизга қарши қурол тақалайди. Душман қутуради ва у ёки бу тарзда, Ҳудонинг қизларига қарши жангни асл юзини очиб боради. Лекин у енга олмайди, бинобарин, бизнинг қўлимиизда оловда тобланган қилич бор. Ҳудонинг қизлари қилич билан ҳужум қилганида, душман чекинади.

Олдинга қаранг, оёғингизда маҳкам туринг, ўз қиличингизни кўтаринг, токи душман сизнинг қаҳрамонларча кўркам юзингизни кўрсин.

# 4

## Жанг майдони

Чунки бизнинг жангимиз қону танага  
қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни  
бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлару  
ҳокимииятларга ва самовий оламдаги ёвузлик  
руҳларига қаршиидир.

– Эфесликларга 6:12



Бу бобда биз “Жангимизнинг манзили қаерда?” ва “Душманимиз ким?” саволларига жавоб берамиз.

Оддий ва тез тарзда, шундай жавоб бериш мумкин: бизнинг жангимиз кўринмас дунёда содир бўлади, душманимиз эса – бизни ўраб турган одамлар эмас.

Биз бир куни ўзгарарадиган дунёда яшаяпмиз. Бу ердаги вақт, мангуликка ўрин беришини биламиз. “Биз ҳозир кўриб турган дунё, яқинда тугайди” (1-Кор. 7:31, ЯАнинг замонавий таржимаси).

Ер-юзидаги бор нарсалар, нима орқали яратилганини, биз ҳали кўрмаяпмиз.

Жумладан, кўриб бўлмайдиган, аммо кучли атомни олайлик. Уни оддий кўз билан кўриш мумкинми? Йўқ. Шундай бўлишига қарамай, ундаги шиддатли куч ва құдрат йўқолиб қолмайди. “Баламутнинг хатлари”да бир жин бошқасини огоҳлантиради: “Масиҳийларга қарши илмдан фойдаланишни ҳаёлингга ҳам

келтирма (ҳақиқий илмни назарда тутаяпман). Илм уни тегиб ва кўриб бўлмайдиган воқеликлар устидан фикр юритишга мажбур этади”.

Агарда биз бирор нарсани кўрмаётган бўлсак, бу мавжуд эмас ва у бизга таъсир этмайди деб ўйламаслигимиз керак. Онгимиз устида ишлаш вақти келди. Шудай бўлса-да, ёмон хабар ҳам бор: бизнинг онгимиз курашиш билан машғул ва ундан бош тортиш имконсиз.

“Чунки бизнинг жангимиз қону танага қарши эмас, балки бу дунёдаги зулматни бошқарадиган бошлиқларга, ҳокимлару ҳокимиятларга ва самовий оламдаги ёвузлик рухларига қаршидир” (Эфес. 6:12, ЯАнинг замонавий таржимаси).

Яхши хабар шундаки, сизда нима билан курашишни танлаш ҳокимияти бор. Душман бизни мақсаддан чалғитиши истайди, у бизни зулмат ва ёзузлик кучининг назоратига бўйсундириш учун, тўқнашувдан чалғитади. Душманни енгиш мақсадида, одамлар билан курашишни, худди дараҳтни йўқ қилиш учун, унинг ҳосилларини юлиб ташлашга тенглаштириш мумкин. Борди-ю, сиз чиндан ҳам дараҳтдан қутулмоқчи бўлсангиз, унинг томир тизимини бузишингиз зарур.

Бутун бошли яширин зулмат тизими, аксарият ҳолларда одамларнинг ҳаёти орқали ҳаракатланади ва ўз таъсирини ёяди. Одамлар сизга ҳужум қилмайдилар, модомики баъзан айнан шундай туюлса ҳам. Айёр ва қадимий душман доим сизни таъқиб қилиб юради, бинобарин, илон сиз ичингизда олиб юргандан қўрқади.

**Тўлғоқ дарди бола дунёга келишига олиб келганидек,**  
**фоний курашлар боқий орзуларга олиб келади.**

**дунёга келишига олиб келганидек,**  
**фоний курашлар боқий орзуларга олиб келади.**

Ҳозирги пайтда сизни, Худонинг энг лойиқ ва шарафли орзуларидан, қандайдир даҳшат соя солиб турганга ўхшайди. Ҳар биримиз – У жанг қилиб, зафар қозонган, Унинг орзуларимиз.

Аммо Унинг биз ҳақимиздаги умиди шу билан яқунланмайди, Унинг биз ҳақимиздаги орзулари Рұх билан илхомланган ибодатларда үз аксини топған.

“Нафақат үлар учун, балки үларнинг сўзлари бўйича  
Менга ишонадиганлар учун ҳам ибодат қиласман.  
Уларнинг ҳаммаси бир бўлсин. Отам! Худди Сен Менда  
ва Мен Сенда бўлганим каби, үлар ҳам Бизларда  
бир бўлсинлар, токи дунё Сен Мени юборганингга  
ишонсин. Сен Менга берган шуҳратни Мен үларга  
бердим, токи Биз бир бўлганимиз каби үлар ҳам бир  
бўлсинлар. Мен үлардаман, Сен эса Мендасан! Улар  
ҳам бирликда мукаммал бўлсинлар, токи дунё Сен  
Мени юборганингни ҳамда Мени севганинг каби үлар-  
ни ҳам севганингни билиб олсин” (Юҳанно 17:20-23,  
ёзма ҳарлар муаллифга тегишли).

Сирли кечадаги ўн битта имонли шогирдларнинг ўртасида, Исо Масиҳ биз учун ибодат қилди. Бир куни үлар орқали имонга келадиган бизни ҳам, Ўз ибодатига қўшиди. Бутун Ёзув давомида, үлар Исо билан юрганини, Ундан қочиб кетганини ва Унга шараф келтириш учун қайтиб келганини гувоҳи бўламиз.

Худо ҳақида бизга гувоҳлик бериш учун, Исога үларнинг ҳаёти ва сўзлари зарур бўлгани каби биз ҳам Исони бошқаларга танитишимиз вақти келди. Бу сиз туфайли одамлар Исога ишонишни бошлашини англатади.

Бу қандай содир бўлади? Худонинг инояти орқали. Унинг шарафининг энг қисқа ифодаси – “Худонинг тўлиқ меъёри” ва “Унинг тўлиқлиги”. Худо Ўзининг ягона Ўғлини тўлиқ тарзда берди, Исо эса Ўз ҳаётини тўлиқлигича берди. У бир томчи ҳам ушлаб қолмади, Ўзини бутунлигича берди. Ота Худо ва Ўғил Худо Ўзининг нажот режасида яқдил, мақсадларида ва үларнинг амалга ошишида ҳамнафас эдилар. Исонинг биз учун ибодатининг мазмуни – биз юрагимиз ва қалбимизда яқдил бўлайлик, токи замин яна Отанинг ва Унинг Рұхи орқали келинда Ўғилнинг шарафини кўра олсин.

Афсуски, Юҳанно Мактуби, 17-бобдаги ушбу сатрларни

ўқиб, ҳатто Исо ҳам ибодатлари амалга ошишини үзоқ вақт кутишига тұғри келишини тушунаяпман... Биз ҳали бирликка эришмаганимизга ҳеч шубҳа йўқ.

Биз ҳаммамиз ноёбмиз, шу боис турлича қараймиз, гапирамиз, ҳис қиламиз ва сезамиз. Бизнинг саждамиз ҳам турли хил бўлиши мумкин, шундай бўлиши керак, аммо бизнинг ҳаётимиз тана каби ҳаракатда бўлса, биз, албатта, яқдил бўламиз. Юҳанно Хушхабари 17-боб 23-оят замонавий таржимада шундай янграйди:

“Мен улардаман ва Сен Мендасан. Шунда улар ҳамна-  
фаслиқда етук бўладилар. Улар худосиз дунёга, Мени  
Сен юборганингни ва Мени қандай севсанг, уларни ҳам  
шундай севишингни исботлайдилар” (ёзма ҳарфлар  
муаллифга тегишли).

Агарда биз яқдил бўлсак, дунё имонга келишига имкон бор, борди-ю, бизда низолар бўлса, қолганларнинг бари бизга қарши чиқади! Масиҳийларнинг юриш-туриши, маданияти ва ҳаёт тарзи ер аҳолисини, биз ҳимоя қилаётган ҳаққоний қадриятларга шубҳаланишга олиб келади. Биз чиндан ҳам, Ҳудо бу дунёни қутқариш учун Ўз Ўғлини юборганини кўрсатиб яшаяпмизни ёки бизга қараб, осонликча, ҳаётимиз нуқул ўзимизнинг атрофимизда айланаяпти десак бўладими? Ҳудо Исони қандай севган бўлса, бизни ҳам худди шундай севишига ишонамизми? Ота Ўзининг Самовий Ўғлини севганидек, бизни ҳам шундай севишини тасаввур этиш қийин. Биз Исонинг ибодатининг тўғридан-тўғри жавоби сифатида ҳаракат қилишни бошлаш вақти келди. Юрак ва онгларнинг яқдиллиги манзараси шаклланганда, мана нима содир бўлади:

“Ота, Менга Сен берганлар Мен бўладиган жойда  
бўлсинлар, токи дунёning яратилишидан анча аввал  
севганларинг, Сен Менга совға қилганлар, Менинг  
шарафимни ва улуғорлигимни кўрсинглар” (Юҳанно  
17:24, инглиз тилидаги MSG таржимасидан).

Исо сизни Отаси Унга берган совға деб атаганига эътибор

бердингизми? Бошқача қилиб айтганда, Ота дейди: “Исо, буни ҳозирча юрагингда сақлаб тур. Бу хазинани, сал ўтиб, ерда очасан”. Бирдамлик – бу сир. Биз ердалигимизда, қандай қилиб У билан бирга бўла олишимиз мумкин? Жавоб: Масиҳда ҳамма бир бўлади. Худосиз дунё биздан Масиҳ борлигининг исботини излайди. Биз Масиҳда ўзимизнинг улуғорлигимизни англаб етмасак, дунё бизда Масиҳ борлигини кўришига катта шубҳам бор. Бу тушунча, биз ўзимизга қарашни бас қилиб, Унга қарашни бошлаганимизда содир бўлади.

Бу сирни энг яхши ифодаси Эфесликларга Мактубда ёзилган:

“Биз Масиҳда Унинг қони орқали қайта сотиб олинниб,  
Унинг инояти бойлиги бўйича гуноҳларимизнинг  
кечирилишига эгамиз. Худо бундай иноятни бизга  
барча донолик ва ақл-заковатда мўл-кўл қилиб  
берди. Худо Масиҳда тайинлаган Ўзининг илтифоти  
бўйича бизга Ўз иродасининг сирини очди: яъни, вақт  
тўлиқлигини тузиш учун барча осмону ердагиларни  
Масиҳда бирлаштирди” (Эфес. 1:7-10).

Ёзувда биздан ҳеч нарса яширилмагани айтилган: биз сотиб олинганимиз ва тўлиқ кецирилганмиз, бизга иноят, донолик ва Унинг Иродасининг сирларини тушуниш, ҳамда Масиҳда ер ва осмонни бирлаштириш мақсадини тушуниш ваҳийи қўйилган. Вақт тўлиқлиги келганида, Исо келди ва вақт ўз ниҳоясига етмагунича, биз бу ерда юрамиз. Агарда биз битта юракка, битта овозга, битта очиқликка, битта мақсадга, битта исмга, битта Шоҳликка ва Исони улуғлаш каби битта вазифага эга бўлсак, нима содир бўлади? Биз бу ерда эканмиз, бизнинг ҳорғин еримизда самонинг акси кўринар эди.

Тинчлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Тинчлик – Худо ўғиллари ва қизларининг меҳнати ҳосилидир.

“Тинчлик ўрнатувчилар баҳтилдиirlар, чунки улар  
Худонинг ўғиллари деб аталадилар” (Матто 5:9).

Бўлининшлар бизнинг томонимиздан бирор бир уриниш ва

куч ишлатишларсиз содир бўлади. Бўлинишлар инсон гуноҳга йиқилишидан сўнг, дунёning ажралмас бир қисмига айланди. Бирдамлик ва тинчлик мўлжал ҳамда, стратегик доноликни талаб этади. Само бизнинг ердаги маданиятимиз билан туташибига имкон яратишимиш лозим.

Бўлинишлар ҳеч қачон Исони шарафламайди. У бизнинг юракларимизга, уйларимизга, овозларимизга, очиқликларимизга, мақсад ва шоҳлигимизга адоват экади. Орамизда бўлинишнинг юзлари кўп: мағурурлик, қаҳр, ғазаб, баҳслар, туҳмат, ғийбатлар, лаънат, низолар, алам, хафагарчилик, жодугарлик ва бутпарастлик (Гал. 5:19-21 га қаранг). Биз танавий ва қўпол инсоний ҳисларимиз билан яшаганимизда, бу заҳарлайдиган сифатлар дунёга йўл ёриб ўтади. Бўлинишнинг юзи кўп бўлишидан қатъий назар, у оқибатда битта мақсадга – бизни яксон қилиш мақсадига эга.

“Агарда юрагингизда сизлар аччиқ ҳасадга ва рақобатга эга бўлсангиз, унда мақтанманглар ва ҳақиқатга қарши ёлғон гапирманглар. Бу юқоридан тушаётган донолик эмас, балки дунёвий, шайтоний, жонга оид доноликдир. Чунки қаерда ҳасадгўйлик ва рақобат бўлса, ўша ерда тартибсизлик ва ҳар хил ёмонлик бўлади” (Ёқуб 3:14-16).

### **Қиличбозлик санъатидан факт**

Қилични қинидан суғуриш кучи шу қадар кучли эдики, ўн олтинчи асрдаги дуэлларда (ўз номусини ҳимоя қилиш учун курашиш), жанглардагидан кўра кўпроқ одамлар ўлиб кетди (40 000).

Худонинг мақсадларидан бири – бирлашган келинни кўриш, қолаверса, Худо яна рашк қадар уни севади, токи у тўлиқлигича биргина Раббийга тегишли бўлсин. Баъзида бу бирдамлик учун курашиш зарурлигини билдиради. Исо ўлим, дўзах ва қабрни енди, модомики биз У билан ва бирбиrimiz билан бирлашайлик.

Айрим ҳолатларда энг мустаҳкам муносабатлар чархланади, темир, темирни чархласа, натижада икки томон ҳам ўткирланади.

Аҳиллиқда юраман деб қарор қилганингиз заҳоти, қаттиқ қарама-қаршиликка учрашингиз турган гап.

Сиз ҳар сафар бошқаларни ҳимоя қилиш учун ва уларга куч бағишлиш учун байроқни кўтарганингизда, қай тарзда бўлиниш, сизнинг қаторингизга тўр қўйишини кўрасиз. Бу манзара одамларнинг ўртасида, муносабат бор ҳамма жойда, шахсий дўстликдан то жамоатда содир бўлаётганинг гувоҳи бўлаяпман. Шунда одамлар, нега улар бирга боришига қарор қилишгани ҳақида эмас, нега уларнинг эҳтиёжлари қондирилмаётгани ҳақида ўйлашни бошлайдилар.

*Сиз дўзахдан ўтаётган бўлсангиз ҳам,  
йўлингизда давом этинг.*

– Уинстон Черчилль

Қўшинни дўзахда ҳам, иккига бўлиш керак эмас... йўлда давом этиш зарур. Бунга никоҳ яхши намуна бўлиб хизмат қиласи. Сизларни билмадим-у, аммо биз Жон билан учрашиб юрган пайтларимиз умуман уруш қилмас эдик. Бутун дўзах азоблари, турмуш қуриб, Худонинг қаршисида бирлик аҳдини тузганимиздан сўнг ёғилди. Урушлар нафақат оиласарда содир бўлади, бироқ никоҳ институтининг ўзи ҳужумларга дучор бўлади. Худо белгилаган нарсани, биз ўзгартираслигимиз, У қўшганни, биз ажратмаслигимиз керак. Бир авлод, уларнинг назарида севги тугаган бўлса, бир-бирига хиёнат қилишнинг, бир-бирини ташлаб кетишнинг ёмон жойи йўқ деб қарор қилгани сабабли, ажралишлар ўзбошимчалик тусига кирди.

Никоҳнинг ўзи ҳам, ўзаро муносабатлар ҳам ҳужум остида. Биз Жон билан неча маротаба, бирор марта келишмовчиликка бормаганга ўхшаган оиласар, ажралиш бўсағасига келганини эшитганмиз. Баъзида никоҳда келишмовчиликларнинг йўқлиги, сиз ўз оиласигиз учун курашмаётганингизни билдиради. Шундай пайтлар бўладики, сиз бутун бўлишингиз учун бироз курашиш талаб этилади.

Аждарҳолар – бу қадимий ривоятлардаги афсонавий қаҳрамонлар эмаслигини биласиз деб ўйлайман. Аждарҳо ҳақида гапирав эканмиз, биз шайтонни, руҳий ўлимнинг бош

вакилини назарда тутамиз. Рақобат, туҳмат, ҳамда бўлинишни олиб келадиган таққослашлар ва сўзлар – бу аждархонинг тили.

Ваҳий китобидаги аёл, яъни Марям, аёл ва келиннинг тимсоли бўлса, аждарҳо эса Адан боғидаги илоннинг, шайтоннинг, левиатаннинг тимсолидир. Унинг барча роллари, Худонинг табиатини ва Унинг сўзларини бузиб кўрсатиш ва нотўғри талқин қилишга қаратилган. Аждарҳо айёр ва аблах, шунингдек у дажжолнинг руҳига эга.

Одам ва Ҳаво Худонинг уларга берган Адан боғини парвариш қилиш, у ерда ҳосил келтириш ва кўпайиш амрларини бажариб улгурмай, у ерда илон пайдо бўлди. У нафақат одамларнинг ўзини, шу билан бир қаторда, уларнинг ҳудудини ҳам бўлиб ташлади ва Ҳудо томонидан яратилган, табиий йўл билан суфориладиган, хавфсиз жойдан олиб чиқди.

*Бутун оламда бетараф ҳудуд йўқ; ҳар  
битта сантиметр квадрат, ҳар битта  
сония Ҳудога тегишили ва шайтон доим  
буни талашади.*

– К. С. Льюис

У ҳали ҳам, орзу қилишга ҳадди сиққан кишининг йўлини тўсиш имконини пойлаб, даҳшат соясига бекинмоқда. Аждарҳо зулматда туриб, орзу қилишга ҳадди сиғиб, нурга ўтишга умид қилган ва нурга ўтган одамни, атайлаб бўлади, ўтга отади ва ҳар қандай дадилликдан маҳрум қиласди.

Севикли опа-синглим, агарда сиз орзу қилишга ботинган бўлсангиз, охиригача курашиш учун етарли даражада жасур бўлинг.

Ҳётингизга қаҳрамон даражасидан қаранг, сўнг дадиллик билан “ўша” одамлар ва “шу” азоблар орасидан узоққа қиё боқинг. Неча марталаб, панада яшириниб, пайт пойлаб турган илон, сизнинг умид ва орзуларингизни чаққанини кўргансиз?

Эҳтимол, ҳали кичик қизчалик пайтингизда, аждархонинг сўзлари олов каби, сизнинг орзуларингизни кулга айлантиргандир. Балки у ўзининг сўзларини, шу қадар қоғозга

ўраганида, сиз ularни ўзингизнинг сўзларингиз деб қабул қилгандирсиз. Сизга бирор киши, сен бадбашара, бақалоқ, тирриқ, қуруқ суяқ, тентак, ўзича билимдон, узун терак ёки пакана деганми? Эҳтимол, ота-онангизнинг севгиси нафратга айлангандир, сиз учун қачонлардир шинам бўлган ўйингиз, оддий пўстлоққа ўхшаб қолгандир. Балки аждарҳо қанотларини тақиб, кечалари сизга келиб, сизнинг бир жойларингизга, қандайдир тарзда теккандир, бунинг оқибатида сиз ўзингизни ифлос ҳис қилиб, уятда яшарсиз. Эҳтимол, сизни уятга қолдирган илон, судралиб келиб: “Сен ўзинг буни сўрадинг, сен ўзинг истадинг, ўзинг мени шундай қилишга мажбурланинг” – деб шивирлагандир.

Қандайдир тушунарсиз тарзда бу илк айлов сўзлари, Одам Ато давридан бошлаб, тўхтовсиз равишда аёлларни қуршаб олган. Бу нарсаларнинг ҳимоячиси саналган Одам Ато ўзини сақлай олмаганида, вазифани бажара олмагани учун айбини тан олишнинг ўрнига, барча айбни аёл кишига юклаганида содир бўлди. Илон Ҳавони алдагани тўғри, бироқ тенгги йўқ Одам Атони эмас. Одам Ато эса, унга жоиз бўлмаган нарсани, ўз хоҳиши билан олди. У Худодек бўлишни истади, Худонинг ҳукмронлигига бўйсунишдан боштортди. Ҳатто бугун ҳам, бирор эркак қиз болани унинг бокиралигидан маҳрум қилса, аксарият ҳолларда, у бу ҳаракатда Ҳавонинг таъсирини айблайди. Аслида эса у қизнинг бокиралигини ўғирлашни истаганлиги ҳақидаги ҳақиқатни тан олмайди.

Хуллас, бир неча минг йиллар ўтиб, эркак кишининг аёлни айблашлари, унга озодлик келтирдими? Йўқ! Ёки бирорта аёл эркакни айблаб, ўзи озодлик топдими? Йўқ! Исо бизнинг айбимизни агадийга олиб кетиш учун келди. Бошқаларни ҳукм қилиш ва айборни қидириш, бизни доим рўй берәётган воқеаларнинг ҳақоний манзарасидан чалғитади. Одамлар етказадиган ҳар қандай азоб – бу шунчаки парда ортидаги воқеаларни акс эттирадиган қўғирчоқларнинг сояси ҳисобланади. Биз тана ва қонга қарши курашмаяпмиз. Парда ортида аждарҳо ўтирибди, у Худо фарзандларининг ҳаракатлари, кайфияти ва ҳис-тўйғуларини бузиб кўрсатишни ёқтиради. Илон эркакни ҳам, аёлни ҳам овлайди. У бизнинг

туғилганимизда құлға киритган ҳуқықтаримиздан маҳрум этишни ва Худонинг тимсолини олиб юриш қобилиятимизни нобуд қилишни хоҳлади: “Үғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш ва ҳалок қилиш учун келади. Мен эса ҳаёт, тўла-тўкис ҳаётга эга бўлишлари учун келганман” (Юҳ. 10:10).

Ўғирликнинг ортидан ўлим ва ҳалокат келади. Одам ва Ҳаво үларга тегишли бўлмаган нарсани олдилар ва шу заҳоти, бизнинг мангубоғимизга ўлим кириб келди. Тез орада илон ҳам ҳалокат тўлқинига дучор бўлди.

“Битта киши орқали дунёга гуноҳ кириб, гуноҳ орқали эса ўлим кирганидай, худди шундай, ўлим ҳамма одамларга ўтди, чунки ҳамма гуноҳ қилган” (Рим. 5:12).

Исо биз гуллаб-яшнашимизни истайди. Биз ҳам якка ҳолда, ҳам биргалиқда, инсон ўғрилик, ўлим ва ҳалокат орқали йўқотган нарсаларни тикламоқдамиз. Мақсад атрофида бирлашиб, ҳамда шахсий шаънимизда муваффақиятга эришиб, биз яна бош боғбон – Раббимиз эгаси бўлган боққа ўхшаб борамиз.

“Ўша куни Раббий Ўзининг оғир, катта ва мустаҳкам қиличи билан тўғри югурдиган илон – левиатанни ва биланглаб югурдиган илон – левиатанни қирғин қиласи ҳамда денгиздаги баҳайбат махлукни ўлдиради. Ўша куни қизил шаробнинг ажойиб узумзори ҳақида куйланглар. Мен – Раббий – уни қўриқлаяпман, уни ҳар лаҳза суфораяпман. Унга кимдир зарар етказмаслиги учун, уни тун-у кун қўриқлайман” (Ишаъё 27:1-3, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бизнинг Құдратли Раббимиз курашар экан, биз гуллаб-яшнайверамиз. Биз Унинг ҳалқи гуллайверар эканмиз, Худоимиз душманга ҳалокатли зарба беради. Самодаги жанглар ерда қўриниб туради ва ердаги урушлар самонинг эътиборидан четда қолмайди. Биз само учун муҳим мақсадлар билан ўзаро бир бўлганимизда яшнаймиз.

Севикли опа-сингилларим, сиз амалга ошира оладиган энг катта қаҳрамонлик иши – бу ҳосиллар келтиришдир. Бутун Ёзув давомида, кўп марта Худо Ўз ҳалқига узумзорлар,

боғлар ва далалар ҳақида гапирган. Сиз Худо ўтқазган боққа қиёслангансиз. Дараҳтлар ўзининг атрофидаги бошқа ўсимликларга ҳужум қилиб яшамайдику ва уларнинг соясида гуллаётган ўсимликлар, ўзидағи кучнинг улуғворлигига маҳлиё бўлишдан чалғитаяпти деб ўйламайдику. Бинобарин, сизнинг илдизингиз пастга қараб чўзилсин ва кўринмас соҳадан куч олсин, токи аждарҳонинг сояси, ҳеч қачон сизнинг келажагингиздан нурни ёпиб қўймасин.



# 5

## Хоч бу қилич

Қон бизнинг қилмишларимизнинг оқибатини  
бартараф қиласа, Хоч эса бизнинг ўзлигимиз  
муаммоларини ечади. Қон бизни гуноҳлардан озод  
қиласди, Хоч тўғридан-тўғри, биздаги гуноҳ қилиш  
қобилиятилизнинг томирига зарба беради.

– Уочман Ни



Масиҳнинг хочи ҳақида фикр юритадиган бўлсак, шубҳасиз, онгимизга кўп сўзлар келади, бироқ бу сўзларнинг ичидаги “қилич” сўзи, ҳойнаҳой ҳаёлимизга келмайди. Шундай бўлсада, хоч ҳар биримизга, ҳаётимизнинг турли даврларида, турлича гапиришига аминман. Хуллас, келинг, шу ерда тўхтаб, хоч сиз учун ҳозир нимани англатиши ҳақида ўйлаб кўрамиз.

Мен Песаҳ байрами ҳафтасида ижтимоий тармоқларда шундай савол келтирдим: “Хоч сиз учун нимани англатишими битта сўз билан айта оласизми?”

Мени жавоблар оқими билан дуо қилишди. Бу рўйхатда турли сўзлар бор эди, жумладан шундай сўзлардан тортиб: севги (бу ҳозирги кундаги энг кенг тарқалган жавоб), иноят, озодлик, кечирим ва гуноҳлардан ювилиш, бундайларигача: Исо, ҳаёт, шафқат, қурбонлик, миннатдорчиликка тўла ҳислар ва бошқа кўп ажойиб таърифлар келтиришди.

Авваломбор, Масиҳнинг хочи битта ягона, тўғри мураккаб таърифга эга эмаслигига эътибор беринг. Хоч само ва ернинг

ўртасида кўприк қурди, модомики у инсонни Худо билан яраштириди, сўнг даҳшатли мағлубият бўлиб туюлган нарсани ақл бовар этмас тантанага айлантириди. Бу ўзгартирадиган ва илҳом берадиган умид барча асрларга суқулиб кирди. Асрларга шу қадар кучли теран кириб борган ва инсониятнинг қора тарихини ёритган, шу билан бир қаторда келажакка ҳам ўз нурларини тарата олган бошқа ғалаба мавжуд эмас. Бинобарин, хочда амалга ошган нарсанинг кенглигини ва мазмунини, қачондир ерлик сўзларимиз билан ифодалай олишимизга шубҳам бор. Хоч ғалабаси нафақат вақтдан ташқарида, балки у абадийдир.

Кўзларингизни қисقا пайтга юминг, тахтадан бўлган хочни кўз олдингизга келтиринг. Қачонлардир ажойиб тирик дараҳт бўлган, энди эса ўзида ҳаётга эга эмас, ўлим қуролини кўришингизни истайман. Шохлари ва пўстлоғидан тозалангандар ўлиқ дараҳт, дағал тарзда йўнилган ва ёрилган. Дараҳтнинг дағал бурдалари сунъий равишда хоч шаклида бириклирилган. Ерга қоқилган хоч, ғалати тарзда, ўткир томони ерда турган қилични эсалатади.

Энди Исони, танага айланган Сўзни ва улуғланган Худо Ўғлини, тассаввур этиб кўринг. Унинг нимталанган ёлонғоч танаси ушбу ваҳимали қилич тифи бўйлаб чўзилган. Кўллари тўққиз дюймли михлар билан чорси қилиб қоқилган, Устозимизнинг боши ортида эса тахта қиличнинг дастаси кўриниб турибди. Эҳтимол, осмондаги хочлар ва қиличлар – бир хил бўлса керак.

Одам таъқиқланган меванинг ҳосилини ўғирлаб, руҳий ўлим билан ўлганидек, Исо ҳам жонсиз дараҳтда, унинг ҳосили бўлиб ўлди, токи Ундаги ҳамма нарса қайта жонлансин.

Яқинда Ибронийларга Мактубни ўргандим ва айрим таниш сўзларга дуч келдим. Бу сўзлар қиличлар ҳақидаги қисқагина ўрганган изланишларимнинг янги теран мазмунини очди:

“Худо Иброҳимга ваъда берганида, У Ўз шаънини  
харитага қўйиб, уни ўша дастаси бўйлаб қотирди... Ўз  
ваъдасини бириклириш учун, Худо Ўз Сўзини мустаҳкам

гаров сифатида берди – У йўз Сўзини бўза олмайди.  
Унинг Сўзи ўзгармас бўлганидек, Унинг ваъдалари  
ҳам ўзгармас” (Ибр. 6:13, 17, 18, инглиз тилидаги MSG  
таржимасидан).

Мен бу оятни ўқиганимда, тўсатдан онгимнинг ойнасидан чақмоқ чаққандек, менга равшан тарзда очилди. Мен энди хочни қўпол ўлим қуроли сифатида кўрмас эдим. Бунинг ўрнига, бизнинг жафокаш еримизга қадалиб турган, даҳшатли учли тахта қилич пайдо бўлди. Мен қилич тифи бўйлаб осилиб турган Исонинг танасини кўрдим. Унинг қўллари бутун чоррача бўйлаб, кенг чўзилиб турарди. Унинг ўлим талвасаси чоғидаги итоаткорлиги ҳам, барчамизга ўз бағрини очиб турганга ўхшарди.

Қилич ҳақидаги изланишлар ва бу сўзниг турли айтилишларини кўриб, бор ҳушим учиб кетди, мен “ўша дастаси бўйлаб” деган иборанинг тушунчасига эга бўлдим, бу мен учун янги тушунчча. Бу мавзуни ўрганишни бошламасимдан аввал, бу иборани кўчма маънода тушуниш керак деб ўйлардим, яъни “охиригача, бутунлай, қолдирмай” маъноларида. Энди бу ерда тўғридан-тўғри маъно борлигини англадим, чунки “даста” сўзи қиличининг таркиби қисмига оид.

Даста – бу қиличининг тутқичи, бу тиф тугаган жойдан бошланади. Даста – чорси, банд ва четандан иборат. Булар ҳаммаси бўлиб дастани ҳосил қиласди.

Қилич рақибнинг танасига дастагача тўлиқ суқилганида, бу унда қарийб тирик қолишга имкон йўқ дегани. Ғолиб ғалабага шубҳа қолмагандан кейингина, қурбоннинг танасидан шамширни суғуриб олади.

Баджаҳл рақиблар ўз душманининг танасига қиличини дастасигача суқиб, қаттиқ зарбалар беради ва уни бўғизлайди. Улар ўз фидоларининг азобини кўришни ва буни ҳис қилишни истайдилар. Ҳужум қилувчи ғалаба қозонишига амин, модомики у душманга етарли даржада яқин келди. Душман ва ўзининг орасидаги бу тарзда масофанинг қисқариши, хавфсиз жой қолмаганини билдиради.

Худо У ва инсоннинг ўртасидаги душманликни йўқ қилиш

учун, Ўзининг Ўғли, Исо Масиҳнинг қурбонлиги орқали қиличдан фойдаланди.

Худо Иброҳимга берган ваъдасини хочда тўла-тўкис амалга ошириди.

### Хоч учун масъулият кимнинг бўйнида эди?

Мен кўпинча одамлардан, Раббимизни шайтон хочга михлади деган гапларини эшитаман, бироқ хушхабарларнинг бирида бир ҳикмат, бутунлай бошқача фожиали воқеани очиб беради. Воқеа бир уйнинг хўжайинидан бошланади, у узумзор барпо қилган ва у жойни девор билан айлантирган, шароб учун тахтакач ковлаган, минора қурган ва ерини ижарага берган. Ҳосил йиғиш вақти келганида, у бир нечта хизматкорларини ўзининг ерига юборган, аммо ижарачилар уларни уриб, тошбўрон қилишган. Сўнг хўжайин бошқаларини юборган, лекин ижарачилар уларни ҳам дўップослашган ва ўлдиришган. Ва ниҳоят, хўжайин ўзининг ўғлини юборган, у ижарачилар ўғлига ҳурмат кўрсатиб, узумзорнинг ижара ҳаққини тўлайди деб умид қилган. Қаранг, бу воқеанинг давоми қай тарзда тус олганига эътибор беринг:

“Лекин боғбонлар ўғлини кўриб, бир-бирларига дейишиди:  
 “Бу – меросхўр. Юринглар уни ўлдирамиз ва унинг меросига  
 эга бўламиз”. Шундай қилиб, уни ушлаб олиб, узумзордан  
 ташқарига чиқариб ўлдиришиди. Энди узумзор эгаси кел-  
 ганида, бу боғбонларни нима қилади? Улар Исога: – Бу  
 ёвуз одамларни ёвуз ўлимга топширади, узумзорни эса  
 ҳосилини ўз вақтида берадиган бошқа боғбонларга беради,  
 – дедилар. Исо уларга деди: – Наҳотки сизлар Ёзувда  
 ҳеч қачон ўқимагансизлар: “Қурувчилар рад этган тош  
 бурчакнинг асосий тоши бўлди. Бу Раббийнинг ишидир, бу  
 нигоҳимизда фаройибдир”. Шунинг учун сизларга айтаман,  
 сизлардан Худонинг Шоҳлиги олиниб, ҳосил келтирадиган  
 халққа берилади. Бу тошга йиқилган ҳар бир киши  
 парчаланиб кетади. Тош кимнинг устига тушса, уни эзиб  
 ташлайди. Исонинг масалларини эшитиб, олий руҳонийлару  
 фарзийлар Унинг улар ҳақида гапираётганини тушундилар”  
 (Матто 21:38-45, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ушбу ҳикматда Ота Худо – бу хўжайин; қадимдаги пайғамбарлар ва шоҳлар – бу Худо юборган хизматкорлар; Исо – бу Унинг Ўғли; олий руҳонийлар ва фарзийлар – бу ижарабчи-боғонлардир. Сал ўтиб, Исо бошқа ҳолатда, Ўз шогирдларига нималар содир бўлишини сўзлаб берди:

“Икки кундан кейин Песаҳ байрами бўлишини биласизлар. Ўшанда Инсон Ўғли хочга михланиш учун тутиб берилади”, – деди. Шу орада, олий руҳонийлар, уламолар ва оқсоқоллар Каяфа исмли олий руҳонийнинг ҳовлисида тўпландилар. Улар Исони айёрлик билан қўлга олиб ўлдиришни ўзаро маслаҳатлашиб олдилар” (Матто 26:2-4).

Ишаёё ва Довуд, Худонинг танланган халқи Унинг ягона Ўғлини ўлдириши ҳақида башорат қилдилар. Дин арబолари, Худонинг Ўғлини ўлдириб, Унинг меъросига эга бўламиз деб ўйладилар:

“Шу доноликни бу дунё ҳокимларидан ҳеч ким англамади. Буни англаганларида эди, шуҳрат Раббийсими хочга михламас эдилар” (1-Кор. 2:8, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ўша асрдаги ҳукуматни нима кўр қилиб қўйди? Улар ўзгартиришга қодир ва ғалаба олиб келадиган хочнинг кучини илғай олмадилар.

Ҳукумат қарорининг ортида ҳар қандай одам туриши мумкин: улар Масиҳ давридаги диний ва сиёсий вакиллардан тортиб, то зулмат ҳукмдорининг ўзи ҳам бўлиши мумкин. У аниқ ишоралар қилиб, ипчани тортди ва малай жинларини гижгижлади.

Қизиқ, шайтон Худонинг Ўзи “танланган” деб атаганларнинг қўллари билан, Унинг Ўғлини ўлдирса, бу билан бизга Худонинг қаҳрини ёғдираман деб ўйлаганмикан? Охир-оқибатда Одам Худодек бўлишга алданиб, таъқиқланган дарахтнинг мевасини еганида, у шу заҳоти Адан боғидан қувилди. Шайтоннинг

фикрича, Худо Ўзининг ўлими, биз учун ҳаммаси тугаганини билдиридими?

Ҳаворий Повул юқорида айтиб ўтилганларига нисбатан, Рұхнинг донолигини, инсоннинг донолиги билан солиштириб, ўзининг теран мұлоҳазаларини маълум қилди:

“Доноликни эса биз баркамол бўлганларнинг орасида воизлик қилмоқдамиз, лекин бу дунёning ва бу ўткинчи дунё ҳокимларининг донолигини эмас, балки Худонинг сирли ва яширин бўлган донолигини воизлик қилмоқдамиз. Худо бу донолигини асрлар бошланишидан аввал бизнинг шуҳратимиз учун тайин қилган” (1-Кор. 2:6, 7, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бизнинг бетайнлигимиз юзага чиққунича, аллақачон Худонинг донолиги ҳаракатда эди. Худо биз ҳақимизда дунёning яраталиши даврларидаёқ ўйлаб қўйған эди. Хоч мангудоноликнинг сирли самовий чойшабига ўрилган эди. Унинг ҳайратли севгиси, ақл бовар этмас тарзда очилиб, доим қўйилиб туради.

Қўйлар ҳали яратилмаган пайтда, Исо бизнинг Қўзимиз бўлгани ҳақида бироз ўйлаб кўринг. Ҳали дунёning ўзи яратилмаган чоғда, У дунёning Нажоткори эди. Буларнинг барни етарли бўлмаса, унда бошқача сўзлар билан айтаман: биз бенуқсонликни қабул қилишимиз учун, яратилишдан аввал “Унда” танланганмиз!

**Бизнинг  
бетайнлигимиз  
юзага чиққунича,**

**аллақачон**

**Худонинг  
донолиги  
ҳаракатда эди.**

“Ўзининг ҳузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун Худо дунё яратилишдан аввал бизни Масиҳда севги билан танлади” (Эф 1:4, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Адан боғи барпо этилишидан аввал, биз унга экилган эдик. Одам ва Ҳаво боғдан қувилишидан илгари, биз Масиҳдаги хавфсизликда яшириб қўйилган эдик. Бизнинг гуноҳларимиз қон сингари алвон бўлишидан аввал, Худо бизни улардан ювди ва қордек оппоқ қилиб тозалади.

Ўша асрнинг ҳукмдорлари, Исонинг ўлимдан тирилганига, махсус тарзда ҳайратландилар деб ўйламайман. Улар олдин ҳам ўликлар тирилганини кўрганлар ва Исонинг Ўзи ҳаммага, уч кундан сўнг тирилиши ҳақида айтиб юрган. Ўйлайманки, шайтон Исонинг тирилиши режада борлигини билган. Бироқ Исо қабрдан тирилиши билан бирга, У билан биз ҳам тирилишимизни билмаган! Ёзув дейди:

“...Мен Масих билан бирга хочга михланганман. Шунинг учун яшаётган мен эмас, балки менинг ичимдаги Масих яшаетпи. Энди танада яшаётганимга келсак, мени севган ва мен учун Ўзини фидо қилган Худонинг ўғлига бўлган имон билан яшаетман” (Гал. 2:19, 20, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

У нафақат бизнинг ўрнимизни эгаллади, У бизга Ўзида борини берди... Биз Унинг ҳаётига, исмига, сўзларига, ҳокимииятига ва ваъдаларига эга бўлдик. Масих хочга михланганда, бизнинг бирортамиз ҳали туғилмаган эдик. Бироқ бу аҳамиятга эга эмас, негаки дунёнинг бошланишида биз Исо Масихда танланган, Худонинг фарзанди бўлиш тақдирига эга эдик. Одам Атода ҳамма гуноҳ қилганидек, Масихда ҳамма кечирилди. Бизнинг Масихда яширинган ҳаётимиз – бу У доим очишга чанқоқ сирдир.

Сиз энди, хоч доим бош режанинг бир қисми бўлиб келганини тушунаяпсиз. Хоч бу, борди-ю, Одам ва Ҳаво гуноҳ қилиб қўйишганда ишлатиладиган эҳтиёт чораси эмасди. Бу хавфсизли гарови эди. Исо ҳар куни, сарсон-саргардон ер аҳолисига Отанинг юраги, иродаси ва табиатини намоён қилиш учун яшади – “Зеро биз Унда яшаймиз, ҳаракат қиламиз ва мавжудмиз. Сизларнинг шоирларингиздан бири айтганидек: “Биз ҳам Унинг авлодимиз” (Ҳав. 17:28, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

У бизнинг ҳаётимиз, муаллифимиз, У бизни ўзgartирадиган Зот. Бу оятдаги ҳар бир сўзнинг маъносини ўрганиб, оятнинг аҳамиятини кенгайтираман ва “Унда” тушунчасини кўпроқ ажратиб кўрсатаман. У туфайли биз энди Одам Атонинг ичидা

эмасмиз. Биз Масиҳда яшаяпмиз, биз ерда юрган бўлсак-да, Унда ўтқазилганмиз.

Исонинг ўлими кутилмаган ҳодиса эмас эди, аммо бунинг оқибатлари шубҳасиз, бутунлай тасодиф ва шок ҳолати эди. Исо ўзининг энг яқин дўйстларидан тортиб, энг қаҳрли танқидчиларигача, У азобланиши ва ўлиши, аммо уч кундан кейин тирилиши ҳақида доимий равишда айтиб юрганига қарамай, улар Уни эшитмадилар ва Унинг сўзларининг мағзини чақа олмадилар.

“Шу вақтдан бошлаб, Исо Ўзининг Йерусалимга бориши ва оқсоқоллар, олий рухонийлар, уламолардан кўплаб азоб чекиб, ўлдирилиши ва учинчи куни тирилиши кераклигини шогирдларига очиқ айта бошлади” (Матто 16:21, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бу Исо “эшитиш учун қулоғи борлар, эшитишлари учун” (Матто 13:10-17 га қаранг) айтилган ҳикмат келтирилган ҳоллардан бири эмасди. Исо ўз шогирдларига очиқ ва кўп марта, У Ўз хоҳиши билан Йерусалимга бориши, у ерда ҳалқ етакчилари томонидан рад этилиши ҳақида айтган эди. У вазиятларнинг бундай тус олиши, даҳшатли азоблар, ўлим ва тирилишга олиб келишини айтди. Шунда Петъор Исони четга олиб, Унга эътиroz билдиришни бошлаганини, сиз биласиз.

“Шунда Петъор Уни четга чақириб, таъна қила бошлади ва Унга: – Ўзингга раҳм қил, Ҳазрат. Сен билан бундай бўлмасин! – деди. Лекин У ўгирилиб, Петъорга: – Йўқол Менинг олдимдан, шайтон! Сен Мен учун васвасасан, чунки сен Худонинг нарсалари ҳақида эмас, балки инсоннинг нарсалари ҳақида ўйлаяпсан, – деди” (Матто 16:22, 23).

Бу қисқа музокара саҳнаси чуқур мазмунга эга. Биринчидан, Исо ҳалигина самодан ваҳий олиб, Исони “Раббий” деб атаган Петъорга қараб, шайтонга мурожаат этаётган сұхбат, сизга ғалати туюлмайдими?

Шундан сүнг Петъор унинг севикли раҳбарини хатардан сақлаш ва ҳимоя қилиш зарурлигига астойдил аминликка олиб келган ваҳий, аслида, ҳалокатли пистирмага таклифнома экан. Ва ниҳоят, яна бир ҳайратланарни нарса – шайтон ва одамларнинг фикрлари баъзида бир-бирига мос келади.

Янада равшан бўлиши учун, келинг, айрим математик ҳисобкитобларни амалга оширамиз, ахир само ва ернинг ўлчамлари турлича.

- Ернинг нуқтаи назари бўйича ўлчаш (инсоний ва шайтоний ўлчамлар):
- Хўрланиш + азоблар + ўлим = куч йўқотиш ва мағлубият.
- Самонинг нуқтаи назари бўйича ўлчаш (Исо ва Худонинг ўлчамлари):
- Хўрланиш + азоблар + ўлим = чексиз ҳокимият ва ғалаба.

Бундай қадам соғлом идрокка нисбатан, шу қадар мантиқсиз ва ўзаро зиддиятли эдики, аниқ тушунтиришларга қарамай, у барибир кутилмаган бўлди. Бу ғалаба нафақат Исога тегишли, бинобарин бу тантана бизники ҳамдир. Петъорнинг ҳаётида бу ўзгартирувчи куч, бошқалардагидан кўра яққолроқ кўринди. Олдинлари қулоқларни чопиб ташлаган ва Масиҳдан тонган, ўзининг овози билан шайтоннинг гапларини гапирган одам, кейинчалик, қачонлардир уни титрашга мажбур этган одамларга жасорат билан мурожаат этди.

“Шунинг учун, эй, бутун Исройл хонадони, қатъий билинглар: Сизлар хочга михлаган шу Исони Худо Масиҳ ва Раббий қилиб қўйди. Буни эшишиб, уларнинг юраклари санчилди ва Петъор билан бошқа ҳаворийларга: – Эркаклару биродарлар, биз энди нима қиласайлик? – дедилар. Петъор эса уларга деди: – Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номига чўмдирилинглар ва Муқаддас Рӯҳ инъомини оласизлар” (Ҳав. 2:36-38).

Биз нажот топдик, кечирилдик, шифоландик, севилдик, иноят билан тўлдик ва құдрат орқали “Масиҳда” тикландик.

Демак, биз ҳали йиқилиб улгурмаган пайтимида, Худо бизни “Масихда” тутиб олди. Бу буюк ишнинг сири ва мўъжизаси абадий очилиб бораверади.

Хочнинг даҳолигини фақат абадийлик очиб беради.

Душман, боғ, эркак, аёл ва илон пайдо бўлишидан аввал, масаланинг ечими, ҳалитдан мавжуд эди. Уруш бошланишидан аввал, ғалаба тайёрлаб қўйилган эди. Ўйин юриши шаклланиб улгуришидан илгари, хоч аллақачон, юришни ўзгартирадиган таркибий қисм сифатида рўйхатда турарди. Хоч Исо туғилишининг шартли сабаби эди. Айнан ўлик дараҳт бизга ҳаёт келтирди. Биз қоқилишимиздан анча аввал, Худо бизни Масихда кўтариб олди. Биз ўз йўлимиздан адашишимиздан илгари, У бизга йўлни ҳозирлади. Биз Худони танишимиздан аввал, У бизни биринчи бўлиб севди ва таниди. Биз ўз ялонғочлигимизни англаб етмасимисдан туриб, У бизга кийим берди; ҳалокатимиз ҳақида билиб улгурмаган пайтимиз, У бизни тиклади. Бизга ҳаёт Берувчи, хочни ҳаёт дараҳтига айлантириди.

### Қиличбозлик санъатидан факт

Қиличбозлиқдаги энг ҳалокатли ҳиссиётлар –  
бу қаҳр ва қўрқув.

Нега айнан хоч ускунаси? Мен Худо ҳаётимизда зулм ва йўқотишларгай ўлқўйишининг сабаби, биз Унга нақадар муҳтоҷлигимизни англаб етишимиз эканини йиллар ўтиб, тушунаяпман. Менинг қилич билан жанг қилишни ўрганишларим, ваҳоланки, қўплаб сабаблардан бирини очишга ёрдам берди.

### Круазе

Қилич билан курашиш мавзусини ўрганиб, классик қиличбозлиқда ёки қилич билан курашишда десак бўлади, “круазе” деб номланган ҳаракат борлигини билиб олганимда ҳайратландим. Бу сўз французчадан “чатиштириш, зарбани қабул қилиш” деган маънони билдиради. Бу ҳаракат душманнинг қаҳрли ҳужумини қайтариш ва шунингдек, уни қуролсизлантиришни англатади.

Бу ҳаракат мана бундай таърифланади: “Круазе ҳаракатининг бутун сири ундан фойдаланиш услугида; мувозанатга қўшиб, мушакларни ҳам ҳаракатга келтирсак, унда бир томони оғирлик қилиб, сизнинг самарали ва аниқ зарба бериш қобилиятингизни ишдан чиқаради. Круазе, айниқса, ҳаддан ташқари баджаҳл қиличбозларга қарши яхши фойда беради, негаки үларнинг мушак кучи ва қаҳрини ўзига қайтариб, үларнинг кучини бартараф этасиз”.

Қиличбозлик спорт турига киритилиб, Италия ва Франциядан Буюк Британияга тарқалганида, Англияликлар бу ҳаракатнинг номини қисқартириб, “крест” яъни “хоч” деб аташни бошладилар. Ўйлаб кўринг! Хочда нима содир бўлди? Бизнинг улуғвор Нажоткоримиз, рим аскари Унинг биқинига найза санчганида зарбани ва хочда барча асрлардаги душманликни Ўзига олди. Мағлубият олиб келиши керак бўлган нарсанинг ўзи, қуролдан маҳрум бўлди.

Круазенинг ёки хочнинг кучи таяниш нуқтасидан чиқади. Агарда у зарур тарзда ва тебранмасдан амалга оширилса, рақиб шунчаки сизнинг шамширгизга қадалиб қолади.

Бу ҳаракат қўлнинг ҳаракатини талаб қилмайди; аслида у енгил тегишда самаралироқ амалга ошади.

Худо хочда Ўзининг кимлиги билан бизнинг ким бўлишимиз мумкинлигини тенглаштирди. Масиҳ туғилишидан, тахминан, уч юз йил илгари яшаб ўтган математик Архимед, таянч нуқтасининг кучи ҳақидаги гипотезани ўйлаб чиқди: “Менга таянч нуқтасини берсангиз, у билан мен сизга ер шарини кўтариб бераман”.

Мана, таянчлар тенглашувларидан бири: кучнинг = лаҳзаси куч х масофа. Хоч бир лаҳзада Худо билан инсоннинг орасидаги етиб бўлмас масофани енгди ва душманнинг бор кучидан устун келди.

Хоч Худонинг қўлидаги дастак эди ва Масиҳ дунё учун Ўз ҳаётини қўрбон қилган он, ер таянч нуқтаси бўлди.

**Худо хочда  
Ўзининг кимлиги  
билан бизнинг  
ким бўлишимиз  
мумкинлигини  
тенглаштирди.**

Илоҳий жойини ўзгартириш чоғида, Исо ҳеч қандай қаршилик кўрсатмади. У йўз жонини Худога, танасини эса душманга бағишлади.

*Исонинг исми – дунёни кўтара оладиган ягона дастакдир.*

– Муаллиф номаъмул

Исонинг исми дунёни кўтара оладиган дастак бўлгани каби, Масиҳнинг хочи ҳам – дунёни қутқарадиган дастак бўлди.

Ниҳоят, қиличбозлик жангидаги рақибларнинг жисмоний кучига эмас, балки уларнинг чаққонлиги ва стратегик бардошлилигига қарайдилар. Исо хочга бардош берди ва Ўзининг бош мақсади ҳақи барчамизнинг гуноҳларимизни Ўзига қабул қилди: “Шунинг учун Худонинг Ўғли иблиснинг ишларини барбод қилиш учун зоҳир бўлди” (1-Юҳанно 3:8, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бизнинг улуғвор Рabbимиз, Қудратли Худонинг Ўғли Исо, шайтон томонидан қурилган шоҳликни бузиш учун инсон тарихида иштирок этди. Исо Эммануил исми “Худо биз билан”, енгib бўлмас деган маъноларга эга, гарчи буни кўз билан кўриб бўлмайди. У тарихдан ғойиб бўлгандек туюлса ҳам, аслида У йўз ҳукмронлигини кучайтирди, бинобарин Унинг ҳузури энди ҳаммамизнинг устимиздадир. У осмонга кўтарилишидан аввал, Ўзининг инсон қиёфасида келгани сабабли, чекланган эди; энди эса У бизни Муқаддас Рӯҳ билан ўраб турибди (Матто 28:20). Исо Масиҳ биз Унинг ишларини тарқатишимизни кутмоқда, токи У бизга Отани кўрсатганидек, биз ҳам Ўғилни улуғлайлик. Бизнинг барча ҳаракатларимиз битта мақсаддага кўра – яъни одамларни Унга яқинлаштиришга қаратилган бўлиши зарур.

“Лекин сизлар бир вақтлар Худодан узоқ бўлганлар,  
энди Исо Масиҳда Унинг қони орқали яқин  
бўлдингизлар. Чунки Масиҳ бизнинг тинчлигимиздир:  
У иккитани (яхудийлар ва мажусийларни) битта қилиб,  
ўртада турган тўсик деворини бузди. Масиҳ ўша  
адоватни Ўзининг танаси билан, амрлар Қонунини эса

таълимоти билан йўқ қилди, токи Ўзида иккитадан (яҳудийлар ва мажусийлардан) битта янги одамни яратиб, тинчлик ўрнатсан, адоватни хочда ўлдирсин ва бир танада иккаласини хоч орқали Худо билан яраштирсин” (Эф. 2:13-16).

Хоч Худо ва инсон ўртасидаги барча душманлик изларини ювиб юборди, Исонинг қони ва Унинг жабрланган танаси орқали биз бир бутун бўлдик. Масиҳда эркак ва аёл – битта танадир. Масиҳда иброний ва мажусий битта узум токига ўралган. Масиҳда Эски ва Янги аҳд муқаддаслари бир бутун гувоҳлар булути бўлди.

Мен буни Эфесликларга Мактубда бир неча марта ўқиганимдан сўнг, юрагим бу сўзларнинг кучидаги теранлик ва гўзалликни англаш билан тўлди. Исо ўз итоати билан эришган барча нарсалар мени лол қолдиради. Биз бу дунёда, дунёга тегишли бўлмаган ҳолда яшашимиз учун, У йўл ҳозирлади, бинобарин биз ерда юрар эканмиз, ўзимиз эса Ундамиз. Биз Масиҳни тутиб турибмиз ва Унда биз тутқич бермаймиз.

Адан боғида биздан олиб қўйилган эзгу виждон Унда тикланди. Адандаги ҳёт мисли кўрилмаган бўлиши керак эди, бироқ Унда бизнинг ҳётимиз янада ёрқинроқ бўлади. У бизни қандайдир анжир дарахтининг баргларидан тикилган аянчли кийим ёки ўлик ҳайвоннинг терисига ўрамади, У бизни Ўзининг тирик ҳақлигига ўради ва бизни ичимииздан ўзгартирди. Биз Унинг сұякларидан ташкил топган, шунчаки скелетлар эмасмиз. У бизни Ўзининг майин танаси билан ҳам қоплади. У бизнинг дағал юракларимизни олиб, ўрнига Ўзининг ҳужайраларидан тўқилган, янги юрак берди. Сўнг Худо Масиҳни ўликлардан тирилтирган ўша Рух билан бизни тўлдириди, токи ҳётимизнинг ҳар битта чириётган соҳаси тирилсин.

“Агарда Исони ўликлардан тирилтирган Худонинг Руҳи сизларда жо бўлса, унда Масиҳни ўликлардан Тирилтирган сизларда жо бўлган Ўз Руҳи билан сизларнинг ўлимли баданларингизни ҳам тирилтиради” (Рим. 8:11).

Биз Унга ўхшаш бўлишимиз учун, У бизга ўхшаш бўлди. Унда буюк сир яширган ва қандайдир тарзда биз ҳаммамиз бир бутунмиз.

“Уларга ягона юрак бераман, уларнинг ичига янги руҳни соламан ва уларнинг таналаридан тош юракни олиб, уларга этли юрак бераман, токи улар Менинг амрларим бўйича юрсинлар, Менинг низомларимга амал қил-синлар ва уларни бажарсинлар. Шунда улар Менинг халқим бўладилар, Мен эса уларнинг Худоси бўламан” (Иез. 11:19-20).

Масиҳда битта юрак кўпларни бирлаштиради. Унда эркак ва аёл бир бутун бўлади. Масиҳ ва Унинг келини, Унинг қурбонлиги шарофати билан бирлашади. Бўлинишда бўлган ҳамма нарса, Унда яхлит бўлади. Масиҳнинг тўлиқ итоаткорлик қурбонлиги, бизни гуноҳдан буткул қутқарди. Хочни қабул қилишни истайдиган ҳар битта кишини, у бирлаштириш кучига эга.

Масиҳда барча адашиб юрганлар, йўқолганлар ва тарқалиб кетганлар Худога қайтади.

### Гуноҳларни оловчи така

Ҳорун руҳоний бўлган пайтларда, қурбонгоҳга қурбонлик учун иккита такани олиб келган. Такаларнинг бирини гуноҳлар учун ўлдиради, иккинчисини эса гуноҳни ўзига олди деб эълон қилас ва уни ўлдирмас эди. Руҳоний Худо халқининг гуноҳларини ушбу титраб турган жонзотга юклар ва уни қўйиб юборарди. Бу такага, Қобилникига ўхшаб белги қўйилар эди ва у шармандалиқда чўлда адашиб юришга мажбур эди (Лев. 16:10).

Бу така абадийга радди этиларди. Шу ондан бошлаб, унга подада жой йўқ эди. Чўпон уни энди ўтли далаларга бошламас ва ёввойи ҳайвонлардан ҳимоя қилмас эди. Гуноҳлар ўтказилган така бирор кишининг уйига яқинлашиб келса, уни қувиб юборардилар. У кечалари хавф-хатарда танҳо кезиб юрас ва бошқа ҳайвонлар билан бирга исиниш имкони йўқлиги туфайли совқатарди. Кундузлари у ҳолдан тойдирадиган жазирама

остида сарсон-саргардон эди. Бу ҳайвон, энди ҳаётининг қолган кунларида ўзига сув ва озуқа излаб юришга ҳамда йиртқич ҳайвонларнинг шафқатига умид қилишга мажбур эди.

Сиз бирор марта ўзингизни гуноҳлар ўтказилган тақадек ҳис этганимисиз? Балки ҳамма сиздан юз ўгирган, сизни рад этган, айبلاغан ва қувиб юборган бўлиши мумкин. Уят ва айбдорлик ҳиссидан ёниб, чўлларда адашиб юргандирсиз. Эҳтимол, сиз ҳозирда ҳар кеча ёлғизлиқда ёстиғингизга бош қўймоқдасиз ва қўрқувдан тамом бўлаётгандирсиз. Балки сиз “қамоқдан” кетишга уринганингизда, сизни озодликка қўйиб юбормаётгандир. Оиласиз сизни айблаб, нарига ҳайдаётгандир. Дўстларингиз ва жамоат сиздан юз ўгиргандир.

Сиқилманг! Исода сиз учун жой бор. Ундан ташқари, биз ҳаммамиз хатоларга йўл қўямиз. Энди гуноҳ ўтказиладиган тақанинг зарурати йўқ, негаки Исо бутун дунёning гуноҳини Ўзига олди. Исонинг қони, қачонлардир адашиб юрганларни ўйга қайтарди ва бизни яккалашга уринаётган ва гуноҳлар ўтказиладиган така ҳолатида ушлаб турадиган уятнинг қолдиқларини ювди.

Ҳатто, У ўлаётганда ҳам, ҳукмни эълон қилиши мумкин эди, бироқ бунинг ўрнига шундай деди: “Отам! Уларни кечиргин, чунки улар нима қилаётгандарини билмайдилар” (Луқо 23:34). Ушбу сўзлар билан Ўғилдаги Худонинг тимсоли, Одам ва Ҳаво давридан чўзилиб келаётганайбнингизини ёпди. Одамнинг ўғли Ҳобилнинг қони, акасини қотил деб атаб, адолат тилаб фарёд қилар эди. Исонинг Қони эса биродарларини кечирилганлар деб атаяпти. Мана, нима учун Муқаддас Китобда, Исонинг қони яхшироқ гапирмоқда дейилган:

“Лекин сизлар Сион тоғига, барҳаёт Худонинг  
шаҳри – самовий Йерусалимга, фаришталарнинг  
тумонатига, қувноқ йиғинга, осмонда ёзилган  
тўнгичлар жамоатига, ҳаммани ҳукм қилувчи Ҳудога  
ва баркамолликка эришган ҳақларнинг рухларига,  
Янги Аҳднинг воситачиси – Исога ҳамда Ҳобилнинг  
қонидан кўра аълороқ гапираётган пуркаш қонига  
яқинлашдингизлар” (Ибр. 12:22-24).

“Отам, уларни кечиргин” – сўзлари яхшироқдир. У бизнинг шармандаликларимизнинг оқибатларини, муносиб равишда бизга юклашнинг ўрнига, уларни Ўзига олишни афзал кўрди.

“Лекин У касалликларимизни Ўзига олди ва оғриқларимизни кўтариб кетди. Биз эса: “Худо Уни уриб жазоламоқда ва жабрламоқда”, – деб ўйлаган эдик. Лекин у бизнинг гуноҳларимиз учун яраланган эди ва қонунбузарликларимиз учун азобланган эди. Бизнинг тинчлигимиз ҳақи жазо Унга юклangan эди ва Унинг яралари билан биз шифо топдик. Биз ҳаммамиз қўйлар каби адашиб юрган эдик, ҳар биримиз ўз йўлимизга бурилиб кетдик. Раббий эса бизларнинг ҳаммамизнинг гуноҳларимизни Унга юклади” (Ишаъё 53:4-6).

Исо жазога тортилиши учун ҳеч нарса қилмади, биз эса Унинг қурбонлигини қозониш учун ҳеч нарса қилмадик. У рад этилди, хоинликка учради, ҳақоратланди, калтакланди, бурдаланди, азобланди, ўққа тутилди ва хочга михланди.

Севги деб аталган ёлғиз Худо, Унинг Ўғлини ўлдирганлардан тавба қилганларига, Ўз Руҳини бера олади. Улар хочда Исонинг куни битди деб ўйладилар; улар бу фақат бошланиши эканини ҳаёлига ҳам келтира олмас эдилар. Хоч – бу севги қиличиdir.

Ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Ёзувни ўрганар эканман, қачонлардир хочнинг мўъжизасини тушуна олармиканман, деб баъзида ўйлаб қоламан. Хоч – ҳокимиятнинг тимсоли эмас, балки унинг ўлчовидир. Масиҳга ўлим олиб келган нарса, бизга мўл-кўл ҳаётга айланди.

Исо – Худонинг Сўзи бўлиб, Унинг ваъдалари азалдан бор, бўлган ва улар ўзгармайди: “Исо Масиҳ кеча, бугун ва абадий Ўша-Ўшадир” (Ибр. 13:8).

• • •

Хоч – бу барча ваъдалар ҳақиқат эканига тўлиқ аминликдир. Қилич ер ва осмон ўртасидаги ҳар қандай душманликнинг қолдигини барбод қиласида, шунингдек, айнан қилич Сўз жарроҳлиги воситасида, бизни шубҳасиз, ўзгартиради. Сиз

умидсизлигингизни англаб етишингиздан анча илгари, хоч сизнинг умидингиз эди. Сиз муаммо борлигини англашингиздан аввал, у сиз учун ечимга айланди. Хоч Худонинг садоқатининг тимсоли ва шу билан бир қаторда, хоч Худо бизга ишонишини акс эттиради. Хоч орқали биз қурол ва аслаҳаларга кийинганмиз, токи шундай юришимиз учун.



**ИККИНЧИ ҚИСМ**  
**АНЖОМЛАНГАН**



# 6

## Жангчи бўлиш

*Жанг мустаҳкамлайди. Ёвузлик билан  
курашиш, биз у билан янада кучли жанг  
қилишимиз учун куч беради.*

– Осси Дэвис



Худо Унинг қизлари шунчаки аскарлар бўлиб қолмаслигига ундаётганига ишонаман. У бизни жангчи бўлишга чорлаяпти. Шу боис бу бобда жангга оидайрим тушунчалардан фойдаланаман, аммо мен аскар ва жангчини тасвирлаганимда, бизнинг қуролли қўшинимизда хизмат қилаётган эркак ва аёлларни назарда тутмаётганимни кўзда тутишингизни истайман.

Мен китоблардан қилич ва қиличбозлик санъатини ўрганганимда, қўшинни йиғиш ва жанг майдонида уни бошқариш учун кенг кўламдаги мақсадлар мавжудлигини билиб олдим.

Ўзининг умидсиз ва қиравчи мақсадлари учун бешафқат жанг олиб борадиган қўпорувчилар бор. Ёлланган жангчилар бор, улар ёқалашини кучли севадилар, уларга уруш қилиш учун шахсий сабаблар бўлиши шарт эмас, улар таклиф қилинган мўмайгина соққага, ўзидағи ваҳшиёна руҳини сотадилар. Бошқа томондан, харбий қўшинда хизмат қилиш учун олинадиган аскарлар бўлади.



Хуллас, жангчи одамлар бор.

“Жангчилик” – бу ҳаёт тарзидир ва жангчи-ларнинг кўп курашлари кўзга кўринмайди. Барча жангчилар моҳир бўлишлари зарур, бу ҳаётга шу тарзда ёндошишдир, қадимий самурай, ичидা қўрқувсиз эркинликни олиб юришни, “жангчининг йўли” дейди. Бизнинг мавзумиз учун бундан яхшироқ шиорни ўйлаб топа олмайсиз. Бу сўзларнинг жойини ўзгартириб айтсангиз, асирга тушган одамнинг ҳолати келиб чиқади: эркинликсиз қўрқув.

Афсуски, бугунги кунда аксарият кишилар учун эркинликсиз қўрқув янги меъёрга айланмоқда. Биз жангчи-қизлар сифатида, Худодаги ҳаётга эришиш йўлида, ўз ҳаётимиздан кечиш имконига эгамиз. Бу биз қўрқувсиз эркинлик йўлини танлаш ҳуқуқига эгамиз дегани, бинобарин Раббимиз хочда ҳаёт ва ўлим масаласини ҳал қилди.

Жангчи учун бундай ҳолат камдан-кам учрайди. Самурайлар ўз қиличларига исмлар берганлар, чунки улар ҳар битта қилич ўзининг руҳига бириктирилган деб ишонган, шу аснода қиличга куч ато этган. Бу эътиқод қуролларнинг авлодларига ўтиб келди. Бизга руҳи бор қилич керак эмас, негаки бизда Руҳнинг қиличи бор! Биз Худонинг Сўзи билан бошқариладиганлар, Унинг Сўзини ўз иродамиздан устун қўйиб, Исонинг номидан фойдаланамиз ва Унга бор ҳаётимиз билан сажда қиласмиз.

Қўпорувчи киши қўрқув билан бошқарилса, ёлланган аскар фойда орттириш иштиёқида бошқарилади, аммо униси ҳам, буниси ҳам буйруқларни бажаришга мажбур. Жангчида эса танлаш ҳуқуқи бор, жангчига айланган аскар, эзгу фазилатлар ва олийҳимматликка шараф бериб, ўзини бағишлиш анъанасидан ўтади.

Севикли опа-синглим, сиз миллатлараро келишмовчилик,

низо ва урушлар замонида дунёга келганингизни инкор эта олмайсиз деб ишонаман. Афуски, бу урушлар, ҳатто болаларга шафқат қилмайди, улар зўрланмоқда ва калтакланмоқдалар, улар учун оиласири илиқлик ва севгининг ўчоғи бўлиши лозим бўлган уйи, ёвузлик ва жабр-жафога айланди. Жинсий ва меҳнат тўрлари мұғомбирлик билан шафқатсизларча қўйиб чиқилган (охирги маълумотлар бўйича, дунёда қулликка сотилган одамларнинг сони йигирма етти миллионни ташкил этади). Яширинча қўпорувчиликдан ташқари, биз очиқча хавхатарлар даврида яшапмиз. Биз халқлар мунтазам равишда бир-бирини гиж-гижлашининг ва мустақилликдан маҳрум қилиш пўписаларининг гувоҳимиз.

Бир талай жанг майдонларида нафрат ва ваҳшийлик ҳеч тўхтамаяпти, одамларга нисбатан шафқатсиз равишида таҳдидлар эълон қилинмоқда, шу туфайли биз ўз курашимизни фақатгина шахсий ҳаётимиздаги вақтинчалик жанглар билан кифоялаб қўя олмаймиз. Қаршимизда ҳар битта жангда ютиб чиқиш мақсади туриши зарур, токи урушнинг якунида ғалабага эришайлик. Бу усул учун стратегия, ҳис қилиш, очиқлик, донолик, сабр-тоқат, чекинмаслик, тебранмаслик, яқдил овоз ва келишилган ҳаракатлар талаб этилади.

Яққоллик учун, келинг, виртуал видео ўйинни тасаввур этамиз. Агар сиз ўз олдингизга, атиги битта поғонадан ўтиши мақсад қилиб қўйсангиз, натижалар қандай бўлади. Тушунишимча, бундай тафаккурга эга бўлган ўйинчилар, ўйинда узоқ қатнаша олмайдилар ва яхши натижалар билан мақтана олмайдилар. Дарвоқе, мен бундай ўйинларни ўйнашни умуман билмайман, бироқ менинг ўғилларим белгиланган моҳирлик даражасига етганлар. Бироз уларни кузатиб, мақсад бир даражадаги синовдан шунчаки тез ўтиш эмаслигини тушундим; лекин кейинги даражаларда зарур бўладиган яна бошқа нарсаларни ҳам билиб олиш ва уларга эга бўлиш керак.

Ўғилларим белгиланган даражадаги йўл ва чегараларнинг ичида яширган буюмларни топиш учун, қандай манёвр ва қалтис ҳаракатлар қилишларига қарайман. Ҳар битта буюм ўзига хос аҳамият касб этади, бироқ қоидага кўра, уларнинг бирортасидан шу заҳотиёқ фойдаланиб бўлмайди. Аксарият

ҳолларда, уларни келажакда қўллаш учун йиғишиади.

Энди ўйинлар ҳақидаги мисолни қўйиб, ҳаётимиздаги бу дунёдаги йўлларга қайтамиз. Биз кичик ёки аҳамиятсиз туюлган, қандайдир қарорлар ёки ҳаракатлар, муҳим аҳамиятга эга эшикларни очишига ёки ҳатто, бизга келажак учун куч беришига шубҳа қилмаслигимиз керак. Мана нима учун икчириклирларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Биз келажакка, нафақат ўз ҳаракатларимиз билан ўтамиш, шунингдек, йўлнимизда учрайдиган ҳар битта босқичда таниб-билиадиган дарслар ҳам, келажакда бизга ҳамроҳ бўлади. Тушунинг, сиз сақлашга қарор қилган сир ёки ўтган мавсумда эътибордан четда қолган итоатингиз, кейинги мавсумда сизни яхшигина ҳимоя қилиши мумкин. Жангчилар ҳаётда олдинга қараб юрадилар ва ҳар битта синовда, ўз билимларини чархлаш ва кучда ўсиш имконияти яширганини биладилар.

*Биз бир неча гектар ердан иборат  
далани эмас, балки ғояни ҳимоя қиласми.  
Душманни битта жангда ютсан ҳам,  
жанглар кўп марта қайтарилса ҳам,  
натижга бир хил бўлади.*

– Томас Пэйн

Жангнинг мақсади фақатгина қонга бўялиш эмас, балки ўз қоидаларимизни муҳофаза этишдир. Америка инқилобчилари, ўз давридаги ноҳақликка қарши курашиш учун қўлларига қурол олганлар. Икки томондан ҳам ўлган аскар ва жангчилар учун үруш ўта қимматга тушди. Бизнинг жангимиз эса ноҳақликка қарши йўналтирилмаган, биз бошқача жангдамиш, биз шайтонга қарши йўналтирилган Худонинг жангидамиш. Хуллас, биз қадимдан бери давом этётган нур ва зулмат ўртасидаги жангдамиш.

### Душманнинг мақсади

Ёзувни ўрганишда давом этамиш. Муқаддас Китобда илк бора “жангчи” сўзи, қаҳрамон, буюк ва қудратли сифатлари билан таърифланган: “Куш яна Нимродни дунёга келтирди. У

ерда биринчи құдратли одам бўла бошлади” (Ибт 10:8, инглизчадаги NLT таржимаси, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

“Ерда биринчи” жумласи, самода бунгача ҳам құдратли жангчилар бўлганини тушунтиради, Нимрод эса ердаги одамлар ичидаги биринчи жангчи эди. Бу гуноҳкор дунё – шарафли юксак самонинг йиқилган хира акси, холос. Шу боис, самода бизгача анча олдин юзага келган жанжаллар, ерга ҳам келиб, ёйилиб кетгани бизни ҳайратлантирмаслиги лозим. Ваҳий китобида қўйидаги уруш таърифланган:

“Осмонда уруш бўлди – Микоил ва унинг фаришталари аждарга қарши жанг қилдилар. Аждар ва унинг фаришталари эса уларга қарши жанг қилдилар, аммо уларга қарши тура олмадилар ва уларга осмонда бошқа жой топилмади” (Ваҳий 12:7, 8, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бу матндан энг құдратли самовий жангчи, бош фариштанинг исми Микоил эканини билиб оламиз. Бу урушда аждарҳо ва унинг кучи нафақат енгилган, қолаверса, ўз жойидан маҳрум бўлганини кўрамиз. Қадимий жанг бошқа жойга кўчиб ўтди ва аждар Худонинг қизларига қарши курашибни бошлади.

“Шунинг учун эй, самолар ва унда яшовчилар, қувонинглар! Ерда ва денгизда яшовчиларнинг ҳолигавой! Чунки иблис вақт оз қолганини билиб, сизнинг олдингизга ўта ғазаб билан тушди”. Аждар ўзининг ер юзига улоқтирилганини кўриб, ўғил туққан аёлни қува бошлади. Аёлга эса улкан бургутнинг икки қаноти берилди, токи у илоннинг юзидан саҳрога, ўзининг жойига учсин ва ўша жойда маълум вақт, муддат ҳамда ярим вақт озиқлансан. Илон аёлни тошқинда оқизиш учун унинг ортидан оғзидан тошқинде сув чиқарди” (Ваҳий 12:12-15, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бу ерда пайғамбарчилик тимсоллари шу қадар кўпки, мен бу матндаги ҳамма нарсани тушунаман деб айтишга тилим бормайди. Бу матн ҳам руҳий, ҳам тўғридан-тўғри

маъноларга тўла, бироқ бу матн сирлар билан қопланган бўлса-да, мана ҳақиқат: бу аждар-шайтон, “аёл”ни ўлдириш учун шафқатсизларча таъқиб қилмоқда. Ёзув изоҳчилари, аёл Истроилнинг тимсоли деб ҳисоблайдилар. Сўнг аждар аёлнинг болаларига қарши жанг қилишни бошлайди.

“Шунда аждар аёлдан ғазабланди. У аёлнинг уруғининг қолдиғи билан, яъни Худонинг амрини сақлаётган ҳамда Исо Масиҳнинг гувоҳлигига эга бўлганлар билан жанг қилгани чиқди” (Ваҳий 12:17, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Бу хато эмас, шайтон Худонинг фарзандларига зиён етказишни ва уларни ҳалок қилишни истайди. Жамоатда эркаклар ҳам, аёллар ҳам бор, бироқ Ёзув бир неча марта шайтоннинг қаҳри аёлларга йўналтирилганини таъкидлайди. Биринчи Ҳаво, кейин, Сора, кейин Истроил, кейин Марям. Ҳозир эса унинг қаҳрли ҳужумлари келинга қаратилган. Унинг ортида аёлларга нисбатан нафратнинг узундан-узоқ тарихи турибди ва албатта, аёлга зарба бериш учун, аввало унинг болаларига зарба бериш осонроқ. Бу аёлнинг болалари кимлар? Худонинг барча амрларига риоя қилган ва Исо Масиҳнинг гувоҳлигини сақлаганлар. Сиз ушбу доирага кирасизми?

Севикли опа-сингилларим, сиз аллақачон унинг нишонига айлангансиз. Энди қаҳрамонона жангчи бўлиш қарорини сиз қабул қиласиз.

### Ҳақиқий жангчи

Муқаддас Китобда иккинчи маротаба “жангчи” сўзи Чиқиш китобида Құдратли Ҳудога қарата тилга олинган: “Раббий – жангчидир (жангчи – инглиз тилида Тахминий таржима), Йаҳвех – Унинг исмидир” (Чиқ 15:3).

Бизнинг Юксак ва Муқаддас Отамиз Йаҳвех, бош жангчимиздир. Раббий барчамизнинг устимиздан – вақтинчалик ота ва вақтинчалик аскар эмас. Құдратли Ҳудо, ҳам ота, ҳам аскар ва ундан ҳам кўпроғидир. У бизнинг Құдратли Жангчи-Отамиз, биз эса Унинг суягидан ва этидан олинган

қизларимиз. Бинобарин, ўз-ўзидан маълумки, жангчи ДНКси бизнинг танамизга сингиб кетган.

Мен қатъий равишда олға қадам босишимизни ва тўлиқ аниқлик ҳисси билан киришишимизни истайман. Сиз бир вақтнинг ўзида ҳам қизсиз, ҳам жангчисиз. Бу унвонга, ҳатто алоҳида шеърий исмлар ўйлаб топилган, жумладан, жангчи-қиролича ёки қиролича-жангчи. Бу исмларнинг иккиси ҳам менга ёқади. Сизга қайси маъқул бўлса, ўшани танланг. Бу бобда, жангчи-қизнинг тимсолини гавдалантиришни истайман, буни жангчи ва аскарнинг асосий сифатлари ўртасидаги кескин фарқ нурида кўрамиз.

Биринчи зиддият уларнинг ролларининг бошланишида яққол кўриниб туради: жангчиларни чорлайдилар, аскарларни ёллайдилар. Инсон ҳеч қандай рўйхатда бўлмай туриб ҳам, жангчи бўла олиши мумкин. Жанг қилиш эҳтиёжи жангчини урушга чиқишга ва юрагини беришга мажбур этади. Атрофингга қара, урушга боришнинг сабабларини, наҳотки кўрмайтган бўлсангиз? Жангчиларни қайсиdir бўлимга қабул қилмайдилар. Улардаги ички үндов, уларни жанг майдонига жалб қиласди.

Сиз қандайдир узоқ жойларга жанг қилишга юбориш учун ёлланган ва чақирилган тинчликдаги одам эмассиз. Ҳеч қандай ташкилот сизнинг унвонингиз ҳақида оғиз очолмайди, модомики сиз аниқ мақсад йўлида танланган Шоҳ қизисиз. Бу жангда ҳеч қандай мужмал нарса йўқ, бу сизнинг оилангиздаги азалий жанг.

**“Шунда Подшоҳ сенинг чиройингни исташига рухсат бер, зеро У сенинг Эгангдир; сен Унга сажда қил” (Сано 44:12, инглизчадаги NIV таржимаси, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).**

Қилич ва қиличбозлик мавзусини ўрганганимда, менга доим ҳурмат мавзуси ҳамроҳ бўлди. Ёзувда “рухсат бер” сўзи тургани учун, бу шоҳга сенинг чиройингни кўришга рухсат бериш ёки бундан бош тортиш мумкинлигини билдиради. Биз Шоҳга ҳурмат кўрсатмаганимизда, муҳим тарзда Унга

чиройимизни кўрсатишдан бош тортамиз. Афсуски, биз шундай вақтда яшаяпмизки, ҳурматсизлик нафақат гуллаб-яшнамоқда, шунингдек у кўкларга кўтариляпти.

Бугунги кундаги маданият, тўғрисини айтганда, аёлларни ўз танасини бадном қилишга ундаиди ва ўз танасини авайлаб, камтарликка, ибога ва меъёрга интилишнинг ўрнига, ўзини одобли тутмаса ҳам бўлади дейди, шунингдек, улар ўз соғлиғи ва қандай озиқланиши ҳақида қайғурмаслиги сабабли, аёллар семириб кетишига сабабчи бўладилар.

Ростгўйлик, яхши ном, интизомли обрў илгари яхши фазилатлар ҳисобланган, энди эса бу тушунчалар замонавийлиқдан қолган ҳисобланиб, ҳозирги қўшиқларда кўйланмайди. Энди ҳар томонда уятсиз рақслар, қиммат тақинчоқлар ва обрўли машиналар, ҳамёнидан бир тутам пул кўриниб турган эркакларни овлайдиган, тунги клублардаги аёлларнинг навбатда туриши ҳақида гапиришади. Афтидан, рэпчи ва машҳур йигитларнинг ҳаммасини, уларнинг ишқибозлари каландимоғ, хасис ва виждонсиз деб ҳисоблайдилар, айнан шунинг учун уларни ҳурмат қиласидар. Чиройнинг ўрнини ўзига жалб қилиш эгаллаган, найрангнинг кучи доноликнинг таъсиридан ўзиб тушмоқда. Энди аҳмоқлик бизни кўчалардан чақириб келиши шарт эмас, негаки унинг сўзлари ва мусиқаси осонликча уйларимизга кириб бормоқда.

Хўжайним доим, ҳурмат юракдан бошланади ва ҳаракатларимизда ўз аксини топиб, ичимиздан ҳаракатланади дейди. Менимча жангчи-қизнинг йўли ҳам, худди шундай, унинг юрагида бошланади. Бинобарин у биринчи навбатда, ўз онгини ҳимоя қилиб юришга ўрганиши лозим. Бу бошқа одамлар нималарни гапираётганига, қолаверса у нималарга қараётганига ва бошқалар нималар қилаётганига эътиборли бўлиши жоиз. Беҳаёликнинг бузук ипи, ҳаётимизнинг тасмасида жой эгаллашни ва ундаги барча чиройли нарсаларни бузишни истайди.

Бизнинг Жангчи-Шоҳимиз ажойиб.

Унинг тимсоли тенгсиз.

Махлиё қиласидаган тарзда яратилган олам, Унинг чиройининг бир парчасини акс этади, холос.

Улуғвор океан, сузиб юрадиган булатлар, құдратли тоғлар, Унинг күчининг ўчмас чиройини, құдратини ва чексизлигини эълон қиласидилар.

Ўсимлиқдан тортиб, ҳайвонгача – ҳар битта тирик жон – бизнинг Худоимиз ҳайратли эканинг рад этиб бўлмас омилидир!

Биз унинг дурдонасими.

Ҳәётимизда Унинг шоҳлик қилиш ҳуқуқини эъзозламаслик, фожиали. Биз одамларга ҳурматсизлик кўрсатиш йўли билан, Уни эъзозламаганимизда, биздаги Унинг акси бузилади. Ҳатто, атрофимиздаги дунё ҳам, бизни севги безашини билади.

Қизлар сифатида биз Отамизнинг тимсолини олиб юрамиз. Юрагимиздан чиқаётган севги онгимизнинг фикрлаши ва кучимиздаги тўлиқликни ўзида мужассамлайди. Бироқ Унинг Сўзидағи маслаҳатни бузиб, очиқ итоатсизликни намоён этганимизда, Унинг Муқаддас Рӯҳидаги ўзгартирувчи кучнинг енгиб бўлмас чиройи, бизда йўқолади ва бу дунёга кўринмас бўлиб қолади. Дунё эса янгиланган руҳдаги халқни кўришга муҳтож.

Ўз изланишларим билан шуғулланиб, ҳурмат ва ҳаққоний жангчи тушунчалари чамбарчас боғлиқ эканини кўрдим, чунки жангчилар ўзидан юқоридаги кишини сўzsиз ҳурмат қиласидилар. Довюрак самурайлар ўзларининг қаҳрамонларига ҳаётлари билан ҳурмат кўрсатганлар, ўрта асрдаги олийжаноб рицарлар эса эзгулик ва мардликни ҳурмат қилишган. Ҳурмат белгиланган ҳатти-ҳаракатлар кодексини билдириб, у бағищаниш ва интизомни талаб қиласиди. Рицарлар ерлик қиролларнинг ҳокимиятини ҳимоя қилишда содиқ бўлишга қасам ичганлар. Уларнинг садоқати эвазига қирол уларга ер ва унвон совға қилган. Бу кўпинча, улар жанг майдонларида ўлишлари кераклигини англашган.

Биз адолат атиги ерлик мукофотлар билан ўлчанадиган, ерлик фоний қиролларга хизмат қилмаяпмиз. Бизнинг энг муҳим мукофотимиз – Ҳудонинг Ўзи. Бир куни Унинг донолиги, шафқати ва олий ҳукми абадийга барча халқларни ларзага солади. Бизнинг Шоҳимиз шунаقا, Унинг лойиқлиги ва

улуғворлигини, инсоний сўзлар ва ўлчамлар билан ифодалаб бўлмайди.

Бизнинг сахий Шоҳимиз, биз ҳурмат ва ахлоқ кодексини бажара олмаслигимизни ва бирортамиз фахрий унвонни қозона олмаслигимизни билган. Бинобарин, У бизни ўғил қилиб олиш орқали қабул қилди ва бизга Ўзининг исмидаги ҳурматни инъом этди. Биз ўз йўлимизни топа олмаслигимизни У билган, шу боис У Ўз Ўғлини бу дунёга юбориб, бизни Ўзининг шоҳона йўлларига ўргатди. Бизнинг тенги йўқ Шоҳ-Отамиз бизга Ўз ҳаётини совға қилди, токи биз ўлим ҳукмидан қутилиб қолайлик ва келажакда келаётган шоҳликда Унинг ҳамворислари бўлайлик ҳамда шу дунёда Унинг кучи ва ҳокимиютини қўлга киритайлик.

Борди-ю қачонлардир бирорта ҳалқа иззатга эга бўлишга тўлиқ ҳуқуқ берилса, бу ҳалқ бизмиз. Унда нега Унинг ҳалқи орасида бадномлик бу қадар буюк? Наҳотки биз мустаҳкам жангчи бўлишнинг ўрнига, ҳолдан тойган аскар бўлиб қолган бўлсак? Бу саволларга менда жавоблар йўқлигини тан оламан, бироқ биз бу саволларга жавоб бўла олишимизга ишонаман. Бизда замонавий мойилликларни ўзgartириш учун умумий ва шахсий кучимиз бор.

Аскарларни шуғуллантиришади, жангчиларни эса синовдан ўтказадилар.

## Жангчи бўлиш

Сиз жангчи бўлишга имзо чекасизми? Агар, ҳа бўлса, битта нарсани ёдингида сақланг, жангчиларни тайёрлаш, аскарларнинг интизом таълимларидан катта фарқ қиласди. Жангчиларни, аскарларнинг машғулотларидан ташқари, яна синайдилар ҳам. Сизни огоҳлантираман, синов жараёни тез кечмайди ва бу умуман ёқимли эмас. (Бу ҳақда кейинги бобда сўзлаб бераман.) Ҳар қандай аскар душман нима қилаётганини кўрганида, унинг ҳаракатлари ҳақида ўз бошлиғига етказиши мумкин. Яқол кўриниб турган нарсаларнинг фарқига бориш учун катта куч ишлатишнинг ҳожати йўқ. Бошқа томондан, жангчилар – бу етакчилардир, улар Худо кўринмас дунёда амалга оширадиган нарсаларни ҳам қабул қиласдилар. Аскар:

“Қаранглар, бизни муаммо ва тартибсизлик қуршаб олди”, дейиши мумкин. Жангчи эса Худо ҳамма нарсани назорат қилиб турганини ва қарши ҳужум қилиш учун, унинг қўшини жанговар ҳолатда турганини билади.

Ёзувда жангчи пайғамбар Элишайга қарши Сурияning шоҳи аскарлар қўшинини юборганилиги ҳақида, ҳайратли бир мисол бор. Сурияning шоҳи қандай режалар тузгани ва нақадар синчковлик билан ўз юришини ўйлаб чиққанининг аҳамияти йўқ, негаки Элишай пайғамбар руҳий очиқликка эга бўлиб, Исройл шоҳини душманнинг барча ўзгартирадиган жойлари ҳақида огоҳлантириб турарди. Чорасиз қолган Сурия шоҳи пайғамбарни қўлга олишга қарор қилди.

Ғазаб отига мингандар бу ҳукмдор осмонни тун қоплаган чоғда, Элишай яшайдиган Дофаим шаҳрига келди ва уни ўраб олди. Пайғамбарнинг хизматкори эрталаб турганида, душманни кўриб, Элишайга вазиятни хабар қилиш учун келди: Улар отлар, отаравалар ва беҳисоб душман лашкарлари билан бизни ўраб олгани, омон қолишга ҳеч қандай умид йўқлигини айтди. У яхши аскар сифатида душман ҳақидаги маълумотни етказди. Энди, ушбу хабарга жангчининг жавобини тингланг:

### Қиличбозлик санъатидан факт

Ёмон қиличбозлик ҳаддан зиёд ҳиссийлик ва жаҳлдорлик билан ажралиб туради, ҳамда унга одобсиз гаплар ва бемаъни ҳаракатлар ҳамроҳ бўлади.

“У: – Қўрқма, чунки бизлар билан бирга бўлганлар, улар билан бирга бўлганлардан кўпроқдир, – деб жавоб берди. Сўнг Элиша ибодат қилиб: “Раббий, ўтинаман, унинг кўзларини очгин, токи у кўра олсин!» – деди. Раббий хизматкорнинг кўзларини очди ва кўрди: мана, Элишанинг атрофида бутун тоғ отларга ва оловли араваларга тўла эди” (4-Шоҳ, 6:16-17).

Қўрқув кўзни кўр қиласди. Бироқ биз билан бўлганлар, доим

кўп. Жангчи-қиз ўз қалбида шундай далдани олиб юради: “Хўш, биз бунга нима деймиз? Агар Худо биз томонда бўлса, ким бизга қарши?” (Рим. 8:31).

Бу оят қаршимизда ҳам савол, ҳам жавоб қўяди. “Зеро ичингизда Бўлган (Исо) бу дунёда бўлгандан (шайтондан) устундир” (1-Юх. 4:4). Баъзида бу аминлик бизнинг кўзларимизда оловли отаравалардек туюлади, худди ичимизда ёнаётган, ҳеч қачон ўчмайдиган умиддек.

Жангчиларни ички мангу ваколат бошқаради, улар ички буйруқларга жавоб берадилар. Бу улар қўлидан келгунича ҳаракат қилишларини англатади. Уларнинг жавоби доим оловга тўла, бинобарин фарзандлар, ёлланма хизматкордан кўпроқ қилишлари зарур. Аскарлар бошлиқларининг ортидан жангга борганида, буйруқни, кўпинча иштиёқ ва жон-жаҳдни кўшмай бажарадилар. Ҳарф ўлдиради, аммо Рух эса, қандай ҳаёт беришни билади.

*Яхши одамлар қонунларга ўта даражада  
яхши муносабатда бўлишлари керак эмас.*

– Ральф Уолдо Эмерсон

Бизнинг жангчи Элишай пайғамбарга қайтар эканмиз, Худо Элишайнинг ибодатига жавоб сифатида, душманни кўр қилиб қўйганини кўрамиз ва Элишай бутун бошли қўшинни Исроил шоҳининг саройига етаклаб борди. Шоҳ душманини ўз остонасида кўриб, Элишайдан уларни ўлдиришга рухсат сўради. Элишай жавоб берди:

“У: – Уларни ўлдирмагин. Ахир сен уларни ўз қиличинг ва камонинг билан асир қилдингмики, уларни ўлдирасан? Уларга нон ва сув бергин, токи улар еб-ичсинлар ва ўз ҳукмдорларининг олдига борсинлар, – деди” (4-Шоҳ. 6:22).

Шу воқеадан сўнг Исроилга нисбатан суряликларнинг ҳужумлари тўхтади. Жангчи овқатлантирган одамларни, аскар унинг ўрнида ўлдириб юборган бўлар эди. Қотил эса

ҳужумларини тўхтатмас, аксинча босим кучайган ва янада кучли нафратли жанг юзага келган бўларди. Элишай, Масиҳ айтган сўзларни, ўз мисолида кўрсатди (Луқо 6:27). Худонинг Руҳи Ўзининг жангчи-пайғамбарларини бошқаради. Ҳатто шоҳ Элишайдан қандай йўл тутиш ҳақида маслаҳат сўради. Аскарлар инсоннинг буйруғига биноан, топшириқларни охирги ҳарфигача бажариб, буйруқ бериши ва ўлдириши мумкин. Жангчилар эса жангни олиб борадилар ва бошқалар уларнинг ғоясига ишонишига астойдил мажбурлайдилар.

Аскарнинг дунё қарashi тор бўлади. Улар белгиланган йилгача хизматга имзо чекканини биладилар ва бу муддат тугагач, бир кун ҳам у ерда қолиш нияти бўлмайди. Улар ўз ҳолатларини эгаллайдилар, аммо уларнинг ҳолати, уларни эгалламайди; улар бир куни хизматдан кетиш учун, хизмат қиласидилар. Жангчи ҳеч қачон хизматдан кетмайди. Жангчилик – бу инсон бир умр ўзида олиб юрадиган үнвон ёки ўрин.

Шоҳ Довуд бутун умри давомида жангчи бўлган. У ўзининг биринчи ғалабасини айиқ ва шерга қарши қурашида қўлга киритган.

“Довуд Шоулга жавобан деди: —Қулингиз ўз отасининг қўйларини боқар эди. Борди-ю, шер ёки айиқ келиб, подадан бирорта қўзини олиб қочса, унда мен унинг орқасидан қувиб, унга ҳужум қиласр эдим ва қўзини ҳайвоннинг оғзидан тортиб олар эдим. Агарда ҳайвон менга ташланса, ёлидан ушлардим-у, уриб ўлдирап эдим” (1-Шоҳ, 17:34-35).

Довуд шахсан ўзи қурашган ва ғалаба қозонган. Унинг ягона гувоҳлари эса қўйлар, юлдузлар ва Худо бўлган. Ҳатто Довуднинг акалари, у шер ва айиқ билан учрашгандаги жангчилик маҳоратига қўзлари етмасди. Сизнинг ҳам ўзингизнинг шахсий қурашларингиз бор. Эҳтимол, сиз бошқалар бас кела олмайдиган ғалабаларни қўлга киритгандирсиз. Ёки сиз ҳам, Довуд сингари яширинча ғалабаларга эришгансиз ва ҳеч ким сиз эришган ғалабаларга ишонмас. Сабр-тоқатли бўлинг: Худо ҳеч қачон бундай ғалабаларни эътиборсиз қолдирмайди.

Ерда ёки осмонда шундай күн келадики, сизнинг ғалабангиз нишонланади. Довуд Голиётни ўлдирган куни, у ўз жангчилек маҳоратини исботлаган күн бўлди.

“Довуд эса филистинликка жавобан шундай деди: — Сен қилич, найза ва қалқон билан менга қарши чиқаяпсан. Мен эса сен ҳақоратлаган Исройл қўшинининг Худоси, Қўшинлар Худовандининг номи билан сенга қарши чиқа-япман. Ҳозир Раббий сени менинг қўлимга топширади ва мен сени ўлдириб, бошингни танангдан жудо қиласман. Сўнгра филистин қўшинининг жасадларини кўқдаги қушларга ва ердаги ҳайвонларга бераман. Шунда Исройлда Худо борлигини бутун ер билиб олади” (1-Шоҳ. 17:45-46, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Довуд ўз Худосининг номидаги куч билан аёвсиз ҳаракатланиб, ҳар бир қадамида тезликни ошириб, югуриб кетаётганини кўз олдингизга келтириб кўринг. Борди-ю у илгари шер ва айиқни ўлдирмаган бўлганида, унинг тақдири нима бўларди, деб ўйлаб қоламан. Аскар ўз кучини келажак учун сақлаб қолишни афзал кўради, жангчи учун эса келажак бу ҳозир. Жангчи ҳамма нарса учун мукофот олади. Сизнинг бошқалар учун қилган яхши ишларингиз ёки сизнинг шахсий ғалабаларингиз аҳамиятга эга эмас деб ўйламанг. Улар биз ўйлагандан-да муҳимроқдир. Худо бизга тегишли бўлмаган нарсаларни қандай бошқаришимизни кузатиб туради, сўнг янада масъулиятлироқ ишларни ишониб топширади.

Ҳақлар ноҳақларнинг устидан ғалаба қозониши зарурлигида, жангчилар барча имтиёз ва камчиликларни тарозига солиб ўтиришмайди. Қўйни олиб қочган шерни қувиб етиш учун жангчи юрагига эга бўлиш лозим. Биз ҳеч кўрмаган жойда қозонган ғалабаларимиз, бир куни барчанинг кўз ўнгидага баҳайбатни йиқитиш имконини беради.

Довуд кимни ҳаётини сақлаб қолган бўлса, ўша одамлар, унинг жангчилек шухратининг буюк лаҳзаларини тарихда ёзиб қолдирган деб ишонаман. Менимча, унинг энг буюк зафарлари, аёллар: “Довуд ўн мингтасини мағлууб қилди!”

деб куйлаган воқеалар эмас. Унинг ҳақиқий жангчилик шуҳрати тасвири камчиликни ташкил қиласди – улар учта.

Довуд ўзини ҳимоя қилиш учун Шоулни ўлдиришдан воз кечганида, шунингдек, Навал ва Шимей Довудни қарғаган бўлсалар ҳам, уларга шафқат кўрсатганида, ўзини ҳаққоний жангчи сифатида кўрсатди. У бу одамларнинг ҳаётини сақлаб қолди ва Худонинг одил ҳукмига жой берди, шу тариқа ўзининг шоҳона мартабасини исботлади.

Ҳаққоний жангчи-қизлар Раббийдан қўрқадилар, шунинг учун ҳам Унга қувонч билан сажда қиласдилар ва итоатда бўладилар.

Жангчилар ҳукм учун эмас, балки одил ҳукм учун қилич кўтариб юришларини тушунадилар. Аскарлар эса тўғри келганни ўлдиришдан мамнун бўладилар. Уларни айнан ўлдиришга ўргатадилар ва шунга тайёрлайдилар. Жангчилар ўзларини бошқача тутадилар. Улар ҳаёт берадилар ва меросни ўрнатиш йўлида ҳаётдан маҳрум қиласдилар. Жангчилар Худонинг иродаси бўйича жанг қиласдилар, аскарлар эса одамларнинг иродаси бўйича жангга борадилар.

Шоул халқнинг шоҳи ва унинг аскари эди. Аскарлар халқ учун омманинг овози бўлиш учун қўшинда хизмат қиласди. У одамларнинг истагини бажариш учун борганида, халқнинг танловини бажарувчи эканини исботлади ва Худо у учун тайёрлаб қўйган меросни йўқотди.

“Шоул эса Шомуилга деди: — Гуноҳ қилдим, чунки Раббийнинг буйруғига ҳам, сизнинг сўзларингизга ҳам қарши иш қилдим. Бироқ мен халқдан қўрқиб, уларнинг овозига қулоқ солдим” (1-Шоҳ 15:24).

Инсон беихтиёр ўзи қўрқсан шахсга хизмат қиласди. Жангчилар Худодан қўрқадилар.

**Ҳаққоний  
жангчилар  
Раббийдан  
қўрқадилар,**

**шунинг учун ҳам,  
Унга қувонч билан  
сажда қиласдилар  
ва итоатда  
бўладилар.**

“Зеро Раббий Парвардигори Олам – даҳшатга Солувчи, бутун ер узра буюк Подшоҳдир” (Сано 46:3).

Хаққоний жангчи-қызлар Раббийдан қўрқадилар, шу боис қувонч билар Унга сажда қиладилар ва итоатда бўладилар. Аскарлар инсондан қўрқадилар, бинобарин одамларга қулоқ соладилар. Барча жангчилар охир-оқибат еру кўкни Яратган, кўринмас Раббийнинг қаршисида ҳисобот беришини биладилар.

### Шоулнинг ўғли – жангчи

Аскар шоҳ Шоулнинг Йонатан исмли жангчи-ўғли бор эди, у Худонинг ортидан бориш ва Унга содиқ бўлишнинг ажойиб мисолини ўзида акс эттиради. Унинг ҳаётига разм солсак, Худонинг мақсадини ўз олдимиизга қўйганимизда, У нималар қила олишини кўрамиз. Мен Ёзувдан бир матнни келтираман, фақат илтимос, бу оятларни илк бора ўқиётгандек қабул қилинг.

Филистинликлар ва исроилликлар узоқ йиллар давомида бир-бирига адватда яшаганлар, энди уруш бўлиши аниқ. Филистинликлар исроилликларни қуролсиз қолдирди, уларнинг ерларини олиб қўйди ва ҳужумлар билан уларни чалғитар, бу эса уларнинг ғамлаб қўйган нарсаларини тугатар ва доим ўзларининг ваҳшиёна босқинчиликлари билан уларнинг жонига тегарди. Боз устига филистинликлар исроилликларнинг қуроли қолмаслигига эришди ва улар учун янги қилич ҳамда найзаларни ясамаслиги учун, темирчиларни ҳам йўқ қилди.

“Шу сабабдан, Шоул ва Йонатан билан бўлган бутун халқнинг бирортасида қилич ёки найза йўқ эди, фақат Шоул ва унинг ўғли Йонатанда бор эди, холос” (1-Шоҳ, 13:22).

Шоул ва Йонатан яхши қуролланмаган қўшин билан душманга қарши боришарди. Олти юзта одамга бор-йўғи иккита қилич. Шоул қўлида қилич билан орқадан борар ва ғорларда яширинарди, бу вақтда Йонатан ўзининг қуролбардори билан қароргоҳдан яширинча чиқиб, душманнинг қўшини томон йўл олди.

“Йонатан ўспирин қуролбардорига: — Юр, ўша хатнасизларнинг тўдаси томонга ўтайлик, балки Раббий бизга ёрдам берар. Чунки Раббий учун кўпчилик орқали ҳам, озчилик орқали ҳам қутқариш қийин эмас, — деди. Қуролбардори эса жавобан: — Юрагингизда нима бўлса борини қилинг, боринг, мана, сиз қаерга боришни истасангиз мен сиз билан биргаман, —деди” (1-Шоҳ. 14:6, 7).

Йонатаннинг жасоратли сўзларини эшигдингизми? У гап унда ва унинг қиличидаги эмаслигини билади. Унинг қуролбардорида қилич ва аслаҳалар бўлмаса ҳам, бу улардаги ниятнинг натижасига заррача ҳам таъсир қилмайди, модомики натижа Раббийнинг қўлида. Йонатан қутқарувчи Худонинг йўлларига ҳеч нарса тўсқинлик қила олмаслигини билади. Қуролбардор, менимча Йонатаннинг сўзларидаги имонни ҳис этди, шунинг учун қатъийлик билан жавоб берди: “Йонатан, ҳозир айтган сўзларингдан кўпроғини ҳам амалга оширгин. Юрагингда нима бўлса, қандай орзуларинг бўлса, ҳаммасини бажар. Мен нафақат танам билан, қолаверса юрагим ва қалбим билан сенинг ёнингдаман!”

Тўсатдан уларнинг кўзлари порлашни ва томиридаги қони қайнашни бошлади. Бу икки жангчи бир ёқадан бош чиқариб, Худонинг содоқатини эълон қилганида ва тўғри ишга ўзларини бағишлилаганида, уларга буюк куч ёғилди. Йонатан, нима бўлганда ҳам, олдинга интилиш кераклигини биларди, шу билан бир қаторда, уларга режа кераклигини ҳам биларди. У ҳаракат режасини таклиф қилди, сўнг Худо қарор қилишига изн берди, у тахминан шундай сўзларни айтди: “Художон, биз ўз бошпаналаримиздан чиқамиз ва душманга ўз истагимизни очамиз. Борди-ю улар бизни қувса, биз қочиб кетамиз. Агарда биз уларга яқин боришимизга қўйиб берса, демак, Сенинг қўлинг биз биланлигини билиб оламиз”.

Режа бўйича ҳаракат қилиб, улар ўзларини душманга очдилар ва филистинлик аскарлар уларни ўзларининг олдига чиқишига таклиф қилди, ўша жойда улар исроилликларни ушлаб, ўлдирмоқчи эдилар. Душманнинг қасд олиш учун

таклифи, аслида Худонинг Исройлнинг ғалабаси учун таклиф бўлиб чиқди. Йонатан, ҳеч иккиланмай, ўз ҳамроҳи билан олдинга ўзини ўрди!

“Сўнг тўдадаги одамлар Йонатан билан қуролбардорига: “Ёнимизга келинглар, биз сизларга бир гап айтмоқчимиз”, — деб бақиришди. Шунда Йонатан ўз қуролбардорига: “Орқамдан юр, чунки Раббий уларни Исройлнинг қўлига топширди”, — деди. Йонатан қўли-оёғи билан тирмашиб, тепага чиқа бошлади. Қуролбардори ҳам унга эргашди. Олдиндан келган филистинликларни Йонатан, орқадан келганини қуролбардори ўлдираверди. Йонатан билан қуролбардорининг биринчи ҳужумидан бир жуфт ҳўқиз бир кунда шудгор қиласиган даланинг ярмида йигирматача одам ҳалок бўлди. Қароргоҳни, далани ва бутун ҳалқни даҳшат қамради. Ҳатто қўшиннинг олд тўдалари ва ерни талаётгандарни титроқ босди. Бутун ер тебранди ва Раббийдан буюк даҳшат келди” (1-Шоҳ. 14:12-15, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Сиз нимани кўраяпсиз? Душман иккита жангчининг ҳаракатини кўрганида даҳшатга тушди! Қатъийлик билан ҳамла қилиш, қандайдир аснода душманни қўл-оёғини боғлайди. Унинг бизни қўрқитмоқчи бўлган уринишлари эътиборсиз қолганида, у доим жуфтакни ростлайди.

Бир неча дақиқа аввал ўз кучи билан мақтанган аскарлар, Йонатан ва унинг қуролбардори яқинлашиши билан ер қимирилашни бошланганида, даҳшатда қочиб қолишли.

Бугун биз ҳам Худога бир неча йўлларни таклиф қилиб, ўз пана жойимиздан чиқишимизнинг вақти келмадимикин?

Бироқ, келинг, бироз орқага қайтамиз. Йонатан ўз отасининг қароргоҳини қолдирмасликка ва филистинликлар тўдасига бормасликка қарор қилганида нима бўларди? Ўзининг ўша жасурона имон сўзларини айтмаганида ва Худога ўз режаларини очмаганида-чи? Эҳтимол, у ўз қуролбардори билан ўша тепаликка зафар қозониш учун эмас, балки

дushmanlарини санаш учун кўтарилган бўларди. Шунда улар дushmanларининг сонини уларнидан анча кўплигини ҳисобга олиб, ўз қароргоҳларига қайтиб кетган бўлардилар. Агарда сиз, биз томонда ким жанг қилаётгани ҳақида ваҳийга эга бўлсангиз, дushmanнинг кучини санашнинг ҳожати йўқ! Ўз қароргоҳига қайтиб, вазият ҳақида ҳисобот беришнинг ўрнига, Йонафан ўз қуролбардори билан олға борди ва воқеалар тартибини ўзгартириб юборди.

Сизга бир муҳим тафсилотни кўрсатмоқчиман: аскарнинг қизи, жангчи бўла олиши мумкин. Ҳатто сиз аскарлар авлодидан бўлсангиз ҳам, бу аҳамиятга эга эмас, негаки жангчининг руҳи сизнинг ичингиизда жойлашган! Фақат Йонатан тушунган нарсани, яъни бизни ҳеч нарса чеклай олмаслигини тушунишимиз зарур, холос. Кўзларингизни кўтаринг ва жангнинг кутилган натижаси учун бағрингизни очинг, шунда сиз вазиятлараро қараб, Худо нима қилмоқчи эканини кўра оласиз.

Ҳеч нарса бароридан келмаётган жойни (жумладан, қароргоҳ, қалья) ташлаб чиқиб кетиш учун керакли даражада дадил бўлсангиз, бутунлай кутилмаган жойларда (дushmanнинг шийпонида) ғалабага эришасиз.

Жангчилар ҳеч қачон, мен ёлланган ишчиман деб ўйламайдилар, бинобарин улар бу дунёни ўзгартириш учун даъват этилганини биладилар.

## Чорловни эшитинг

Тарихий даврлардан келиб чиқиб айтсақ, биз ердаги маҳсус мавсумда яшаяпмиз, ота-оналардан қаҳрамонлар туғиладиган даврда. Иқтисодий, маданий, ахлоқий, диний ва ердаги атроф-муҳит иқлими бизга, бола она қорнида бўлганидек, босим ўтказаётганини тасаввур этиш қийин эмас. Атрофдаги босим сизни сиқишига ва тушкунликка тушуришига рухсат берманг. Дushman сизни, вазиятлар шунаقا ва буни ҳеч ким ўзгартира олмайди деб ўйлашга мажбур қилишига йўл қўйманг. Ҳар томонлама келадиган босимлар – бу илоҳий режа, токи бу сизни шакллантирсин ва мустаҳкам ўзак ва теранликка эга инсонга айлантирсин. Бу синовлар қаъридан ўпкангиз кучга

тўлиб чиқасиз.

“Шимолга: “Бер”, ва жанубга: “Ушлаб турма”, – дейман. Узоқдан Менинг ўғилларимни ва ер юзининг худудларидан Менинг қизларимни олиб кел. Менинг номим билан аталадиган, Мен Ўз шуҳратим учун яратиб, шакллантирган ва ясаган ҳар бирини олиб келгин” (Ишаъё 43:6, 7).

Худо доим Ўз шарафи учун халқини шакллантириш ва ўзгартириш жараёни билан банд. Босимлар сизнинг аскар унвонингизни жангчига, чўри унвонингизни қизга ўзгартиришга қодир, бу синовлар жараёнининг бир қисми ҳисобланади. Ташқи босимлар, доим ички ўзгаришларга олиб келади. Бизга ва бизнинг тайёрлигимизга қалаб, У шамолларни юборади ва Ўз исми билан бизни олдинга чорлайди.

Жангчилар қалбининг тубидан чиқаётган, оҳиста чорловга ишонишни ўрганадилар, аскарлар эса атрофидаги шовқиннинг босимини ҳис этадилар.

Аскарлар ва жангчилар босимни турлича қабул қиласидилар ва унга турлича жавоб қайтарадилар. Аскарлар “чида ёки қоч” деган ёндовушга эгалар. Босим даври ўтишини кутиб турганларида, улар ўзларини турли хил нарсалар билан машғул қиласидилар: овқат, ичимлик, қочиб қутулиш, талон-тарож, шахобчаларда санғишиш ва бошқа яқинлашиб келаётган хатардан чалғиши йўллари. Шу сабабдан, доимий равишда бешафқат босим хавфида бўлган аскарлар, ўзлари худди шундай шафқатсизларча қасд олишни бошлайдилар. Уларни босиб турган нарса, уларга сингиб кетади ва уларни заҳарлайди.

*Худо бизга ҳамма нарсани енгиб ўтадиган  
ҳаёт бермайди; У биз қийинчилекларни  
енгиб ўтишимиз сайин, ҳаёт беради.*

– Освалъд Чемберс

Жангчилар, уларнинг ичидаги босимнинг кучи кўпайгўнича, ташқаридан келаётган босимга рухсат бериб, жавоб

қайтарадилар, шу тариқа мувозанатни тиклайдилар. Улар доим душманнинг ҳужумига қарши ҳужум қилиш ёки унинг ниятларини фош қилиш услублари ҳақида ўйлади.

Жангчининг ҳаёти унинчи ниқтирадиган ва мустаҳкамлайдиган жангларга тўла, аскар эса бутун умри давомида битта жангда қатнашади. Бутун умр қўрқоқ бўлгандан кўра, бир мавсумлик аскар бўлган яхшироқлигини тушунаман, бироқ жангчи-қизлар учун қўрқоқлик сифати бутунлай мавжуд бўлмаслиги лозим.

### Икки шоҳ тўғрисида ҳикоя

Хуллас, жангчи ва аскарнинг ҳаётини таққослаб, келинг, энди икки жангчи-шоҳни ҳам бир-бирига қиёслаймиз: Истроилнинг биринчи шоҳи – Шоул ва охириги ҳамда абадий Шоҳ – Исо Масих.

Истроилнинг аскар-шоҳи Шоул, ҳам шоҳ, ҳам халоскор сифатида мойланган эди, негаки истроилликлар бошқа халқларга ўхшаш бўлишни истади. Улар ўзимизники деб атайдиган шоҳ бўлишини истадилар, яъни уларга фаҳр билан кўрсата оладиган бир шахс керак эди.

Кўринмас, енгиг бўлмас, мангу Қодир Худога бўйсунишнинг ўрнига, улар кўриб ва тегиб бўладиган, инсоннинг ҳукмронлиги остида бўлишни хоҳладилар. Халқ улар томонда жанг қиласидиган Самовий Шоҳнинг ўрнига, чемпион-инсонни сўрадилар. Худо уларнинг талабига биноан, Шоул исмли навқирон ёш кишини берди.

“Улар югурни бориб, у ердан Шоулни олиб келдилар. У халқнинг орасида турди, бутун халқнинг бўйи унинг елкасидан келар эди. Шомуил бутун халқقا: — Раббий танлаган одамни кўряпсизми, бутун халқ орасида унга тенги йўқ, — деди. Шунда бутун халқ: — Яшасин подшоҳ! — деб ҳайқирди” (1-Шоҳ. 10:23, 24).

Шоул бутун истроил халқининг ичидаги бир елка баланд бўлгани билан ажralиб турарди. У нафақат кучли, қолаверса хушрўй ҳам эди.

Худо Шоулнинг шоҳлигини халоскорлик кучининг ёрқин

нүри билан ўрнатди. Афсуски Шоул тез орада бундай жўшқин намоён бўлган кучдан сўнг, тақдирини ҳал қиласидиган хатога йўл қўйди. Шомуил унга филистинликларга қарши жангга чиқишини топширди. Аммо шоҳ душманга қарши жангни бошлашдан аввал, пайғамбар Исройлнинг номидан келтириладиган зарур қурбонликни амалга оширишини кутиши жоиз эди. Шоул ўзининг унча катта бўлмаган қўшинини Галгалга йиғди ва жангчиларининг сон-саноғи йўқ, буюк қўшинга эга бўлган филистинликлар билан учрашишга тайёрланди.

Шоул кутиб туаркан, душман қўшини ошиб бораверарди. Шоулнинг ўлгудек талвасага тушган одамлари ўз жойларидан қочиб кетар, дарёни кечиб ўтиб, кўздан яширинарди. Ниҳоят, Шоул билан бор-йўғи олти юзта одам қолди. Худога мурожаат этишнинг ва Унинг жанг режасини билиб олишнинг ўрнига, Шоул унинг онгини бутунлай қамраб олган вазиятларга қаради ва ўзбошимчалик билан ҳаракат қилишга қарор қилди (Худо Шоулга ўша барча филистинликларни қўрсатишнинг сабаби, Шоул уларни қириб ташлаши керак эди, деб ўйлайман). Ўз одамларини руҳлантириш ва Худо кўп одам орқали ҳам, кам одам орқали ҳам қутқара олишини эслатишнинг ўрнига, Шоул қўрққанидан, одамларнинг ноғорасига ўйнади ва Худога итоатсизлик қилди.

“Шоул эса Шомуилга деди: — Гуноҳ қилдим, чунки Раббийнинг буйруғига ҳам, сизнинг сўзларингизга ҳам қарши иш қилдим. Бироқ мен халқдан қўрқиб, уларнинг овозига қулоқ солдим” (1-Шоҳ. 15:24, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Сиз шубҳасиз, қўрққан нарсангизга хизмат қиласиз ва унга бўйсунасиз. Худо ҳаммадан бир елка баланд бўлган Шоулни одамлар устидан қўйди, токи халқ унга қараши учун, бироқ бунинг ўрнига у халқнинг даражасига тушди. Шоул доим Худонинг буйруқларини бузгани туфайли жабр қўрди ва ўз шоҳлигини йўқотди. Афсуски, бу ёш йигит, ўз лойиқлигини одамларнинг фикри билан ўлчайдиган журъатсиз етакчи бўлиб чиқди.

Унинг пастга тойиши итоатсизликдан бошланди ва қулашининг чўқурлиги, бузғунчи ва қаҳрли рух томонидан келтирилган даҳшатли ва азобловчи тушкунлик давригача етди. Шоулнинг ўлими ҳам унинг ҳаёти каби фожиали юз берди. Унинг кунлари, одамлардан қўрқиш билан яқунланди.

Яраланган ва душманинг қўшини билан ўраб олинган ҳолда, у яна ўзича ҳаракат қилишни танлади. Душманинг қийиноқларидан қочиб қолиш мақсадида, ўтакаси ёрилган шоҳ, унга қараб турган қиличнинг тиғига йиқилиб, ўз жонига қасд қилди. Шоул қўрққанидан қиличини қинидан чиқарди, аммо у шоҳ сифатида, фақат Раббийдан қўрқиши жоиз эди.

“Шунда Шоул ўзининг қуролбардорига: “Ўз қиличин-  
гни яланғочлагин ва бу хатна қилинмаганлар келиб,  
мени таҳқирламасликлари учун уни менга санчгин”, –  
деди. Аммо қуролбардорнинг бундай қилишга ҳадди  
сиғмади, чунки у жуда қўрқиб қолган эди. Шунда Шоул  
қиличин олиб, унинг устига йиқилди” (1-Йилномалар  
10:4, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Қуролбардор ўз шоҳининг жонига қасд қилишдан воз кечганида, Шоул буни ўзи амалга ошириди. Дунёда иложисизликнинг қархисида, ўзини ўлдиришдан ҳам чорасизроқ вазият бўлиши мумкинми? Шоҳ ва унинг ўғиллари ҳалок бўлганини эшитиб, Исройл ҳалқи ҳам ҳар қандай умидини йўқотди, улар ортга чекиндилар ва ўз шаҳарлари, уйлари ва ерларини душманга қолдириб кетдилар.

Исо эса аксинча, қийинчиликлар орқали итоатга ўрганди ва шу тариқа Ўзи учун Шоҳликни қўлга киритди:

“У Худонинг Ўғли бўлса ҳам, азоб чекиш орқали итоат  
қилишни ўрганди ва баркамол бўлгач, Ўзига итоат  
қилганларнинг ҳаммаси учун абадий нажот манбаи  
бўлди (Ибр. 5:8, 9, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Келинг, ушбу икки шоҳнинг шафқатсиз душманлари ва ўлим  
қархисидаги ҳаракатларини таққослаймиз.

Шоул душманларининг таҳқирига қолмаслиқдан қочиш учун, вазиятни ўз қўлига олди. Исо Ўзини ҳимоя қилишдан бутунлай воз кечди ва душманлари У билан нима қилишини билиб туриб, Ўзини уларнинг қўлига топширди.

Шоул азоблардан қутулиб қолиш учун, ўз қиличига йиқилди. Исо биз учун азоб чекиш мақсадида хочга борди.

Шоул ўз жонига қасд қилиб, душманларини алдади. Исо Ўз қўрбонлиги билан ўлимни алдади.

Сиз кимни алдаган бўлар эдингиз? Нима зўроқ: сизнинг шахсий душманларингизнинг устидан ғалабани томоша қилишми ёки умумий душманнинг устидан зафар қозонишни англашми?

Шоул, аскар-шоҳ, ўз ўлими билан халқини ташлаб кетди ва уни мағлубиятга дучор қилди. Исо Ўз ўлими билан барча йўқотилган нарсаларни тиклади ва бизни Ўзи учун сотиб олди. Исо бизнинг Жангчи-Шоҳимиз, биз Унитан олмаган пайтимизда, буларни биз учун амалга оширди. Шоул одамларнинг иқрори учун яшади. Исо эса Худо Уни тан олиши учун ўлди.

Шоҳ Исо, Ота Худодан туғилган, Яҳёнинг чўмдирилишини қабул қилган, Муқаддас Рӯҳ билан тўлган ва ҳамма томонидан радэтилган. Исо Ўзини душманларининг ваҳшӣйлиги билан ўраб олди. У уларга Унинг устидан мазах қилишига, таҳқирлашига, ақл бовар қилмас тарзда уришига рухсат берди. У сўроқларни, Ўзига нисбатан ёлғон гувоҳликларни ва судда омма олдида хўрланишга чидади. Аслида судда Уни ўлимга маҳкум қилган кишиларни, У ҳаётга тирилтириш учун келган эди.

Лекин У бу барча синовлар жараёнида бир сўз ҳам демади. Исонинг филофида қиличи йўқ эди. Унинг сўзлари, севги билан абадийга чархланган, Рӯҳнинг дудама қиличи эди. Шоҳ Исо Уни рад этган одамлар учун қаҳрамонликни амалга оширди.

Хочни жангчи нурида ўрганар эканман, ҳаётни беришдан кўра каттароқ қурол йўқлигини билиб олдим.

Бизнинг Нажоткоримиз Ўзининг жонига қасд қилмади. У қанча жонларни ўзи билан олиб кетаман экан деб ўйладиган, камарида бомбаси бор диний ишқибоз ҳам эмас эди. У ердаги қийинчиликлардан қочиб қутулиш ёки бешафқат душманларини

алдаш учун ўлмади. Исо ириллаётган ўлим бўлмиш левиатанни алдаган, қуролсиз ва тилсиз Қўзи эди.

Исони ҳеч ким жонидан маҳрум қилгани йўқ. Исо уни Ўзи берди, ўлиб, бизнинг ҳаётимизни қутқарди. У Ўзи учун бошпана ва озодликни излашдан бош тортди, шу тариқа биз учун у ҳам, бу ҳам бўлди.

Бизнинг Жангчи-Шоҳимиз, душманлари Уни қўлга олиш учун келаётганларида, ибодат қилди. Исо улар билан курашмади, У Ўзини душманларининг бешафқат қўлига топширди. Исо Ўзича ҳаракат қилмади ва Петъорнинг қиличига йиқилмади, бунинг ўрнига У Ўз хочини олди ва уни Ўзи кўтариб борди. У ўлиши кўзда тутилган тепаликка келганида, қилич шаклидаги хочга ётди ва жосусларга, Унинг қўлларини “дастакка” қоқиб қўйишига изн берди. Сўнг рим аскарлари салмоқли тахта қилични кўтардилар ва унинг ўлимга олиб келадиган дараҳт томирига ўхшаган бешафқат шамширини ерга санчдилар.

“Ўз жонининг уқубатига мамнуният билан қарайдиган бўлади. Уни таниб-билишлари орқали У – Ҳақ Зот, Менинг Қулим – кўпларни оқлади ва уларнинг гуноҳларини Ўзига олиб кўтариб кетади. У кўпларнинг гуноҳларини Ўзига олиб кетган ва жиноятчилар учун шафоатчи бўлган бир вақтда, Ўз жонини ўлимга топширгани ва жиноятчилар қаторида ҳисоблангани учун Мен Унга буюкларнинг орасидан улуш бераман ва У кучлилар билан ўлжани бўлишади” (Ишаъё 53:11, 12, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Исо кўпларнинг гуноҳини Ўзига олди, гарчи у бундай қилмаслиги мумкин эди. Ишаъё хочнинг мазмунини етказаяпти. Ғалаба қозонишнинг ягона йўли – юқоридаги ҳокимиятга (Ўз

### Қиличбозлик санъатидан факт

Қиличбозлиқда  
ривожланишнинг икки йўли  
бор. Биринчиси: сабр-  
тоқатни машқ қилдириш.  
Иккинчиси: тажриба.

Отасининг иродасига) бўйсуниш эканини Исо тушунди, Унинг мукофоти эса мен билан сиз бўлдик.

Исо Унинг ғалабаси бизда намоён бўлиши учун жон талвасаси ва шармандаликка чидади. Унинг азоблари орқали биз ҳақлиkkа эришдик. Биз Унинг зафарона ютуғимиз.

• • •

Биз Худонинг иродасини бажаришимиз учун, У доим бизга жоиз бўлган иноят ва кучни беради. Жангчилар ўз бошлиқларига бўйсунадилар ва агарда улар бўйруқни бажара олмай қолишиша (биз эса вақти-вақти билан муваффакиятсизликларга учраб турамиз), бунда улар бошқаларни айблашмайди. Исо бизнинг гуноҳимизни йўзига олди ва Отасининг иродасига итоат этди.

Севикили опа-сингилларим, сиз ғалабакор Жангчи-Шоҳнинг қизисиз. Сиз олиб юрган жангчининг қиличи ор-номус, яхши хислатлар, жасорат, гўзаллик, садоқат ва қўрқувдан озодликни ўзида касб этади. Кейинги бобда үшбу барча сифатларга, қай тарзда ва нима мақсадда эга бўлишимиз зарурлигини билиб оламиз.

*Бирорта ҳам нормал бўлган соғлом фикрли  
муқаддас киши азобларни атайн ўзига  
олмайди. У шунчаки Исо каби Худонинг  
иродасини танлайди, Унинг иродасида азоблар  
борми ёки йўқми, бунинг аҳамияти йўқ.*

– Освальд Чемберсс

## Қилични чархлаш

*Машаққат дамлари инсонни қаҳрамон  
құлмайды. Машаққат дамларида ичимизда  
“қаҳрамон” уйғонади.*

– Боб Райли



Қиличнинг яратилиш жараёни ҳаётнинг яратилиш жараёнига күп жиҳатдан ўхшайды.

Олов, сув ва босим – бу метални тозалаш, пўлатни юмшатиш ва қилични болғалаш учун ишлатиладиган қуролдир. Қилични болғалаш жараёнида, у қизиган заҳоти босим кўтарилади. Босим буюм эгилувчан ва юмшоқ пайтда яхши натижা беради, негаки мўрт металл осонгина синади! Болғалашда қилич доим болғанинг таъсирида бўлади.

Қилич болғалашни ифодалайдиган воқеалардан энг ёқтирганим, Стивен Лохеднинг “Пендрагон” эпик афсонасидир. Унда нохуш ва золим душман ерга бостириб киради ва бу тошбағир золимни тор-мор қилиш учун нур қиличи зарур бўлади. Лохеднинг китобидаги таърифланган бутун жараёнга, муносиб равишда баҳо бериш имконсиз ва атиги шуни айтиш кифояки, тиф учун бир нечта пўлат бўлагини олишади ва уларни яхлит қилиб бирлаштиришади. Қилич болғалаш жараёни, қаттиқ материал ўз шаклини ўзгартириш учун етарли даражада юмшоқ бўлиши учун, уни қиздиришдан бошланади, сўнг айрим

бўлакларини эритиш учун ишқалаш содир бўлади.

Бундан кейин эритмани қиздириш учун кучли оловга қўйишади, кейин уни яна совутадилар, пешлайдилар ва чўзадилар. Ушбу икки чегаранинг ўртасидаги рақс эритиш деб номланади.

Сўнг тиғни ўрнатишдан аввал, уни яна пешлайдилар, зарур шаклга келтирадилар ва унга сайқал берадилар. Тиғ ҳам олдиндан тайёрланади, тобланади ва унга ишлов берилади.

Худди шундай Худо ҳам, йўз қизларини тозалар экан, бизнинг заифликларимизни шарофатга, нимжонлигимизни эгилувчанликка айлантириш мақсадида, олов, сув ва босим ҳаракатларидан фойдаланади. У шаклсиз ҳаётдан аниқ ва равшан мақсадли ҳаётни яратади.

## Сув

Сув зиддиятларга тўла. Мен меҳмонханадаги хонамнинг ойнасидан қараб, Тинч океанининг қирғоғидаги осойишта тиниқ сув ёнида ўйнаётган ва кулаётган болаларга кўзим тушди. Бироқ сал нарироқдаги уфқда, маккор оғатларни ўзида яширган, қорамтири тўлқинлар урилар эди. Сувни бундай ноёб ҳодиса билан яратган, ажабланарли Худони, қандай севмаслик мумкин. Сувда яйраш мумкин, шу билан бир қаторда унда бизни ҳалоқ қилиш кучи мавжуд.

Сув бизнинг чанқоғимизни қондириш ёки бизни яксон қилиш кучига эга. У бизни юзага секин кўтариб, ўз оқимида олиб боришга ёки ўз тубига бизни ғарқ қилишга қодир. Сувсиз узоқ вақт яшаб ҳам бўлмайди, унда узоқ вақт қолиб ҳам бўлмайди. Унда далаларимизни суғориш ва тошқиннинг битта тўлқини билан бутун бошли шаҳарни ювиб кетиш қобилияти бор.

## Олов

Кейинги унсур – олов. У иссиқликни ваъда бериб, ўзига ром этади, аммо унга ўта яқин борсангиз, куйиб қолиш мумкин. Бошқариб бўладиган олов тозалайди, бошқарувдан чиққан ўрмон ёнғинлари эса ютади. Олов йўлни ёритиши мумкин ёки

ортидан вайронагарчилик изини ва қуруқ кулни қолдириши мүмкін. Олов инсонга – ҳам дўст, ҳам душман бўлган табиат кучидир. Уни доим чеклаб туриш ва ҳеч қачон у билан ўйнашмаслик лозим.

Оловни ёқиш ва уни ўчирмай ушлаб туриш – бу инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган хислатлардан биридир. Минг йиллар мобайнида биз нарсаларнинг шаклини ўзgartириш учун аланганинг иссиқлигини кучайтиришни ўрганиб олдик. Катта ҳароратда қаттиқ моддалар суюқликка айланади, биз темирни бошқа эритмалар билан қўшиб, қаттиқ ва мустаҳкам пўлат ҳосил қилиш учун, Фаренгайтга асосланиб, ҳароратни 3272 даражага етказишни билиб олдик. Бундай қоришма икки маталлга ҳос бўлган энг яхши сифатларни ўзида мужассамлайди. Улар ажратиб бўлмас даражада эритилгандан сўнг, сайқал беришга имкон берадиган даражада қотгунича совутилади. У қизиган сайин, унинг туси ярқирайдиган оқ рангдан тўқ сариқ ранггача ўзгариб бориб, ниҳоят, тўқ кулранг тусга киради.

Бу ўзгаришларни шишанинг шиширилиш ва кристал яратилиши жараёнида кузатиш мүмкін. Сувни ушлаб турадиган ажаб идишлар, митти ва қум донасига ўхшаган тарқоқ қисмларни шишириш йўли билан ясалади.

Сув ва олов – бу ушлаб бўладиган үнсурлардир. Булар бизнинг руҳий ҳаётимизда турли шаклларга эга.

“Энди эса, эй, Ёқуб, сени яратган, эй, Исройл, сени шакллантирган Раббий шундай дейди: “Қўрқма, зеро Мен сени қайта сотиб олдим, сени ўз исминг билан чақиредим. Сен – Меникисан. Сувларни кечиб ўтаётганингда Мен сен билан биргаман, дарёлардан ўтаётганингда – улар сени чўқтирмайди; олов орасидан ўтаётганингда ёнмайсан ва аланга сени куйдирмайди” (Ишаъё 43:1, 2, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Эътибор берган бўлсангиз, сув ва олов ҳақида гап очилмасдан туриб, қўрқув масаласи кўтарилимоқда. Бизда қўрқишига сабаб йўқ, негаки бизнинг Отамиз бизни нафақат сотиб олди, қолаверса, ҳар биримизни номимиз билан атади ва биз Уники

бўлдик. Ишаё ё пайғамбар бу оятларда қандай сўзлардан фойдаланганини кўриш жуда муҳим. Сувдан ва оловдан ўтиш шартли майлда айтилмаган, у буни мабодо шундай бўлса эмас, балки аниқ бўлади деб таъкидламоқда.

Баъзида ушбу матн янада кўпроқ аминлик беради деб ўйлайман. Юқоридаги ваъда “агарда сен сувлар, дарёлар, олов ва алангадан ўтганингда” деб берилганида эди, мен ғафлатда қолиш хавфида қолган бўлардим. Инсоний табиат “агарда” деб бошланадиган шартни четлаб ўтсагина, ҳар қандай масофага боришга тайёр. Ишаё ё пайғамбар бу оядта айтган сўzlаридан, биз олов ва сув муқаррар эканини билиб оламиз, улар бизнинг йўлимизда аниқ бўлади ва улар фақатгина бизнинг хатоларимиз натижасида юзага келмайди.

Аминликка қўшимча қилиб, сув ва дарёлар, олов ва алангалар бизнинг ҳаётимизда дуч келиши билан бир қаторда, улар бир марта юзага келмаслигини ҳам билиб оламиз. Муҳими – олға юриш зарур. Таслим бўлманг, тўнғиллашга ва нолишга йўл қўйманг, зеро оловда ҳам, сувда ҳам шинам қўним топишнинг имкони йўқ. Улар бизни тўғри йўлга йўналтиради, холос.

Муқаддас Китоб бўйлаб турли воқеаларда, Худо кўп марта сувдан ўтиш йўли тимсоли сифатида ишлатганини кўрамиз. Исроилнинг фарзандлари Мисрдаги қуллик йилларини Қизил денгизнинг тубида қолдириб кетишли, сўнг Йорданнинг қирғоғида ваъда қилинган ерга киришдан аввал, чўлдаги сарсонгарчилигини ортда қолдиришибди.

Олов ҳам аҳд белгисини кўзда тутади. Худо Иброҳим билан аҳд тузганида оловни берди. Бир вақт ўтиб, Исроил Худодан кетиб, сохта пайғамбарларга юз тутганида, Худо ерга олов юборди, шунда Илёс Худонинг халқини тавбага чақирди. Набуқаднезер кўтарган бутга сажда қилмаган Исроил фарзандларининг бошига оловли тандир тушди, шунга қарамай, олов бутга сажда қилганларнинг ўзини ютиб юборди.

Сиз аллақачон сув ва оловлардан ўтгансиз деб ўйлайман. Эҳтимол, сиз атрофингизда сув бўлганини билмагандирсиз. Ҳар биримиз сувдан эҳтиёткорлик билан, аста-секин ўтамиз ва бу йўлда сув бизни гуноҳлардан тозалайди, гарчи биз буни

жисмонан ҳис қилмасак ҳам. Вақт келиб, биз сувга тұлық чүмамиз, чүмдирелиш сири сингари, у ерда үзимизнинг эски ҳаётимизни қолдириб, юқорига янгиланған ҳолда күтарилемиз. Сүнгра биз юришда давом этамиз ва жүш ураётган дарёлар оқимига яқынлашамиз, биз үндан үтишимиз зарур, биз құрқамиз, бинобарин улар бизни ютиб юборишга тайёрдек нарайди. Биз ночор вақтлардан үтганимизда шундай бўлади.

Ҳаёт сувдан бошланади ва сув ҳаёт бериб туради. Ота Ҳудо Унинг Рұхи сув устида сузид юрганида яратиш жараёнини бошлади. Шу сингари, она қорнида пайдо бўлаётган инсон ҳаёти ҳам сувда бошланади. Сув – бу ҳамма нарсани эритадиган суюқлик, унинг асосий мақсади эса – ювиш. У нафақат тозалайди, шунингдек, юзага чиқаради.

Сув ерда қимирлатиш қийин бўлган оғир юкларни ушлай олади, у кемаларни дарё ва океанлар бўйлаб бошқа ерларга олиб үтиши мумкин.

Биз ҳозир олов ва сув ҳақида гап юритаяпмиз, чунки улар бизнинг ҳаётимиздаги қуролларнинг үтқирилигига етишишда юқори поғонада ишлатилади, худди шундай қилич ясашда ҳам улардан фойдаланилади. Қиличнинг үтқирилигига эришиш ҳақида гапирав эканмиз, авваломбор, қилични олиб юрган кишининг табиатида үзгаришлар содир бўлишини англаб этамиз. Қадимий маданиятларда, жумладан, самурайлар давридан то ўрта аср рицарларигача, эркак киши қилич ушлашга муносиб бўлгунга қадар, одоб-ахлоқ кодексларига дучор бўлганлар.

*Озодликнинг мазмуни – бу шахсан ва якка  
ҳолда эришилган ғалаба; инсон эртанги  
қўрқувларни енгизи учун, бугунги қўрқувлар  
қаршисида туради.*

– Элис Уолкер

Битта ваҳший самурайнинг кучини исботлаш учун, бу жангчилар үзидағи баджаҳл табиатини тишишган, кўпроқ аёлларга хос ҳунарларга эга бўлишга уриниб, улар гулларни тўғри жойлаштиришни ва чой маросимларини үtkазишларни

ўрганишган. Назаримда, буларнинг ҳаммаси кулгини қистайди, қолаверса, менимча биз аёлларга, бироз жанг олиб бориш санъати ва ҳаётимиздаги одоб-ахлоқдан бохабар бўлсак чакки бўлмасди.

“Мана, Мен сени эритдим, лекин қумушга ўхшатиб эмас; сени азоб-уқубат ўтида синадим. Мен Ўз ҳақим, Мен Ўз ҳақим буни қиласяпман, зоро Менинг номим қандай булғаниши мумкин? Ўз шухратимни ўзгага бермайман” (Ишаъё 48:10, 11, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ушбу оятнинг бошида, кейинги сўзларга маҳсус эътибор қаратишни кўрсатадиган “мана” сўзи туриди. Бу ерда, худди шундай, тозаланиш ва эритилиш жараёнидан ўтадиган одамлар, улар билан нима содир бўлаётганини ўзлари билмасликлари ҳақида айтилган. Уларга худди ер қаърида жойлашган, бешта ҳарфдан иборат жойдан ўтаётгандек туюлган.

Худо Ўзининг абадий манзарасидан бизга янги назарни бермоқда. У бизнинг ҳаётимизни мукаммал тарзда тозалайди. Тозаланиш биз учун фойдали эканини унутманг. Бироқ фойдали нарсалар ҳар доим ҳам оғриқсиз ва синовларсиз бўлмайди. Ҳаётимиз азоблар деб номланган қайнар қозонларга тўла. Улардан муваффақиятли тарзда ўтиш учун, калитга, яъни ҳароратни ва вақтни Худо белгилаши ҳақидаги билимга эга бўлишимиз зарур.

Давом этишдан аввал, келинг, азобларга таъриф берамиз. Каломнинг мазмунидаги азоблар, кўпинча жисмоний ёки жоний оғриқ, қийинчиликлар, юк, муаммолар, қайғу, ҳасрат, фожеа, муваффақиятсизлик ва синовларни билдиради. Бу маънода касаллик кам тилга олинади, Худонинг халқи бир давр миқёсидаги зарбаларга мубтало бўлган чоғларда кассалликдан фойдаланилган.

“Фақат булар билангина эмас, балки қайғулар билан ҳам мақтамоқдамиз, чунки қайғу сабр-тоқатни келтириб чиқаришини биламиз. Сабр-тоқат эса тажрибани,

тажриба эса умидни келтириб чиқаради. Умид эса уялтиrmайди, чунки бизга берилган Мұқаддас Рұх орқали Худонинг севгиси бизларнинг юракларимизга қуйилди” (Рим. 5:3-5, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Демак, келинг, бу оятни үйимизга яқинроқ олиб келамиз. Мен яқында Facebook тармоғида савол-жавоб үтказдим ва одамлардан бугунги кунда, уларнинг ҳаётидаги учта әнг қийин соҳани ёки азобларни санаб ўтишини сўрадим. Мана, нима ҳосил бўлди:

1. Муносабатлардаги қийинчиликлар. Эр, хотин, ака-укалар, опа-сингиллар, болалар, раҳбарлар ва дўстлар ўртасидағи муносабатлардаги зиддиятлар. Жавобларни келтирган одамларнинг кўпчилиги никоҳда бўла туриб, ёлғиз ёки бева ва турмушга чиқмаган эдилар.
2. Моддий қийинчиликлар. Ишсизлик, кредит бўйича қарзларга ботиш ва бошқа қарзларнинг натижасидаги, шунингдек ўйламай харид қилинган нарсалар ёки соғлиғидаги муаммолардан юзага келган азоблар.
3. Ҳаётдаги мақсадини топишдаги қийинчиликлар ва юрак истагига эришишга нисбатан доимий интизомнинг йўқлиги.

Келинг, самимий бўламиз, азобларнинг қувонтирадиган томони йўқ. Жавоб ёзган одамларга раҳмим келди. Биз икки турдаги азоблар ҳақида гап юритамиз: уларнинг бири ўз-ўзидан юзага келади, иккинчиси эса Худонинг рухсати билан содир бўлади. Мен Худо бизнинг барча муаммоларимизнинг муаллифи эканига ишонмайман, аммо У йўз шарафи учун бизни тозалаш мақсадида булардан имконият сифатида фойдаланади. Икки ҳолатда ҳам битта ечим мавжуд: Унга мурожаат этиш! У бизнинг манбаймиз, Унинг Сўзи бир вақтнинг ўзида, ҳам Унинг иродаси, ҳам бизнинг ваъда кўринишидаги қуролимиз ҳисобланади.

Атрофда ҳамма нарса ноқулай бўлиб қолганида, инсон ҳаракат қилишни бошлайди: “Тагингга ўт кетсин” деб беҳудага айтмайдиларда.

*Жанг майдонидагиңдек, бизнинг кундалик  
хаётимизда ҳам, түғри ҳаёт бизники, ишни  
бошини тутиши учун, қулай вазиятлар  
келишини кутиб ўтирамизми ёки ҳаракатни  
бошлаймизми, буни биз ҳал қиласыз, агарда  
ҳаракат қилсак, демек яшаяпмиз.*

– Генерал Омар Н. Брэдли

Азоблар чоғида биз қўлга киритадиган дарслар, доим энг  
қимматли бўлиб чиқади, негаки улар шахсан бизга тегишли.

## Босим

Сув ва оловга яна босимни қўшиш даркор.

Эритиш ва чиникиш жараёнини Ёзув нуқтаи назаридан  
ўрганадиган бўлсақ, Ёқубнинг Мактубидаги оятлардан оламан,  
улар менга энг кам ёқади.

Муқаддас Китоб бизга дейди: “Биродарларим, сизлар турли  
васвасаларга тушиб қолганингизда ҳам, буни бутун қувонч билан  
қабул қилинглар” (Ёқуб 1:2, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли). Ўйлайманки, синовлар одам қайси жинсга мансублигига  
қарамаслигини биласиз. Шундоқ бўлса ҳам, Ёзувдаги бу оят на-  
фақат биродарларга, қолаверса опа-сингилларга ҳам тегишли  
эганини исботлаш учун The Message таржимасидан келтирмоқ-  
чиман: “Дўстлар, сизга ҳар томондан синовлар ва қийинчили-  
клар келганида, буни ҳақиқий совға деб қабул қилинг (Ёқуб 1:2,  
ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли, инглиз тилидан таржима).

Наҳотки, Ёқуб жиддий айтаётган бўлса? Наҳотки у  
ҳақиқатдан ҳам, биз чин юрақдан қувонишимизни ва турли  
томондан ёғилиб келадиган синов ва қийинчиликларни, совға  
деб ҳисоблашимизни таклиф қиласяпти? Тасаввур қилинг, сиз  
энг қора кунингизда, энг яқин дугонангизга қўнғироқ қиласиз  
ва кўз ёшлар билан, кутилмагандан ҳар томондан бошингизга  
тушган кулфатларингиз ҳақида батафсил сўзлаб берасиз,  
шундан сўнг у ғайрат билан ҳайқиради: “Қандай совға! Кел  
буни нишонлаймиз! Дугонажон, сен ҳужумларга йўлиқибсан!”

Сиз, албатта, у билан тезгина хайрлашасиз ва сизга

ачинадиган ҳамда ҳамдардлик билдириб, бу сиз учун даҳшат эканини тан олиб, эртага ҳаммаси жойига тушиб кетиши учун ибодат қилишни ваъда берадиган бошқа дугонангизга қўнғироқ қиласиз.

Эҳтимол, бу ерда инсоний қараашлар ва самони идрок этиш тўқнашуви яққол кўриниб турибди. Вазиятлар ночор туюлган пайтда, бизнинг Худоимиз тантана қилишни ёқтиради; бинобарин у ҳалокатни, қочиб қутулиб бўлмайдиган “имконият” деб атайди! Охир-оқибат Ёқуб Исо Масиҳнинг укаси бўлган. Шу боис у ҳойнаҳой, биз билмайдиган билимларга эга бўлгандир, чунончи у давом этиб, дейди: “Шуни билингларки, имонингизнинг синалиши сабр-тоқат ҳосил қиласиди” (Ёқуб 1:3).

The Message таржимасида бу оят қўйидагича жаранглайди: “Биласизларми, бизнинг имон бўйича яшашимиз босим остида очик кенгликка отилиб чиқади ва ўзининг ҳаққоний рангларини кўрсатади”.

Яхши, тан оламан: босим остида менинг имоним очик майдонга отилиб чиқсан ва кўпинча, мен гувоҳи бўлган нарсалар менга ёқмаган. Мени ҳам ҳаётий вазиятларнинг юки мени босган ва кутилмаганда мен ёқимсиз рангларга бурканганман. Кўпинча, нафақат ранг тўғри келмас, шунингдек менинг муносабатимни бутунлай сабр-тоқат деб атаб бўлмасди.

Худо синовларни, йигитлар улардан ғалабакор бўлиб, қизлар эса йиғлоқи бўлиб чиқиши учун белгиламаганини биламан, шу боис мен ўзимни қўлга олишим лозимлигини билардим.

Синовлар кучи кўринмас нарсаларни кўринарлига айлантиради. Одатий вақтда кўринмайдиган нарсалар, босим остида юзага чиқиши бошлайди. Босим остида ҳам, эркин ҳолатда ҳам, Худо биз доим гуллаб-яшнашимизни истайди.

Ҳаёт бу массаж қилувчини қабулига бориш эмас, у сизга ҳузур баҳш этиши учун куч даражасини танласангиз. Қийинчиликлар келганида, ҳеч ким сиздан, қандай даражани маъқул кўрган бўлардингиз: енгилми, ўртачами ёки оғириними деб сўрамайди. Худонинг синалган қизлари қаршилик кўрсатишни үддалайдилар. Бизда ҳар қандай фаслдаги, ҳар қандай синовларда гуллаш қобилияти бор.

Мен қишиң үзок, баҳор эса қарийб бўлмайдиган Колорадода яшайман. Аксарият ҳолларда изғирин ва бўрон кетиб, ўрнига ёз келади. Бундай шароитда у ёки бу гулларни ўстириш учун уларга қулай бўлган ҳарорат тартиби зарур. Мен уруғларни музлатгичимнинг қутисига қўяман, шу аснода улар учун сунъий тарзда юмшоқроқ қиши яратаман, бироз ўтиб, уларга қўлбола баҳор яратиш учун кийим қурутиш хонасининг токчасига жойлаштираман, у жой илиқ ва қуруқ. Шу тарзда, сунъий йўл билан зарур фаслда ўсимликларнинг гуллашига эришаман. Худонинг ҳам иши шунга ўхшаб кетади деб ўйлайман, фақат бу сал бошқачароқ содир бўлади. Худо бизнинг ҳаётимизда йўл қўядиган синов ва босимлар шарофати билан, биз ёки гуллаймиз, ёки қуриб қоламиз.

Ёқуб қўйидаги оятда синовлардан ўтиш қобилиятини кўкларга кўтаришда давом этмоқда: “Сабр-тоқатингиз эса амалда мукаммал бўлсин, тики сизлар ҳамма нарсада камчиликсиз, етук ва комил бўлинглар” (Ёқуб 1:4).

Тушунарлироқ тилда ўқишини истайдиганлар учун The Message таржимасини таклиф қиласман: “Шундай қилиб, қийинчиликлардан вақтидан аввал чиқишга үрунманг. Сиз етук, чиниқкан ва ҳеч бир нарсада камчиликни сезмаслигингиз учун, қийинчиликлар сизда ўз фаолиятини амалга оширсин” (Ёқуб 1:3, 4, инглизчадан таржима).

Шундоқ ҳам ҳаммамиз синовлардан ўтар эканмиз, келинг, бу сизга тўлиқ таъсир кўрсатишига изн берайлик. Борди-ю биз

ўзимизни бу даврда, вақтидан олдин юлиб олсак, келажакда бу синовлар яна қайтиб келади. Маълум мушаклар гуруҳини шуғуллантирганда, улар тўлиқ ҳолдан тойгандагина, ўсишни бошлайди дейдилар. Биз беришимиз мумкин бўлган ҳамма нарсани бериб биздан ташқарида оқаётган манбасидан озиқланишини

### **Қиличбозлик санъатидан факт**

Қиличбозлиқда заифлик кучнинг кўрсаткичи, куч эса – заифликнинг кўрсаткичи бўлиши мумкин.

бошлаймиз ва яна бир марта сўз бериш, яна бир марта мулойим қучиш, яна бир марта кечириш, яна бир марта далда ибодатини айтиш, яна бир марта қўнғироқ қилиш қобилиятини қўлга киритамиз. Бошқача сўзлар билан айтганда, агарда синовлар вақтида қўлимизни тушурмасак, имонимиз ўсади ва тўлиқ камолотга эришади.

Бундай ёндашиш самовий доноликни талаб этади, бинобарин Ёқуб шуни қўшимча қилмоқда: “Агар сизлардан бирортангизга донолик етишмаса, ҳаммага самимият билан, таъна қилмасдан берувчи Худодан сўрасин ва унга берилади” (Ёқуб 1:5). The Message таржимасида қўйидагича ёзилган: “Борди-ю, нима қилишни билмасангиз, Отага ибодат қилинг. У ёрдам беришни ёқтиради. Сиз Унинг ёрдамига эга бўласиз ва сўраганингизда, муҳтоҳлигингиз қондирилади” (Ёқуб 1:5, инглизчадан таржима).

Худо – бизнинг донолик булоғимиз. У маслаҳатларни хасислик билан эмас, балки сахийлик билан беради. У биз Ундан ёрдам сўрашимиз учун, атайин бизни шундай ҳолатга қўйган. У самода туриб, қўлларини қовуштириб, Исога қараб, айтиётгани йўқ: “Ишонгим келмайди, буларга қара-я! Улар ҳали ҳам ҳеч нарсани тушунмадилар”. Йўқ, биз Уни ҳаётимизга жалб қилганимизда бу Унга ёқади. Худо менинг ҳаётимни шу қадар мазмунга бойитгани боис, аксарият ҳолларда, эрталаб уйғонганимда, кеча нима билан машғул бўлганимни бирдан эслаш у ёқда турсин, ҳар доим ҳам қаердалигимни бирдан эслолмайман! Шунда мен Унга қўйидаги сўзларни айтаман: “Самовий Ота, бугун менга Сенинг донолигинг зарур”. У эса жавоб беради: “Қизгинам, Мен аллақачон, донолик билан сени тўлдирдим”.

Ёқубнинг мактубида, Худога маҳсус тарзда ёқадиган, Унга мурожаат этишнинг аниқ йўлини топамиз: “Лекин ҳеч шубҳа қилмасдан, имон билан сўрасин, чунки шубҳа қилувчи киши шамол кўтараётган ва тўзитиб юбораётган денгиз тўлқинига ўхшайди. Бундай одам Раббийдан бирон нарса олишни умид ҳам қилмасин. Фикрида иккиланаётган одам ўзининг ҳамма йўлларида бекарордир” (Ёқуб 1:6-8).

“Ҳар қандай шубҳасиз, дадиллик билан, олишингизга ишониб сўранг. “Ўз ибодатларида мустаҳкам бўлмаган” одамлар, шамолда кўтариладиган тўлқинларга ўхшайди. Агарда шу аснода сўрайдиган бўлсангиз, денгизда чўчиб, барча содир бўлиши мумкин бўлган вариантларга очик бўлиб қолаверсангиз, Хўжайндан бирор нарса оламан деб ўйламанг” (Ёқуб 1:6-8, инглизча MSG таржимаси).

Биз шубҳа соясисиз, жасорат билан ибодат қилганимизда, бу Худога ёқади. Менимча, Худо бизни чўчитадиган нарсаларни, қўрқувдан титрашга мажбурлаш мақсадида, шундай ибодат қилишга таклиф этмоқда!

**Биз шубҳа  
соясисиз, жасорат  
билан ибодат  
қилганимизда, бу  
Худога ёқади.**

Охирги йиллар Худо Жонни, мени ва “Messenger International” хизматининг барча ходимларини чиниқтириди. Бизда юракларимиз ва қўлларимизни бирлаштириб ибодат қилишдан бошқа чорамиз қолмади. Ибодатларимиз ўзимизнинг қулоқларимизни лол қолдирап ва оғзимиздан чиқаётган сўзлар юракларимизни ҳаприқтиришга мажбур этарди.

Шундай ҳолатлардан бири, Жон етакчиларимиз гуруҳига, Худо бир йилнинг ичида 250 мингта китобни тарқатишга чорлаётганини сезаётганини айтганида содир бўлди.

Бу менинг ўзимга бир шапалоқ ургандек бўлди! Бунгача биз 70 мингтадан зиёд китоб тарқата олмаган эдик. Икки юз эллик мингта китоб, босиб бўлмайдиган қадамдек туюларди. Шу боис, мен “шубҳа келтирадиган” фикрни таклиф қилдим.

– Бошланиши учун 100 мингта китоб тарқатсанк бўлмайдими?

Бу менинг ҳаётимдаги ёқимсиз лаҳзалардан бири бўлди.

Бутун хонани шубҳа тўлдиришидан анча аввал, Жон жавоб берди.

– Лиза, менинг имоним 250 мингта китобга етади.

Шу аснода, биз ишга киришдик. Биз туриб, ибодат қилдик. Бу ибодат ўша пайтда, худди имконсиз нарсадек эшитилар

эди. Лекин шуни тан олиш керакки, борди-ю ибодатларингиз сизни чўчитмаса, улар душманни аниқ чўчитмайди. Афтидан, само бизнинг мардонавор тилакларимизни кутиб туради. Бир неча ҳафта ичидаги бизнинг режамиз амалга ошишни бошлади, лойиҳа учун зарур бўлган пуллар келишни бошлади. Жамоатлар, дўстларимиз ва ҳатто, битта үлкан машҳур рок гуруҳи аъзолари бизнинг ҳамкоримизга айланди ва биз маъсулият олган мактуб, қай тарзда бошқа давлатларга бепул юборилишини кўришни кузатарди. Китоблар араб, арман, форс, урду, хитой, ветнам, кхмер, болгар, индонезия ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилинди. Мен талаффуз қилишга қийналадиган тилларга таржима этилган китоблар кўпгина етакчи биродар ва опа-сингилларнинг қўлига бориб етди.

Қиличлар икки томонлама ўткир бўлиши мумкин, бироқ икки хил фикрга эга бўла олмайди. Агарда биз зарба беришга қарор қилган бўлсак, буни тўғридан-тўғри ва муқаррар амалга ошириш лозим.

Ҳаётдаги жанглар аксарият ҳолларда  
 қияликда амалга ошади; жангсиз ғалаба  
 қозониш, шарафсиз ғалаба қозонишига  
 ўхшайди. Борди-ю, қийинчиликлар  
 бўлмаса, муваффақият ҳам бўлмайди;  
 агарда курашишга сабаб бўлмаса, демак  
 эришиладиган ҳеч нарса йўқ.

– Самуил Смайлс

Хуллас, севикли опа-сингилларим, ҳамма нарса ўзингизга боғлиқ. Сиз қийинчиликлардан қутулиб қолишга уруниб, улардан қочишингиз, яширинишингиз, улар билан жанжаллашишингиз ва мағлубиятга учрашингиз мумкин. Ёки ҳаётингиздаги қийинчиликлар содир бўлишига рухсат беришингиз ва улар орқали кучга эришишингиз мумкин.

“Афтидан, дўстлар, Худо бизни нафақат севади,  
 қолаверса, қандайдир маҳсус нарса учун устимииздан  
 Ўз қўлинини ушлаб туради. Биз сизларга воизлик қил-

ганимизда, бу фақат сўзлар эмас эди. Сизнинг ичингида нимадир содир бўлган эди. Муқаддас Рух пўлат сингари сизнинг эътиқодингизни чиниқтириди” (1-Фес. 1:5, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли, инглизча MSG таржимаси).

Ушбу оятнинг ортидан, сиз учун қўйидагича ибодат қиласман:

*Осмондаги азиз Ота,*

*Биз, Сенинг қизларинг, Сенинг юрагинг ва самовий даъват билан якдил бўлайлик. Ҳаётимиз Сен бизни, қандай яшашимиз, нимага тегишимиз, нимага қарашимиз, қулоқ солишимиз ва эга бўлишимизга бўлган истакларингнинг мустаҳкам тўқимасининг ифодаси бўлсин. Бизни бирлаштиргин. Биз Сенинг ҳаракатларингга бўйсунамиз. Сенинг ироданг қаттиқ эритилиш ва сувда чўмдирилишда амалга оишсан. Бизни мустаҳкам, барқарор ва эгилувчан қилгин, токи ҳаётимизнинг ҳар битта қурраси Сенинг најот берадиган севгинг ва кучинг ҳақида эълон қилсин. Исо Масиҳ номи билан, Омин.*

Кейинги бўлимда буларнинг барига, қай тарзда мўлжал билан эгалик қилиш тўғрисида билиб оламиз.

УЧИНЧИ ҚИСМ  
ҚУРОЛЛАҢГАН



## Сўз қиличи

*Ҳа, биз танада юрсак ҳам, тана изми бўйича жанг қилмаяпмиз. Чунки жангимиздаги қуроллар тана измига оид эмас, балки истеҳкомларни барбод қилиш учун Худо томонидан құдратлидир.*

– Коринфликларга иккинчи мактуб 10:3, 4



Бизга ишониб топширилган шамшир, қўл билан эмас, сўзлар билан кўтарилади. Биз эшитишимииздан анча аввал ҳаракати кўринадиган Худонинг Сўзини қурол сифатида гапирамиз. Дунё охирги марта қилични ёки Худонинг Сўзини, құдратли тарзда Исонинг ҳаётида кўрди. Худо биз ҳаммамиз мана шундай ҳолатда улғайишимизни истайди.

Биз ҳам Нажоткор Раббимиз сингари, айтишга қарор қилган қилич сўзларни кўтариш кучига этамиз. Биз Унинг имон, умид ва севги мактубларини гапирамиз, токи ер-юзидағи барча одамлар, Худо Ўғлининг ўлими орқали, У билан ярашганини билиб олсинлар. Биз сўзларимизга туз ва нур қўшилган, умид хизматчиларимиз, бу сўзлар зулмат билан гармдориланган дунёда ғалати эштилади. Сўзлар кўринмас, бироқ уларни нотўғри ишлатсангиз, улар ўлимга олиб келиши мумкин.

*Сўзлар – бу ҳар қандай вазиятда, яхши вазиятда ҳам, ёмонида ҳам, имкониятга эга қуролдир.*

– Мэнли П. Холл

Бизда юракларни очадиган ва ёпадиган сўзларни айтиш кучи бор. Бошқаларни озодликка чиқариш ниятида самовий сўзларни эътироф этиш вақти келди.

Бизнинг қадимий тилимиз, илгари барбод бўлган барча нарсаларни бирлаштиради, чунки у Худонинг сўзини акс эттиради. Уйлаб кўринг: Худо бизга йўз тилини берди ва бу тилдан фойдаланиш учун грамматика ва тиниш белгиларини ўрганишнинг ҳожати йўқ. У сўзни куч билан қоплади ва ҳар битта гапни шу тарзда синчковлик билан тизимлаштиреди, токи ҳар битта бўғин қудратга тўла бўлсин ва ваъда билан якунлансан.

“Бутун Ёзув Худодан руҳланган бўлиб, таълим олишга, фош қилишга, тўғрилашга ва ҳақлиқда тарбиялашга фойдалидир, токи Худонинг одами баркамол бўлиб, ҳар қандай яхши иш учун тайёрланган бўлсин” (2-Тим. 3:16, 17).

Эътибор беринг, бу жойда Ёзувдаги айрим оятларгина руҳлантиради ва фойдали дейилмаган, балки бутун Ёзув таълим беради, фош қиласи, тузатади, гапиради ва отлантиради деб ёзилган. Биз Ёзувдаги оятларни танлаб олсак ва айрим жойларнигина ҳаётимизда қўлласак, биз яхши аслаҳаланган ва келажакка тайёрланган бўлмаймиз. Ёзув бизнинг ойнамизга айланиши керак. Худонинг Сўзи бизни ҳақиқатни акс эттирадиган ва ёлғонни сўндирадиган даражада ўзгартириш кучига эга. Сўзни мушоҳада этиш, нафақат нутқ услубимизни ўзгаришига ундаиди, қолаверса сўзларимизнинг келиб чиқишига ҳам таъсир қиласи.

“Юқоридан Келадиган ҳаммадан юқоридир. Ердан бўлган эса ерлиқдир ва ерга хос гапиради. Осмондан Келадиган ҳаммадан юқоридир” (Юҳанно 3:31).

Тил юксалтириш ва ерга уриш, баракалаш ва лаънатлаш, шифолаш ва яралаш қудратига эга. Биз ерлик нутқ намунасида ёки самовий нутқ намунасида гапиришимиз мумкин. The Message таржимасида манашу оят шундай янграйди: “Юқоридан бўлган – Худо томонидан юборилган бошқа эличиларнинг боши ва елкасидир. Ердан туғилган ерга боғлиқ ва ерлик тилда

гапиради; самода туғилган эса ўз турига тегишли”.

Биз ерда туғилганмиз ва юқорида самодан туғилганмиз. Борди-ю, менердагиҳаётимнингохиригача Италиядаяшшимни билганимда эди, италиянчани ўрганишнинг маъноси бўларди. Биз эса абадийликни самода ўтказамиз, шунинг учун самовий тилни ҳозир ўрганишдан фойда бор. Юқоридан туғилган тилда, Отамизнинг ўлкасидаги тилда гапиришнинг вақти келди.

“Менинг юрагимдан эзгу сўз қўйилди. Мен дейман:  
“Менинг қўшиғим Подшоҳ ҳақида”. Менинг тилим -тез  
ёзувчи котибнинг қаламидир” (Сано 44:1).

Худо бизда йўз қучини кашф этишни ва биз орқали уни қўйишни истайди. У биз тил билан чекланган ҳаётда яшашимизни режалаштиргмаган, бинобарин инсоний куч соҳасида ҳам чекланган бўлишимизни истамайди. Ибодат бизни янги шарга кўтарадиган илоҳий аралашувни бошдан кечиришга таклиф қилмоқда, бу бизнинг инсонинг тилимиз доирасидан бир бош ва елка баландликда. Янги чўққи, бизга ўзгача қарашларни очади. Биз Унинг Сўзини кўтарганимизда, қилични кўтарган бўламиз: “Ўлим ва ҳаёт – тилнинг ҳокимиятида” (Ҳикматлар 18:22).

Худонинг сўzlари пок ва ҳаракатчан. Улар зулматни ёритувчи тирик қиличларга ўхшайди. У фарзандларига шиддатли, муқаддас ва қадимий тилни ишониб топширди. Бу тирик сўzlарни фахр ила ишлатиш лозим. Агарда Унинг муқаддас сўzlари ўз ўрнида ишлатилмаса ёки ёвуз ният билан ишлатилса, унда унинг акси бузилади, самовий нур эса зулмат билан қопланади.

Мен чет эл тилида гапиришни истардим. Бегона юртдаги одамлар билан мулоқотда бўлиш учун етарли даражада сўzlар йиғиндисига эга бўлиш ажойиб. Мен ҳам бошқа америкаликларга ўхшаб, мактабда икки йил чет тилини ўргангандман, аммо гаплашадиган одам бўлмагани туфайли,

Биз эса  
абадийликни  
самода ўтказамиз,  
шунинг учун  
самовий тилни  
ҳозир ўрганишдан  
фойда бор.

озгина билган француз тили ҳам, тезда унутилиб кетди. Борди-ю, бизга италиянчани ўрганишни таклиф қилғанларида эди, бу бошқа гап бўлган бўларди. Менинг отам Қўшма штатларида туғилган бўлса-да, инглиз тили унинг она тили эмасди. Унинг ота-онаси Сицилия оролида туғилган бўлиб, улар италиянчада гапирганлар. Ўша пайтларда италияликлар ўқимаган ва қашшоқ мухожир ҳисобланишган. Бу тил уларни Италия ирқий жамоаси билан боғлаб турар, инглиз тилида гапирадиган америкаликлардан эса ажратиб турарди. Отам ўзининг талаффузи билан синфдаги барча ўқувчиларнинг орасида эътиборни тортаётганини тезда фаҳмлаган. Уйда бошқа, мактабда эса бошқа тилда гапирилганда, талаффузни тузатиш қийин. Отам ўн ёшга тўлганида бувим бева қолганлар. Катта ўғил сифатида, отам онасига инглиз тилини жон-жаҳди билан ўргатган, негаки бувим оиласини боқишига мажбур эди.

Отам ёшлигига уйидан қочиб кетгани ҳақида, бир замонлар айтиб берган эди. У Венерандо исмини Жозефга ўзгартирган, денгиз-флотида хизмат қилган ва Индиана Олийгоҳида футбол ўйнаган. Олийгоҳдан сўнг ҳаво йўллари ташкилотида ишлаган ва стюардесса бўлиб ишлаётган онам билан танишган, унга уйланганидан сўнг болалигидаги қашшоқлик билан ҳар қандай аълоқага узил-кесил нуқта қўйишга қарор қилган.

Йиллар ўтиб, отам муваффақиятли тадбиркорга айланган. Мен италиянчада бир сўз билмасам ҳам, одамлар ёшлигимдан мени италиялик деб аташарди. Биз бувимнинг уйида йиғилган пайтларимиз, отамнинг ака-укалари қандайдир оҳанѓдор тилда ҳис-ҳаяжон ва баланд овоз билан бир-бирларига нималарнидир тушунтирадилар, бизнингўйимизда эса бундай тилни ҳеч қачон эшитмаганман. Афсуски, мен бир нечта ибора ва қўшиқларни эслаб қолганман. Эсиз, кўпроқ нарсаларни ўрганиб олиш ҳаёлимга келмаган экан. Ҳатто ҳозир ҳам Италияга келганимда, бувимнинг гапириш оҳангини танийман, худди отамнинг онаси қизига гапираётгандек бўлади.

Сиз чет эл тилида гапиришни хоҳлармидингиз? Гап грамматикани ўрганиш бўйича толиқтирадиган меҳнат ҳақида кетаяпти деб ўйламанг. Мен юракдан-юракка, ҳақиқий чуқур ички тушунча билан гапиришни назарда тутаяпман. Агарда сиз

бошқа тилда қийналмай гапирсангиз, бу эшикларни очиш ва турли маданиятдан бўлган бегона одамлар билан осон алоқа қуриш имконини беришини, сизга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Умумий тил ва мақсадларнинг чуқур боғлиқлиги турли мамлакатларда яшовчи одамларни бирлаштиради.

Биз китобларимизни кўплаб бошқа тилларга таржима қилганимизда, бизнинг мактубларимиз, биз учун ёд бегона бўлган одамларнинг қўлига етиб борганидан ҳайратланардик. Қачонлардир китобларимизни ўқий олмаган одамлар, биз улар учун маҳсус таржима қилинган ва босиб чиқарилган китобларни уларга совға қилиб, уларнинг муҳтоҷлигини қондирганимизда, ғамхўрликни ҳис этишди. Улар нафақат ўз она тилида Худонинг Сўзига эга бўлишди, шунингдек уни ҳар куни шахсий ҳаётида қўллай олиши мумкин бўлган, ҳаётий бой мисолларга тўла китобда олишди.

“Аёл ғамхўрлигининг кучи” китобида мен аёл кишининг ғамхўрлигини ҳар битта аёлда бир хил бўлган, юрак тили сифатида таърифлаганман. Тил каби, аёл кишининг ғамхўрлиги ҳам сўзлар билан, ҳам сўзларсиз намоён бўлиши мумкин. Бу бизнинг оналарга хос умумий тилимиздан мисол, бу бизнинг миллий келиб чиқишимизни кўрсатиб турадиган тилимиз билан бир қаторда ҳаммамизга ато этилган.

Бу тилларнинг иккиси ҳам муҳим, бу китобда эса янги даражани очиб беришга умид қиласман. Мен теранроқ кириб бориб, миллий келиб чиқишимизга мансуб тилимиздан устунроқ бўлган тил ҳақида, бизнинг юрагимиз гапирадиган оналик тили ҳақида гап юритмоқчиман.

Бу тилнинг шакли одамлар ўртасидаги алоқаларга чуқурроқ кириб бориш кучига эга. Унинг сўзлари кўринмас нарсаларни кўринарли дунёга олиб ўтиш ва йўқ жойдан яратиш учун барқарор куч билан ўзаро боғланди.

Отамиз Сўз айтганида, яратилиш жараёни бошланди. Шаклсиз бетартиблик бўшлиғидан, саранжомлик ва нур пайдо бўлди. Агарда биз ҳайратли Худоимизнинг шарафига, ҳайратга муносиб ишларни яратадиган қизлар бўлишни истасак, бизга Унинг сўзлари ва Унинг номи зарур бўлади. Отамизнидек,

бизда ҳам яратиш жараёни фикрларимизда туғилади. Худо бизни қабул қилиш, күтариб юриш ва ўз вақти-соати келиб, дунёга келтиришнинг теран тушунчаси билан яратган. “Зеро юракнинг тұлалигидан тил гапиради” (Матто 12:34). Бу оятни, оғзимиздан нималар чиқаётганига эътиборли бўлиб, юрагимизни асраримиз ва унда нима йиғилаётганини назорат қилиш мұхимлигини үқтирганимизда ишлатамиз. Бироқ бу сафар бу оята бошқа кўз билан қарамоқчиман, чунки Худо Ўз юрагининг тұлалигидан сайёralарни ўз ичига олган борлиқни яратиб, гапиради.

“Зеро дунёning яратилишидан бошлаб Унинг кўринмас хусусиятлари, абадий құдрати ҳамда илоҳийлиги Унинг ижодлари орқали очиқ кўринмоқда ва англашмоқда.  
Шунинг учун уларга узр йўқ” (Рим. 1:20).

Севимли опа-синглим, сиз океан, тоғ ва шерлардан кўра анча ажойиб қилиб яратилгансиз! Сиз кўринмас Худоимизнинг фазилатларини акс эттирасиз.

Бу тилда шивир тарқалганида, бир лаҳзада кенг фазолар у билан қопланади ва ер-у осмон бирлашади. Шу паллада гапириш навбати бизга келади, негаки бу Отамизнинг тили.

Муқаддас Ёзув қиличларни эритадиган, Худонинг ёзилган сўзларининг термаси бўлибгина қолмай, у яна бизнинг ҳақиқий юртимиз тилининг нафасига эга ва у жонлидир. Бу ҳар битта гап тимсоллар ва ердаги йўлларимиз ҳамда юқоридаги муқаддас жойга оид ўгитлар билан тўла.

### Қиличбозлик санъатидан факт

Бардош ва мудофаа,  
ҳатто энг тажовузкор  
қиличбознинг  
ҳужумининг кучини  
йўқотади.

Унинг Сўзлари, биз тил ҳақида билган барча нарсалардан устундир, чунки Унинг сўзлари биз ҳозирда кўраётган барча нарсаларнинг манбаи бўлган. Отамизнинг тилида ҳар қандай инсон, ўз она тилига ва нотўғри талаффузга эга бўлишидан қатъий назар, бехато гапира олиши мумкин.

Бу құдратли ва қадимий матнлар, ҳар битта қабила ва шева аязоларига берилган.

Худо ягона тилда гапирған итоатсиз халқни бўлиб ташлаганида, турли тиллар юзага келди. Бу воқеа Муқаддас Китобда битилган, бу нарса одамлар Бобил минорасини қуришни бошлаганида содир бўлди.

“Раббий эса инсон ўғиллари қураётган шаҳар ва минорани қуриш учун тушиб келди. Шунда Раббий деди: “Мана, ҳаммаси битта халқ, ҳаммаларининг тили ҳам бир. Улар буни қилишни бошладилар, ният қилган ишларини тамомлашдан уларни ҳеч нарса тўхтата олмайди. Энди пастга тушайлик-да, уларнинг тилини аралаштириб таштайлик, токи бир-бирларининг гапларини тушунмасинлар”. Шундай қилиб, Раббий одамларни у жойдан бутун ер юзига тарқатиб юборди ва улар шаҳар қуришни тўхтатишди. Шунинг учун уни Бобил деб атashди, чунки Раббий ўша ерда бутун ернинг тилини аралаштириб юборди ва ўша ердан Раббий уларни бутун ер юзи бўйлаб тарқатиб юборди” (Ибтидо 11:5-9).

Қизиғи шундаки, бу имконсиз туюлган қурилиш лойиҳаси, икки омилга кўра имконли бўларди: яқдил халқ ва умумий тил. Худо буни режалаштирганига қарамай, бу ният мувваффақиятга эришиши мумкин эди. Уларнинг мақсади, Худо Ибтидо 1-бобда айтган буйруққа моҳияттан зид эди. тилларнинг аралашиб кетиши, нафақат бу жараённи тўхтатди, қолаверса, ягона халқни ер-юзининг тўрт бурчагига ёйиб юборди. Инсониятнинг мавжудлик тарихи битта тилдан бошланган эди ва у битта тил билан – Худонинг мўъжизалар тили билан тугалланишига ишонаман.

“Бу шовқин содир бўлганида, кўпчилик одамлар тў- планиб, саросимага тушдилар, чунки улардан ҳар бири ҳаворийларнинг уларнинг маҳаллий шевасида гапира- ётганини эшитдилар. Шунда ҳаммалари ажабланиб ва

хайрон бўлиб ўзаро дер эдилар: “Бу гапираётганларнинг ҳаммаси галилиялик эмасми? Қандай қилиб, ҳар биримиз ўзимизнинг туғилган маҳаллий шевамизни эшитаяпмиз? Парфияликлар, мидияликлар, эlamликлар; Месопотамия, Яҳудия, Каппадокия, Понт ва Асия ўлкасида яшовчилар, Фригия, Памфилия, Миср ва Ливиянинг Киринеяга туташ қисмидагилар ҳамда Римдаги мусофиirlар, яҳудийлар ва прозелитлар, критликлар ва араблар ҳам уларнинг бизнинг тилларимизда Худонинг буюк ишлари ҳақида гапираётганларини эшитаяпмиз” (Ҳав. 2:6-11, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Само заминда овоз топган чоғ, оломон йиғилишни бошлайди. Биз чиндан ҳам нима дейишни билсак, Худо уларни ҳамма эшитиши учун йўл топади. Биз Унинг Рӯҳининг кучи билан Унинг сўзларини гапириш учун бош экканимизда, ҳайратли ишлар содир бўлади. Худонинг бу мўъжизаларининг умумий аксини сабрсизлик билан кутмоқдаман.

Худо Йерусалимга бутун дунёдан ташриф буюрган бағишланган ва зиёли халқа Ўзининг буюк мўъжизаларини овоза этиш учун, Жалила вилоятидан бўлган саводсиз одамларни танлади. Сиз бунга нима дейсиз? Ҳеч ким бефарқ бўлиб қолмади. Биз биргалиқда битта нарсани гапирганимизда, ерлик битта умумий тил қодир бўлганидан-да, муҳимроқ ва кучлироқ таассурот қолдирамиз. Эллигинчи кунда ерда самовий сўзлар янгради ва ўша жойдагиларнинг барчаси буни биларди.

Бизнинг Қудратли Худоимиз тантана қиласди. Унинг шарафли севгиси ва буюк шафқатининг чеки йўқ. Нажот инъомига, фақат имон орқали Унда мавжуд ва Унинг изловчиларнинг бари иноят ва умидни қўлга киритадилар.

Мен ҳозир ҳечам номаълум тиллар ҳақида гапирмаяпман. Бу ердадунёмиқёсидагисаволларгажавобкерак: биз сўзларимизни ва ўзимизни четга олиб, Худони улуғлаш учун гапирамизми? Биз ўзимизнинг мукаммал тилимизда гапирамизми ёки Унинг мукаммал ишлари ҳақида гапирамизми? Муқаддас Рӯҳ бизни тўлдиришига изн бериб, ягона овоз бўламиزمи?

Барча иштирокчилар битта юқори мақсад атрофида бирлашганларида, бирликка бағишланиш натижага эга бўлади. Самовий Отамизнинг мақсад ва тили атрофида бирлашишимиз, Худонинг одамларни Унинг мақсадлари атрофида бирлаштириш режасига янги асос солади. Қиличининг (Унинг Танаси ва Унинг Сўзи) шу қадар кўп қисмлари ҳар ёқда ёйилиб ётибдики, улар бир бутунлигича бизнинг кўзимизга кўринмайди, шу боис биз фақат ўз қисмимизни биламиз... уни ҳам қисман. Алоҳида қисмларнинг вазифасини тушуниш учун, бутун сурат ҳақида тасаввурга эга бўлган яхши.

Етишмаётган алоҳида қисмлар, биз билмайдиган тафсилотлар ҳам борлигини англатади ва Худонинг Рӯҳи ҳамда, Худонинг Сўзи тўлдирадиган жойлари ҳам бор. Биз имон сўзини башорат қиласиз ва гапирамиз, токи ҳозирча алоҳида қисм сифатида кўрганларимизнинг туб моҳиятини гавдаланатириш учун. У биз учун ҳамма нарсанинг ҳаммаси; биз эса бутуннинг бир қисмимиз.

Биз Сўзни эълон қилишнинг ўрнига, ҳаддан зиёд вақт давомида уни талқин қилиб ўтирадик. Унинг айтилган ва абадийга ёзилганларини кучда шунчаки эътироф этишнинг ўрнига, уни тажриба ва кечинмаларимиз, ижтимоий устуворликларимиз, нотўғри тушунчаларимиз, онгимизнинг чегараланганилиги ва инсоний дунё қарашимиз орқали чиғириқдан чиқариш одатини чиқардик.

**Биз Сўзни эълон  
қилишнинг  
ўрнига, ҳаддан  
зиёд вақт  
давомида уни  
талқин қилиб  
ўтирадик.**

Биз Сўзни габадийликдаги сирли шаклини гапираверишининг ўрнига, уни бизга насиба этилган миттигина ролимиздан келиб чиқиб, талқин қилишга мойилмиз. Биз тушунмайдиган тилда гапириш учун, имон керак.

“Имон билан англаяпмизки, оламлар Худонинг сўзи билан бунёд бўлган, яъни кўринадиганлар кўринмайдиганлардан пайдо бўлган” (Ибр. 11:3).

Худо бизга кўриниб турган дунёни, Ўзининг кўринмас

сўзлари билан яратди. Биз Отамиздек йўл тутганимизда ва Унинг сўзларини акс-садо билан такрорлаганимизда, уларнинг моҳияти келиб чиқади. Самода аллақачон куч билан абадийликка маълум қилингандарни, шунчаки эътироф этсак, яратилган дунё бу сўзларни танийди ва ўз Яратувчисининг иродасига бўйсунади.

Биз самонинг сўзлари билан ерни текислашнинг ўрнига, самовий сўзларни ернинг элаги орқали ўтказганимизда, ўз талқинларимизда кўп нарсани йўқотамиз. Доноликни замондошларимиздан эмас, Қадимдан бор бўлгандан шопирганимиз яхшироқ. Тан оламанки, Аюбнинг китобини ўқиб, то Худо гапиришни бошламагунча, унинг дўстлари тенгги йўқ сўзларни айтаяпти деб ўйлаганман!

“Ҳеч нарсани англамасдан режада бўлган ишни тундлаштираётган ким бу?” Мен ўзим тушунмаган ва билмаган, мен учун ғаройиб бўлган нарсалар ҳақида гапирган эканман” (Аюб 42:3, ёзма ҳарфлар муаллифа тегишли).

Ёзувнинг бошқа таржималарида “хиралаштираётган”, “ифлослантираётган”, “шубҳа остига қўяётган”, “яшираётган” каби сўзлар ишлатилган. Барча таржималар тундлаштираётган маъносигаэга. Ўзимизтушунмайдиганнарсаларнитушуниришга уриниб, биз Худонинг донолигини хиралаштирамиз ёки унга соя соламиз. Биз Унинг Самовий Сўзларининг учларини ўтмаслаштирганимизда, Унинг улуғорлигини шубҳа остига қўйган бўламиз.

Мен ўғилларимдан бирортасини, акасига: “Ойим, сени ҳозир пастга тушишингни сўрайапти” дейиш учун юборсам, улар менинг гапимни худди мен айтгандек етказишини кутаман. Бироқ улар баъзида айтганларимдан бирорта сўзни қолдириб кетса, ёки ўзидан нимадир қўшиб гапирса, менинг гапим тундлашади. Жумладан у: “Ойим сен пастга тушиб, дастурхонни безашингни айтди” дейди. (У акаси дастурхонни безатишини ўзи истагани учун, қўшиб айтиши мумкин.) Агарда мен уни итимиз билан сайр қилиб келиш ёки у билан шунчаки суҳбат қуриш учун

чақирган бўлсам, унда менинг гапим унга нотўғри тарзда етиб боради. Ёки ўғлим унга фақат: “Ойим сени пастга тушишингни айтди” - деса-ю, айнан қачонга чақирганимни аниқ айтмаса, акаси: “Яхши” деб жавоб беради. Бироқ зудлик билан бориш кераклигини билмагани учун, ушланиб қолиши мумкин. Бу кичик мисоллар, фавқулотда ҳолатларда панд бериши мумкин.

Худо – ҳамма нарсани биладиган ягона Шахс. У биз бутунлай бехабар бўлган нарсаларни билади, шунинг учун аҳамиятга лойиқ бўлган ҳамма нарса ҳақида Ўз йўллари ва фикрларининг донолигини берган. Менинг ўғилларим сингари, биз ҳам У берган амрларнинг сабаби ва вақти үнчалик ҳам муҳим эмас деб ўйлаймиз.

Келинг, Повул руҳий ўғли Тимотийга қай тарзда насиҳат бераетганига қараймиз.

“Сўзни воизлик қилгин, бу ишда қулай фурсатми,  
фурсат эмасми, саботли бўлгин. Фош қилгин,  
тақиқлагин, бутун сабр-тоқат билан таълим бериб  
насиҳат қилгин. Чунки шундай замон келадики,  
одамлар соғлом таълимотга дош бера олмайдилар,  
лекин улар ўз ҳирсларига биноан қулоқларига  
ёқимли сўзларни гапирадиган устозларни ўзларига  
тўплайдилар. Улар қулоқларини ҳақиқатдан ўгириб,  
афсоналарга бурадилар” (2-Тим. 4:2-4, ёзма ҳарфлар  
муаллифга тегишли).

Нурли сўзларни воизлик қилишнинг ўрнига, нур сўзларини воизлик қилинг! Қонунчилик авж олган даврларда, Худонинг Сўзи нурсиз тарзда эълон қилинганини биламан. Биз Ёзувга ўз фикрларимизни қўшганимизда, Худонинг Сўзидаги ҳашаматни бузиб тақдим қиласиз. Одамлар шифолаши зарур бўлган манбадан яраланганди, чинакам мақсадни йўқотишиди.

Аксарият хизматчи ва етакчилар одамларни қўрқитмаслик учун, бироз ортга чекинишган. Улар юмшоқроқ ва ҳиссийроқ бўлишга уринишган, кичрайтирилган ва эркаловчи сўзлардан фойдаланиб, Худонинг Сўзини аллақандай шевага айлантиришган. Бундай ёндошишнинг ўзига яраша фойдали

томони бор, бироқ Ҳудонинг мактуби билан ўзаро келишувга борсак, фойда хатога айланади.

*Умуман олганда қисқа сўзлар афзал,  
қадимий сўзлар эса ҳаммасидан афзалроқ.*

– Уинстон Черчилль

Уинстон Черчилль машҳур аълоқа ўрнатувчи бўлган. Унинг сўзлари кенг даврага етиб борган ва вақтдан ташқарида янграган, улар бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Назаримда, юқоридаги сатрлар, қисқа сўзлар тушунарли экани, қадимий сўзлар эса вақт давомида синовга чидашини таъкидлайди. Инсоннинг сўзлари, қанчалик замонавий ҳисобланмасин, вақтсиз абадийликда, охир-оқибат эскиради.

Исо даврида яхудийлар икки тилдан фойдаланганлар: маъбаддаги хизмат ва муқаддас битикларни ўрганиш учун ибронийчадан, уйда ва бозорда арамейчадан фойдаланишган. Исо кўчадаги одамларга, уйларга ва бозорларга илоҳий сўзларни ва Ҳудонинг кучини етказган. Аммо У оддий одамларга худди муқаддаслардек муносабатда бўлганига қарамай, Муқаддас Ёзуvgа қандайdir одатий муносабатда бўлишга одамларга йўл қўймаган.

Ҳаммага ҳамма нарса бўлиш истагида, биз сўзларимизга ўз қадрини ва абадий муқаддаслик вазнини йўқотиб қўйган, оддий сўзларга айланишига қўйиб бермадикми? Шахсий ҳаётимдан мисол келтираман. Кўп йиллар давомида тингловчиларга, ўтмишдаги сиртмоқларни қолдиришни ўргатганман, чунки Ҳудода “сизнинг ўтмишингиз – сизнинг келажагингиз эмас”.

Бу жумлани Ҳудо менга 1994-йили ибодат вақти берган эди. Одатда одамлар матндан юлиб олинган жумлаларни эслаб қолишади. Шундай бўлса-да, бу иборанинг ҳам чегараланган умри бор, ёки у яроқлилик муддатига эга. Бу ўша мавзуга оид оят билан биргаликда эълон қилинганда, ўзгаришлар олиб келадиган кучга эга. “Сизнинг ўтмишингиз – сизнинг келажагингиз эмас” – ибораси Филиппиликларга мактубдаги матннинг қисқартирилган кўринишидир:

“Биродарларим, мен ўзимни буларга эришганман, деб ҳисобламайман. Фақат орқамдагиларни унугиб, олдимдагиларга интилаяпман. Мен бир мақсад сари, яъни, Исо Масиҳдаги Худонинг олий унвонининг соврини сари интилаяпман” (Фил. 3:13, 14).

Мен айтган жумла тўғри гап, бироқ Худонинг ҳақиқати кўпроқ кучга эга. Шева қилиб чиқарилган гаплар, асл ҳақиқатдек қудратга эга эмас. Биз Муқаддас Ёзувни воизликларимизда энди ишлатмасак ҳам бўлади деб ўйлаб, кучини йўқотган сўзлар билан яшаб юришимиз мумкин эмас. Биз ўзимизни бамисли Ёзув бўйича бораётгандек тутишга ҳаракат қилиб, аслида эса ундан бўлмаса, нишонга теккиза олмаймиз.

Учар ибораларни осон эслаб қолишишимизнинг сабаби... чунки улар учар иборалар. Бугунги ижтимоий оммавий ахборот воситаларига ботиб кетган дунёда, ҳар қандай қулоқда янграйдиган сўз ёки жумла бир зумда бутун ер шарига тарқалиб кетади. Улар ўз йўлларида нима қолдириб юради? Facebook ва Twitter инсонни ўзгартириш кучига эгами? Шундайлигига умид қилиб қоламан, чунки миллионлаб одамлар кўп вақтини шуларнинг таъсирида ўtkазишади. Бу ҳамма нарсани билади-ю, лекин ҳеч нарса қилишни истамайдиган, ақлли-аҳмоқлар авлодини келтириб чиқармаслиги учун ибодат қилиб қоламан.

Ибронийчадаги саноларда кўпинча, ҳурматга эга тўхтам маъносини билдирувчи “селаҳ” сўзини учратасиз. Нега? Чунки тўхтамлар одамга, илоҳий сўзлар ва уларнинг чиримас улуғворлиги, ғамгин фикрларнинг қоплами орқали кириб боришига замин яратади. Муқаддас Рӯҳдан бошқа ҳеч ким гуноҳни фош қила олмайди, бинобарин бошқа доно маслаҳат ҳам мавжуд эмас.

Қизиқ, биз қайси айтган сўзларимиз шарофати билан бугунги воқеликка келиб қолдик экан. “Нажот қўшини” ташкилотига асос солган, Уильям Бут билан бўлган бир кўрсатувда, ундан 20-аср жамоатида нималар уни қўрқитишини сўрашди. Мана, у нима деб жавоб берди:

“Саволингизга жавоб бера туриб, келажақдаги асрни кутиб олаётган жамоат учун энг катта хавфлардан

бири, бу Мұқаддас Рұксиз дин, Масиҳсиз масиҳийлик, тавбасиз кечирим, қайта туғилишсиз најот, Худосиз сиёсат ва дўзахсиз само тушунчалари бўлади деб ўйлайман”.

Бу огоҳлантириш башоратини эшитганимда, бу юрагимга ўткир қилич мисоли санчилди. Мен бошқаларнинг хатоси учун оғриқни бўйнимга олмайман, бироқ ўзимнинг хатоларим учун азоб чекаман. Ҳозир алоҳида гуруҳларга бўлиниб олиб, бир-бirimizga бармоғимизни бигиз қилиш вақти эмас. Масиҳ Танаси ҳаддан зиёд nocturnal ҳолда. Биз бир неча ўн йиллар давомида гапирилаётган таълимотлар туфайли бу аҳволга келиб қолган бўлсак, унда келинг, кучимизни бир жойга йиғиб, Ҳудонинг Сўзидағи мустаҳкам қалья асосида янги негиз яратайлик.

“Ўйламасдан гапирадиган одам қилич каби яралайди, доноларнинг тили эса шифолайди” (Ҳикматлар 12:18).

Келинг, Ҳудонинг донолигини гапирайлик ва қай тарзда шифоланиш содир бўлишини кузатайлик.

### Огоҳлантириш

Ҳаётда кўп нарсалар огоҳлантирувчи белгилар билан келади, сўзлар шубҳасиз, бир талай эҳтиёт чораларини ўзида олиб юради. Ўлим ва ҳаёт бизнинг сўзларимиз ҳокимииятида – бу огоҳлантириш. Сўзлашда секин бўлинг – бу огоҳлантириш. Фикрлар ва сўзлар бизнинг ҳаётимизни қуради – бу ҳам огоҳлантириш.

*Фикрларингизга эътиборли бўлинг,  
улар сўзларга айланади. Сўзларингизга  
эътибор беринг, улар ҳаракатларингизда  
ўз аксини топади. Ҳаракатларингизга  
эътибор беринг, улар одат тусига  
киради. Одатларингизга эътиборли  
бўлинг, улар сизнинг хулқ-атворингизни*

*шакллантиради. Ҳулқ-атворингизга  
эътибор беринг, улар сизнинг  
тақдирингизни белгилайди.*

– Номаълум муаллиф

Биз бу айтилганларга жиддий ёндошсак, доимий равища фикр, сўз, ҳаракат ва одатларимизни чиғриқдан ўтказиб яшаймиз! Бу кетма-кетликнинг тўғрилигига қарамай, фикрларимиз тўхтовсиз равища текширувдан ўтади деб, худди милиция бўлимида тургандек яшашимиз шарт эмас. Аксинча, Ҳудо бизни Ўзи билан фикр алмашишга чорламоқда, бу ўзимиз мустақил равища тўғри қарорни излаб юришдан анча фойдалироқ.

«Менинг фикрларим – сизларнинг фикрларингиз эмас, сизларнинг йўлларингиз – Менинг йўлларим эмас, – дейди Раббий, – аммо осмон ердан нақадар баланд бўлса, Менинг йўлларим сизларнинг йўлларингиздан ва Менинг фикрларим сизларнинг фикрларингиздан шу қадар баланддир. Чунки ёмғир ва қор осмондан тушиб, у ерга қайтмасдан, лекин ер юзини суғориб, экувчига уруғ ва еовчига нон бериши учун уни туғдиришга ва ўстиришга қодир қилганидай, худди шундай, Менинг оғзимдан чиққан сўзим Менинг олдимга беҳуда қайтиб келмайди. Лекин Менга нима маъқул бўлса, шуни бажо келтиради ва Мен уни нима учун юборган бўлсам, ўшани муваффақиятли амалга оширади” (Ишаъё 55:8-11).

Биз Унинг Сўзини ўқиганимизда, онгимиз янгиланади. Онгимиз янгилангандаги, фикрларимиз ўзгача тус олади. Фикрлаш жараёнидаги ўзгаришлар ўзимиз, атрофимиздаги дунё ва одамлар ҳақидаги сўзларимизга таъсир кўрсатади. Тилимиздаги ўзгаришлар ҳатти-ҳаракатларимизни янгилайди ва бизни ер учун мўлжалланган самовий мақсадлар билан боғлайди. Бизнинг сўзларимиз Самовий Отамизнинг иродасини акс-садо сифатида етказиб беришни ва узумзор гуллашни бошлайди.

Худонинг тирик Сўзи – бу тубдан янгилайдиган барча

құдратли ҳақиқатларнинг бошидир. Охир-оқибат Ҳақиқат – бу музокара үтказиш үчүн назария әмас, бу танага айланған Сүз, бу Исо Масих.

“Исо унга деди: — Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Ҳеч ким Менсиз Отанинг олдига бора олмайди” (Юханно 14:6).

Ҳақиқатни гапириш – бошқа, ҳақиқатга айланиш – эса бошқа нарса! Биз Исонинг мисолига эргашиб, ҳақиқатда яшашимиз зарур. У яроқлилик мұддати үтмайдиган ҳақиқат, чунки У абадий тирик! У ҳар битта лаҳзада рухлантиради ва Ўз нури билан ўзгартириб туради. Мен айтган жумла: “Сенинг ўтмишинг – бу сенинг келажагинг әмас!” озроқ очилған әшикка ўхшайды; Унинг Сўзи эса – бу кенг очилған дарвозалардир. Ҳудонинг ҳақиқати бизни ажратиб олиб, Ўзининг нурига буркантиришга қодир. Бизнинг Отамиз нақадар ҳайратли, У бизга нафақат тил берди, биз яна қандай гапирысак, шундай яшашимиз үчүн мисол бўладиган Исони ҳам берди.

“Бунга Исо жавоб бериб деди: “Ростини, сизларга ростини айтаман, агар Ўғил Отасининг нима қилаётганини кўрмаса, Ўз Ўзидан ҳеч нарса қила олмайди. Чунки Ота нима қилса, Ўғил ҳам шуни қиласди” (Юханно 5:19).

Нафақат Унинг сўзи тирик... шунингдек, Унинг иродаси ҳам тирик. Нега мен бундай дея оламан? Чунки Исо Отанинг иродасини кўрсатди, У эса инсоний танада ўз аксини топган, Ҳудонинг Сўзи ҳисобланади.

“Шунинг учун Масих дунёга кириб келганида, шундай деган эди: “Қўрбонлигу бағишиловларни Сен хоҳламадинг, лекин Мен учун тана тайёрладинг. Тамоман ёндириш қўрбонликлари ва гуноҳ үчүн қўрбонликлар Сенга маъқұл бўлмади. Ўшанда Мен дедим: Китобнинг бошида Мен ҳақимда ёзилған: “Мана, Мен Сенинг иродангни бажариш үчүн келаяпман, ё, Худойим” (Ибр. 10:5-7, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Демак, шундай савол туғилади: бу китобда биз ҳақимизда нима дейилган? Ҳаворийлар китобининг иккинчи бобига биноан, Ҳудонинг қизлари, само томонидан рухлантирилган ҳаракатнинг бир қисмiga айланадилар: биз Худо Руҳининг қўйилишини бошдан кечирсак, Унинг ўғиллари билан бир қаторда пайғамбарчилик қиласиз. Биз ерда Унинг мўъжизалари ва аломатларига тўлган ҳолда яшаб, самовий жанговар қўшин билан ёнма-ён хизмат қиласиз. Бизнинг кунларимизда Ҳудони чақирган ҳар бир киши најот топади (Ибр. 10:17-21 га қаранг). Унинг биз ҳақимиздаги сахий иродаси бу ҳайратомуз чегараларни чизади.

Сиз ҳақингизда ёзилганларининг бари кўринарли тус олиш даражасида Унинг иродасини амалга оширишни истайсизми? Буни истайсиз деб ўйлайман. Келинг, бу тушунчани қўлдан бой бермайлик ва буни ибодат билан муҳрлаб қўяйлик.

• • •

*Самовий Ота,*

*Мана Сенинг қизинг. Мен Сенинг иродангни бажариш учун келдим. Мен ҳақда ёзилганларининг бари амалга овсин. Мен Сенинг Сўзингда мустаҳкам турраман, мен уни таъкидлайман ва ўз ҳаётимда акс эттираман.  
Исо Масих номи билан, Омин.*




# 9

## Ҳосил қиличи

*Мен эса сизларга айтаман: Кўзларингизни  
кўтариб, далаларга қаранглар, улар  
оқариб, йиғум-теримга тайёр бўлган.*

– Юҳанно 4:35



Шимолий Америка ерида қиличнинг фақат – мачете тури маълум. Американинг чин анъаналаридан келиб чиқиб, у йигирмадан ортиқ қўлланиш услубларига эга экани сабабли, кўп вазифани бажаради. Уларнинг орасидан тўртта асосий тоифаларни танлаш мумкин: йўлни тозалаш ва очиш, вазиятни ўзгартириш, ҳосил йиғиш, ҳужум қилиш ёки ўзини ҳимоялаш.

Мачете турли эҳтиёжларда фойдаланилади. Жумладан, унинг ёрдамида йўлакдаги ўтларни ўриш мумкин, боғ учун ўғитни янчиш, дараҳтларни чопиш ва ўт ёқиш учун шох-шаббани майдалаш мумкин. Мачете билан оромгоҳ учун майдонни тайёрласа, чодир қурса, ҳовлини тартибга келтирса, шох-деворни қирқса бўлади. Бундан ташқари унинг ёрдамида дараҳтни хомток қилиш, токлардаги новдаларнинг ўсиши яхшиланиши учун уларни тозалаш, устунлар ўрнатиш, чодир тортиш мумкин. Мачете гуруч, шакарқамиш, жўхори, жовдар, арпа, гречка, сули ва ҳайвонлар учун емиш йиғиша, шунингдек кокос, ёнғоқлар ва бошқаларни қирқиш ва очишида



ишлатиларди. Мачете ўтларни қиришга аъло даражада тўғри келади, чунки у пояни барглари билан ўради, томири эса яна ҳосил келтириш учун ерда қолади.

Ва ниҳоят, у билан ҳимояланиш ва ўлдириш мумкин, гарчи у бу мақсадда яратилмаган. Мачете – бу ўзини ҳимоя қилиш учун қўрқитадиган қурол, у душманни ёки ёввойи ҳайвонларни чўчтишишга, ёки заҳарли илонни ўлдиришга қодир. У билан қуш овлаш ёки уй ҳайвонини сўйиш мумкин.

Ким ҳам буни билибди дейсиз... тўғрими?

Мачете ўзида пичоқ, болта ва қилични муҗассам этади. Унинг қўлланишидаги турларининг кўплиги туфайли, у дунёning кўп қисмларида кундалик ҳётнинг бир қисми ҳисобланади. Ундан вазифаларнинг бунчалик кўплигидан, мен шу кунгача бундай асбобсиз қандай яшаб келганимни тасаввур эта олмайман.

Кейинги саҳифаларда, биз йўлакларни тозалаганимизда, атроф-муҳитимизнинг кўринишини ўзгартирганимизда ва даладан ҳосил йиғиб олганимизда нималар содир бўлиши ҳақида кўпроқ гапираман. Сиз ўз йўлагингизни топишингиз, чодир қуришингиз ва меҳнатингизнинг ҳосилидан роҳатланингиз мумкин. Йўл-йўлакай эса илонларни бирёқли қилишингиз керак, чунки улар билан учрашганда ўйлаб ўтиришга вақт бўлмайди.

Руҳий йўлни Худонинг Сўзидан бўлак ҳеч нарса яхшироқ ёритмайди. Ҳикматлар китоби бўйлаб юринг ва сиз бизнинг олдимиз ва оптимизда нима ҳамроҳлик қилаётгани ҳақида аниқлик оласиз. Йўллар – бу шунчаки манзилга етиш усули эмас. Йўллар ва сўқмоқлар маълум мақсадга эга. Баъзида манзилга вақтидан олдин етиш яхшиликка олиб келмайди. Ҳулқ-атворда ўзгармай ва етуклиқда ўсмай мақсадга эришиш хавфли. Аксарият ҳолларда ҳулқ-атворга, айнан йўл бўйлаб юришда эришилади. Ёзув бизни, тезда қўлга киритилган нарса

ҳар доим ҳам барака олиб келавермайди деб огохлантироқда (Ҳикматлар 20:21 га қаранг).

Биздаги бир жойдан иккинчى жойга бориш воситаларининг ҳаддан ташқари замонавийлиги, сафардан мақсадимизнинг ўртасида алоқани үзib қўйди. Муваффақиятли ва муносабатларга эга ҳаёт А нуқтадан Б нуқтага шижаат билан сакрашда эмас, балки йўл давомидаги олинган дарсларда қўрилади.

Бугунги кунда бизда пиёдалар учун йўлаклар пайдо бўлган бир пайтда, сўқмоқларни, биз қўпинча ифлос ёлғизоёқ йўл ёки ўрмон ва дала ўртасидан ўтган қисқа йўлакчалар деб атаемиз. Ўтган замонларда одамлар йўллардан бир жойдан бошқа жойга бориш учун фойдаланса, сўқмоқлардан йўлгача етиб олиш учун фойдаланганлар.

Афсуски, биз манзилига шу қадар тез етадиган одамларга айланиб қолдикки, бутун йўлни босиб ўтишда сўқмоқларни илғамай ўтадиган бўлдик. Ер шари бўйлаб, доимий равишда ётиқ чизиқ бўйлаб юришимиз, қўпинча тик чизиқли йўллар эвазига содир бўлади.

Рим дунёни босиб олишда фойдаланган стратегиялардан бири, қўприк ва йўллар қуришдан иборат бўлгани, бежиз эмас. Рим қўшини бу йўллар орқали юрар ва ўз маданиятини тарқатар эди. Йўллар ва қўприклар ўз-ўзидан бетараф қурилмалар ҳисобланади, бироқ ўша кунларда Рим империясининг жангчи қўшини бу йўлларда осонликча кўчиб юришган. Шундай осонликча ўша йўлларда, уларнинг иттифоқдош дўстлари ҳам юришган. Бугунги кунда еримизни Интернет ва ОАВ каби рақамли йўллар ўраб олган. Улар шахсий маълумот ва суҳбатимизни ўзгартириб қўймаслиги учун, катта эҳтиёткорлик билан улarda юриш лозим. Турмуш ўртоқнинг бири компьютернинг эрканида ўтириб, айни пайтда ётоғида кутиб ўтирган бошқа бир ёлғиз киши билан муносабатларга киришгани учун, тумонат оиласалар ажралиш хавфи остида қолишиди. Бошқаларида эса, эр-хотиннинг бири телефонини ўчириб, оиласи билан тўлақонли вақт ўтказишнинг ўрнига, дўстлари билан гап сотишни танлагани учун оиласи таҳдид остида қолди.

Ҳар кунимиз – бу вақт бўйлаб саёҳатдир. Биз уйдан чиқмасак ҳам, бу йўлларда юрамиз. Вақт, мансаб даражаси ва тақдир ўз сўқмоқларига эга, дўстлар бу йўлдан юришади, оиласалар бу саёҳатдан ўтишади. Эгри-бугри сўқмоқлардаги қийинчиликлардан ўта туриб, чархланган қуролингизни тайёр ҳолда ушлаш зарур. Шу аснода бошқа одамлар ҳам бизнинг оптимиздан, изимизни йўқотмай боришлари мумкин, бизнинг эътиборсизлигимиз эса бошқаларнинг найранг қилишига олиб келиши мумкин.

Келинг, воқеани соддалаштирамиз. Санолар ва Ҳикматлар Китобларига биноан, ҳаётда фақат иккита йўл бор: бири нур ва ҳаётга элтади, бошқаси эса зулмат ва ўлимга. Учинчи йўл йўқ. Танлов аниқдек – нур ва ҳаётга элтадиган Ҳудонинг йўлини танланг. Бироқ баъзида тўғри йўлни танлаш учун кўпроқ ёруғлик керак бўлади.

Жумладан, ёшлиқда бизга тажриба етишмайди. Касаллиқда манзара етишмайди. Зулматда йўлдан тойишимиз хавфи бор. Базида баъзур англаймиз, йўллар эса зўрға кўринади, шу боис, аниқки, бизга кўпроқ ёруғлик керак. Саночининг ҳикмати шундай янграйди: “Сенинг сўзингдаги очиқлик нур беради, соддаларни ақлга ўргатади” (Сано 118:130).

Бу бизга табиий ёруғлик етишмаслигини билдиради. Бизга юракларга кириб бориб, нафақат жонимизни сақлайдиган, қолаверса кўпроқ нур таратадиган Ҳудонинг Сўзи керак. Қоронғуликда бекиниб турган хавф-хатар нурда кўзга ташланади.

## Янги ва қадимий йўллар

**Ҳудонинг халқи  
ўта узоқ вақт  
давомида  
муқаддаслик  
йўлидан узоқда  
кезиб юрди.**

Худо бизни янги йўлларни ўрганишга ва ўзимиз учун қадимий йўлларни қайта очишга, ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ чорламоқда. Ҳудонинг халқи ўта узоқ вақт давомида муқаддаслик йўлидан узоқда кезиб юрди (Йермияҳ 18:15 га қаранг). Бизга Сўз керак, у олдинга йўлни очади. Мачете сингари,

ёввойи чакалакзор бўйлаб йўлни тозалайди, Худонинг Сўзи бўлган қилич бизни боғлаб турган занжирларни синдиришга қодир.

Эҳтимол, бизга қийин туюлган сўқмоқларни айланиб ўтгандирмиз, шунингдек Худонинг Сўзидан, у бизнинг йўлимизни тозалаши ва ёритишида фойдаланишимиз мумкин. Сиз масиҳий бўлсангиз, демак, душмат сиздан нажот йўлини яшира олмабди, бироқ у жон-жаҳди билан сизни бу йўлдан оздиришга уринади. Худонинг Сўзидаги нур эса фарқлаш қобилиятини беради:

“Токи сени ёмон йўлдан, бузук гапирадиган одамдан, зулмат йўлларидан юриш учун тўғри йўлни тарқ этадиганлардан, ёвузлик қилишдан қувонадиганлардан, ёвуз бузуқликдан завқланадиганлардан, йўли қинғир бўлганлардан ва ўз йўлларида адашаётганлардан кутқарсин” (Ҳикматлар 2:12-15, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Ушбу матндан, ёлғон – оқибатда ҳаёт йўлидан оздирадиган зулмат ва қинғир йўлларга олиб боришини кўрамиз. Ёзув учта нарсага эътиборимизни қаратмоқда: ёвузлик – йўл, сўқмоқ ва тилга эга. Бинобарин, ҳақлик ҳам йўл, сўқмоқ ва тилга эга десак, бу қонунга тўлиқ асосланган бўлади (сиз бу ҳақда биласиз деб ўйлайман, албатта!)

“Йўл” сўзи услугб, одат, ёндашув, йўсин ёки андазага ишора қиласди. Ёвузлик услублари ёки йўлларига, жумладан, мағрурлик, итоатсизлик, беҳаёлик, түхмат, бузуқлик, ёлғон, хиёнат, зино, бутпарастлик, қасос, нафрят, ҳасад, қаҳр-ғазаб ва фолбинлик киради.

“Йўл” ва “сўқмоқ”нинг ўртасида фарқ бор. Йўл бориш услугбини билдирса, сўқмоқ эса манзилга борадиган йўналишни билдиради. Қайси йўл билан боришингиз, юришдан то учишга қадар, юрадиган сўқмоқ эса, шарқдан то ғарбгача чўзилади. Ёзув мазмунидаги хақ сўқмоқлардан борадиган йўл, ёлғон эмас, ҳақиқатни гапиришни англатади.

Ёзувдаги учинчи таркибий нарса – бу тил. Биз буни

түшүнамизми, йўқми, лекин бизнинг сўзларимиз ҳаракатланиш ва йўналиш услубларини белгилайди. Тил бизни ҳақ сўқмоқлар ва йўлларга боғлаш ҳамда олиб ўтиш ҳокимииятига эга, қолаверса, сўзлар сизни ёвузлиқдан сақлаб қолиш кучига ҳам эга.

Бошқача сўзлар билан айтганда, йўл қандай бориш услубини, сўқмоқ эса босиб ўтиладиган йўлни билдиради, униси ҳам, буниси ҳам, одатда бизнинг оғзимиздан чиқадиган сўзларнинг табиатига кўра танланади. Бизнинг тилимиз ёки гапирадиган сўзларимиз, ҳаётимиз қай томонга оқишини белгилайдиган кучга эга.

Сиз ўз сўқмоғингизни топишга уринаётган бўлсангизчи? Балки эски нарсалар барҳам топгандир ёки бошқалар ҳам ўз йўлини топиши учун олдинги сўқмоқлардан юришда давом этмоқидирсиз? Бу йўлакларда қандай қилиб, ўз йўлингизни топишингиз мумкин? Кўпчилик бошқаларнинг хатолари туфайли ўз йўлларида адашдилар десак,adolatдан бўлади.

Қонунчилик аксарият кишиларни ҳаққоний имондан олиб кетади, шу вақтнинг ўзида қонунсизлик йўли ҳирсдир. У ўтакетган ҳирсдаги одамларни ўзига жалб қиласди. Бошқаларни боши берк кўчага олиб келган йўлдан бориш бемаънилик. Бизда янги ва ёруғ йўлдан бориш имконияти бор (Ибронийларга 10:20).

*Йўлак олиб бораётган томонга борма. Яхшиси,  
йўл йўқ жойдан бориб, ортингдан из қолдир.*

– Ральф Уолдо Эмерсон

Ўзимга қарама-қарши гапиришни истамайман, бироқ баъзида ҳақлик йўллари шартсиз ёндашувни талаф этади. Исо ҳеч қачон ҳақлик йўлидан бош тортмаган, бироқ шубҳасиз, У биринчилардан бўлган. У ўз издошларига бутун дунё бўйлаб юриб, барча халқларга таълим беринглар деб уларни юборганида, уларга худди Ўзидек йўл тутишни айтган. Хочгача барча нажот йўллари Йерусалимдаги маъбадга элтган. Шарафли тирилишдан сўнг, Гўлгота тоғи бутун дунёга тарқалиб кетган, тана ва қондан ташкил топган маъбадлар энди воқеалар марказига айланиб қолди. Мартин Лютер ва она Тереза бошқалар учун из қолдириш мақсадида, оддий йўлдан боришни рад этдилар.

Йўлдан чиқиши, худди унга қайтиб боришдек амалга ошириш лозим – Худонинг ҳаракатга ундаидиган ишорасини кутиб, сўнг У сўзи ва ишлари билан олиб борадиган жойга эргашиш лозим. Унинг Сўзини ўқиймиз, Унинг йўллари тўғрисида фикр юритамиз, Унинг тилида гапирамиз ва шунда излаган нарсамиз қаршимизда очилади. Худо Ўз Сўзининг кучи билан, йўл йўқ жойда, йўл очади. Худоимиз йўлсиз қумли чўлдан ёки сув устидан қандай юришни билади.

“Мендан ёлғончилик йўлини йироқлаштириш ва менга қонунингни инъом этгин. Мен ҳақиқат йўлини танладим, Сенинг ҳукм-фармонларингни олдимга қўйдим. Ё, Раббий, мен Сенинг ваҳийларингга ёпишдим, мени уятда қолдирма. Сен юрагимни кенгайтирганингда, Сенинг амрларинг йўлидан югураман” (Сано 118:29-32).

## Шароитни ўзгартиринг

Мачетенинг вазифаларидан бири, ундаги янги шароит яратиш қобилиятидир.

Кўп йиллар илгари биз Жон иккимиз, дараҳтлар билан тўлиб кетган майдонда уй қурган эдик. Бульдозер ерни ковлаб, майдонни тозалаганда, бизнинг еримиздаги барча кемирувчилар, илонлар, ҳашоратлар ва чаёнлар тоза жойга йиғилиб олдилар. Биз уй ва майсазор учун жой тайёрлаб, манзарани ўзгартирдик, бироқ шундан кейин ҳам, ўша ҳудуддаги собиқ истиқимат қилувчилар ўзларининг ўрганиб қолган жойларидан кетмадилар.

“Шунда иблис барча васвасаларини тамом қилгач, вақтинча Исодан узоқлашди. Исо Рух қудратида Галилияга қайтиб келди. У ҳақида бутун ўлка атрофида овоза тарқалди” (Луқо 4:13, 14).

Исо чўлда нафақат рўза тутди, шунингдек у ерда шайтон билан юзма-юз учрашди. У қийноққа солинди, аммо яксон

бўлмади. У Муқаддас Рұхнинг кучига тўлиб қайтди. Рўза – бу шунчаки овқатсиз ўтказилган вақт эмас. Бу вақтда биз кимни афзал кўриш ва қайси овозни эшишишни қарор қиласидиган вақт. Бу вақтда Худо бизни тўлдириши учун, биз ўзимизни бўшатамиз.

Баъзида атрофингиздаги шароитни тубдан ўзгартириш кифоя – телевизорни ўчиринг, Интернетдан чиқинг, телефон гўшагини жойига осинг. Барча овозлар ўчганида, ўзингизни тинчлантиришга замин яратилади. Худо ҳақида теран ваҳийга эга бўлиш учун шундай қилинг.

“Парвардигори Оламнинг паноҳида яшайдиган одам Қодир Худонинг соясида ором олади. У Раббийга дейди: “Менинг бошпанам ва менинг қалъам, мен умид қиласидиган Худойим” (Сано 90:1, 2).

Сиз ҳам ўз ҳаётингизга шу тарзда қарашингиз мумкин. Исо келиб, ҳаётингиздаги чангальзорларни тозалади, аммо душман йўқолмади, у фақат четга ўтди, холос. У қочиб кетмади, шунчаки кўздан ғойиб бўлди, энди яна ўзини кўрсатиш фурсатини кутиб турибди. Душманнинг ҳужумидан қочиб қолиш учун, янги ҳаёт тарзингизни мустаҳкам равишда йўлга қўйишингиз ва атрофингиздаги шароитни ўзгартиришингиз зарур. Худо Истроил ваъда қилинган ернинг чегарасидан кирганида, кейинги йўлга чиқиш учун насиҳат берганига қулоқ солинг.

“Раббийнинг кўз ўнгидага тўғри ва яхши бўлган ишни қилинглар, токи сизга яхши бўлсин ва бориб, Раббий сизнинг оталарингизга бераман деб қасам ичган ерни эгалланглар, токи Раббий Ўзи айтганидек, сизнинг душманларингизни юзингиз қаршисидан ҳайдаб юборсин” (Қонун. такрор. 6:18, 19).

Раббий бизга душманга қарши туриш, ерни тўлдиришни олдимизга вазифа қилиб қўйиш ва уни эгаллашни буюряпти. Ёвузликни яхшилик билан енгамиз ёки алмаштирамиз, худди шундай зулматни ҳам, нур билан енгамиз. Дунёнинг Нажоткори – Исо Масих, биз Хушхабарни олиб, ўз еримизни Унинг севгиси

билин түлдиришимизда, бизга боғлиқ.

“Мана, Мен сизларга илонлару чаёнларни ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини босиш учун ҳокимият беряпман ва ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди. Бироқ руҳлар сизларга бўйсунайтганидан қувонманглар, балки исмларингиз осмонда ёзилганидан қувонинглар!” (Луқо 10:19, 20).

Бу оят кўпинча, ўз руҳий ҳокимиятимизни исботлаш мақсадида илонлар устидан бошқарувни тушунтириш учун ишлатилади. Бундай машғулотлар, гоҳида мағрурлик, аҳмоқликдан дарак беради ва ҳатто, бу фожиавий оқибатларга олиб келади. Биз ўзимизни илонлар ёки душман кучи билан ўрамаслигимиз лозим. Бизда уларни эзib ташлаш ҳокимияти бор, аммо уларни қўлимиизда ушлаб туриш қобилияти йўқ. Биз уларни бағримизга эмас, балки оёғимиз остига босишимиз зурур.

### Ҳосилни бошқаринг

Ҳосил вақтида, ўрувчилар далага осон етиб боришлари учун, йўлакларни тозалаш ва уларни тузук ҳолатга келтириш талаб этилади.

“Сизлар: «Яна тўрт ой, сўнг йигим-терим даври бошланади», – демайсизларми? Мен эса сизларга айтаман: Кўзларингизни кўтариб, далаларга қаранглар, улар оқариб, йигим-теримга тайёр бўлган. Ўрувчи мукофот олади ва абадий ҳаётга ҳосил тўплайди. Шундай экан, экувчи ҳам, ўрувчи ҳам биргалиқда қувонадилар. Бу вазиятда: “Бири экади, бошқаси ўриб олади”, – деган сўз тўғридир. Мен сизларни ўзларингиз меҳнат қилмаган нарсани ўриб олиш учун юбордим, бошқалар меҳнат қилдилар, сизлар эса уларнинг меҳнатларига кирдингизлар” (Юханно 4:35-38).

Ўрим-йиғим қисқа муддатда содир бўлади, ҳосилни тезда йиғишишиб олиш зарур ва қўлимиздаги ушлаб турган нарсани

ёлғиз битта мақсадда ишлатмаслик керак. Бизнинг давримизни Нехемияҳнинг кунларига қиёслаш мумкин, у ўзи қураётган иншоатини қўриқлади ҳам. Шу сингари, биз ҳам йиғаётган ҳосилимизни қўриқлаймиз.

“Халқлар орасида буни эълон қилинглар: урушга тайёрланинглар, довюракларни қўзғатинглар!  
Барча жангчилар кўтарилисинген ва яқинлашсан. Ўз омочларингизни қиличларга ва ўроқларингизни найзаларга айлантиринглар! Заиф: “Мен кучлиман”, — деб айтсан” (Йоил 3:9, 10).

Аксарият ҳолларда ўрим-ийғимда иштирок этмайдиган одамлар, иштирок этаётганлар билан рақобат қилишга уринадилар. Рақобатчилик – бу азалий муаммо, бу Қобил Худога ёқиши учун Ҳобилга қарши кўтарилиган вақтдан бошланган. Рақобатчилик Олимпия ўйинларида айни муддао бўлади, бироқ Худонинг уйида бунга жой йўқ. Исо ва Яхё чўмдирувчи, бир-бири билан рақибликка йўл қўймаган, ҳамкасб эдилар. Иккиси ҳам, улар амалга ошираётган ишлар, машҳурликка эришишдан кўра анча муҳимроқ эканини тушунар эдилар.

Исо Йорданнинг қирғозида кўринганида, Яхё чўмдирувчи Яхудия халқига ёлворар, уларни гуноҳларга тавба қилиш ва чўмдирилиш орқали ҳақиқат йўлига ўтишга чақирав эди. Исо ундан чўмдирилишни қабул қилиш учун келди, Яхё эса бунга қарши бўлди (Матто 3:13-15 га қаранг). У шунчаки йўл кўрсатувчи, Исо эса келиши керак бўлган Зот эканини билар эди. Уларнинг иккиси ҳам содир бўлиши керак бўлган нарсага бўйсунгандарида, осмон очилиб, Худонинг овози янгради, Исо ҳаммага эшитилган ҳолда, Худонинг Ўғли деб аталди (Матто 3:16, 17 га қаранг).

Исо қирқ кун чўлда бўлганидан сўнг, Яхёга ўхшаб, шогирдлари билан одамларни сувга чўмдиришни бошлади. Фарзийлар ва садуқийлар, томоша қилишга ва кимни шогирди кўплигини санашга келдилар.

“Исо Яхё чўмдирувчидан кўра кўпроқ шогирдларни қўлга киритиб, сувга чўмдирмоқда”, – деган хабар

фарзийларга етиб борганини Исо эшитганида, (ваҳоланки, Исонинг Ўзи эмас, балки шогирдлари чўмдираётган бўлсалар ҳам), У Яхудияни тарк этиб, яна Галилияга борди” (Юҳанно 4:1-3).

Йиғим-терим вақтида, Хўжайиннинг ҳокимияти остида бўлмаганлар сизни рақибга айлантиргандан кўра, сиз ўшадалани қолдириб кетганингиз яхши.

Исо Жалилага қайтишга ва янги етилган далалардаги ҳосилни йиғишни бошлашга қарор қилди! Чарчоқ ва сувсизликда ҳолдан тойиб, У бир қудукнинг олдида дам олиш ва чанқоғини қондириш учун тўхтади. Ўша пайт қудуқقا ўзининг бузуқ хулқи билан донг таратган аёл ҳам келди. Бу аёлнинг Исо ҳақидаги гувоҳлиги шарофати билан Самариядаги Сихар деган бутун бошли шаҳар Исога юрагини очди (Юҳанно 4:4-30 га қаранг).

Дин раҳбарлари Исо ва Яхёни бир-бирига қарши қўзғата олмаганидан сўнг, халқни уларга қарши қўзғатди. Рақобатчилик ва душманлик доим одамларни, иккита беллашаётган гурӯхнинг бирини танлаш ҳолатига қўйишга уринади.

Яхё ўз вақтини ва мақсадини яхши биладиган йўл очувчи бўлган.

Йўл очувчилар далани меники-сеникига бўлмайдилар. Биз ҳам Яхёга ўхшаб Келаётган ҳақида эълон қилувчилар бўлишимиз зарур.

### Ўлдир ёки ўзингни ҳимоя қил

Манзара ўзгарганда, сўқмоқлар чўлга айланганида, кўпинча у ерда илонлар пайдо бўлади. Биз ёвузлик намоён бўлганини кўрсак, унга қарши инсоний кучимиз билан курашишимиз керак эмас. Уни Худонинг Сўзи бўлмиш мачете ёрдамида –

#### Қиличбозлик санъатидан факт

Қиличбозлиқда ўз ўрнингни сақлаб қолиш ҳаддан ташқари муҳим. Акс ҳолда ёпиқ майдонда жанг қилгани туфайли, бир-биридан алоҳида бўлган иттифоқчилар хавф остига тушиб қоладилар.

ёзилган деб енгиш зарур! Биз янги ерларни забт этиб, уни собиқ истиқомат қилувчиларидан халос қилганимизда ҳам, илон ва чаёнларни янчишимизга түғри келади.

Чүл ва ҳар қандай манзарадан ташқари, далаларда күпинча, түкилган баргларга күмилиб ётган заҳарли илонлар мавжуд. Баланд арпапоялар эгилиб, бу суралувчиларнинг инларини ва уларнинг ҳаракатини бекитиб туради.

Йиғим-терим пайти атрофдаги манзара ўзгаради ва у ерга йўлаклар ўтказилади. Ўроқчилар ишлайдилар, бошоқларни ортидан тортилиб келаётган эгатларга йиғиб борадилар, уларнинг ортидан эса ҳосилни йиғувчилар боради. Борди-ю, далада одамларга ёки ҳосилга зиён етказадиган йиртқич пайдо бўлса, уни ўлдириш зарур, буни ўрувчи амалга ошириши керак, чунки йиғувчиларнинг қўли банд бўлади. Ҳосил йиғиш қуороли, бир лаҳзада ўзини ҳимоя қилиш воситасига айланиши керак. Ҳатто, илон ҳужум қилишни ўйламаётган бўлса ҳам, барибир уни кўздан йўқотиш жоиз.

Ҳеч қачон ўз меҳнатингизга хавф-хатар яқинлашишига йўл қўйманг, доим ўз далангизга кўз-қулоқ бўлинг ва бошқаларнинг даласига ҳам илон ўтишига йўл қўйманг. Хавфни кўрдингизми, шу заҳоти чора кўринг. Агарда сизда у билан курашиш учун имконият бўлмаса, далада илон борлиги ҳақида бошқаларни хабардор қилинг.

• • •

Хуллас, келинг, бу суратга, мачете сингари Худонинг Сўзини киритамиз ва манзарани ўзgartириш учун қаршимиздаги йўлни тозалаймиз, токи ҳосилни йиғишига ва йўлимини тўсадиган ҳар қандай илонларни адабини беришга имкон туғилсин.

• • •

*Осмондаги азиз Ота,*

*Ўз Сўзингнинг нури билан йўлларимни ёритгин,  
ортимдан келаётганларга, ёрқин из қолдира олишим  
учун менга таълим бергин. Мен Сенинг Сўзингни,*

*атрофдаги одамларни гуллаб-яшнашга руҳлантириш учун қўллашни истайман. Бирорта ҳам ҳамкасбимни рақиб деб ҳисобламаслик учун ўз юрагимни асрашга қарор қиласман.*

*Кўзларимни очгин, далалар оқариб қолганини, ҳаётимни ўраб турган одамлар оқариб, йиғум-теримга тайёр эканини кўра олайин. Исо Масиҳ номи билан, Омин.*



# 10

## Нур қиличи



Хозир биз гүё хира ойна орқали таҳминан  
кўраяпмиз, ўша кунда эса юзма-юз кўрамиз.  
Хозир мен қисман билмоқдаман, аммо ўша  
кунда мен ўзим таниб-билингандек таниб-  
биламан.

– 1-Коринфликларга 13:12

Реал дунёда, лазерлардан ташқари, нур қиличи ҳали мавжуд эмас. Бироқ “Юлдузлар жанги” фильмида футуристик тимсолдан фойдаланилган, мен буни нурли шамшир сифатида мисол қилиб турмоқчиман. Бу қурол халос қилган кишисини, ёритади ҳам.

Исо – узундан-узоқ туннелнинг охиридаги ёруғлигимиздир, биз Уни кўрганимизда, ўзимиз ҳам Үнга ўхшаш бўламиз.

Ерга боғлиқ вақтинчалик ҳаётимиизда бизнинг ҳолатимиз зўрға милтирайди, биз уни чекланган ҳолда ва узоқ масофадан кўрамиз, бироқ абадийлик вақтни ютиб юборганида, биз тўлиқлиқда, юзма-юз, сояси йўқ аниқлиқда кўрамиз. Бу биз ҳозир суратни бутунлигича кўрмайтганимизни билдиради. Шундай бўлсада, кўрганларимизни аниқ қабул қилишга ва фарқлашга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтоjemиз.

Аслида, оддий кўз билан пайқагандан-да кўпроғини кўришимиз зарур, шу боис нур қиличи ва фарқлаш керак

бўлади. Мен кўзларимни қисганимда эмас, балки уларни катта очганимда аҳамиятли даражада яхшироқ кўраман. Кўпинча, атрофимдаги нарсаларнигина кўришга мойил бўлмаганимда, кўрганларим тўғри чиқади.

Биз кутиш ва огоҳлантиришларга ҳомиладор бўлган фаслда яшаяпмиз. Биз баҳайбат соя нурни ёпиб қўйган вақтда яшаяпмиз. Бутун Янги Аҳд давомида имонлиларга берилган огоҳлантиришларни учратамиз. Охирги кунларда ернинг кўп қисмини жанжаллар, сохта таълимотлар ва ёлғонни экадиган бошқа ишлар эгаллаб олиши айтилган. Мана, Повул Тимотийга бизнинг кунларимизни қай тарзда таърифлаган:

“Шуни ҳам билгинки, охирги кунларда оғир замонлар келади. Чунки одамлар ўзларинигина севадиган, пулпараст, мақтанчоқ, мағрур, оғзи бузук, ота-оналарига итоатсиз, ношукур, бетавфиқ, яқинларига кўнгли совук, муросасиз, тухматчи, нафсини тия олмайдиган, қўпол, яхшилиқдан нафратланувчи, хоин, бемулоҳаза, кеккайган ва Худодан кўра кайф-сафони кўпроқ севадиган бўладилар. Улар художўйликнинг тусига эга бўлиб, аммо унинг куч-қудратидан воз кечганлар. Бундайлардан узоқлашгин” (2-Тимотий 3:1-5).

Агарда икки минг йил илгари Тимотий ҳозирги вақт ҳақида билиши керак бўлса, унда бизга ўзимизни вақтимиз ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш нақадар муҳим. Повул бизнинг қийинчиликларимиз молиявий касоддан, ер қимиirlashi ва үрушлардан юзага келади демаганига эътибор беринг. Бизнинг ҳаётимиз ёмонлашишининг сабаби ер, халқлар ва банк идораси эмас, бизнинг жангимиз инсонларнинг зимиston юрак ҳолати билан юзлашади.

Янги Аҳднинг тўри, Худонинг Сўзи ва таълимотни билгин, кузат, хушёр бўл, дикқат қил, синчковлик билан бажар каби огоҳлантиришлардан тўқилган. Ёзув бизни нафақат сохта устозлар ҳақида, қолаверса, ўз-ўзини алдаш хавфи ҳақида ҳам огоҳлантирмоқда.

Агарда биз доимий равишда ўз-ўзини алдаш қўрқувида

яшасак, қиялиқдан пастга қулашимиз мүқаррар. Құрқұвда яшаш дахшатли қарорларға олиб келади, шундай экан, құрқұв – ёмон маслағатчи (Худонинг құрқұви бундан мустасно, албатта). Худо ҳеч қачон бизга құрқұв руҳини бермайди. У бизга “күч, севги ва донолик руҳини берди” (2-Тимотий 1:7). Бу руҳий инъом, биз фарқлаш ва Худонинг Сўзини муносиб равиша адо этишимизда зарур бўлган учта сифатга эга.

Унинг Сўзи – оёқларимиз учун чирок, у ҳаракатларни ҳукм қиласи ва юракларга фарқлаш қобилиятини беради. Худонинг Сўзидаги нурсиз, биз кўринмас нарсалардан дахшатга тушив, зулматда юрган бўлардик.

“Сўзларингнинг ваҳийлари ёриширади, соддаларга ақл беради” (Сано 118:130).

Менга бу оятда келтирилган тимсоллар ёқади. Худонинг Сўзидаги ваҳий, биз уни қимматбаҳо харитадек очишимишни, тўлиқ кўра олиш ва тушунчага эга бўлишни англатади. Муқаддас Китобнинг бошқа таржималарида “ваҳий” нинг, “таълимот”, “очиқлик”, “киритиш” каби синонимлари бор.

Худонинг Сўзидаги ваҳийсиз хатоликларга йўл қўйиш ва душманни дўст сифатида қабул қилиш ёки инсоннинг ўтмишини, унинг келажаги деб санаш жуда осон, негаки соя бизнинг кўз олдимизни пана қилиб туради. У ёки бу вазиятга ёруғлик тушганида, биз қаршимизда аслида нима ётганини кўришни бошлаймиз.

“Зеро Худонинг сўзи жонли ва таъсирчан бўлиб, ҳар қандай дудама қиличдан ҳам ўткирроқдир. У жон ҳамда руҳ орасини, бўғинлар ҳамда иликларнинг орасини бўлишгача суқилиб киради ва юракдаги ўйу ниятларни фош қиласи” (Ибронийларга 4:12).

Чунончи, биз юзада кўриниб турган нарсани бироз чуқурроқ ковлашимиз зарур. Бу бизнинг ички инсонимиз мустаҳкамланиши жоизлигини билдиради. Иттифоқчисини бўйнига қилич тираган мушакли қўллардан ёки бегона юртда

юрадиган кучли оёқлардан нима фойда? Биз фақат куч жиҳатидан муваффақиятга эришсак-да, юрагимиз ва жонимиз панд берса, унда биз ҳеч нарсага арзимаймиз.

Қиличбозлик санъатини ўргана туриб, моҳир қиличбозларда олдиндан кўра олиш қобилияти борлигини билиб олдим. Улар рақибининг кейинги ҳаракатини ичидан сезадилар ва жавобан зарба бериш учун ўзини тайёрлади. Повул кейинги оятда Коринф жамоатига ёзиб, уларга қарши гуноҳ қилган яқинини севиш ҳақида қайта ўгит бермоқда, “токи шайтон билан устун кела олмасин. Зеро биз унинг ниятларидан бехабар эмасмиз!” (2-Кор. 2:11).

### Шайтоннинг ниятларини енгиб

Душман нима мақсадда тузоқ қўяди? Бизни Худодан ва бир-биримиздан ажратиш учун, бу йўлда айборлик, ҳукм, уят ва шубҳа-гумон каби яккалаш услублардан фойдаланади. Биз эса бу ҳужумларга севги, куч ва ақл-идрок билан жавоб қайтаришимиз зарур.

“Сизларнинг севгингиз билимда ҳамда ҳар қандай ҳис-туйғуда тобора ва тобора ортиб бориши учун ибодат қилмоқдаман” (Филиппиликларга 1:9).

Севги танқис бўлган жойда, алданиш зулмати тўлиб-тошади, севги гуллаб-яшнаган жойда, билим ва фарқлаш қобилияти ошади. Ростини айтсан, менинг ҳаётимда, ҳеч ким, ҳеч қачон биринчи галда менга севги кўрсатмай туриб, билим ва фарқлаш сўзларини айтмаган.

“Кимки мен нурда юрибман деб айтса-ю,  
аммо ўз биродаридан нафратланса, у ҳали ҳам  
қоронғиликдадир. Ўз биродарини севадиган эса нурда  
яшайди ва унда қоқинишга йўналтирадиган сабаб  
йўқдир. Аммо ўз биродаридан нафратланадиган  
киши қоронғиликдадир. У қоронғиликда юриб, қаерга  
бораётганини билмайди; чунки қоронғилик унинг  
кўзларини кўр қилиб қўйган” (1-Юҳанно 2:9-11).

Аслида, ҳаммаси жұда оддий: нафрат зулматда яшайды, севги нурда яшайды. Нафратдаги киши қаерга йўл олганини кўрмай, қоқилиб, зулматда яшайдилар, чунки улар ожиз ёки ўз-ўзини алдашда яшайды. Севадиган киши, қаерга боришини билади ва қоқилмасдан, нурда яшайды.

Эҳтиёткорлик ва аёлларга хос ҳис этиш жиҳати бу соҳаларда имтиёзга эга. Худонинг қизлари, қай тарзда ҳис этишни ривожлантириш ва фарқлаш қобилиятига эга бўлишнинг йўлларидан бири – севги машқлари ҳисобланади. Мана, руҳларни фарқлаш инъомининг бир нечта асосий машқлари (1-Кор. 13:4-7 га қаранг):

1. Севги ёвузлик билан жавоб қайтармайды, у сабрли ва меҳрибон.
2. Севги ўтган гуноҳларни эсламайды.
3. Севги Худога ишонади, шу боис у ҳамма нарсага бардош беради.
4. Севги ҳақиқатга қувонади.
5. Севги ўтган ҳаёт билан маслаҳатлашмайды.
6. Севги яхши нарсаларни излайди.
7. Севги келажакка интилади.

Иккинчиси күч (ёки ҳокимият).

Кучсиз ҳокимият йўқ ва ҳокимиятсиз, қонуний күч ҳам йўқ. Хуллас, у ҳам, бу ҳам – Худодан келадиган инъомдир. Ўз кучимиз ва ҳокимиятимизни англаш учун, ўз ҳолатимизни билишимиз зарур.

“Аммо сизлар – танланган бир авлод, шоҳона руҳонийлар, муқаддас халқ, Худонинг шахсий одамларисизлар. Сизлар Худонинг баркамоллиги ҳақидаги хабарни етказишингиз учун қоронғилиқдан Унинг ажойиб нурига даъват қилингансизлар”  
(1-Петъор 2:9).

**Аслида, ҳаммаси  
жұда оддий:  
нафрат зулматда  
яшайды, севги  
нурда яшайды.**

Касбингиз ва машғулотингиз нима бўлса, сизнинг ҳаққоний даъватингиз ҳам шунда. Масиҳда сиз танланган қизлар зотидан, шоҳона руҳоний авлодидан ва юборилган муқаддас халқсиз. Сиз Унга тегишилсиз, У сизнинг гуноҳларингизни ювган, токи У амалга оширган ишларни эълон қилишингиз учун. Сизни Унинг нуридаги шарафда абадий яшаш учун, зулматдан нурга чиқиша чорлади. Гувоҳлигингизнинг кучи мана шунда.

Учинчиси, равшан ва соғлом идрокдир.

Соғлом ақлга эга бўлиш нимани билдиради? Merriam-Webster луғатига кўра, “соғлом” сўзи “шикастланишсиз, касалликсиз, хатосиз, камчиликсиз ва нуқсонсиз; мантиқан фикр юрита олиш қобилиятига эга; идрокли, аниқ асосли ва тасдиқли” маъноларида касалликка чалингандикнинг ўртасида, Ёлғиз Худо Ўз фарзандларига бундай кенглиknни бера олиши мумкин. Худонинг Сўзи бизнинг онгимизни янгилаш, носоғлом онгни соғломлаштириш кучига эга. Худди ақлдан озган яланғоч одам, Исо билан учрашгандан сўнг, кийинган, сокин ва ақли жойида инсонга айланганидек, Сўз билан учрашув ҳам, сизни ўзгартиришга қодир (Марк 5:1-15 га қаранг).

Онгингизда бўрон ҳукм сурганида, фарқлашга қобилиятли бўла олмайсиз. Фарқлаш, Худонинг сўзиидаги сут билан амалга ошадиган парҳезимиз, ҳазм қила оладиганларга куч бағишлайдиган қаттий озуқага ўзгаришини билдиради. Бунинг бари онгимизнинг, Унинг Сўзиидаги нур ёрдамида янгиланиши орқали содир бўлади.

“Қаттиқ озиқ эса ҳис-туйғулари одат орқали яхши ва ёмонни фарқлашга ўргатилган баркамолларга хосдир”  
(Ибронийлар 5:14).

Мен бир пайтлар бу оятга шубҳа билан қарар эдим. Менга келган нотўғри талқин сизга ҳам келмаслиги ва сиз адashiб қолмаслигингиздан аввал, фарқлаш, ҳукм қилиш эмаслигини билиб олишингизни истайман. Етуклиқ, фарқлаш ва кучни биз Сўздан топамиз, агарда биз сувлардан хавфсиз ўтишни ҳамда яхши ва ёмонни фарқлашни ўрганишни истасак, булар бизга керак.

## Күзга ташланадигандан ортиқроқ

Фарқлаш етуклиқ билан бирга келади ва бу бизнинг ҳаётга бўлган муносабатимизга боғлиқ. Биз ҳаётимизнинг турли даражалари ва даврларида, ёки етукликни, ёки гўдакликни кўрсатамиз. Бошқаларга ва уларнинг ҳатти-ҳаракатларига қараб, уларни қанчалик яхши баҳолашимиз ва уларга лақаблар қўйишимиз, етукликни исботи эмас. Мен матн тераётганимда клавиатурага қарасам, менинг тезлигим аҳамиятли даражада пасаяди, худди шундай лақаб қўйиш ҳам бизни руҳда ва ишончда эркин ҳаракат қилишдан ушлаб туради, холбуки кўринмас дунё бизни олдинга олиб боришни истайди.

Гап шундаки, кўриб турган нарсадан кўпроқ нарса бор. Ҳозир нимани кўриб турган бўлсак, буларнинг бари кўринмас нарсалар орқали яратилган.

*Ҳар битта табиий факт, қандайдир руҳий  
фактнинг тимсоли ҳисобланади.*

– Ральф Уолдо Эмерсон

Ҳаётдаги фарқлаш қобилияти ҳам – бу бирор бир одамни, воқеани ва тажрибани “яхши”, бошқасини “ёмон” деб аташ машқлари эмас. Фарқлаш, аслида нима содир бўлаётганини билишни англатади, токи қаҳрамон қизлар, бошқалар камчилик деб қарайдиган нарсаларни, имтиёзга айлантира олсинлар.

Яхшиликни ёмонликдан фарқлай олишни, масофадан туриб, нурни кўра олиш қобилияти билан таққослаш мумкин. Бизнинг айни вақтдаги маданиятимизда яхшилик ва ёмонлик чегаралари, гоҳида учиб кетгандек туюлади, қаршимизда шу қадар зулмат кўпки, бу уфқдаги нурни қоплаб турибди.

Равшан кўриш учун, илдизга қараш ва юрагимиздаги ички овозни тинглаш талаб этилади. Айнан ўша ердан биз Муқаддас Рухнинг маслаҳатларини қазиб оламиз. Эътибор беринг, фарқлаш – доимий тажриба билан машқ қилишни талаб этадиган куч, фақат шундагина нурни зулматдан фарқлай оламиз ва ажрата оламиз.

*Одамларга, улар ким бўлиши кераклигига  
қараб муносабатда бўлинг, уларга ким  
бўлиши керак бўлса, шундай киши бўлиши  
учун кўмаклашинг.*

– Иоганн Вольфганг фон Гете

Шахсий ҳаётимдан мисол келтираман. Қачонлардир мен ахлоқсиз ва жинсий бузук ҳаёт кечирганман. Лақаб қўйишга устаси фаранглар, менга бир қарашда пешонамга “жинсий суюк қиз” деб мухр қўйишга тайёр туардилар. Муқованинг фақат ташқи томонини таърифлаш – бунинг ичидаги нима яширинганини билишни англатмайди. Кўп йиллар давомида менинг ҳаётим ўтмишдаги ҳатти-ҳаракатларимнинг изи ва ниқобини олиб юрди. Бироқ, бахтимга, Худо мени, фарқлаш инъомига эга руҳий ота билан дуо қилди.

У рафиқаси иккиси, бир куни мени меҳмонга таклиф қилдилар. Уларнинг уйида ўзимни бутунлай хотиржам ва хавфсиз ҳис этдим, бошқа жойларда эса доим ҳамманинг кўзи мени тешиб ўтиб кетаётгандек туюларди. Хизматчи ва унинг хотини менга, эзилган қизнинг ортида, бошқа кишига айланиши мумкин бўлган шахсга қарагандек қарадилар.

Улар менинг ўтмишимидағи ҳатолардан қатъий назар, агарда уларни тўғри тушуниб етилса, менинг ўтмишим бошқа қизларнинг йўлини ёритиши мумкинлигини билар эдилар. Шунчаки, менинг ҳаётимда ҳеч нарса содир бўлмагандек юришнинг ўрнига, улар мени, машъал сингари бошқа қизларга йўл кўрсатишга руҳлантирадилар. Бошқалар омадсизликни кўрган жойда, бу кишилар, кўпларнинг сотиб олинишида ишлатса бўладиган катта имкониятларга эга инсонни кўрардилар!

Вақтлар ўтиб, мен ўтмишимидағи ёвузлиқдан яхшиликни ажратиб олишга ўрганиб олдим. Мен қияликка етаклайдиган йўлдан сақлаб қолиш учун, бошқа қизларга мисол бўлиб, ўз хато ишларимни нархини тўладим. Биз фарқлаш маҳоратида янада етук бўлишимиз керак. Чинакам фарқлаш, зулмат қоплаган ўтмиш, бошқа киши учун үзоқдан тараลาётган нур бўлиб хизмат қилишини тушунади. Жангчилар қоронғу ўтмишга ва очиқ

кўриниб турган ҳозирги ҳаётига қараб, ўзининг ва бошқаларнинг келажагида шарафли ваҳийни кўрадилар!

Исо “мажусийларни ёритадиган нур ва Сенинг халқинг Исройлнинг шуҳратидир” бўлиб келди (Луқо 2:32).

Аммо, илтимос, мени шу қадар гўл ва зулмат баъзан нурнинг тимсолини ниқоб қилиб олишини билмайди деб ўйламанг. Яхши хосилни ёмонидан ажратиш каби бу хислат – ўта муҳим сифат ҳисобланади:

“Ҳар бир дараҳт ўз мевасидан билинади. Чунки тиканақдан анжир териilmайди ва тикан бутасидан узум узилмайди. Яхши одам юрагининг яхши ҳазинасидан яхшиликни олиб чиқади, ёвуз одам эса ўз юрагининг ёвуз ҳазинасидан ёвузыликни олиб чиқади. Чунки юрак нимага тўлиб тошса, тил ўшани гапиради” (Луқо 6:44, 45).

Афтидан, бизнинг оғзимиздан чиқадиган сўзлар, ичимиизда нима яширганининг аниқ кўрсаткичи ҳисобланади. Баъзида инсон келгусида тўғри бўлиб чиқадиган, қандайдир сўз айтиши, бироқ шу билан бир қаторда, ўзидан кейин ёмон ҳис қолдириши мумкин. Ёки нотўғри эшитилган сўзлар, ўзидан кейин яхши ҳис қолдиради (баъзида янги тандирдан чиққан имонлилар шундай қиласидилар). Юрагингиз билан тингланг ва юрагингизни эшитинг. Ички ҳисларингизни бузиб кўрсатманг.

Юракнинг синалиши ва шубҳасираш заҳаридан тозаланиш, бизни шундай ҳолатга қўядики, олдин қўлдан бой беришимиз мумкин бўлган нарсаларни, осонликча пайқай оламиз.

## Фарқлаш ва ибодат

Шафоат қандай амалга ошади? Гап фақат ибодатдами?

Ҳа, шафоат ибодатдан бошланиши зарур, гарчи чинакам шафоат камдан-кам ҳолларда ибодат билан якунланади.

Мана, “шафоат қилиш” жумласига ўхшаш бир нечта жумлалар: “аралашиб, фикр юритиш, мулоҳаза қилиш, ўйлаш” ва менинг севимли жумлам эса – “туриш”. Бинобарин айрим вазиятларда “шафоат қилиш”, бирор инсоннинг ҳимоячиси

сифатида у томонда туришни, кези келганда, келишмовчилик содир бўлганида овозимизни шу одамга бериш, хўрланган ва овозсизларнинг тарафини олиш"ни билдиради. Худо қачон Сўз билан овозимизни кўтаришни, қаердан жавоб излашни ва вайрон бўлган нарсаларни тузатиш йўлларини айтган, у бизни йўлнинг охиридаги нурга етаклади.

*Худо бир-биримизни танқид қилишимиз  
учун бизни ҳар-хил қилиб яратмаган,  
балки биз бир-биримиз учун шафоатда  
бўлишимиз учун яратган.*

– Освальд Чемберс

Шу аснода, шафоатнинг мазмунини англагач, үнга янада масъулият билан ёndoшамиз. Мен ҳар сафар нур зулмат билан дуч келганида, шафоат содир бўлишига ишонаман.

Исо Худо ва инсоннинг ўртасидаги воситачи сифатида келди, У ҳар сафар касалликнинг қора кучлари, ёвуз руҳларнинг намоён бўлиши, дин руҳлари ва жабр-ситам билан дуч келганида, буларга аралашган. У иккюзламачи қонун үстозлари билан диний тортишувларга борди ва уларга ўринлатиб ва ҳайратомуз донолик билан жавоб берди. Ҳатто, қабрдан тирилишидан аввал, у бошқаларни кўтариш учун ҳар битта имкониятдан фойдаланган.

Исонинг олдига зинода айбланган аёлни келтирғанларида, У шафоат қилиш учун кўтарилди, чунончи дин арబолари бу аёлни Уни синаш учун олиб келгани ҳақида фарқлаш инъоми орқали тушунди. Улар Худонинг Сўзини ҳукм қуролига айлантириб, уни буздилар.

Бу вазиятдаги шафоатда, У гап ҳақиқатда нимадалигини кўрди ва Ўзининг сўзлари билан уларнинг зулматга тўла юракларини юзага чиқарди.

“Улар Ундан сўрашда давом этганларида эса, У бошини кўтариб уларга: – Сизлардан ким бегуноҳ бўлса, ўша биринчи бўлиб үнга тош отсин, – деди” (Юҳанно 8:7).

Сўнг, ҳамма айловчилар кетиб улгурмасдан, Исо деди:

“Исо бошини кўтариб, аёлдан бошқа ҳеч кимни  
кўрмасдан унга: – Эй, аёл! Айловчиларинг қани? Сени  
ҳеч ким ҳукм қилмадими? – деди. У: –Ҳеч ким, Ҳазрат,  
– деб жавоб берди. Исо унга: – Мен ҳам сени ҳукм  
қилмайман. Энди бор ва бошқа гуноҳ қилма, – деди.  
Исо яна халқа сўзлаб деди: – Мен дунёнинг нуриман.  
Ким Менинг ортимдан эргашса, у зулматда юрмайди,  
аммо ҳаёт нурига эга бўлади” (Юҳанно 8:10-12).

У аёлга туриши ва ўз келажагининг нурига гуноҳсиз бориши  
учун куч берди, унинг ўзи озод бўла олмас эди, у ўз ўтмишининг  
даҳшатли маҳкумлигига дучор бўлган эди. Энди эса ўша тошлар,  
бу исми айтилмаган аёлни қабрга равона қилиш кучини  
йўқотди!

Опа-сингиллар, келинглар, ҳукм қилиш тошларини бир четга  
улоқтириб, нур қиличини кўтарамиз. Фарқлаш инъоми дунёни  
бошқалар учун ёритиш кучига эга.

Исо Лазарни ўлиқдан тирилтириш учун қабрга киришдан  
аввал, шафоат қилди. Бу қайғудан ва дўстига бўлган севгидан  
кўзларига ёш олди. Сўнг У ибодат қилди.

“Шунда марҳум ётқизилган жойдан тошни олиб  
ташладилар. Исо эса нигоҳини юқорига кўтариб деди:  
– Ота, Мени эшитганинг учун Сендан миннатдорман.  
Сен Мени ҳар доим эшитишингни билар эдим, лекин  
буни шу ерда турган одамлар учун айтдим, токи Сен  
Мени юборганингга ишонишсин. Бу сўзларидан сўнг, У  
баланд овозда: “Лазар, ташқарига чиқ”, – деди. Марҳум  
қўллари ва оёқлари кафанга ўралган ҳолда чиқиб  
келди, унинг юзи мато билан ўралган эди. Исо уларга:  
“Уни ечиб юборинг, юрсин”, – деди” (Юҳанно 11:41-44).

Лазар ортида қабр зулматини қолдириб, у ердан чиқди ва  
янги куннинг нурида озодликка эришди. Фарқлаш ва ҳаққоний  
شاфоат қадди букилган асрларни озод қилиш ва уларнинг ўз

даъватига етаклаш құдратига эга.

Исо Ўзининг ердаги хизмати жараёнида ёвузнинг ишларини пайқаган заҳоти, ердаги қоронғы күнларга ёруғлик, шифо ва ҳақиқат келтириб, шафоат қилар әди. Менинг назаримда, фарқлаш бүйіча әнг яққол воқеа, Исонинг қүйидаги сұзларида намоён бўлди: “Отам! Уларни кечиргин, чунки улар нима қилаётганларини билмайдилар” (Луқо 23:34).

Бошқалар ожиз бўлган жойда, фарқлаш идрокка эга, шунда, ҳойнаҳой ўзининг ҳаракатларига әмас, балки уларнинг жоҳиллигига асосланиб шафоат қиласади. Хоч бизнинг Ҳудо билан ажралишимизга якун ясади, бироқ Унинг шафоати тұхтагани йўқ. Исо нафақат қабрдан тирилди, қолаверса У самода ўтириди.

“Ким Ҳудонинг танланганларини айблар экан? Ҳудо уларни оқлаяпти. Ким маҳқум қилар экан? Масиҳ ўлган әди, аммо тирилди: У Ҳудонинг ўнг томонида ўтирибди, У биз учун шафоат қилаяпти” (Рим. 8:33, 34).

Унинг мангы тирилиши ва фарқлаш күчининг шарофати билан бизга шундай ваъда берилган:

“Ким бизни Масиҳнинг севгисидан ажратар экан:  
қайғуми ё танглиқми, ё құвғинми, ё очликми,  
ё яланғочликми, ё хавф-хатарми ёки қиличми?  
Ёзилганидек: “Бизни Сен учун ҳар куни ўлдирмоқдалар,  
сүйишга маҳқум этилган қўйлардай ҳисобламоқдалар”.  
Аммо бизни Севган орқали буларнинг ҳаммасидан биз  
ғолибдан кўра устунроқмиз” (Рим. 8:35, 37).

Ёлғизлиқдагилар, Сўзда мустаҳкамланиш, бу дунёни ҳаққоний фарқлаш билан ёритиш ва шафоат ҳаракати нурида кўтарилиш вақти келди.

• • •

*Самовий Ота,*

*Мен ҳукм қилиш тошларини ташлаб, фарқлай оладиган қизинг бўлишга тайёрман. Мен ўз онгимни Сенинг Сўзингни ўрганиш, уни эътироф этиш ва унинг нурида яшаши билан янгилайман. Мен самовий ёруғлик ва донолик қай тарзда ердаги зулматга кириб келаётганини кўришини истайман. Мен гуноҳ асрларини озод этишга, уларнинг келажагига нур ва севгини эълон қилишга тайёрман. Қулликка сотиш, дин ва умидсизлик қафаслари каби қабрларга қўйилганлар устида кўз ёш тўкишга тайёрман. Мен бошқалар учун овозимни кўтаришга, уларга ёрдам қўлини чўзишга ва уларнинг ҳимояси томонга туришга қарор қиласман. Исо Масиҳ номи билан, Омин.*



## Қўшиқ қиличи

Эй, Сион қизи, куйлаб шодлангин, чунки,  
мана, Мен келаман ва сизнинг орангизда  
яшайман, – дейди Раббий.

– Закарияҳ 2:10



Қилич камертонга (мусиқанинг овозини бир меъёрда ушлаб турадиган асбоб) ўхшайди... гоҳида жанг натижасини ўз фойдангизга буриш учун, қўшиқ керак, холос.

Сиз Худони шарафлашингиз учун ҳамду-сано гуруҳининг етакчиси бўлишингиз шарт эмас, сиз куйлашингиз учун ашулачи бўлишингизнинг ҳожати йўқ. Бу учун шунчаки Худонинг қизи бўлишингиз керак, бу яхши услугуб, чунки кўп ғалабаларни қўлга киритиш учун куйлаш кифоя.

Мен биз куйлаган чоғда, ўз шакли ва ҳаракати билан атрофимизда содир бўлаётган нарсаларнинг тимсолини кўрсатадиган қилични топганимда, ҳайратга тушдим. Бу фламберже номли қадимий қилич, тўғридан-тўғри “оловли тиф” деган маънони билдиради. Бу қиличининг четлари нотекис ва қиррали. Унинг тифи бошқа қиличининг тифига текканида, фламберженинг шакли рақибнинг қиличи зириллаб кетади. Бу рақиб эпчилликни йўқотганида уни титрашга ва унинг қўлида тебранишга мажбур қиласди, бу эса фламберженинг эгасига имтиёз беради.



Бу биз учун қандай аҳамиятга эга?

Биз кўйлаганимизда ҳам, худди шу нарса содир бўлишига ишонаман... айниқса Сўзни қўшиқ қилиб кўйлаганимизда шундай бўлади! Ҳаводаги тўлқинлар овозни зириллатишини бошлайди, нур ва зулмат ўртасидаги ишқаланиш кучайган сари, душманнинг кучи сусайишни бошлайди. Душман саросимага тушади, унинг шиддати пасаяди, лаънат ва айловлар эришни бошлайди. Бундай ажойиб мусиқа асбобларининг бирикмаси ва қўшиқлар, атрофимиздаги шароитни ижобий ёки салбий томонга ўзгартиришга қодир. Менинг ҳаётимда шундай сажда лаҳзалари бўлганки, вақт бамисоли секинлашгандек ва қарийб тўхтаб қолгандек туюлган.

Тақдирнинг ҳазили билан, ҳар томонга айланадиган бундай оловли қилич, Одам ва Ҳаво Адан боғига қайта олмасликлари учун уларнинг йўлини тўсиб турган (Ибитдо 3:24). Қиличга ўхшаган қувноқ қўшиқ ва сажда бизга эшик очадигандек кўриниши мумкин.

“Унинг дарвозаларига миннатдорчилик билан,  
ховлиларига мақтov билан киринглар. Унга шукроналар  
айтинглар, Унинг номини дуо қилинглар” (Сано 99:4).

### Қиличбозлик санъатидан факт

“Сергак туриш” нафақат  
ҳимоя, қолаверса,  
ҳужум ҳаракатини ҳам  
англатади. Аслида бу  
тайёрлик ҳолати.

Биз қўшиқларда кўпинча сидқидилдан севиш ва миннатдорчилик сўзларини айтганимизда, самога етамиз ва Отамизнинг ҳовлисига кирамиз. Биз оёғимиз доимгидек ерда турса ҳам, кўринмас соҳалар бўйлаб, руҳимизда катта масофаларни босиб ўтамиз, самонинг йўлакларидан юрамиз. Мен уйда ҳамдусано куйлаб юрганимда, неча

маротаба түғридан-түғри учганимни сезганимни санаб бериш қийин.

Раббийнинг ҳовлисига кириш учун бизга калит ҳам, таклифнома ҳам керак эмас. Бизга зарур бўлгани – бу қўшиқ!

## Қўшиқнинг боши

Илк бора Чиқиш китоби 15-бобда, жўшқин қўшиқ тилга олинган. Бунгача қўшиқ ҳақида эмас, балки чолғу асбоблари ҳақида гап борган.

“Шундан кейин Мусо ва Исройл ўғиллари Раббийга қўйидаги қўшиқни кўйлаб дедилар: “Раббийга кўйлайман, зеро У улуғвор юксалди. Отни ва унинг чавандозини денгизга улоқтирди. Раббий – менинг құдратим ва шуҳратимдир. У менинг нажотим бўлди. У менинг Ҳудойимдир ва мен Уни шарафлайман, У – отамнинг Ҳудосидир ва мен Уни улуғлайман. Раббий – жангидир, Йаҳвех – Унинг исмидир” (Чиқиш 15:1-3).

Ушбу ғалабали қўшиқда Мусо, Худо – унинг қўрғон қўшиғи эканини эълон қиласан. Қўшиқлар Худони улуғлайди ва улар Унинг ҳаётимиздаги шоҳлиги ҳақида гапиради. Қўшиқлар сизнинг юрагингизни очади ва ҳаётингизни Унинг мұъжизалари билан тўлдиради. Неча маробата ҳамду-сано бор вазиятни тўлиқ ўзгартирганини санаб бериш қийин. Ўзимни ҳаётий муаммоларнинг юки остида босилиб қолгандек ҳис қиласан кезлар бўлади. Баъзида мени қўрқитадиган даҳшатли янгилик ёки бирорта хабар эшитаман. Борди-ю, ҳужум ўта даражада кучли бўлса, холи хонага кираман, эшикни ортимдан ёпаман ва нафақат кўйлайман, шунингдек рақсга ҳам тушаман, буни қўшиқ менинг вазиятимни қамраб олмагунича давом эттираман.

Ўзимда ҳолдан тойиш, ҳатто ўлар даражада толиқишини ҳис этган бошқа пайтлар ҳам бўлади. Гоҳида узоқ муддатли сафарлар гандираклатиб қўяди. Мен узоқ вақтлик сафардан, учишдан ва поездлардан меҳмонхонадаги ўзимнинг хонамга киргач, сажда ва ҳамду-сано билан вазиятни ўзгартираман, буни доимий равишда амалга ошираман. Номерга кирган заҳоти, ибодат

қилишни бошлайман, сўнг ҳамду-сано қўшиқларини қўшаман ва уларни тинглашни бошлайман.

Ершаринингқайси жойидабўлишимдан қатъий назар, мақтов қўшиқлари орқали самонинг муҳитини бошдан кечиришим мумкин. Бундай пайтларда, мен хизматга келганимни биламан ва уйимдан узоқдаги шаҳарнинг қандайдир зерикарли меҳмонхонаси, мени кучдан маҳрум қилишига йўл қўймайман. Меҳмонхона ўта кўркам кўринган пайтлар ҳам бўлади, шунда чарçoқ туфайли, воизлик қилиш учун қувонч билан хизматга югуриб кетишнинг ўрнига, ётиб ухлагим келади. Шунда ичимдаги инъомни қиздиришим кераклигини тушунаман.

“Шунингдек, бузуқлик келтирадиган шароб ичиб маст бўлманглар, балки Руҳга тўлиб-тошиб, ўз-ўзларингизга санолару мадҳиялар ва руҳий ашулалар айтиб, юракларингизда Раббийга куйлаб ва ҳиргойи қилиб, ҳар доим, ҳамма нарса учун Отамиз Худога Раббимиз Исо Масиҳ номи билан миннатдорчилик билдиринглар” (Эф. 5:18-20).

### Жанг қўшиғи

Ёзувда Яхудия улуғловчилари, яхудияликларни қириб ташлаш мақсадида йиғилган учта ақл бовар қилмас қўшинни енгани ҳақидаги воқеа ёзилган (2-Йил. 20 га қарнг). Худонинг муқаддас халқи ҳайқириб, ўзларининг енгилмас Худосини мақтаганида, Худо душман қўшинини саросимага солди ва уларнинг қиличини бир-бирининг бошига ёғдирди. Уларнинг стратегик жанговар хитоби қандай бўлган?

“Раббийни мақтанглар, зеро Унинг севгиси абадийдир!” (2-Йил. 20:21, инглиз тилидан таржима).

Қайси қўшин мангу севгининг кучи қаршисида тура олади? Ҳеч қандай қўшин тура олмайди, негаки севги ҳеч қачон тугамайди.

Мана, Худо бизнинг номимиздан курашишининг менга ёққан мисолларидан бири:

“Сизларда эса муқаддас байрамнинг тунидагидек құшиқтар бүлади ва Раббийнинг тоғига, Исройлнинг Қояси олдига най билан бораётган кишининг юрагидагидек қувонч бүлади. Раббий Ўзининг шарафли овозини әшиттиради ва йўз билагининг құдратини қаттиқ ғазабда, еб битирадиган оловнинг алангасида, бўронда, тошқинда ва тошли дўлда намоён қиласди. Зеро Раббийнинг овозидан ҳасса билан урилаётган Ассурия титраб қолади. Раббий унга қаратадиган, унга тайин қилинган ҳассанинг ҳар бир ҳаракати ноғоралар ва киннорлар билан бўлади. Раббий унга қарши титратиш жанг билан жанг қиласди” (Ишаъё 30:29-30).

Бу тенглиқдаги менинг ролим – оғзимни очиш ва куйлашдир! Бироқ шунчаки тўғри келган құшиқ эмас. Мен худдики кечаси Худонинг тоғига чиққандек куйлашим зарур. Ўша улуғвор баландликдан У кўрган нарсаларни кўрган ва Сарвари Коинот нақадар құдратли эканини эслагандек. Мен шундай қувончили куч билан куйлаганимда, Худо мен Унинг улуғвор овозини әшитишим учун қулоқларимни ва Унинг жангга йўналтирилган құдратли қўлини кўра олишим учун кўзларимни очади. Унинг құдратли қўллари қалъаларни майдалайди, таёфи эса душманни тор-мор қиласди. Буларнинг бари замонавий чолғу асбоблари билан ҳамоҳанг равишда содир бўлади.

Нега биз қиличимизни ярмигача чиқарамиз? Биз кучимиз ва қувватимизни бирлаштириб, қувончда сажда қилганимизда, Худо йўз қиличи билан душманни адабини беради.

Биз тана ва қонга қарши курашмаётганимизни билсангиз керак. Бизнинг жангимиз, зулматнинг кўринмас қучларига қарши. Бу қучлар, севги, ҳақиқат, умид ва жасоратнинг тескари нурида ердаги ҳар қандай ҳаракатни бошқаради.

Худонинг ваъдалари ҳақидаги энг кучли рўйхат Ишаъё китобининг 54-бобида ёзилган. Бу биргина бобда Худонинг мерос, кўпайиш, тикланиш, сотиб олиниш, ачиниш, мустаҳкам пойдевор, кўркувдан озодлик, фарзандлар, Раббийнинг ўйтлари ва душманлардан халос бўлиш ҳақидаги ваъдаларини кўрамиз. Бунинг барчасини құшиқ әвазига қўлга киритиш мумкин!

“Эй, бепушт, туғмаган аёл, қувонгин! Эй, туғруқ азобини күрмаган, тантана қилгин ва ҳайқиргин! Зеро ташлаб кетилган аёлнинг болалари эри бор аёлнивидан кўра кўпроқдир, – дейди Раббий” (Ишаъё 54:1).

Сиз куйлаганингизда, ҳаётингизнинг табақалари самовий оқимга бағрини кенг очади. Мени шубҳалар енгаётганини, қўрқув ва сикув қуршаб олаётганини ҳис этсам, ёки шунчаки ўзимни ерга қоқиб қўйилгандек сезсам, қўшиқ қиличини оламан ва овозимни кўтараман.

Яна мен рақсга ҳам тушаман. Ҳа, нима қилибди? Шоҳ Довуд ўзининг айнан беўхшов рақси билан, Худонинг одами сифатида ажralиб турди, унинг рафиқаси Микал эса шу масала бўйича, ўша кундан эътиборан ҳомиладор бўлиш ва бола туғиши имкониятидан маҳрум бўлди:

“Раббийнинг сандиги Довуднинг шаҳрига  
кираётганида, Шоулнинг қизи Микал деразадан қараб  
турган эди ва Раббийнинг қаршисида сакраб, рақсга  
тушаётган Довудни кўриб, ўз юрагида уни камситди”  
(2-Шоҳ, 6:16).

Сизнинг томошабинларингиз одамлар эмас, Худо бўлади. Довуд ўзини тутиб тура олмади. Уни шуқадар шодлик тўлдирдики, у рақсга тушиб кетди. Аҳд сандиги Йерусалимга қайтди, Худонинг ваъдалари амалга ошди. Қисқаси, мусиқа танани ҳаракатга чақиради, шунингдек, Худонинг ишларини хотирлаш ҳам сизни рақсга тушишга ундейди. Ўз юрагингизнинг дарвозаларини мақтовга ва Худонинг барча эзгуликларига нисбатан миннатдорчиликка очганингизда, сиз Унга яқинлашасиз.

**Сиз  
куйлаганингизда,  
ҳаётингизнинг  
табақалари  
самовий оқимга  
бағрини кенг  
очади.**

Бизнинг кечалари айтган қўшиқларимиз, кундузларимизга Худони элтиб келади. Куйлаганингизда ҳаётингиздаги барча хавотирлар ва ташвишлар ўз ечимини топади, уларнинг ўрнига янги кутиш тўлқинлари

келади, душманнинг ҳамлалари түхтайди ва сиз Худонинг ҳузурига кирасиз.

Биз күйлаганимизда, У бизни эшитади, шунда қай тарзда ҳаётингизда Худонинг ваъдалари амалга ошишининг гувоҳи бўласиз.

• • •

*Азиз Самовий Ота,*

*Мен ҳаётимнинг пачаваси чиққан бўум-бўш  
далаларимда кўйлашга тайёрман. Мен кўйлаганимда,  
Сен юрагимни умидлар билан тўлдиришингга  
ишонаман ва мен Сенга ўз севгимни изҳор этганимда,  
имоним ўсади. Ёлғиз Сен ёлғоннинг ҳокимиятини  
ва душманнинг қалъасини Ўзингнинг шоҳона  
улуғорлигинг ва ҳукумронлигинг ила яксон қила  
оласан. Мен Сенинг номингга тегишили бўлган  
шарафни кўйлашдан ўзимни тиийиб юрганим учун  
мени кечир. Шу лаҳзадан бошлаб, мен ҳар томонга  
айланадиган оловли қиличдек бўлишини танлайман. Ва  
атрофимдаги вазиятлар қандай бўлишидан қатъий  
назар, Сени улуғлайман ва абадий турадиган Сенинг  
севгинг, шафқатингни кўйлайман. Исо Масих номи  
билан, Омин.*



## 12

# Сүкут сақлаш қиличи

*Битта қилич бошқасини ғилофда сақлайди.*


– Жорж Герберт



Сүкут сақлаш қиличи, күпроқ қинидан суғурилмаган қилич тимсолида яхши кўринади. У бор, лекин ишлатилмайди. Бу қиличининг дастаги кўриниб тургани, уни ушлаш мумкинлигини билдиради, бироқ тифи яширин тургани, эгаси уни қинидан суғуриш нияти йўқлигини ифодалайди.

Сүкут сақлаш – бу айтилмаган сўзда ёки бажарилмаган ҳаракатда намоён бўладиган кўринмас қиличдир. Ўзингиз билан олиб юрган қурол, сукут сақлаш пайти, яширин ҳолда қолади. Биз ўзимизни қутқариш ёки ҳимоялаш мақсадида, истаган ёки бажаришимиз керак бўлган нарсаларни бир четга суриб қўйганимизда бу қиличдан фойдаланамиз. Бу биз ўз танамизни Шоҳимизнинг оёғига олиб келганимизда содир бўлади.

Сукут сақлаш кўп нарсани билдиради. Жумладан, сизда чиндан ҳам саволга, айловгага ёки ҳақоратга жавоб йўқлигини ифодалайди. Баъзида ҳаётимизга бизнинг тушунчамиздан юқори бўлган нарсалар ёпирилиб келади, натижада биз қандай муносабат билдиришни билмай қоламиз. Сукут сақлаш сизда жавоб бор, бироқ сиз уни айтмасликка қарор қилганингизни ҳам билдиради.



Агарда қилич қинида турган бўлса, ҳойнаҳой, бу қўлимиз нима биландир боғлиқ дегани. Мен ҳозир қўрқув асрлиги ҳақида эмас, балки бизга “Буни Менга қўйиб бер” деб шивирлаётган Худо ҳақида айтаяпман. Хотиржамликни сақлаш учун, ҳужум қилгандагидан кўра кўпроқ куч талаб этилади.

Жимлик ва хотиржамлик – бу Худони эшитиш керак бўлган пайтдаги энг яхши ҳолат.

Худо бизга бошқалар учун очмоқчи бўлганларини қабул қилиш йўлида, сукут сақлаш ҳолати энг яхши танлов бўладиган вақтлар бўлади. Услубларнинг униси ҳам, буниси ҳам, жонимизни назоратини талаб этади. Замонавий маданиятда бу ўзини қўлга ола билиш дейилади:

“Ўз руҳини бошқара олмайдиган одам – вайрон қилинган, деворлари бўлмаган шаҳар кабидир” (Ҳикматлар 25:28).

Ўзимиз ўйламай гапирган сўзлар ва ишларимиз билан жонимизни ҳимоядан маҳрум қиласиз, шунда жимликтаги фикр юритиш ва тавба қилиш, расво бўлган нарсаларни тузатишни бошлаши мумкин. (Бу ҳақда кейинроқ гапирамиз.)

Гоҳида бизга таҳдид колаётган вазиятларнинг ўртасига тушиб қоламиз ва бу бизнинг айбимиз билан содир бўлмайди. Биз Худога итоатда бўламиз, Унинг бошқарувига эргашамиз, шундай бир пайтда нур ва зулмат жангининг ўртасида бўлиб қоламиз.

“Барча вазиятлар сенга қарши” ва “қўлингдан ҳеч вақо келмайдиган” ҳолатга Ёзувдаги энг мос мисол, бу Исроил халқи қўллиқтаги ери Мисрни ташлаб чиқиб кетаётгани ҳақидаги воқеани олсак бўлади.

Бир нечта кескин музокаралар ва қистовли талаблардан, бир қанча жазолардан сўнг Худо аралашди ва мисрликларнинг барча тўнғичларини ҳалок қилиш учун қирувчи фариштани

юборди. Қайғу билан мағлуб этилган фиръавн исроилликларни Ўз Худосига сажда қилиш учун қўйиб юборди. Бироқ Худо унинг юрагини қайта тош қилди ва фиръавн исроилликларни таъқиб этишга қарор қилди, уларнинг ортидан бутун қўшинини юборди.

Кўриниб турибдики, исроилликлар ортидан келаётган от аравалар ва отларни кўрганида, юмшоқ қилиб айтганда, қўрқиб кетдилар. Улар фиръавнни айблашни ўрнига, бизни ўлиб кетиш учун сахрога олиб келдинг деб, Мусони айблашга тушдилар! Ҳаммаси тамом бўлган ва бошқа йўл йўқдек туюларди. Барча мантиқий хуносаларга кўра улар тузоқقا тушган эдилар, олдинда кенг ва чуқур денгиз, ортидан эса дунёдаги энг құдратли қўшин яқинлашиб келмоқда. Бизнинг ҳайратомуз Худоимиз синовларга боши берк кўча деб эмас, балки имконият деб қарашини үнумтмагансиз деб ишонаман. Исроил Худо истаган жойда турган эди ва Мусо жасорат билан деди:

“Кўрқманглар! Тинч туринглар ва Раббийнинг  
нажотини кўрасизлар! У бугун сизлар учун буни  
амалга оширади: зеро сизлар ҳозир кўриб турган  
мисрликларни абадий бошқа кўрмайсизлар. Раббий  
сизлар учун жанг қиласи, сизлар эса тинч туринглар!”  
(Чиқиш 14:13, 14, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Даҳшат чоғида хотиржамлика эришиш ўта қийин масала эканини тан оласизми?

Бу сўзларни ўқиб, “Ўнта амр” фильмидаги эпик тимсолни эслайман. Уларни бошқараётган оловли устун, ортга ўтди ва Миср қўшинининг йўлини тўсиб қўйди. Бутун тун оловли девор миср қўшинидан иборат душманни ушлаб турарди. Шу вақт ичида, Қизил денгиз иккига бўлинishi ва исроилликлар озодликка чиқиш йўли балчиқ бўлмаслиги учун Худо шамол юбориб, денгиз тубини қуритди.

Бўлган воқеаларни кузатиб, ҳайқириб юбориш мумкин: во ажаб, ақл бовар қилмайди!

Мўъжизалар шу билан тугамади. Исроилликлар денгизнинг у қирғоғига бехавотир ўтиб олганларидан сўнг, мисрликлар уларни таъқиб қилишга ҳаддилари сиғди. Исроилликларнинг

ҳаммаси қирғоққа чиқиб олғанларидан сүнг, Худо Қизил денгизнинг сувини қўйиб юборди ва бутун Миср қўшини бир лаҳзада сувга кўмилиб кетди.

Бу улуғворлик лаҳзаси Мусони руҳлантириди ва Раббийга куйлади, Марям ва қолган аёллар уни тамбурлар остидаги рақслар билан қўллаб-қувватладилар.

Афтидан, Раббий биз томонда жанг қилганида, шодланиш вақти келгунича, хотиржамлик ва тинчликда туриш керак, холос. Бу оддий эшитилади, тўғрими? Бироқ бу осон эмас.

Кўп маротаба мен шундай жангларга дуч келганман. Биз учрашадиганжангларнингаксариятига, оловвасувэпиквоқеалари ҳамроҳлик қиласлигини биламиз. Ҳар дом ҳам кўриниб турган денгизни биз учун қуритиш мақсадида шамол эсмайди. Биз учун бутун кеча ёниб турадиган ва душманни қўрқитадиган оловли устун ҳам йўқ. Душманимиз бизни от аравалар ва наизалар билан таъқиб қилаётган эмас. Унинг ҳужумларини кўз билан илғаб бўлмайди, у ёлғон ва тұхмат билан қуролланган, бу эса ўз навбатида бизнинг барча ҳаракатларимизни музлатиб қўядиган бўлинин ва қўрқув экади.

Биздан юз мил масофадаги ягона шўр сув – бизнинг кўз ёшларимиз, оловли устун эса – бу юрагимизда милтиллаётган алангадир. Шу билан бир қаторда, У бизнинг орқа томонимизни ёпиб тургани ҳақида, фаришталарини юбориб эмас, шахсан Ўзи бизнинг ҳимоя деворимиз бўлиши ҳақидаги ваъдаларга эгамиз. У бизни ҳеч қачон ташлаб кетмаслиги ва қолдирмаслиги тўғрисидаги ваъдалар бор.

Келинг, Мусо қай тарзда халқни юпатганига қараймиз.

“Мусо халққа деди: қўрқманглар, мустаҳкам туринглар – ва Раббий бугун амалга оширадиган нажотни кўрасизлар.

Бугун Мисрликларга диққат билан қаранглар, негаки уларни бошқа кўрмайсизлар. Раббий биз томонда жанг қиласи, сизлар эса оғзингизни қўлфлаб қўйинглар!”

(Чиқиш 14:13, 14, инглизчадаги MSG таржимаси).

Мана, яна бошқа таржима:

“Мусо халққа мурожаат қилди: құрқманглар, мустаҳкам туринглар – Раббий сиз үчүн амалга оширадиган халоскорлигини күрасиз. Бүгүн күриб турған Мисрликларни, энди бошқа күрмайсиз. Раббий сизларнинг ўрнингизда уруш қилади, сизлар эса фақат тинчликни сақланглар” (Чиқиш 14:13, 14, инглизчадаги NIV таржимаси).

Бу жойда битта фикр ўзгармасдан қайтарилмоқда: құрқмаслик зарур. Биз фикрларимиздан ҳар қандай құрқувни құвишишимиз ва у онгимизни булғашига йўл қўймаслигимиз керак. Яна бизга мустаҳкам туриш ва жойимиздан қимирламаслик айтилган. Бу қочиш, таслим бўлиш ёки ортга чекинишининг ҳожати йўқлигини, бунинг ўрнига тўғри туришни, ҳозир эга бўлган ҳолатимизни сақлашимизни билдиради. Ушбу иккита ўгитга риоя қилсак ва буюрилган ҳолатни сақласак, Худо қандайдир мўъжизавий нарсаларни яратишининг гувоҳи бўламиз. У бизни қай тарзда қутқариши ва халос этишини томоша қилишга, тўғрироғи ҳайратланишга таклиф этмоқда.

Менга Мусо манзарани чизиб, бутун халқнинг назарини ўзгартиргани ёқади. “Бу душманга охирги марта қаранг, чунки сиз уни бошқа күрмайсиз. Сизнинг нигоҳингизда Худонинг құдрати ва садоқатининг ҳайратли манзараси очилаётган бир пайтда, сизнинг вазифангиз хотиржам бўлиб, жим туришдир. Калака қилиш, қичқириш, саволлар бериш керак эмас – шунчаки сукут сақлаб бу пиёладан ичинг”.

Жанг ёки рақиб бизнинг күчимиздан юқори бўлса, Худода Ўзини халоскор сифатида кўрсатиш имкони туғилади. Биз ортга чекинганимизда, У келади ва Ўзининг құдрати, садоқати ва кучини намоён этади.

Чиқишнинг бундай таърифидан билиб оламизки, Худо Мисрға Ўзининг бор шарафини кўрсатиш ва бутун дунё бўйлаб Ўз номини улуғлаш мақсадида, атайлаб ва кўп маротаба фиръявнинг юрагини тош қилди. Мисрдан қутулиш, Худони ва Унинг фарзандларини бор жаҳонга машҳур қилди. Бу битта воқеа Худонинг құдрати ва аҳдини барча халқларга овоза этди, Иброҳимнинг авлодини абадийга донғи таратди.

Бунгача Истроил қуллиқда, эркин гуллаб-яшнаётган ва құдратли Мисрнинг ичида яширин яшар эди.

Кейинчалик Истроил тариҳда, үзидан анча катта күч билан қайта дүч келди, бу сафар унга Ассурия шоҳининг құли осилди. У Истроил фарзандларини у билан бузук иттифоқ түзишга чақирди, бунинг әвазига құвғиндаги ерда нон ва узумзорни ошибтошган ҳолда беришни ваяда қилди. Унинг таҳдидларини әшитиб күринг ва унинг мақтанчоқлиги, Үзининг халқи орқали Үз күчини намоён қилишша Ҳудога замин яратганига эътибор беринг.

“Энди Ҳизқияҳ: “Раббий бизни халос қиласы”, – деб сизларни авраб алдамасин. Бошқа халқларнинг ҳудолари үз ерларини Ассурия подшоҳининг құлидан халос қилдиларми? Ҳамаф ва Арпаднинг ҳудолари қани? Сефарваимнинг ҳудолари қани? Улар менинг құлимдан Самарияни халос қилдиларми? Үша ерларнинг ҳамма ҳудоларидан қайси бири үз ерини менинг құлимдан халос қилди? Наҳотки, Раббий менинг құлимдан Йерусалимни халос қилса?” (Ишаъё 36:18, 20).

Шоҳ Ҳизқияҳ эса үз халқига нима деди? У бу манман, бешафқат босқинчига нима деб жавоб беришни буюрди?

“Лекин улар индамас, унга жавоб бермас әдилар, чунки подшоҳдан: “Унга жавоб берманглар”, – деган буйруқ берилған эди” (Ишаъё 36:21).

Одамларнинг индамаслиги, улар саросимада эканини билдирмас эди. Бу бешафқат шоҳнинг ҳұзуридан чиққаң, улар үмидсизликда кийимларини йиртдилар ва бу таҳдидларни үз юртининг шоҳига етказиш учун чопарларни юбордилар.

### Қиличбозлик санъатидан факт

Қиличбозлик маҳорати, инсон үз ҳатти-харақатларини назорат остига олишидир. Ҳамма гап үзини интизомга бўйсундира олишда.

Хизқиях ҳаммасини Раббийнинг қаршисида тўкиб-солди ва ўз ибодатини шундай сўзлар билан якунлади:

“Энди, ё, Раббий бизнинг Худойимиз, бизни унинг қўлидан халос қилгин, шунда ер юзидағи ҳамма шоҳчилклар ё, Раббий, Сен – ягона Худо эканлигингни билиб оладилар” (Ишаъё 37:20).

Менга бу оят ёқади. Бу жанг биз тасаввур этганимиздан кўра, даҳшатлироқ бўлди. Бу халқлар ўртасидаги очиқ тўқнашув эмас эди, бу ҳаққоний Худо ягоналиги тўғрисидаги яна битта ваҳий бўлди. Бу иккита халқ ҳеч қачон бир-бирига қарши жанг майдонига чиқмадилар, чунки Худо бошқача стратегия тайёрлаб қўйган эди.

“Мана, Мен унга бир рух юбораман – у хабар эшишиб, ўз ерига қайтиб кетади ва Мен уни ўз ерида қилич билан ўлдираман” (Ишаъё 37:7).

Ўз мавқеи билан халқлар орасида мақтанган шоҳ, охир-оқибат, хабарлар шиддатининг қурбони бўлди. Бу мисолни ёқтираман, зеро биз ҳам шахсий жангларга чиққанимизда, турли гап-сўзларга эътиборимизни қаратиб, васвасаларга йўлиқамиз, бироқ агарда шундай давом этсак, ҳатто биз енгаётгандек туюлса ҳам, мағлубиятга учраймиз.

*Нутқ – кумуш; сукут сақлаш – олтин.*

– Қадимий Миср мақоли

Ёдингиздами, Худо сизнинг ортки томонингизни ҳимоя қилиб турганида, олдинда сизни олтин келажак кутиб туради.

## Шахсий жанглар

Шахсий жангларимиз тўғрисида мулоҳаза юритамиз.

Неча маротаба Худо мен томонда жанг қилишга тайёр бўлиб, қуролланган чоғда, мен ўзимнинг тилим туфайли Унинг мўъжизавий қутқарувига тўсиқ бўлганимни билишни истардим.

Ростини айтадиган бўлсам, мен учун сукут сақлаш қиличи билан қуролланиш энг қийин масала, шу билан бир қаторда бўнга муҳтож эканимни кўпроқ ва кўпроқ ҳис этаман. Таҳлика чоғида индамай ўтириш, ўзингни ҳимоя қилишдан маҳрум этиш ҳолатидек туюлади, айниқса бизга айблов ва ҳақоратлар ёғилган пайтда оғизни юмб туриш қийин.

Ҳикматлар Китобида шундай дейилган: “Ўтин қолмаган жойда олов ўчади, ғийбатчи бўлмаган жойда жанжал тўхтайди” (Ҳикматлар 26:20).

Келинг, охирги тараша ёниб тугаб, вақт шамоли жанжал кулини ўчириб кетмагунича сукут сақлашни бўйнимизга оламиз.

Баъзан сукут сақлаш сизни қалтис гап-сўзлардан узоқлаштиради. Бу атрофингиздагилар сизга нисбатан оғзини ёпиш нияти йўқ бўлган вақтларда ҳам, сиз жимликни сақлашингизни англатади. Энг кучли қуролни, қўлда ушлаб туриш энг қийин масала. Бизнингтилимиз ҳам яксон қилиш ёки шифолашнинг энг кучли қуроли бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мен жимлик билан даволаш муолажаси ҳақида гапирмаяпман. У қандай таъсир этишини яхши биламан. Ҳозир мен кўп нарса гапириб, кўп нарсалар қилишни истаган пайтингиз, чурқ этмасдан ва бирор ишга қўл урмасдан, индамай кетиш ҳақида айтаяпман.

Биз Жон билан яқинда сукут сақлаш кучини билиб олдик. Бошқа кишилар сингари, бизда ҳам ғийбатларга нисбатан чиниқиши йўқ. Одамлар вайсайверадилар. Баъзида ёвузлик қилиш ниятида, баъзида эса бирорта вазиятни ковлаб гапираверишади. Яқинда шундай воқеа содир бўлди, бир ечилимаган масала, бизнинг дўйстларимиз ва биз бутунлай танимайдиган одамларнинг орасида доим кўтарилаверди. Бошида биз ғинг демадик. Сўнг биз эҳтиёткорлик билан ўз фикримизни билдиришни бошладик, бироқ гап-сўзлар тарқалавергани оқибатида, бошқалар айтаётган гапини ўйламай гапиравергач, биз эҳтиёт бўлиб гапиришимиз аҳмоқлик деб ўйлар эдик. Нега энди биз ҳам ўз фикримизни очиқласига айтмаслигимиз керак?

Кейинроқ бошқа воқеа содир бўлди ва мен энди жим

ўтиришнинг маъноси йўқ деб ўйладим. Одамлар барча чегаралардан чиқиб кетганини ҳис этдим ва бу вазиятга нисбатан ўзимда йиғилиб кетганларини тўкиб-сочиш вақти келди деб ўйладим.

Сизга бор гапни айтишимни истайсизми? Бошида очиқдан-очиқ сухбат енгиллик ҳиссини берди! Ниҳоят, мен ҳаммасини қандай бўлса, шундайлигича айта олдим. Ҳатто бошқалар ҳам бизнинг фикримизни эшитиб, анча енгиллашдилар. Мен ўзимнинг сўзларимни пухталик билан танлаб гапиришни қолдириб, бутунлай бепарволик билан сўзлашни бошлаганимда, ишонинг бу босқич кўпга чўзилмади ва тезда тугади. Бу худди мато йиртилганга ўхшади, мен сувни ушлаб қолиш учун жонжадим билан куч ишлатишинга тўғри келди. У ҳар томондан тўкилиб, оқимларга ва жилғаларга айланар ва мен истамаган жойларга ҳам кириб кетишни бошлади.

Мен томонимдан узатилган ва тарқалаётган ифлос сувларга, энди бошқалар ҳам ёёғини ботириб ўтиради. Бу ифлослик йиғилган сари, мен бу расво ахлатни ёйган томонни кўпроқ айблашни истардим. Тез орада менинг ўзим бу ахлатга тиззамгача ботиб турганимни тушуниб етдим. Биз Жон билан кўп нарсаларни гапирганимиз туфайли, ўзимиз бу ифлос ва лойқа сувнинг ўртасига келиб қолган эдик.

Биз бу пайтда турли штатларда бўлсак-да, иккимиз ҳам буни англадик. Бир-биримиз билан қўнғироқлашиб, биргалиқда ибодат қилдик. Биз тавба билан кечирим сўрадик ва ўзимизнинг нотўғри ишимишни тан олдик, шундан буён сўз бойлигимизда “оғзим қулфланган” деган ибора пайдо бўлди.

### Довуднинг сукут сақлаш қиличи

Бизнинг қароримиз тўғрилигига бироз шубҳамиз бўлсада, кейинги якшанба куни, бунинг бари бутунлай тарқалиб кетди. Ўша куни мен олдин билмаган меҳмон воизлик қилди. У Довуд ва Шоул ҳақида олган ажойиб ваҳийларини сўзлаб беришни бошлади. Одамлар Довудни Шоулнинг қаршисида бадном қилганлари оқибатида, Шоул у ҳақида аҳмоқона фикрга бориб, уни таъқиб қилгани, кейин кечиргани, бироқ тезда

яна аҳмоқона фикрлар билан уни таъқиб қилгани, Довуд эса бу шоҳдан бир ғордан, бошқа ғорга яшириниб юришига тўғри келса ҳам, у ўзини қандай тутгани ҳақида гапирди. Довуд ўзининг айбисизлигини ва садоқатини исботлаган, бироқ ўзига нисбатан туҳмат айбловлар ва таъқибларга дучор бўлган

Мен бу воқеани жуда яхши билар эдим ва бу манзарани яна бор бошимдан ўтказдим.

Меҳмон воизхон шу ерда тўхтамади. У Довуд охир-оқибат, қочиб юрган одамига ўзи қариyb ўхшаб қолди деди. Бу таъқиблардан тўйиb кетиб, у бошпана топиш ниятида Набалнинг одамлари ва қўйларини ҳимоя қилди. У ўзининг чопарларини Набалга юбориб, қўйларнинг жунуни қирқишига бағишиланган байрамга уларни ҳам қабул қилишларини сўради. Шундай савол туғилади, Довуд чиндан ҳам уни қабул қилишларини истадими?

Унинг илтимосига ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ эди. Уларга нафақат байрамга келишни таъқиқладилар, қолаверса, Довуднинг мавқеини ҳам шубҳа остига қўйдилар.

“Набал эса Довуднинг хизматкорларига жавоб бериб деди: “Довуд дегани ким ўзи? Йешайнинг ўғли ким ўзи? Шу кунларда ўз хўжайнларидан қочиб кетаётган қуллар жуда кўпайиб кетди! Жун қирқаётган одамларим учун тайёрланган нонни, сувни ва гўштни олиб, аллақаердан келган одамларга берайми?”  
Довуднинг йигитлари келган йўлларига қайтиб кетдилар ва Набалнинг ҳамма бу сўзларини Довудга айтиб бердилар” (1-Шоҳ. 25:10, 12).

Бундай вазиятда сиз ўзингизни қандай ҳис этган бўлар эдингиз? Довудни унинг одамлари қаршисида камситишидни ва уни қочоқ эканликда айблаб, шу тариқа унинг ва авлодининг шаънига тегди. У бу сўзларни эшитганида, шошиб қолди ва бу ҳақоратларга ўта кескин равища жавоб қайтарди!

“Шунда Довуд ўз одамларига: “Ҳамма қиличини белига боғласин!” — деб буюрди. Довуднинг ўзи ҳам, одамлари ҳам қиличларини белларига боғлашди.

Қарийб тўрт юз нафар одам Довуднинг кетидан эргашди, икки юзнафар одам эса анжомлар ёнида қолди” (1-Шоҳ. 25:13).

Довуд ўзини бошқара олмай қолди. У Худога содиқлик билан хизмат қилган бўлсада, уни айблашларидан етарли даражада тўйиб бўлган эди. У аслида қочиб кетмаган, уни яширинишга мажбурлашган эди. Довуднинг юрагида йиллар давомида йиғилган қаҳр Набалнинг бошига тушиши хавфи бор эди. У шу қадар эзилган эдики, ҳатто шунча камтарлигининг мукофоти борлигига ҳам шубҳаланарди. Унинг сўзларини тингланг:

“Довуд деди: “Ҳақиқатдан, бу одамнинг даладаги мол-мулкини беҳудага қўриқладим. Унинг бирор нарсаси йўқолмади, у эса менинг яхшилигимга ёмонлик билан жавоб қайтарди. Агар эрталабгача Набалда деворга пешоб қиласидиган бирортани тирик қолдирсан, Худо Довуднинг душманларига шундай қилсин, ҳатто бундан баттарроғини қилсин!” (1-Шоҳ. 25:21, 22, ёзма ҳарфлар муваллифа тегишли).

Довуд ҳимоячи-чўпондан, “юринглар, уни ўлдирамиз” деб қарилладиган етакчига айланиб қолди. Мукофотни инсондан эмас, балки Худодан кутиш зарурлигини унугандан, бундай аҳволга тушиш осон. Довуд етакчи бўлгани сабабли, қолганлар йиғилиб, ранжиб қолган бошлиғининг ортидан эргашиши. Улар ҳеч иккilanмай ва шубҳаланмай, қиличларини суғуриб, отларида чопиб кетишиди.

Сизни кейинги нуқтага олиб бормоқчиман. Ҳамма сизнинг орtingиздан эргашган тақдирда ҳам, бу сиз сўзсиз ҳақ эканингизни билдирамайди. Одамлар одатда ўз етакчиларининг ортидан борадилар. Довуд буюк йўлбоши бўлишига қарамай, унга донолик керак эди, негаки у мушкул вазиятда қолган эди.

У қай тарзда бундай ҳолга тушиб қолди. Эҳтимол, бир арзимайдиган инсоннинг сўзлари, унинг мақсадини хиралаштиришига йўл қўйгандир. Айрим сабабларга кўра бу ҳақорат ва камситишлар уни йўлдан оздириш хавфига эга

эди. Ҳудога бўлган бир неча йиллик садоқати ва ундан келиб чиқадиган натижалардан сўнг, Довуд ҳамма нарсани ўз қўлига олишга тайёр эди.

Ҳушёрликни йўқотсангиз, бошқаларнинг сўзлари сизни, аслида ким эканингизни унутишга мажбур этади.

Довуд Шоулга айбисизлигини қанчалик исботламасиз, шоҳ таҳтига ўтира олмас эди. Шоулга аллақачон, бу таҳт тегишли эмас эди, шунинг учун у жойини бўшатиб бера олмасди. Шоҳлик ундан олиб қўйилган эди. Ҳудо Довудни камситилиш орқали тозалаб, шоҳликка тайнинлади. Шоул эса бу имтиҳондан ўта олмади.

**Ҳаммамизни кимдир танқид қиласи ва чалғитади. Мен одамлар ўзларининг фикрини билдиримайдиган бирорта ҳам соҳани билмайман. Мухими танқиддан бизни у қўзғатиши учун эмас, бироқ тозалаши учун фойдаланишин ўрганиш зарур.**

**Бошқаларнинг сўзлари сизни, аслида ким эканингизни унутишга мажбур этади.** Довуд Шомуил томонидан Шоул ёки Набални ўлдириш учун эмас, аксинча Исройл устидан ҳукмронлик қилиш учун мойланган эди. У амалга ошиш бўсағасида турган Ҳудонинг ваъдаларига яқин турган эди ва ноқис Набал уни чалғитгани сабаблигина, ваъдаларни йўқотишига сал қолди.

Шундай огоҳлантиришни қабул қилинг: ҳаётда сизни йўлдан оздириш ва Ҳудо даъват этган жойга боришга тўсиқ бўлиш учун ақлсиз одамлар пайдо бўлиб туради. Ақлсизлар нима дейдилар? Улар Ҳудонинг мавжудлиги ва ҳузурини шубҳа остида қўядилар. Улар жумладан, шундай дейдилар: “Ҳудо сени ташлаб кетди”, “Ҳудожўйлик фойда келтирмайди”, “Ҳудо сен томонда эмас”.

Қачонлардир ўзи ҳимоя қилган одамларни ўлдириш, Набалнинг: “Довуд ким ўзи?” деган саволига мудҳиш жавоб бўларди.

Нима деб ўйлайсиз, Довуд ҳиссиётида бундай портлашидан сўнг, бошқалар энди қўйларнинг юнгини қирқишиб байрамларига уни ва унинг одамларини чақиравмиди? Менимча, бошқа чақиришмасди. Довуд Набалнинг аҳмоқлигига учиб, ўзини

одамларга бошқача ҳолатда күрсатиб қўйишига сал қолди.

Донолик қиличини таққан, жасоратли аёл, Абигал учун Ҳудога шукур. У Довуднинг қаршисида тиз чўқди, бу билан эри оёқ ости қилган ҳамма нарсага ҳурмат кўрсатди ва Довуд аслида кимлигини унинг ўзига эслатиб қўйди.

“Бу чўрингизнинг айбини кечиринг. Раббий албатта эгамнинг хонадонини мустаҳкам қиласди, чунки менинг эгам Раббийнинг жангларини олиб бораюпти ва умрингиз бўйи сиздан ёвузлик топилмаган. Агар кимдир сизни таъқиб қилиш учун сизга қарши кўтарилса ва жонингизга қасд қилса, унда тўрамнинг жони Раббий Ҳудойингизнинг ҳаёт тугунида тугилган бўлади, душманларингизнинг жонини эса У палахмондан отилган тошдай улоқтириб юборади. Раббий тўрам ҳақида айтган барча эзгуликларни бажо келтирганида ва сизни Исройлнинг ҳукмдори қилиб қўйганида, шунда ўзингизни ўч олишдан сақлаганингиз учун ва беҳудага қон тўкмаганингиз учун тўрамнинг юрагида хафалик ва хавотир бўлмайди. Раббий тўрамга барака беради ва сиз ўз чўрингизни эслайсиз. Довуд Абигалга деди: — Бугун сени мен билан учраштирган Раббий Исройлнинг Ҳудоси муборакдир!” (1-Шоҳ, 25:28-31)

Мана, барчамиз учун муҳим бўлган қоидалар:

1. Ёлғиз Ҳудо уйни ўрнатади.
2. Биз Муқаддас Руҳнинг бошқарувида юрганимиздагина, Ҳудо бизни асрайди.
3. Ҳудо бизнинг дўшманларимиз билан бўлган баҳсларимизни қай тарзда бартараф қилишни билади.
4. Ўзимизни ҳимоя қилишда, Ҳудо берган мансабдан фойдаланмаслик керак.
5. Одам ҳукм ва нажот масалаларини ўзи ҳал қилмаслиги зарур, у ҳам, бу ҳам Раббимизга тегишли.

Ҳудога шукурки, Абигалнинг сўzlари Довудни тўхтатди, у Ҳудонинг қўли ва ҳаётидаги ваъдаларини эслади. Бундан кўп

ўтмай, Абигал Довуднинг хотинига, камситилган қул эса шоҳ даражасига кўтарилиди.

*Сукут сақлаш – бу буюк ишлар ўз-ўзича  
ўрнини топадиган таркибий қисмдир; вақт  
ўтган сари улар бутунлай шакланган ва  
улуғорликка етишиб, Ҳаёт нурига айланади  
ва ҳукмронлик қилиб қолади.*

– Томас Карлайл

## Қуролнинг янги тури

Азиз оналар, опа-сингиллар, қизлар ва дугоналар, сизни қачондир одамлар хафа қилган десак муболаға бўлмайди. Эҳтимол, сизнинг номингиз қандайдир камситадиган айловлар билан булғангандир. Балки кимлар биландир юз-кўрмас бўлгандирсиз. Илтимос, ишонинг, мен сизни тушунаман. Наҳотки, сиз чиндан ҳам, хафагарчилик ёки бирорта тушунмовчилик сизнинг тақдирингизни яксон қилишини истасангиз? Сиз исён кўтармоқчисиз, бироқ ўйлаймайки, сиз ҳозир қўлингизда тутиб турган қилич, айнан шу вазиятга мос келади, бу қиличининг номи қасос бўлиб, у сизга муносиб эмас. Бу қилични белингиздан ечиб, уни ерга қўйинг.

Эҳтимол, сиз ранжитилган ва ҳақоратланган яқинингиз туфайли кўнглингиз оғириётгандир. Унда тезлик билан унинг ёнига йўл олинг, унга Худонинг ваъдаларини эслатинг, унга мустаҳкам туриб, Худо ҳаққоний ҳимоячи эканини, У албатта, бу вазиятга аралашишининг гувоҳи бўлишини айтинг. Азизам, Худо сизнинг ўйингизни мустаҳкамлайди ва барча йўлларингизда сизни сақлайди. Сиз душман деб ҳисобладиган инсонлар учун жазо меъёрини ўйлаб чиқишингиз шарт эмас. Худо ҳаммасини тўғирлаб қўйди; хотиржам бўлинг ва ёлғиз У ҳаққоний Ҳуқмдор эканини яхши билинг. Биз ўзимизни ҳимоялаш ҳолатимизни ўзгартириш вақти келди. Биз бошқалар учун курашганимизда, Худо биз учун курашади.

Бошқа қуролни олинг – сукут сақлаш номли қилични олинг. У ҳозир қинида турибди. Исо бу қиличдан моҳирона фойдаланди.

У бу қуролни эътибордан четта қолдирмади. У жим туриб, бизни қутқарди, биз учун йўз жонини фидо қилди. Тасаввур қилинг, У бир овоз чиқарса ёки қўлини кўтарса, самодан ерга қандай қудрат ёғилишини била туриб, индамай турди. Фараз қилинг, жони қил устида турган ерлик ҳукмдорчалар ўз Яратувчисининг устидан калака қилганда, У чурқ этмади. Ўйлаб кўринг, одил ҳукмнинг тимсоли бўла туриб, У ёлғон айловларни тинглаб турди (Юҳанно 5:22). Исо ҳеч нарса дея олмагани учун сўкут сақламади, шунчаки Унинг йўзи барча саволларга жавоб эди.

“Шунда олий руҳоний ўрнидан туриб, Исога: – Нима учун ҳеч қандай жавоб бермайсан? Сенга қарши уларнинг бераётган гувоҳлигига нима дейсан? – деди. Исо эса жим турар эди. Шунда олий руҳоний Унга сўзлаб: – Тирик Худо ҳақи сўрайман, бизга айт, Худонинг ўғли Масиҳ Сенмисан? – деди” (Матто 26:62, 63).

Сўз ҳам, шивир ҳам, хўрсиниш ҳам, бошини чайқаш ҳам, кўзларини осмонга кўтариш ҳам йўқ эди. У шунчаки Қўзи мисоли... жим турди. Гап Исонинг айтадиган гапи йўқлигига эмас эди, балки у ҳеч нарса демасликка қарор қилди.

Биз ҳам гоҳида, кўп нарса айтгимиз келадиган вақтлар бўлади. Бизни адолатсизларча айблашади, нотўғри тушунишади ва ҳатто, бошқаларнинг олдида ёмон аҳволга солиб қўйишади, айниқса, ҳақиқатни излашга уринмаганларнинг олдида. Гўмонланаётган айбдорни қамоқقا олишда, унинг ҳимояси учун, унга “сизнинг ҳуқуқингиз бор” деган огоҳлантиришга эга, Миранда ҳуқуқларини ўқиб берадилар, токи у юридик маслаҳатларга эга бўлмагани учун, ўзига қарши гувоҳлик бермасин. Баъзида ҳаммамизга, ҳеч нарса демаслик – бу бизнинг ҳуқуқимиз эканини эслатиб қўйиш жоиз.

Зўравонлик услубларини қўллашдан воз  
кечиш – бу кучли ва адолатли қуролдир.  
У жароҳат етказмасдан енгади ва унинг  
эгасининг яхши фазилатларини оширади.

Бу шифоловчи қиличдир.

– Кич. Мартин Лютер Кинг.

Борди-ю, Исо Худонинг ёлғиз айбсиз, ҳаққоний йўли бўлиб, ўлим қаршисида ўзини оқлашдан бош тортганида, сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланган бўлса, боз устига биз ҳаёт қаршисида шундай қилишимиз зарур. Исо индамай олдинга чиқди ва биз учун жангда, бизнинг ўрнимизни эгаллади.

У айбсиз бўлганига қарамай, бизнинг айборлигимиз Унга кийим каби осилди ва У буни ечишни истамади.

“Биз ҳаммамиз қўйлар каби адашиб юрган эдик, ҳар биримиз ўз йўлимига бурилиб кетдик. Раббий эса бизларнинг ҳаммамизнинг гуноҳларимизни Унга юклади. У эзилган ва қўйноққа солинган эди, аммо оғзини очмас эди. У қўй каби бўғизланишга олиб борилган эди. Қўзи унинг жунини қирқувчилар олдида жим турганидек, У ҳам оғзини очмас эди” (Ишаъё 53:6, 7).

Дунё унга йўл кўрсатган Шахсдан воз кечди. Аслида Исо жим турганида, ҳаммадан баландроқ гапирди. Унинг қаршисида самонинг сўзи турганида, ердаги сўзларни айтишнинг ҳожати йўқ эди, улар Исо орқали нажот топиш учун ўзларини маҳкум қиласётган бир пайтда, У жим турди.

Қайси жангга сукут сақлаш билан жавоб беришингиз керак? Буни тушуниш учун, сизга тилингизни тийиш қийин бўлган соҳаларга қаранг.

“У ҳақорат қилинганида, ҳақорат билан жавоб қайтармади. У азоб чекканида, дўй-пўписа қилмади, лекин ўзини Ҳақ Ҳукмдорга топширди” (1-Пет. 2:23).

Жим туриб, кузатишга тайёрмисиз? Тахдид, ҳақорат ва айбловлар қаршисида турганда, Раббийга таяниш – бу доимий, тўхтовсиз ва бир қанча вақтга ҳатто, ҳар кунлик жараён. Азиз опа-сингиллар, биз бундан ўта оламиз. Зоро Исо бу қийинчиликлардан ўтди ва биз учун йўл ҳозирлади.

Самовий азиз Ота,


Мен Сенинг қаршингга Исо Масиҳ номи билан келаман. Мен бүгүн ўзимдаги гапириш ҳуқуқини бир четга суреб қўйишга ва сукут сақлаш ҳуқуқини қўллашга қарор қиласман. Муқаддас Рӯҳ менга қачон жим туриш ва қачон гапиришини билишда донолик ато этгин. Мен ўз юрагимни Сенинг қаршингда тинчлантираман ва менга гапиришингни сўрайман. Мен Сенга қарши гуноҳ қилмаслигим учун, менинг оғзимни кузатгин. Мени ғийбатлар тарқатган пайтларим учун кечиргин. Мен Сенинг донолигинингга бўйсунаман ва жонимни Сенинг Шарафингнинг нури билан бошқараман. Бугундан эътиборан, бошқаларнинг сўзлари менинг ҳаракатларимга сабаб бўлишига йўл қўймайман. Сен мени ҳимоя қилиш мақсадида, ўз ҳаётингни бердинг ва фақатгина Сен ҳақиқат ва одил ҳукмсан. Мен шахсий фикримни олдинга сурган ва билиб туриб, ўзимни сўзларимни айтган пайтларим учун кечиргин. Ҳозир мени синдириш хавфи бор бўлган, ҳар битта жангга кел. Энди одамларнинг ўртасида жанжал алангасини ёқмайман. Душманнинг ҳужумлари мени енгмоқчи бўлганида, мен Сенга умид қиласман. Мен жойимдан қўзғалмайман, бу жангда Сен аллақачон ғалабани қўлга киритганингни билиб, аминлик билан сукут сақлайман. Исо Масиҳ номи билан, Омин.



## Кечирим ва тикланиш қиличи

*Урушда баъзида битта жангдаги  
мағлубият, умумий ғалабага янги йўл  
очади.*

– Дональд Трамп



Тахтининг супасида ором олаётган қилични кўз олдингизга келтиринг. Қилич сал ўтиб, янада буюкроқ мақсадлар йўлида кимнидир қўлларида кўтарилиш учун, вақтинчаликка пастга тушурилган. Феодал-босқинчилари, вассалларга (тобе бўлган кишиларига) қарши кўтарилиган чоғда, улардан вафоли бўлишни талаб қилгандар. Ҳар битта янги кўтарилиган зодагон, шоҳнинг қаршисида туриб, ўзининг қиличини унга тақдим этган ва хўжайинининг оёқлари остига йиқилган. Вақти-вақти билан шоҳ оёғини вассалнинг бўйнига қўяр эди. Вассал ўз қиличини қайтариб олишдан аввал, шу ҳолатда ўзининг янги хўжайинига вафодорлик қасамёдини ичар эди.

Бу бобда биз ўз ниятларимизни тарозига тортиб кўриш имкониятига эгамиз. Биз кимгадир ёки нимагадир қарши курашаяпмизми, ёки шунчаки ўз қизиқишлиримизнигина изляяпмизми, шуни тушуниб етишимиз мухим.

Жумладан, сиз абортга қарши бўлишингиз мумкин, бироқ бу сиз ҳаёт учун курашаётганингизни билдиrmайди. Абортария

эшиги олдида плакат ушлаб турис башқа ва эрсиз туққан аёлга ёки ташлаб кетилгән болага ёрдам бериш эса үмуман башқа нарса. Сиз қотилликка қарши бўлишингиз мумкин, бироқ бу сиз бир ҳаётни сақлаб қолиш учун, сиздан талаб этиладиган ҳамма нарсага тайёрсиз дегани эмас.

Ниятларимизнинг бу турдаги башқа томонга йўналиши, ўзимизнинг хусусий ҳуқуқ ва фикрларимиздан кўра, янада буюкроқ мақсадларга бағишланишимизни англаб етиш натижасида содир бўлади. Бизга Рухнинг қиличи ишониб топширилган, аммо биз одамни ярадор қилиш учун у билан қуролланганимиз йўқ. Биз асрлар ва қуллукка олинганларни қўрқитмаймиз ёки уларни боғламаймиз, балки уларни озодликка чиқарамиз. Ҳар гал кўриниб тургандан кўра теранроқ нарса содир бўлади.

Бизнинг жанговар қуролимиз бу дунёning чирийдиган мавжудотларига қарши эмас ва биз ўзимиз туғилган сайёранинг қоидалари бўйича уруш олиб бормаймиз. Қурол ўзи яратилган соҳага мос равишда қўлланилиши зарур, бизнинг қуролимиз “металл” ҳаққоний нур билан тозаланадиган ва қиёфаси ўзгарадиган жойдан келган, қиличнинг четлари эса аниқ ва бехато санчилади, у бир вақтнинг ўзида ҳам суқулади, ҳам шифолайди. Шу боис бу руҳий шикастлайдиган қуролни кўтаришдан мақсад, доим покланиш бўлиши зарур.

Галатияликларга мактубда инсоний қуролларнинг турлари ва уларнинг мақсадлари таърифланган: жодугарлик, нафрят ёки душманлик, қаҳр ва ғазабнинг кўтарилиши, жанжаллар, келишмовчилик, сохта таълимотлар, ҳасад ва қотиллик. Буларнинг бари биз гуноҳга йиқилишдан сўнг мерос қилиб олган, ерлик қурол-аслаҳалардир.

Ҳаворий Повул биздаги ҳокимиятнинг сабабини кўрсатиш учун, бу “исқирт” аслаҳаларнинг ҳаракатига қарши пардани очмоқда.

“Раббий бизга сизларни барбод қилиш учун эмас,  
балки барпо қилиш учун берган ҳокимият ҳақида мен  
янада кўпроқ мақтанганимда ҳам, уятда қолмас эдим”  
(2-Кор. 10:8).

Биз ҳамма нарсаны яксон қилиш учун әмас, аксинча қуриш учун курашмоқдамиз. Бизга само тақдим этган ҳокимият, ёвузликни барбод қилиш учун белгиланган. Мен ўттиз йил давомида Худонинг Сўзи бўлмиш, қилични белимда осиб юрган бўлсам, бу ундан яхши фойдаланганимни билдирамайди. Вақти-вақти билан мен уни алам ва ғазабда булғаганман ҳамда шифолаш керак бўлган жойда, яралаганман. Бошқа ҳолатларда қиличимни доим қинида сақлаганман, аслида уни олиб, асрларни боғлаб турган кишанларни чопиб ташлашим керак эди.

Фарзандларим кичик бўлганида, кўп вақт давомида, қиличим кроват ёнида ухлаб ётарди. Мен саноларни ўқиш учун Муқаддас Китобни варақлардим ва осонгина тушлар дунёсига равона бўлардим. Ойлар ўтиб борар, мен қиличимнинг ўткир қирраларидан эҳтиёткорлик билан қочардим, уни қинидан суғурмас ва кундалик ташвишларимдан бошимни кўтаришни истамасдим.

Бу саҳифаларда сизни менинг узоқ муддатли шахсий қиличбозлик турнирларимдан олиб ўтмоқчиман, бу йўл бутунлай ёқимсиз ҳамлалардан ўтиб, тантана билан яқунланган.

• • •

Мен масиҳий бўлганимдан сўнг, Худонинг қўллари доим менинг ҳаётимда бўлгани ва мени одамларга хизмат қилишга йўналтириб келганини тез орада тушуниб етдим. Менинг хизматим қай кўринишда бўлиши ҳақида заррача ҳам тасаввурга эга бўлмасам ҳам, чин юрақдан тайёрланишни бошладим. Мен Ёзувни ўқир, жамоатга борар, маърузалар тинглар ва хизмат қилардим. Тумонат йиғинларнинг бирида, жамоатимизга меҳмонга келган воиз, қатъийлик билан ҳайқирди: борди-ю, сенинг оиласи нажот топмаган бўлса, бошқаларга Худонинг Сўзини воизлик қилишга ҳаддинг сиғмасин. У буни шундай тушунтириди, агарда сенинг шахсий ҳаётинг ўз яқинларингга Хушхабарнинг ҳақиқатини исботлаш учун етарли бўлмаган бўлса, унда бошқа одамлар сени нега тинглашлари керак. Ҳозир ўша эҳтиросли сўзлар ҳақиқатдан йироқда бўлганини

түшунаман, бироқ ўша пайтда буни юрагимга яқин олганман.

Менинг отам нажотдан узоқда экани учун, энди унинг күтқарилиши учун янада кўпроқ вақтни ибодатда ўтказа бошладим. Отам само, йўқолган гуноҳкор деб атайдиган одамнинг классик мисоли эди. У киши тўхтовсиз чекадиган, ичкилиқдан бош кўтармайдиган ва битта гапини ҳам сўкинмасдан гапира олмайдиган киши эди. Агар хотирам панд бермаган бўлса, у онамга хиёнат ҳам қилар эди. Ва у фарзандларига вақт ажратмасди.

Отам бизникига биринчи марта келганларида, биз Жон билан Далласда яшардик. Мен шу заҳоти уни жамоатга етаклаб бордим. Бутун хизмат давомида, у ўз гуноҳларининг бор юкини ҳис этиши, қизи унинг бундай ҳаётини маъқулламаслигини тушуниши ва Муқаддас Рухдан енгиллик олишига умид қилиб, унга қараб-қараб қўяр эдим. Чўпон ундан: “Борди-ю, бугун кечқурун у дунёга кетиб қолсангиз, қаерга бораардингиз?” – деб савол бергунгача, бирота ҳам шубҳаси қолмаслигини истардим.

Мен, ҳеч бўлмаганда, бошини эгиб, ўйга толади деб ўйлаган эдим, бунинг ўрнига, у: “Мен ҳам сен борадиган жаҳаннамга бораман!” – дегандек, хизматчига ўқрайиб қараб турарди.

Тавбага чақириш чоғида отамнинг бир туки қилт этмади. Ноилож уни олдинга чиқариш мақсадида, унинг қўлидан тутдим. У нафрат билан қўлинни тортиб олди. “Хойнаҳой, у нимадан қуруқ қолаётганини тушунмайди” – деган фикр келди калламга. Аниқлик киритиш учун унга эгилдим ва шивирладим: “Ота, Исо – янога йўл. Агарда сиз бу ибодатни қайтартмасангиз, дўзахга кетасиз”.

Бу ваҳий ҳам деворни тешиб ўта олмади. Бу гапим унда Худога нисбатан бир олам таҳқиқларни чақирди, холос. Унинг юрагидаги ҳар қандай эшик, мен очиқ деб ўйлаганларим ҳам, хиппа михлаб қўйилган эди.

Отам қуёшли Флоридадаги ўзининг беташвиш ҳаётига қайтгач, эркин нафас олди ва Каломга ўралашиб қолган Техасдаги қизини унуди.

Лекин мендан осонликча қутулиб бўлмасди, мен бир дугонамнинг Флоридадаги барча имонли дўстлари билан

боғланиб, уларга отамнинг телефон рақамини бердим. Мен ибодат қилганимда имоним юқорига парвоз қиласарди, қандайдир йўл билан, ўша бутунлай нотаниш бўлган одамлар, отам учун айнан мос келадиган юмушчи бўлишини истардим. Бу уринишлар иш бермагандан сўнг, оғир қуролларни олиш вақти келди деган қарорга келдим. Мен бутун дам олиш кунини, отам тавба қилиши учун ибодат ва рўзага ажратдим. Мен таслим бўлмасдим. Мен хонада юриб, полга мукка тушиб ибодат қиласар, йиғлар ва Муқаддас Китобни очиб қўйиб, тиз чўккан ҳолда ваъдаларни эълон қиласардим. Тўсатдан, отам қўнғироқ қиласади деган умидда, тўхтовсиз телефонимга қараётганимни сезиб қолдим. Негаки отам шайтоннинг панжасидан қутулгани ҳақида эшитиш илинжида эдим.

Телефон барибир жирингламади, аммо мен Самовий Отамнинг шивирлаб сўраган овозини эшилдим: “Лиза, Мен отангни сендан кўра кўпроқ севишимни биласанми?”

Ростини айтсам, бу ваҳий мени лол қолдирди, шу боис бир қанча вақт тилим айланмай қолдим. Шивирлаш давом этди: “У мен билан бирга бўлишини, сендан ҳам кўпроқ истайман. Лиза, уни менга топшир... Сен уни қутқара олмайсан”.

Сўнг Худо менга Унинг Сўзидағи ваъдасини эслатди: “Улар эса: — Раббий Исо Масиҳга ишонгин, шунда сен ҳамда бутун хонадонинг нажот топасизлар, — дедилар” (Ҳав. 16:31). Бу отанг учун сенга берган ваъдам. Бунга ишон ва ўзингни ғалати тутишни тўхтат. Шунчаки уни сев”.

Юқоридаги оятни Ёзувдан топдим ва унинг тагига чизиб қўйдим, шу тариқа, барча умидимни Унинг Сўзига боғладим.

*Имон – бу Худонинг табиатига ишонишга  
қарор қилишдир, Унинг йўлларини,  
эҳтимол, ҳозирги вақтда тушунмайсиз.*

— Освальд Чемберс

• • •

Шундан кейин күп ўтмай, мен түнгіч ўғлим Эдисонни дүнёга келтирдім ва биз оиласыз билан Флориданинг нақд отам яшайдиган шаҳрига күчиб ўтдик. Сүңг иккінчи фарзандымиз Алек туғилиши олдидан, отам ишсиз қолиб, бошқа шаҳарга, Флорида қырғын томонга, бир неча соат узоққа күчиб кетди.

У янги ҳаёт бошлашга умид қилған эди, бироқ унинг ёшида янги иш топиш мушкүл масала. У қачонлардир үйлар ва шаҳар четида клублар қуарады, энди эса таъмирлаш билан шуғуланаётган эди. У түшкүнликка түшди ва нафақат кечалари, шунингдек кундузлари ҳам ичишни бошлады. У бизнигі атасының күркітишни бошлады, улар нега буваси бундай ифлос сүзларни ишлатыб гапиришини, нега у бунча вайсаши, шовқын күтариши ва үларнинг онасини ўзининг собиқ хотинининг исми билан атасини түшүнмас әдилар.

Бир куни декабрь ойида ҳаммаси ўзгарды. Мавлұд байрамидан кейинги куни биз отамни күргани бордик, у дугонаси билан күп қаватли үйда яшарды. Биз үларни ўша жойда топамиз деб ўйлаган әдік, бироқ у ерда шишали әшикка қыстирилған хатчани күрдім, холос. Үнга қиышқи ҳұсніхат билан: “Кечирасылар, режаларим ўзгарды” – деб ёзилған эди.

Хатчани ким ёзғани, кимга аталғани ёзилмаган эди. Биз келишимиздан аввал, келаётганимизни тасдиқлаш учун құнғироқ қилған ва бир неча соатимизни йўлда ўтказған әдік. Режалар ўзгарди? Мен қўлимдаги қоғозчани ғижимлаб, лол бўлиб турардим. Мен болалар: “Бувамиз қани?” деганини эшитардим.

Қаршимизда соҳиленг бир бўлаги кўриниб турарди ва мен бирорта яқинроқ жойда, отам бизнинг устимиздан кулиб ўтирганини тасаввур қилдим. Мен нима дейишни билмасдим. Жон эса ортга машина томонга бораётганимизда, болаларга нимадир деди.

Мен синган ва уятдан ёниб кетаётған эдим. Мен йўл бўйи

Жон ва болалар олдида қайта ва қайта үзр сўрадим ва ўзимча шундай деб ўйлаб, йиғлардим: “Жоннинг ота-онаси болалари ва набиралари келаётганини билганда, барга кетиш хаёлига ҳам келмайди”.

Беш соат йўлда юриш, болалар учун осон эмас, айниқса сафаримиздан мақсад амалга ошмади ва мен бутун йўл давомида йиғлаб келдим. Икки ўғлимиз, ўтирган жойидан менга қўлини чўзиб, елкамга қоқиб қўяр ва ўзларича мени юпатар эдилар, улар шивирлаб: “Нима бўлди? Ойи, ҳаммаси яхшими?” – дер эдилар.

Мен ўзимни тутишга ҳаракат қиласар, бироқ буни уддасидан чиқа олмасдим.

Кейинги куни Жон Швецияга учиб кетди. Уни самолётга кузатиб қўйиб, у билан хайрлашгач, мен уйга қайтдим, болаларни ўйинга юбордим, сажда қўшиғини қўйдим ва полга ётганча ибодатда Худодан сўрадим: “Нега отам мени бунчалик ёқтирумайди? Нега у менинг фарзандларим билан вақт ўтказишни истамади? Қачон Сенинг ваъдаларинг амалга ошади?”

Мен гиламга юзимни тираб, йиғлардим. Тўсатдан мени нимадир қоплади... Мен отасиз эдим! Отам номига ота эди, бироқ биз уни безовта қилишимизни истамасди! У мени билишни ҳам истамасди. Мен ўз фикрларимни овоз чиқариб айтар ва кўз ёшларим оқишига руҳсат берардим, бироқ фарёд қилиб бўлганимни биламан, Худонинг кулгуси деб аташ мумкин бўлган овозни эшитдим. Бу ўша пайти шу қадар аниқ эшитилдики, мен бошимни кўтариб, атрофимга қарадим. Сўнг у шундай деб шивирлаганини эшитдим: “Сен ҳаммасини нотўғри суръатда кўрмоқдасан. Сен бунга рад этилган деб қарайсан, Мен эса буни қиз қилиб олиниш деб атайман”.

– Нима?

– Ерлик отанг сендан бутунлай воз кечганида, Мен сени бутунлай қиз қилиб олганман. Қайсиdir маънода отанг сендан ва фарзандларингдан воз кечди. Энди бизнинг орамизда тўсиқ йўқ. Сен бутунлай Менинг қизимсан.

– Ростданми? Мен тўғри эшитдимми?

— Агарда Жонга бирор нарса керак бўлганида, отасига қўнғироқ қила олади. Сенга нимадир керак бўлганида, шу заҳоти Менинг олдимга кел.

— Қандай яхши. Буни қаранг-а!

Менинг отам йўқлигини англаб етганимда, Отага эга бўлганимни тушундим! Худо бу ҳақиқатни мен билан бўлишиш имкониятидан ғоят хурсандлигини кучли ҳис этардим. Шу пайт олган ваҳийдан баланд овозда кулаётганимни билиб қолдим. Мен кўз ёшларимни артдим, турдим, қўлимни кўтариб, бор вужудим билан Худога сажда қилишни бошладим. Ёлғиз эзгу Ота мен ҳақимда ғамхўрлик қила олади.

Шундан сўнг отамдан нимадир кутмайдиган бўлдим. У менга ҳеч нарсада қарздор эмас – ташриф, қўллаб-қувватлаш, совғалар ва ҳатто, яхши сўzlари билан ҳам қарздор эмас.

Бу ваҳийдан кўп ўтмай, оиласиз билан Флоридадан, Колорадога кўчдик ва отам билан камдан-кам қўришадиган бўлдик. Унинг ароқقا бўлган хирси туфайли, унинг ёнида бўлиш хавфсиз эмаслигини ҳис этдим. Ва ниҳоят, биз штатдан кўчиб кетишимиз олдидан, у билан хайрлашиш учун, бизниги маҳмонга келишга таклиф қилдик. У буни мулойимгина рад этди. Шу тарзда биз Флоридадан кетдик, мен эса ҳалигача отам бир куни нажот топиши ҳақидаги ваъдани маҳкам ушлаб турардим.

• • •

Кейинги сафар укам Жоуи билан уни қўришга борганимизда, отам мен кимлигимни аниқ билмас эди. Кўп йиллик спиртли ичимликларни истеъмол қилиш унинг ақли ва хотирасига таъсир кўрсатган эди. У ерда бўлган вақтимиз мобайнида, у мени ёки бирорта дугонаси, ёки собиқ хотини деб ўйларди. Ниҳоят, мен қизи эканимни тушуниб етганида, менга бошдан оёқ қараб, ориқлаганим учун миннатдорчиллик билдири. Афтидан, охирги Мавлуд табрикномасида тўлача бўлганимни қўриб, даҳшатга тушган. Мен ўн беш ёшга тўлганимда ҳам, у менга шундай муносабат билдирган эди, шундан сўнг менинг озиқланиш тартибим бузилиб кетган эди.

Мен унга фарзандларимнинг суратларини кўрсатишга, ҳаётимииздан ҳар хил воқеаларни сўзлаб беришга уринардим, бироқ у эшиитмасди. Укам мен фарзандларимга бувасини кўрсатишам учун, уни видеога олишга ҳаракат қиласарди. Отам эса сўкиниб, камерани олиб ташларди. Бу ҳодиса менинг хотирамда аччиқ ҳафсаласи пирлик билан қолиб кетди.

Уйга қайтганимда, Худо шивирлаб ҳаётимга ваъдасини айтганини эшиитдим:

“Тингла, эй қиз, қара ва қулоқ тут: ўз халқингни ва отангнинг уйини унут, шунда Подшоҳ сенинг чиройингни истайди, зоро У сенинг Эгангдир; сен Унга сажда қил” (Сано 44:11, 12).

Энди, ҳеч қачон отамнинг буқчайган тимсоли қаршисида қайғуриш босимини ҳис этмаслигимни билардим. Шоҳимнинг истаги шундай эди.

• • •

Йиллар ўтарди, отамнинг касаллиги кучайиб борар ва унинг дугонасида, уни шифохонага жойлаштиришдан бошқа иложи қолмаган эди. 2009-йилнинг декабрь ойида мен у билан охирги марта кўришиш учун ёнига бордим. Мен ўзим билан катта ўғлим Эдисон, унинг гўзал рафиқаси Жулиянна ва уларнинг тўнғичи Ашерни олдим. Мен отам тўнғич набирасини кўришини хоҳладим. Отам турган қарияларга ғамхўрлик қиласиган марказга келганимизда, у бизни таниши учун олдига расмларимизни қўйдим. Бир расмда отам ва бир ёшли Эдисон бор эди. Унга эндиликда мендан ҳам баланд бўлиб кетган ёш кишини кўрсатиб, бу мени ўғлим, уни эса набираси эканини тушунтирдим. Отам бошини чайқади, расмларни бирга йигишига урингандек, бирма-бир олишни бошлади.

Ва ниҳоят, бир пайт, ундаги хотиралар иплари оиласининг тўрини бир қилиб тўқий бошлади. У бошини кўтарди, менга, Жулияннага, Ашерга ва Эдисонга бирма-бир қараб чиқди. Тўсатдан, у ҳаммамизни таниганини тушундим. У бошини

охиста эгиб, қўлида ушлаб турган расмни, кейин Эдисонни кўрсатди. У ҳаммамизни эслаганида, мен худди нозик парда ортидан, олдинги отамни кўргандай бўлдим. У ўзига қайтди, бироқ бу қанча давом этишини билмасдим.

Мен секин ибодат қилдим: “Самовий Ота, нима дейишим керак?”

Шу заҳоти, мени ҳайратда қолдирган жавобни олдим: “Унга, яхши ота бўлганини айт”.

“Нима? – мени чақмоқ ургандек, қотиб туардим.

– Бу ёлғонку! Мен уни алдайманми... айниқса бу ҳолатида-я! У яхши ота бўлмаган”.

Сўнг мен қатъий тасдиқни эшитдим: “У қўлидан келганича яхши ота бўлган”.

Мен имонсизлик билан баҳслашишни бошладим: “У яхшироқ бўлишга ўрганса бўларди. Онгимда, у бунга ўрганиш учун, қай тарзда қўшнилар билан дўстлашиши, китоблар ўқиши мумкинлигининг турли йўлларини ўйлаб чиқа бошладим. Эсимни таниганим бери у бунга ҳеч қачон уриниб кўрмаган!

Менинг барча жавобан ҳужумларим сукунат билан учрашарди. Мен бир неча ўн йиллар давомида Худо баҳслашмаслигини билиб олганман. Мен истаганимча тортишишим мумкин, бироқ барибир охирги сўзни У айтади ва бу якуний жавоб бўлади. Шифолаш учун тикланиш қиличини олиш вақти келди.

### Қиличбозлик санъатидан факт

Биргаликда ҳаракатланаётган, иккита тажрибали қиличбоз, қўлларидан кўра, калласи билан кўпроқ ишлайди.

Мен чуқур нафас олдим, у томон эгилдим, унинг эътиборини тортиш учун қўлларидан тутиб, бироз кўтардим. Унинг кўзларига қараб, ҳозиргина ўзим эшитган сўзларни такрорладим: “Дада, сиз яхши ота бўлгансиз” – дедим.

Отам қотиб қолди. Худди бутун танаси бўйлаб титроқ

югуриб ўтгандек бўлиб, кўзлари ёшга тўлди. У қўлларимнинг кафтидан ўпди ва бор кучи билан шундай сўзларни гапирди: “Раҳмат... сенга”.

Шу сўзлар билан ҳамма нарса ўзгарди. Қариялар уйидаги одамни эзадиган муҳит енгиллашди ва отамнинг юраги ҳозиргина очилганини тушундим. Жулианна йиғларди, Эддисон отам ўтирган ўриндиқ ёнига тезгина келиб турди. Биз биргаликда, Худо менга узоқ йиллар олдин берган, Ҳаворийлар китобида ёзилган ваъда бўйича яқдиллиқда ибодат қилишни бошладик. Биз отамнинг нажоти учун миннатдорчилик билдирап ва Юҳанно Хушхабарига биноан, у нималарда айборлик ҳиссини сезган бўлса, барчаси учун кечиримни эътироф этардик:

“Кимнинг гуноҳларини кечирсангиз, унинг гуноҳлари кечирилади, кимнинг гуноҳларини кечирмасангиз,  
унинг гуноҳлари кечирилмайди” (Юҳанно 20:23).

Биз ибодат қиласар эканмиз, бутун вақт давомида отам менинг бармоқларимни оҳиста сиқар ва кафтларимни ўпишдан тўхтамас эди. Бу севги ва кечиримнинг муборак лаҳзалари эди. Унинг ҳаракатлари пок ва бегуноҳ боланикidek эди. Унинг юзида мен охирги бир неча марта кўрган мунофиқликдан заррача ҳам йўқ эди.

Учрашувимизнинг охирида отам ўта толиққани сезиларди. Жулианна Ашер билан қолишибди, биз эса Эддисон билан уни оддий жиҳозланган хонасига олиб бордик ва кроватига ётқиздик. Кетишимиздан олдин ҳамширадан, мени топиш осон бўлиши учун, манзилим ва телефон рақамим тўғри ёзилганийўқлигини сўрадим. Ҳамшира отамнинг папкасига қўшиб қўядиган қофозни тўлдиргунимча, отам хонасидан чиқди. Мен уни чақирдим, бироқ у мисоли бегона кишидек олдимиздан индамай ўтиб кетди ва The Lawrence Welk Show кўрсатувини такроран кўраётган аёллар гуруҳининг ёнига бориб ўтирди. Бизнинг учрашувимиз чоғида у билан нимадир содир бўлганди, аммо у энди яна бизни танимай қолди.

• • •

Орадан бир йил ўтди, 2010-йил Мавлуд байрами кириб келди. Ўша пайтлар мен ҳар сафар отам ҳақида ўйлаганимда, мени ҳаяжон ва хавотир босиб келавергани ёдимда. Мен кечалари уйғониб кетиб, наҳотки у оламдан ўтса, деб ўйлардим. Мен кечинмаларимни онам билан бўлишдим, у эса мени тинчлантириб, яқинда холам ва тоғам отамни кўришга боргани ва у ўзини яхши ҳис этәётгани ҳақида айтди. Лекин мен барибир саросималик ҳиссидан қутула олмасдим. Мен Жоуига, имкони борича тезрок бориб, отамни кўриши зарурлигини айтдим.

Янги йил арафиси кечги овқат тараффудида, хабарларни эшитаётib, бошловчи яқинда отасини йўқотгани ва уни кучли соғинаётгани ҳақида айтганини эшитиб қолдим. Менинг кўз ёшларим юзим бўйлаб оқа бошлади. Мен турган жойимда донг қотиб қолдим. Мен нега йиғлайпман? Бу аёлни ҳам, отасини ҳам билмасам. Тўсатдан Муқаддас Рӯҳ гапирганини эшитдим: “Манашу йил отанг билан хайрлашасан, шунинг учун йиғлайпсан”.

Олтинчи январь куни мен Канадада, хизмат ўтказаётган эдим. Меҳмонхонадаги рақамимда кучли хавотир ҳисси билан уйғониб кетдим. Соат миллари кечаси учни кўрсатарди, ўта толиққанимга қарамай, қайта ухлай олмадим. Эрталаб бешта телекўрсатув ва дарсларимни сериясини ёзишим, бунинг учун эса каллам яхши ишлаши зарур эди. Мен ибодат қилдим, ўқидим, мусиқа тингладим – барибир уринишларим бефойда бўлди.

Бутун кун давомида танамда ҳаяжонни сезар ва бу ҳар соат кучайиб бораётган эди.

Кўрсатувлар ёзиб бўлингач, аэропортга кетдим ва йўлда уяли телефонимга бир нечта қўнғироқлар ва хабарлар келганини кўрдим. Биринчи хабар уйдаги ўғлимдан эди. У ретейнерини йўқотиб қўйгани ва мендан ортодонтга қўнғироқ қилиб, янгисини ясад беришини сўрашимни айтган эди. Мен барча хабарларни эшитиб бўлганимда, охирида битта хабар қолган эди. Мен эса бу пайт самолётга шошаётган, айни пайтда

эса чегара текширувидан ўтаётган эдим, шу боис самолётга ўтираётганимда охирги хабарни тинглашга қарор қилдим.

Барча нарсаларимни йиғиб бўлгач, “тинглаш” тугмасини босдим. Унда бир аёл кишининг овози шундай деди: “Ўзингиз биласиз, отангизнинг аҳволи ёмон. Агарда у билан хайрлашмоқчи бўлсангиз, бугун етиб келинг...”

Мен хабарни охиригача эшитмай, ўша рақамга қўнғироқ қилдим. Онгим бесаранжом ишларди. “Отамнинг аҳволи ёмонлигини қаердан билибман? Менга бирор киши бу ҳақда айтмаган бўлса”. Бахтимга хабар қолдирган аёлга қўнғироқ қилиб тушдим. У машинасида отам ётган шифохона томон бораётган экан. Мен унга Канада аэропортида Денверга кетаётган рейсни кутиб турганимни тушунтирудим. У эса отамни кўргач, менга қайта қўнғироқ қилишга ваъда берди. Сўнг укам билан гаплашишга уриндим, бироқ у учрашувда бўлиб чиқди. Мен Жонга ва бир неча дўстларимга қўнғироқ қилдим. Энсам қотган эди. Орландога тўғри борадиган рейсларни қидира бошладим, аммо бирорта ҳам чипта топилмади.

Вақт ўтиб бўлган эди ва мен Денверга учәётган самолётга охирги йўловчилардан бўлиб чиқдим. Йўловчилар ўз жойларини эгаллагунларича, мен қўнғироқни кутардим. Борт проводниги эшикларни ёпди ва телефонларни ўчириб қўйиш илтимоси янгреганида ҳам, у қўнғироқ қилиб қолди. У отам ўзини ёмон ҳис этаётганини айтди ва мен бир неча сўз айта олишим учун телефонини унинг қулоғига яқин олиб бориши мумкинлигини таклиф қилди. Одамларга халақит бермаслик учун ойна томонга бурилдим ва дедим:

“Дада, бу Лиза”. Овозим паст ва мажолсиз чиқарди, лекин барибир давом этдим: “Мен сизни яхши кўраман. Мени балиқ овига олиб борганингиз ва сузишни ўргатганингиз ёдингиздами? Мен эртага етиб келаман, агарда сув остида яна бироз туришга нафасингиз етмаса, майли, бораверинг”.

Яна нима десам экан деб, жим бўлиб қолдим. Телефондан яна ўша аёлнинг овози эшитилди. Ундан отам мени эшитганингиз бирор бир белгиси сезилдими деб сўрадим. У аниқ бир белгини кўрмагани, бироқ унга отам менинг гапларимни эшитгандек

туюлганини айтди. Шу пайт мен аллақачон телефонни ўчиришим зарурлиги эсимга тушди ва у билан хайрлашдим.

Бутун учиш давомида, уч ярим соат китоб ўқиб ўтиредим. Тұғрисини айтсам, қандай китоб ўқиганимни эслолмайман. Құнганимиз заҳоти, үкамга үланишга ҳаракат қилдим. Бир неча марта тұхтовсиз равишда рақамини тергач, унинг овозини эшиптедим.

Унга бўлган воқеани айтдим. Жоуи Калифорниядан Флоридага сафарни режалаштиришни бошлади. Колорада қишининг совуқ кечасида уйга қайтар эканман, мен барча авиа ташкилотларга қўнғироқ қилиб, эрталаб соат еттига битта чипта топдим. Уйга етиб боргач, шу заҳоти барча ўғилларимни йиғдим ва содир бўлганларини айтиб бердим. Улар мени тинглар экан, отам улар учун бегонадек эди. Уларга ҳозиргина сафардан келиб, яна кетишга мажбурлигим, устига-устак дадаси ҳам шаҳарда эмаслигидан афсусдалигимни айтдим.

Шу пайт бир вақтнинг ўзида уй ва қўл телефоним жиринглаб қолди. Битта тармоқда уйланган ўғлим, бошқасида эса үкам қўнғироқ қилган эди. Улар менга отам вафот этганини хабар беришди. Кўмиш маросими бўлмади, чунки отам оламдан ўтганида, танасини ёқиши васият килган экан. Бошқа у билан кўришиш насиб қилмади. Мен яна ижтимоий ишчи билан гаплашдим ва отам энди йўқлигини айтиб, йиғладим.

Ўша тунда қалбим тўла қайғу билан уйқуга кетдим. Кўрпага ўраниб, қисқача ибодат қилдим: “Художон, Сен содиқсан”.

Мен қаттиқ уйқуга кетдим ва буни қарангки, дам олиб уйғондим.

• • •

Кейинги бутун ҳафта давомида уйда бўлдим, сўнг яна сафарлар мавриди бошланди. Январь, февраль, март ва апрель ойлари мобайнида турли йигинларда воизлик қилдим ва юзлаб, минглаб одамлар йиғилган ҳар битта хизматда Худонинг содиқлигини эълон қиласардим. Мен отам ҳақида ўйламасликка уринардим. Энди у учун ҳеч нарса қила олмайман. Тўсатдан 2011-йилнинг май ойида Худонинг содиқлиги билан учрашдим.

Мен Флорида штатининг Жексонвилл шаҳридаги аёллар анжуманида воизлик қилдим. Биринчи йиғинда, ёрқин сариқ сочли бир чиройли ёш аёлга кўзим тушди. Қандайдир сабабга кўра, йиғилган минглаб аёллар ичидан, фақат уни эслаб қолдим. Кундузги хизматдан кейинги танаффусда яна ўша аёлни кўрдим.

Кечги хизматга кетаётуб, меҳмонхонанинг кутиш хонасида қайта ўша сариқ сочли хонимга эътиборим тушди. У билан танишиш истагини ҳис этиб, унинг ёнига бордим, бироқ унга бир сўз айтишга улгурмай, у биринчи бўлиб ўзини таништириди:

– Лиза, мен Эйприлман. Биз сиз билан телефонда гаплашган эдик.

Мен хотирамда Жексонвиллдан Эйприл исмли қиз билан гаплашганим ҳақида бирор нарсани эслашга ҳаракат қилишни бошладим. Мен у билан гаплашганимни эслолмаганимни тушуниб, хотирамни тиклашга ёрдам берди.

– Отангиз вафот этган куни, мен сизга қўнғироқ қилган эдим.

“Эйприл бу ерда қаердан пайдо бўлди?” – Отам яшаган қариялар уйи Жексонвиллда бўлса, машинада беш-олти соат узоқликдаги масофанинг занжирини ҳеч калламда таза олмадим.

– Мен сиз бу ерда бўлишингизни билиб, дугоналарим билан шу анжуманга келдим.

Менинг тилим айланмай қолдим.

Эйприл давом этди:

– Мен охирги беш йил отангиз учун ижтимоий хизматчи бўлиб ишладим. У ўта қийин бемор эди. Уни бошида жойлаштирилган қариялар уйидан ҳайдашди. У ўша жойдан қочган, бирорнинг машинасини ўғирлаган, бироқ милиция уни топган ва дўппослаган. Бироқ охирги йил у фариштага айланди десам муболаға бўлмайди.

Мен ҳали ҳам бир сўз дея олмас, кўзларимни қоқмай, унга қараб турадим.

– Ҳар сафар у мени кўрганида, қўлларимдан ўпib қўярди.

У айтган гапларни тасаввур қилишим қийин эди. Наҳотки, у отам охирги йил фариштага айланди, деди?

– Эйприл, мен отамнинг ўлимидан бир йил олдин унинг олдига борган эдим.

– Биламан, мен унинг картасида сизнинг исмингизни кўрган эдим. Мен сизнинг китобларингизни ўқиганман, бироқ сиз у ерга бормагунингизча, у киши сизнинг отангиз эканини билмас эдим. Мен бир неча йил у учун ибодат қилдим ва сиз у билан хайрлаша олишингиз учун ҳамма нарса қилишга тайёр эдим.

Худо содик. У мен отамнинг ёнида бўлмаган пайтда ҳам, уни нафақат ибодат билан ўраб олган, қолаверса, биз ўша пайти биргаликда ибодат қилганимизда, отам кечиримга эга бўлганига ишонишга барча асосларга эгаман. Ишонаман, шу тариқа у самодан кечиримни қўлга киритган. Отам бир кунда янгиланишни бошидан кечирди ва қийин, ёвуз ва зулмат босган қариядан, кўнувчан, севувчи ва ёқимтой болага айланди.

Ҳойнаҳой, у охирги йили тавба ҳосилларини олиб келган. Мен мангаликка боргунимча кўп нарсани била олмайман ва тушуна олмайман, бироқ бир нарсага қатъий ишонаман – мен у ерда отамни кўраман.

*Кечириш – бу гуноҳлардан ўтишадир.  
Айнан кечирим шарофати билан йўқолиб,  
топилган нарса, қайта йўқолмаслиги учун  
сақлаб қолинади.*

– Августин

Отамни кўришга борган ўша кеча, у барча йўқотган нарсаларини эслаган деб, кўп ўйлайман. Унинг чевараси Ашернинг бегуноҳлиги, у бутунлай йўқотдим деб ўйлаган меъросга умидни уйғотганмикан деб ўйлайман. Балки у Эддисоннинг кучи ва етуклигига, Жулианнанинг гўзаллиги ва назокатига қараб, ёш муҳаббатни кўргандир деб ҳам ўйлайман. Эҳтимол, мен унинг йўқотилган оиласининг сурати бўлгандирман. Биз унинг кўп йиллар ичимликка кўмган қайғусини кўрдик ва шунчаки унга севги кўрсатдик.

## Сизнинг воқеангиз қанақа?

Севикли опа-сингилларим, ўзингизда нима гаплар? Мен сизнинг воқеангизни билмайман, аммо сизга Худо содик деб айта оламан. Ҳаётингиздаги қандай кўнгил совуш ва аламлар, қўлингиздаги қилични юлиш таҳдидида турибди? Ҳақиқат шундаки, мен Худодан олган сўзларни отамга гапирган чоғларимда ҳам, уни ҳукм қилишда давом этганман. Уларни ўз оғзимдан олиб ташлаганимда, озодликка чиққандек бўлдим. Бизнинг Шоҳимиз битта кишининг ҳаракати орқали икки томонга ҳам шифо беришга қодир.

Тузалмаган чуқур яралар, само шифолашга шай бўлиб турган одамлардан хафа бўлишга ва азоб тортишга мажбурлайди. Шоҳ сизнинг юрагингизни забт этган, энди сизнинг ҳаётингизни, Ўзининг шифолаш ва тиклаш мақсадида ишлатишни истайди.

*Батамом қасд олиш учун, кечиришдан  
бўлак йўл йўқ.*

– Жош Биллингс

Келинг, рад этилганлик ва ҳафсаласи бир бўлганлик қиличини Отамизнинг оёқлари олдига қўямиз ва У буларни тан олиш, тиклаш ва илоҳий учрашувлар қиличига айлантиришига изн берамиз. Худо сизни қай тарзда тикланиш учун воситачи сифатидан ишлатмоқчи? Одамлар ўз шифосини ва ҳаётни қабул қилишлари учун эшитиши зарур бўлган сўзларни айтиш мақсадида, Шоҳ сизни қаерга юбормоқчи? Сиз тайёрлаган сўзларнинг ўрнига, Унинг маслаҳатини етказишга тайёрмисиз? Сизни хафа қилган кишини дуо қилишга тайёрмисиз? Тикланиш ҳақида фарёд қилаётган одамлар ва вазиятларга қарата, менинг эмас, Отамнинг сўзларини такрорлашингизни сўрайман.

• • •

*Самовий азиз Ота,*

*Мен содиқлик ҳаракати сифатида ўз ҳаётимни  
Сенинг қаршингга келтираман. Мен ҳафсаласи пирлик  
ҳолатида курашишдан чарчадим. Сен ўз сўзинг ва  
севгингга содиқсан, Сен ҳамма нарсани яхшиликка  
ўгирасан. Мен ўз кучим билан олиб юрган барча  
нарсаларни Сенга топшираман. Мен Сенга вақт  
бераман ва Сендан ўтинаман, менга йўз донолигинг  
ва сўзларингни ато этгин. Мен Сенга ўзимнинг  
бор садоқатимни ҳадя этаман ва ўзимни Сенга  
бағишилайман. Мени яралаш эмас, балки шифолаш  
аслаҳаси билан анжомлагин. Исо Масиҳ номи билан,  
Омин.*

• • •

Охирги бобга ўтаётиб, биз олиб юришимиз мумкин бўлган  
қиличларнинг барига таъриф беришга жой етмаслигини  
биламан, негаки қилич – аҳамиятли даражада шахсий қурол.  
Кейинги бўлимда, уйдан ҳеч қачон қиличсиз чиқмасликка  
чорлаб қоламан.


ТҮРТИНЧИ ҚИСМ  
ЮБОРИЛГАН



## Хочни олиб юриш

*Биз ўзимизни уйғотишимииз зарур! Ёки  
бошқа бирор бизнинг жойимизни эгаллаб,  
хочимизни олиб боради, шу тариқа биз  
тождан қуруқ қоламиз.*

– Уильям Бут



Биз сиз билан ҳам қиличга, ҳам тожга әгамиз. Күп ҳолларда биз кўринмас хочни олиб юрамиз. Биз унинг ҳаракатини кўрамиз, лекин унинг шаклини кўрмаймиз. Худди шундай, Масиҳда биз кўринмас тожни ҳам қўлга киритдик.

“Инсон нимадирки, Сен уни эслаяпсан? Ёки инсон ўғли нимадирки, Сен уни йўқламоқдасан? Сен уни фаришталардан бир оз паст қўйдинг, унга шуҳрату шараф тожини кийдирдинг ва Ўз қўлларингнинг ишлари устидан қўйдинг. Ҳамма нарсани унинг оёқлари остига бўйсундирдинг”. Худо ҳамма нарсани одамнинг оёқлари остига бўйсундирган бўлса, демак, унга тобе бўлмаган бирор нарсани қолдирмади. Лекин ҳозир унга ҳамма нарсанинг бўйсунганини ҳали кўрмаяпмиз” (Ибронийларга 2:6-8).

Тож ерда бизнинг ҳокимиятга эга ҳолатимизни намойиш этади. Самонинг элчилари сифатида, биз ушбу шоҳлик кучида мададга әгамиз.

*Масиҳни таниб-билишини ўрганинг, айниқса  
хочга михланган Масиҳни. Унга куйлаб:  
“Раббий Исо, Сен менинг ҳақлигимсан, мен  
эса – Сенинг гуноҳингман. Сен менга тегишили  
бўлган нарсани Ўзингга олиб, менга эса  
Ўзингга тегишили бўлган нарсани бердинг.  
Мен олдин бўлмаган инсонга айланишим учун,  
Сен менга айландинг” – деб айтинг.*

– Мартин Лютер

Биз тожни кийиб юрамиз, хочни эса олиб юрамиз. Биз тож кийиб юришимиз учун, Исо хочга борди. У биздек бўлди. Унга ўхшаш бўлишнинг вақти келмадимикан?

“Шунда Исо Ўз шогирдларига деди: – Агар ким Менинг ортимдан юришни истаса, ўзидан воз кечсин ва ўз хочини кўтариб, Менга эргашсин” (Матто 16:24).

Қандай қилиб бу ўта шахсий топшириқни бажариш мумкин? Бу учта таркибий қисмга эга: ўзидан кечиш, хочини кўтариш ва Исонинг ортидан бориш. Менинг худбинона истакларим сизникидан нақадар фарқ қилса, хочим ҳам, шунга муносиб равишда маҳсусдир. Мен сизнинг хочингизни кўтариб юрмаганимдек, сиз ҳам менинг хочимни олиб юрмайсиз.

Биз ўз хочимизни қай тарзда олиб юришни билишдан аввал, хочга тааллуқли бўлган бир нечта саволларга жавоб беришимиз зарур. Исо биздан айнан нимани олиб юришни сўрамоқда? Ўз хочимизни қаердан топишимиз мумкин? Хоч биз ҳаётимиз давомида олиб юришимиз керак бўлган юкми? Ёки хоч бирга қилиб боғланган иккита ёғоч ходадан кўра сирлироқ нарсани англатадими? Хоч шу қадар буюқ гўзалликка эгаки, ҳеч қандай маржон ёки безак унга teng кела олмайди. Хоч најот заҳмати, бизнинг қўлимизга берган барча нарсаларни ўз ичига олишига чин юракдан ишонаман.

Хоч – бу безак эмас. Хочни олиб юриш – бу бизга юкланган вазифа. Бу якуний бўлимда, хочни қаҳрамонларча олиб юришнинг мазмуни ҳақида бўлишмоқчиман.

## Хоч ҳақида сұхбат

Бир марта кечаси, Песаң байрами олдидан, уйқуга ғарқ бўлган чоғим, Муқаддас Рӯҳ мендан сўради: “Лиза, хочни олиб юришни қандай тушунасан?” Уйқу аралаш минғирладим: “Ўзидан кечиш”. Бунга жавобан, қуйидагини эшитдим: “Йўқ, бу биринчи қадам, холос”. Шунда бироз жўръатсизлик билан тахмин қилдим: “Ўз иродасини бир четга суреб қўйиш”. “Ўзидан кечиш, ўз иродасини бир четга суреб қўйишни англатади, ўз хочини олиб юришчи?”

Ўша пайтда менда жавоб йўқлигини тушундим, саволлар эса тўхтамасди.

“Ўз хочингни олиб юрибсанми, ёки уни уйда қолдириб келдингми, буни қандай билиш мумкин?”

“Лиза, сенинг хочингнинг оғирлиги қанча?”

“Сен ўз хочингни қаерда сақлайсан?”

Кўз олдимга, кириш эшиги ёнида туродиган жавондаги тартибсиз ҳолда турган нарсаларнинг тимсоли гавдаланди. Кўзимни очишга уриниб, кроватимга ўтирдим ва баланд овозда шивирладим: “Мен билмайман”.

Билмаслигимни тан олган заҳоти, саволлар тугади. Ростини бўйнимга оладиган бўлсам, мен ҳар битта китобимда у ёки бу даражада хоч ҳақида ёзганман, энди эса, хочни таърифлаш у ёқда турсин, ҳатто у қаерда турганини ҳам билмас эдим.

Биз ўз эҳтиёжимизни тан олган заҳоти, Худо уни қондириши менга ёқади. Мен ўз нодонлигимга иқрор бўлган пайтим, жавоблар ёғила бошлади. Мен: “Бундан олдин тузган рўйхатни топ” – деган ундовни эшитдим.

Бешинчи бобда айтиб ўтганимдек, мен ижтимоий тармоқларда савол-жавоб ўтказдим ва хоч ҳақида етарли даражада кўп қисқа таърифлар йиқкан эдим. Яна сизга, қофозда қўлдан беш юздан ортиқ жавобларни ёзиб олганимни айтмаган эдим. Мен Жоннинг иш хонасига кириб, ўша рўйхатни топдим ва уни кроватимга олиб кетдим, кейин барча таърифларни ўзимнинг iPAdimга кўчириб олдим. Мана, график тарзида тақсимлаган сўзларнинг бир қанчаси:

Савол-жавобда келтирилган барча жавобларнинг ичидаги битта анифини топишга ҳаракат қилдим, бироқ ҳеч ким бу



жавобни айтмаган эди, шу боис буни ўзим ёздим: қурол. Турли одамлар юборган сўзларнинг рўйхатига қараб, Муқаддас Рух шивирлаганини эшитдим: “Ўз хочингни ол. Бу ва бу ерда ёзилмаган бошқа кўпгина сўзлар, хочни касб этади. Буларнинг барчасини ҳар куни дунёда ўзинг билан олиб юр”.

Мен титроқ құлларим билан ушлаб турған рўйхатни кўздан кечирдим. Ҳақиқатдан ҳам шундай! Исо ҳам Кимлигига тегишли бўлган ҳамма нарсани берганидек, Хоч ҳам ўзи ғалаба қозонган барча нарсаларни бизга берди! Хоч ёрдамида Масих биз учун севги, кечирим, озодлик ва најотни сотиб олди. Одамларга ўзим бошимдан кечирган нарсаларни етказиш вақти келди. Бу сўзларнинг ҳаммаси хочнинг бир тусини ва таркибий қисмини ташкил этади ва уни ҳалок бўлаётган дунёга элтиш керак. (Ҳатто, бир қанча жамоатларга ҳам.) Қуйидаги оятда Повул, қай тарзда хочини олиб юришини айтган:

“Бу хоч ҳақидаги қимматли мактубни биз оддий лой идишларда кундалик ҳаётимизда олиб юрамиз”  
(2-Кор. 4:7, инглизчадан MSG таржимаси).

Мен олиб юрган хоч, У мен учун амалга оширган барча ғалабалардан ташкил топган, худди шундай, сиз олиб юрган хоч ҳам – бу сизнинг Хушхабарингиз ёки Худо сиз учун қилган ишлари ҳақидаги гувоҳлигингиздир. Бироқ биз бунда тўхтаб қолмаймиз. Биз самонинг қимматли инъомларини қуювчи идишлармиз. Биз Хушхабарни сиқибчиқармаймиз, шунчаки уни олиб юрамиз. Шу аснода нотабий нарсалар, кундалик одатий ҳаётимизга ўтади. Ҳар куни шахобча, самолёт ва ишхонамга, ўзим билан хоҷдаги умид, севги ва кечиримни олиб бораман. Уларни тақдир мени қаерга бошласа, ўша ерга олиб бораман. Борган жойларимда мен хочнинг кучи ва мўъжизасини тақдим этаман.

Повул Римдаги янги имонга келганларга, қай тарзда ўз хочини олиб юришни айтганига қулоқ солинг:

“Хуллас, биродарларим, сиздан Худонинг шафқати билан ўтинаман, одатий кундалик ҳаётингиз бўлмиш, уйқу, тушлик, иш ва бошқа ишларингизни Худога қурбонлик сифатида олиб келинг. У сизлар учун амалга оширганларини қабул қилиш – бу сиз У учун бажарадиганларнинг энг яхшиси ҳисобланади. Ўз маданиятингиз билан бирлашиб учун унга мувофиқлашманг, ҳатто бу ҳақида ўйламанг ҳам. Бунинг ўрнига Худога диққат қаратинг ва ичингиздан ташқари томонга қараб ўзгарасиз. У сиздан нимани исташини билишга шай бўлинг ва Унга тезлик билан жавоб қайтаринг” (Рим. 12:1, 2, инглизчадан MSG таржимасиз, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Исо расмий хушхабар хизматлари, анжуманлар ва ҳатто, кундалик йиғинлар ҳам ўтказмаган. Шунга қарамай, Унинг ҳар битта уйғоқ лаҳзаси мактуб бўлган. (Анжуман ва йиғинларнинг ёмон жойи йўқ, бироқ улар ҳаётимизнинг энг муҳим қисмини эгалламайди.) Исо қаерга бормасин, Ўзи билан Худони олиб юрган. Сиздан ҳам Худо шундай қилишни сўрамоқда. Худо сиз учун амалга оширганларини қабул қилишни ва ўз хочингизни олиб юришни сўрамоқда. Бу ҳақиқатга киришсак, яшаймиз ва дунёга бошқа кўзлар билан қараймиз. Ҳар куни биз шундай ибодат қилсак бўлмайдими: “Самовий Ота, Сенинг Ўғлинг

хочга михланиш орқали эга бўлган ҳамма нарса, бугун менинг ҳаётимда ва у орқали ўз ифодасини топсин. Сенинг меҳнатингни кўкларга кўтариш ва ортингдан бориш учун, ўз гуноҳимдан ва ўтмишдаги чекланишларимдан воз кечишни танлайман”.

### Қиличбозлик санъатидан факт

Толиққанингда ҳам, касал бўлганингда ҳам, жазирама вақтида ўта қизиб кетганингда ҳам, ўта совуқ еганингда ҳам, ёмғир ёққанида ҳам, нафратланганингда ҳам кураш.

Шундай ибодат қилсак, дунё Исонинг улуғланишини кўрарди.

Бу алмашинув содир бўлган онда, бизнинг дунё қарашимиз ўзгаради. Ўзимизга қарашнинг ўрнига, Исонинг ҳаётига диққат қаратайлик. Муқаддас Китобни ўқиб, у ердаги вақтида ўтган йўлини таниб-биламиз. Текин олганларимизни, текин берамиз.

### Ўз хочимизни олиб юрамиз

Келинг, бу йўлни биргаликда ўтамиз. Хоч Худонинг шартсиз севгисини мукаммал тарзда ифодалаганини тан оласизми? Исо ҳақида эшифтмаган миллионлаб одамлар, биз шартсиз севгининг ифодасини олиб келишимизни кутиб турганига заррача ҳам шубҳангиз борми? Буни қандай қилиш мумкин? Унинг намунасига эргашамиз.

Исо одамларга ҳақиқатни айтиб, очларни тўйдириб, жинларни қувиб, касалларни даволаб, диндорликни фош қилиб ва ўликларни тирилтириб, севги кўрсатди.

“Исо бутун Галилияни айланиб, уларнинг синагогалирида таълим бериб, Шоҳликнинг хушхабарини воизлик қиласлар ва одамлар орасида барча касалликларни ва барча заифликларни шифолар эди” (Матто 4:23, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Унинг изидан боринг.

Кечирим ҳақида нима деймиз? Наҳотки бугун кечиримга эҳтиёж кам бўлса, наҳотки айборлик ва уят асрлигига яшаётган

одамлар бугун кам бўлса? Уларга кечирим хочини олиб боринг, улар ҳам кечиримни текин олишлари учун, уларни текин кечиринг ва Хушхабарни воизлик қилинг.

“Мана, Унинг олдига тўшақда ётган шол одамни олиб келдилар. Исо уларнинг имонини кўриб, шолга қараб: “Дадил бўл, болам! Сенинг гуноҳларинг кечирилди”, – деди. Шунда баъзи уламолар ўз ичларида: “У куфр қиляпти”, – дедилар. Исо уларнинг фикрларини билиб, деди: “Нима учун сизлар юракларингизда ёмон нарсани ўйлаяпсизлар? Ахир: “Сенинг гуноҳларинг кечирилди”, – деб айтиш осонроқми ёки: “Ўрнингдан туриб, юргин”, – деб айтишми? Лекин Инсон Ўғлининг ер юзида гуноҳларни кечириш ҳокимииятига эга эканлигини билиб олинглар”, – деди-ю, сўнgra шолга: “Ўрнингдан тур, тўшагингни олиб, уйингга бор”, – деди. У эса туриб, ўз тўшагини олди ва ўйига кетди. Халқ буни кўриб ҳайратланди ва одамларга шундай ҳокимият берган Худони улуғлади” (Матто 9:2-8, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Унинг изидан боринг.

У бизга шифолаш ва кечириш ҳокимияти берилганини билишимиз учун шундай қилган. У бу мўъжизани Инсон Ўғли сифатида амалга оширди! Биз Худонинг қизлари эса янада кўпроқ ишларни амалга ошира олмаймизми?

Бундан ташқари, озодлик масаласи ҳам бор. Тарихда ҳирс, очкўзлик, бутпарастлик ва бузукликка шу қадар ружу кўйган авлод бўлганми? Айрим кишиларни иш ёки фоҳишалик учун ҳеч муболағасиз сотишмоқда. Бундай одамларга озодлик хочини олиб боринг. Сиз, қандай қилиб, деб сўрашингиз мумкин. Исо одамларга ҳақиқатни айтиб, очларни тўйдириб, жинларни қувиб, касалларни даволаб, диндорликни фош қилиб ва ўликларни тирилтириб, улар озод эканини кўрсатди.

“Яъни Худо Назарет шаҳридан бўлган Исони Муқаддас Рӯҳ ва қудрат билан мойлади ҳамда У эзгулик қилиб ва иблиснинг зулми остида бўлганларнинг ҳаммасини

шифолаб юрди, чунки Худо У билан бирга эди” (Ҳаворийлар 10:38, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Унинг изидан боринг.

Исо эзгулик қилиб ва иблиснинг зулми остида бўлганларнинг ҳаммасини шифолаб юрди, чунки Худо У билан бирга эди. Ижтимоий адолат ва нотабийлиқдан бирини танлашнинг ҳожати йўқ. Исо унисини ҳам, бунисини ҳам амалга оширди. Келинг, исмимизни бирхиллиқдан ўчирамиз, Исони эса Эммануил – “Худо биз билан” – деб атаймиз ва У амалга оширган ишларни, биз ҳам амалга оширамиз.

Одамлар бор ҳамма жойда гуноҳдан ювилиш эҳтиёжи милтиллаб турибди. “Гуноҳдан ювилиш” жумласи құдратли кенглилкка эга, таърифига кўра у қутқарилиш, алмашинув, озодликка чиқиш, халос бўлиш, ўзгариш, тикланиш ва соғайиш маъноларини ўз ичига олади. Наҳотки бу сўзларнинг барчасига бўлган эҳтиёж, ҳозирда камайган бўлса? Гуноҳдан ювилиш саналадиган халос этилиш хочини бошқаларга кундалик ҳаётингизда кўрсатинг.

Яна бир бора, Исо одамларга ҳақиқатни айтиб, очларни тўйдириб, жинларни қувиб, касалларни даволаб, диндорликни фош қилиб ва ўликларни тирилтириб, улар гуноҳдан ювилганини кўрсатган.

“Раббий қутқарган, У душманнинг қўлидан озод қилган десинлар” (Сано 106:2).

Ушбу насиҳатдан сўнг, 106-Санода Худонинг халқини оғатларга олиб келган вазиятларнинг рўйхати санаб ўтилган. Унда сиз ёлғиз эмаслигингиз ёзилган, шу боис уни ўқинг. У узундан-узоқ бўлгани сабабли, мен уни бу китобнинг барча саҳифаларини банд қилиб, келтириб ўтирмадим! Сиз ўз хатоингиз биланми ёки бошқанинг хатоси биланми, кўнгилсизликка тушишингиздан қатъий назар, Худо сизни гуноҳлардан ювишини унутманг. Биз фалокатнинг жойига қай аснода келиб қолганимизга қарамай, У бизни Ўзининг иноят жойига олиб келади. Ёлғиз У қутқариш кучига эга ва барча гуноҳи ювилганлар бу ҳақида эълон қилишлари зарур! Бу ҳам хочни олиб юришнинг услубларидан бири.

“Чунки Сен менинг жонимни дўзахда қолдирмайсан ва  
 йўз муқаддасингга чиришни кўришига йўл қўймайсан.  
 Сен менга ҳаёт йўлини кўрсатасан. Қувончнинг  
 тўлиқлиги – Сенинг ҳузурингдадир, лаззат тоабад  
 Сенинг ўнг қўлингдадир” (Сано 15:10, 11).

Бу сўзлар Довудга тегишли, бироқ бу илгари Исога берилган  
 ваъда эди, энди эса у бизга тегишли.

Унинг изидан боринг.

Сиз ҳозир қаерда бўлишингиздан қатъий назар, бу гуноҳи  
 ювилганлар учун берилган ваъда. Бу хочнинг құдрати. Шоҳлик  
 Хушхабарини эълон қилиш учун яна қандайдир бошқа тимсол  
 кўпроқ кучга эгами? Масиҳнинг хоҷдаги қўрбонлиги сизнинг  
 ҳаётингиз, танангиз ва муносабатларингизни шифолаганми? У  
 ҳали ҳам олдингидек ҳар қандай иллат ва заифликни шифолаш  
 кучига эга эканига ишонасизми? Биз Исо кеча, бугун ва абадий  
 ўзгармас эканини биламиз. Хоч ҳақида ҳам шундай десак  
 бўлмайдими? Исо тирилгандан сўнг, йўз шогирдларини Унинг  
 мисолига эргашишга қайта чақирмоқда.

“Шунда Исони кўриб, улар Унга сажда қилдилар,  
 баъзилари эса шубҳаландилар. Исо уларга яқинлашиб,  
 шундай деди: “Осмонда ҳам, ерда ҳам бор ҳокимият  
 Менга берилган. Шундай экан, боринглар ва барча  
 халқлардан шогирд ортиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва  
 Муқаддас Рӯҳ номи билан сувга чўмдириб, Мен сизларга  
 буюрган барча нарсаларга риоя қилишни ўргатинглар.  
 Мана, то дунёнинг охиригача ҳар куни Мен сизлар билан  
 биргаман. Омин” (Матто 28:17-20).

Агарда У биз билан ва У ўзгармас экан, унда У хоч қўлга  
 киритганларини бутун дунёга кўз-кўз қилишни истайди.

“Ниҳоят, дастурхон атрофида ёнбошлаб ўтирган ўн бир  
 шогирдига зоҳир бўлди. Уни тирилган ҳолда кўрганларга  
 ишонмаганлари учун, яъни уларнинг имонсизликлари  
 ва юраклари қаттиқлиги учун уларни койиди. Сўнг Исо  
 шогирдларига деди: “Бутун дунё бўйлаб юринглар. Ҳамма  
 тирик жонга Хушхабарни воизлик қилинглар. Ким имон

келтириб сувга чўмса, нажот топади, ишонмаган эса маҳкум бўлади. Имон келтирганларга бундай аломатлар ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар, янги тилларда сўзлайдилар. Илонларни ушлайдилар, заҳарли нарса иссалар ҳам уларга зиён етказмайди. Беморларга қўлларини қўйганларида, улар шифо топадилар”. Шундай қилиб, Раббий улар билан суҳбатлашганидан кейин, осмонга кўтарилди ва Худонинг ўнг томонида ўтирди. Улар эса кетдилар ва ҳар ерда воизлик қилиб юрдилар. Раббий уларга кўмаклашар ва мўъжизалар орқали йўз сўзини тасдиқлар эди. Омин” (Марк 16:14-18).

Исонинг барча шогирдлари Унинг ортидан эргашиб, мўъжиза ва аломатларни кўра олишидан аввал, У уларнинг юрагидаги шубҳа, имонсизлик ва бешафқатликни тартибга келтиришига тўғри келди. Биз жинларнинг ортидан қувишимиз керак эмас, аммо Исонинг ортидан узоқ вақт эргашсангиз, уларни учратиб туришингиз эҳтимоли бор. Улар билан мулоқотга киришманг. Уларни жим қилиш учун Худонинг Сўзи саналган қиличдан фойдаланинг, сўнг Исо Масих номи билан уларни қувинг.

Сизга маълум бўлган барча тилларда самовий ҳақиқатни гапиринг.

Атайлаб илонни қўлга олиш ёки заҳар ичиш аҳмоқлик. Исо ҳам ўзини баланд қоядан пастга отмаган ва албатта, шогирдларига заҳарли илонлар ёки заҳарли ичимликлар билан ўйнашишни таклиф қилмаяпти. Бу матнда ҳимоя ваъдаси берилган. У биз bemорларга текканимизда, улар соғайишини ваъда берган. Касаллар энди, бошқалар юқумли деб қўрқадиган нопок одамлар ҳисобланмайдилар. Исо нопокларга теккан, улар ҳам Исога текканлар, бироқ улар соғайганлар. Сиз: “Бу Исо-да”, дейишингиз мумкин. Она Тереза мохов касалларига яқинлашишга қарор қилганида, ушбу хавфли ёқумли иллатнинг тарқалишини олдини оладиган восита ўйлаб топилганини эслайман.

“Халқ орасида ҳаворийларнинг қўллари билан кўп аломатлар ва мўъжизалар содир этилаётган эди.

Ҳаммалари яқдиллик билан Сулаймоннинг равоғида эдилар. Улар ҳар куни маъбадда ҳамда уйларда Исо Масиҳ ҳақида таълим бериш ва Хушхабарни воизлик қилишдан тинмас эдилар” (Ҳаворийлар 5:12, 42).

Мўъжизалар ва аломатлар, таълимот ва воизлик кундалик ишларимизга айланиши лозим. Айни пайтда, тўғрисини айтсам... нотабиийликлар, тобора табиий бўлиб боришини ва Унинг улуғворлиги ҳар куни эълон қилинишини истайман. Хуллас, мен охиригача Унинг исмини воизлик қиласман ва Исонинг бошқарувига эргашаман. Агарда илк Жамоат хоч мактубини, қаерга борса ҳам, ўзи билан олиб борган ва одамларнинг юраклари руҳланган, беморлар тузалган, хўрланганлар озодликка чиққан бўлса, нега энди бугунги кунда бу ҳаётимизда бўлмаслиги керак?

Исо олдингидек мўъжизалар яратишни исташининг аломатини изляяпсизми? Хоч – бизнинг аломатимиз, сиз эса – унинг мўъжизасисиз!

Биз Масиҳнинг хочини қанча воизлик қилсак ва Худонинг Сўзи бўйича яшасак, шунча мўъжиза ва аломатларнинг гувоҳи бўламиз. Қурумсоқ Хушхабар, қурумсоқ натижаларни олиб келади. Хочнинг фақат ярим имтиёzlари ҳақидаги воизлик, фақат ярим имтиёzlарни келтириб чиқаради. Ясамадан, асл ва бор куч билан ишлагандек натижа кутиб бўлмайди.

“Менинг сўзим ҳамда воизлигим инсоний доноликнинг ишонтиарлар сўзларидан эмас, балки руҳ ва куч-қудратнинг намоён бўлишидан иборат эди, токи имонингиз инсоннинг донолигига эмас, балки Худонинг куч-қудратига асосланган бўлсин” (1-Кор. 2:4, 5).

Мадорсиз Хушхабар, кам кучни келтириб чиқаради. Исонинг қони иноят сари йўл очди, токи биз самодан барча керакли қудратга эга бўлишимиз учун, дадиллик билан шу иноятга кела олайлик.

“Ишончимиз эътирофини иккиланмай маҳкам тутайлик, чунки ваъда берган Худо содикдир. Бир-биirimизга эътибор бериб, севгига ва хайрли ишларга

рағбатлантирайлик. Баъзиларда бўлган одат каби йиғинларимизни қолдирмайлик. Аксинча, ўша кун яқинлашиб келаётганини кўриб, бир-биримизга янада кўпроқ далда берайлик” (Ибронийларга 10:23-25).

## Тирик қиличлар

Буларнинг барини сизда олов алангаланиши учун битдим. Биз бошимизни қашилаб ва танавий манманлигимизда ҳаддан зиёд вақт юрдик. Унинг қиличи бўлиб, кенглиқда ўсиш вақти келди.

“Эй, умидвор асирлар, қалъаларингизга қайтинглар. Мен бугун эълон қиласман: сизларга икки карра қаримта бераман. Зеро Мен Яҳудони Ўзимга камон ёйидек тортаман, камонимни Эфрайим билан тўлдираман. Эй, Сион, Мен сенинг ўғилларингни Юнон ўғилларига қарши кўтараман ва сени паҳлавоннинг қиличи каби қиласман” (Закарияҳ 9:12, 13, ёзма ҳарфлар муаллифга тегишли).

Исо танага айланган Отанинг Сўзи бўлгани каби, бизнинг ҳаётимиз ҳам танага айланган Исонинг Сўзи бўлиши лозим, негаки Худонинг Сўзи – бу Руҳнинг қиличи, Исо эса танага айланган Сўз эди. Биз ҳам Унинг Танаси сифатида тирик қиличларга айланишимиз зарур. “Сен фаришталарингни шамоллар, хизматчиларингни оташин олов қиласан” (Сано 103:4). Биз Исо йўл эканини эълон қилувчи ловуллаб турган қиличлармиз.

Унинг Руҳи – бу бизни тезлатиб турадиган шамол, Унинг мактуби – бизнинг сүякларимизда ёнаётган оловдир. У бизнинг ҳаётимизда

**Исо танага  
айланган Отанинг  
Сўзи бўлгани каби,  
бизнинг ҳаётимиз  
ҳам танага  
айланган Исонинг  
Сўзи бўлиши  
лозим.**

гана оширган ва ҳали оширадиган нарсаларнинг барчаси, бизнинг шахсий шубҳаларимиз ва диний анъаналаримиз билан чекланиб қўйилмаслиги керак. Хоч ҳеч нарсани тугалланмаган ҳолда қолдирмади. Нега биз бунча камига рози бўляяпмиз?

Хочизни қаҳрамон бўлиш учун танлади. Биз юракларимизда умид, имконсиз ишларга бўлган имон ва барча одамларга нисбатан севгига эга бўлиб, уни кўтариб юришимиз лозим. Исо нималар қилганининг ҳаммасини ёзиб қўйиш учун, шогирдларда на вақт, на жой бўлган.

“Исо яна кўп ишларни қилди, лекин уларнинг ҳар бири ёзилганида эди, менинг фикримча, ҳатто дунёнинг ўзи ҳам ёзилган китобларни сиғдира олмас эди. Омин”  
(Юҳанно 21:25).

Бу Исо яратган мўъжизаларнинг чеки йўқлигини билдиради. Мен ҳар биримиз, Унинг мўъжизасининг тирик намоёндаси бўлиш учун танланганимизга ишонаман. У Ота билан бир бўлганидек, биз ҳам У билан ҳамоҳанглашиб, Унинг келинини бор қудратда бутун дунёга кўз-кўз қиласиз ва кўпчиликка эришамиз.

Худонинг қизи, ўз аксингишни бир четга қўйинг, чекланганликдан воз кечинг ва Раббийни акс эттиринг. Ҳар куни Унинг инояти, гуноҳдан ювиши ва шафқатини ўзингизга эслатиб туринг. Хоч умид билан кутаётганлар учун ҳадя этган, булатнинг барчасини олиб юрганингизда, Муқаддас Руҳга қулоқ солинг. Унинг ортидан эргашган сари, ҳаётингизнинг барча соҳаларини тўлдирмагунича, Шоҳингизнинг Сўзларини ўқинг ва уларни эътироф этинг. Севикли опа-сингилларим, ўзингиз ҳақингизда бошқа нишон деб ўйламанг, бинобарин, сиз авваламбор Унинг қўлида кўтариладиган қилич бўлиш учун танлангансиз. Қаҳрамон сингари яшанг ва сиз душманга қаратса аниқ зарбалар берасиз ва асрларни озодликка чиқарасиз.

*Кўплар Масиҳнинг хочи, қаҳрамонона ҳаракат  
бўлмаган дейишади, бироқ мен сизга айтаман,  
инсоният тарихида бирорта бошқа воқеа,  
Исо Масиҳнинг хочидек инсонларнинг қалбига  
қаҳрамонликни жойламаган.*

– Жон Ж. Лейк

# ШЕРЛАРНИНГ УЙГОНИШИ

*Уйғон ва ўз дунёнгни ўзгартирип*



“Шерларнинг уйғониши” китобида Лиза, ҳам кучли, ҳам нозик аёлни кўрсатиб, она шерларнинг ҳаёти ва уларнинг Ёзувга оид тимсолини келтирган. Сиз иштиёқ, қудрат ва мақсадни кўра олишингиз учун ундовни эшитасиз, токи қўйидагиларни қўлга киритинг:

- Гангитиб қўядиган кучнинг тимсоли бўлиш;
- Ёш ва ёрдамга муҳтожларни ҳимоя қилиш;
- Ҳамма нарсани ларзага келтирадиган умумий ҳайқириқни кўтариш.

Жон ва Лиза Бивернинг бошқа манбаларини қўйидаги саҳифадан бепул юклаб олишингиз мумкин:

**MessengerX.com**

Кўплаб тилларда кўриш ва юклаб олиш учун қўшимча манбалар [Youtube.com](#), [Yuku.com](#) ва бошқа медиа манбаларда бор.

# MessengerX

Ҳар бир киши учун, ҳамма жойда шогирдликка йўл




- 115 дан ортиқ тилларда бепул
- Илова ҳамда онлайн сифатида олиш мумкин
- Сизнинг руҳий ўсишингиз учун мўлжалланган манбалар
- Ўзингизнинг ўтмишингизни ва шогирдлик йўлингизни кузатиб боринг



“Messenger” ёрдамида ўқиш учун заҳиралар кутубхонасини олинг – электрон китоблар, видео ва аудио дарсликлар, аудио китоблар, Муқаддас Китоб ва ҳоказолар. Ўзингизнинг барча мосламаларингизда кўринг, ўқинг ва тингланг.

**MessengerX.com**



Дунёнинг барча жойида App Store ва Google Play орқали олиш мумкин.

Сизга кўринмас, енгилмас ва боқий қурол берилганини билганингизда, нима қилган бўлар эдингиз? Сиз ундан фойдаланган бўлармидингиз? Тўхтаманг, олдинга бориша давом этинг ва Худонинг Сўзини қўлланг!

Аёллар бутун дунё бўйлаб хурофот, жинсий қуллик, ҳақорат ва ирсият учун нишон ҳисобланадилар. Руҳий душман аёлларни ҳар битта соҳада қуроллантириш имконини излайди. Лиза Бивер Худонинг Сўзи – қўллаш ва фойдаланиш зарур бўлган қилич сифатидаги, унинг ҳаракатини тушунтиради. Борди-ю, қачонлардир аёллар қуролланиши керак бўлса, бу вақт келди.

"Қилич тутган қизлар" китобида, қиличининг (Худонинг Сўзи ва хоч) чархланган ижодкорона бадиий тимсоли, сизни қўйидагиларга ўргатади:

- Ерда, қай аснода само тилида гапириш мумкин;
- Шафоатнинг маъноси нима;
- Ўз хочингни кўтариб юриш нима;
- Фарқлай олиш қобилияти нимани билдиради;
- Душманни қандай қилиб қуролсизлантириш мумкин;
- Нега аёллар душманинг нишони ҳисобланадилар ва нега Худо бизни қаҳрамон бўлишимизни истайди.



Ноёб. Ўткир. Ўта шахсий. Кулгули. Ушбу сўзлар халқаро нотик, оммабоп китоблар муаллифи ва икки юздан ортиқ давлатларга узатиладиган "The Messenger" теледастурининг олиб борувчиларидан бири саналмиш, Лиза Бивернинг услубини таърифлайди.

Лиза Худонинг Сўзи билан аниқ ва лўнда тарзда бўлишади, ҳаётимизни озодлик ва ўзғаришлар ила тўлдириш учун, шахсий тажрибасидан намуналар келтиради. Унинг юраги ижтимоий адолатсизликка қарши кураш истаги билан ёнади ва у ўзғаришлар тарафдори сифатида, умидсизлик ҳамда мушкул вазиятлардаги, узоқ ва яқиндаги одамларнинг муаммоларига ечим бўлишга бизни руҳлантиради.



Бепул юклаш ва видео томоша қилиш учун [MessengerX.com](http://MessengerX.com) саҳифасига ташриф буюринг.

Бу китоб – муаллифдан тухфа.  
Сотиш ман этилади.



**MESSENGER**  
INTERNATIONAL  
[MessengerInternational.org](http://MessengerInternational.org)

Кўпроқ истайсанми?  
Сканер килинг:

